

УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ

(Кўргонтепа тумани фидойилари ҳаётидан)

ТОШКЕНТ

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
2005

Таҳрир ҳайъати:

*М. Қосимов, И. Буваназаров, К. Илёсов, А. Қорабоев,
Т. Ҳўжамбердиев, Ҳ. Жалилова, У. Мамашоипов,
Т. Исмонов, Т. Мадумаров.*

Суратчи *Равшанбек Фозиловнинг* расмларидан фойдаланилди.


1031078
391

Ҳурматли китобхон!

Ушбу китоб бу соҳадаги ишлар мажмуасининг дастлабкисидир. Бу ишда ўзларининг саъй-ҳаракатлари билан холисона ёрдам кўрсатган ташкилотлар раҳбарларига, шаҳар, қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йигинлари раислари ва фаолларига, мурувватли инсонларга узимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Шу билан бирга она-юрти тарихи ва бунёдкор ота-оналаримизнинг туманимиз равнақи йулидаги олижаноб ишлари билан қизиқувчи ўқувчиларни китоб ҳақида фикр билдиришларини ҳамда келгуси жилдларни тайёрлашга ўз ҳиссаларини қўшишларини истар эдик.

Шуни унутмайликки, туғилиб ўsgan юртимиз билан фахрланиш, унинг мўтабар инсонларини эъзозлаш ватанпарварлик ва фарзандлик бурчимиздир.



у 0503020904-106
M 351(04) 2004 2005

ISBN 5-640-03204-9

© «Ўзбекистон» НМИУ, 2005 й.

СҮЗ БОШИ ЎРНИДА

Биз мисли кўрилмаган тарихий даврни бошдан кечириб, ўзлигимизни янгидан кашф этмоқдамиз. Тарихимизнинг теран илдизларидан мадад олиб, азалий қадриятларимиздан, бой маънавий меросимиздан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек: «Бугун янги ўзбек давлатини барпо этарканмиз, биз тарихдан, аждодларимиз меросидан, санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир».

Чиндан ҳам мустақиллик Йиллари мамлакатимиз тарихига асрй орзуласар ушалган давр бўлиб кирди. Ўтган ўн тўрт йиллик сарҳисоб қилинса, асрга татигулик миллний, маънавий-мағкуравий ва маданий янгиликлар рўй бергани, улкан ютуқлар қўлга киритилгани яққол кўринади. Аиънавий қадриятларимиз қайта тикланмоқда.

Ўзбекистон халқининг кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш сари олиб бораётган бунёдкорлик курашида Кўргонтепа туман аҳолиси ҳам фаол иштирок этмоқда. Халқимизнинг маданий-маишӣ турмуш тарзи, дунёқарashi, мулкка ва меҳнатга бўлган муносабатлари тубдан ўзгарди. Энг муҳими, инсон ўзлигини, ўз қадрини англаб етмоқда.

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси, у ким бўлмасин, касби-коридан, мавқеидан қатъи назар, эл-юртига қилган фидоийлиги эвазига қадрланишга, эъзозланишга ҳақли. Дарвоҷе, аждодларимизнинг, фаолларимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўли авлодлар учун ибрат мактабидан иборатдир.

Ана шуларни ҳисобга олиб, туманимизда фахрийлар китобини яратишга азму қарор қилдик. Бу ёдгорлик китобида туманимиз равнақи борасида фидокорона хизматлари билан эл ҳурматига сазовор бўлган, юртда ижобий из қолдирган отахонларимизнинг, онахонларимизнинг, шунингдек, ҳозирда элим деб, юртим деб ёниб яшаётган фидоийларимизнинг ҳаёт йўли ёритилади. Бунинг учун ижодий таҳририят тузилган. Китобга ёзилажак номзодларни саралаш ва тавсия этиш масъулияти шаҳар ҳокимликлари ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари зиммасига юк-

латилади. Бу хайрли ишни амалга оширишда «Нуроний» жамғармаси туман бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, жамоа ва ширкат хўжаликлари, хусусий мулкдорларнинг ҳомийлик ташаббуслари қўллаб-қувватланади.

«Умр зарвараклари» деб номланган ушбу мажмуанинг 1-жилди нашри мустақиллигимизнинг 14 йиллигига тўғри келганилиги алоҳида аҳамият касб этади. Шубҳа йўқки, у маънавий қийматга эгалиги билан туманимиз аҳолиси, хусусан, ёшларимизнинг тарихий қадриятларга, ота-боболар меросига қизиқишини орттиради, ватанпарварлик туйғуларини кучайтиради.

*Маликжон ҚОСИМОВ,
Кўргонтепа туман ҳакими.*

ҚҮРФОНТЕПАМСАН

(Күшик)

Кошоналар султони Құрфонтепамсан,
Корхоналар жаҳони Құрфонтепамсан,
Жононалар макони Құрфонтепамсан,
Парвоналар мезбони Құрфонтепамсан.

Она юртим, диёрим, ифтихоримсан,
Ҳам садоқат рамзию номус-оримсан,
Отамсану оғамсан, севган ёримсан,
Хур оналар ошёни Құрфонтепамсан.

Буюк ипак тасмаси Султонободинг,
Қорасувинг чашмасин ичган авлодинг,
Дардоқ, Чимён барчасин қурган аждодинг,
Дурданалар құрғони Құрфонтепамсан.

Мустақиллик қүёши очди юзингни,
Меҳнат завқи безатди үғил-қизингни,
Эл пешига тузатди нону тузингни,
Марданалар майдони Құрфонтепамсан.

Беш панжадек дарёлар оқадир азал,
Нурга чўмган қишлоғу боғларинг гўзал,
Илҳом олиб шоирлар ёзадир ғазал,
Афсоналар имкони Құрфонтепамсан.

Ўзбекистон шарқи сен, тонготари сен,
Тонг юлдузи балқиса уйғотари сен,
Ватан чорлаб қалқиса олд қатори сен,
Остоналар қалқони Құрфонтепамсан.

Каримжон ИЛЁСОВ

ҚҮРФОНТЕПА ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Қўрфонтепа тумани ўзининг географик ўрни жиҳатидан Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари ҳамда Андижон вилоятининг Жалақудуқ тумани билан чегарадошиб. Тяншань тоғининг Фарғона тизмаси билан Помир тоғининг Олой тизмаси оралиғидан оқиб ўтувчи Қорадарё ўзанида жойлашган бу ҳудуд Фарғона водийсининг энг гўзал, энг сўлим масканларидан бири саналади.

Тоғолди ҳудуди бўлганлиги, серсувлиги, иқлими, тупроғининг унумдорлиги, умуман чорвачиликка ва деҳқончиликка қулай табиий шароити қадим-қадимдан ота-боболаримизнинг бу жойларни макон қилишига имкон яратган. Ўрта Осиёдаги энг ноёб топилмалар (Далварзинтепадан топилган) шундан далолат берадики, бу ҳудудда бундан 4 минг йил аввал ҳам юксак маданиятга эга бўлган аждодларимиз яшаган эканлар. Қўрфонтепа, Қорасув, Султонобод, Ҳонобод, Дардоқ, Чимён каби ўз даврига мос қишлоқлар ва шаҳарчалар барпо этганлар, халқ ҳунармандчилигини, савдони, санъатни ривожлантирганлар, сиёсий-ҳудудий бошқарув тизимини юритганлар.

Бу қишлоқ ва шаҳарларда, уларнинг атрофларида аҳоли анча зич яшаганлиги тарихий манбаларда тилга олинган, буни ҳозир ҳам кенгаяётган қишлоқ ва маҳаллаларнинг кўплигидан билса бўлади. Масалан: Маржонтепа (эски Қўрғон), Шамолбоғ, Суткон, Шайиттепа (Шаҳидмозор), Найман, Кампиробод, Бешкалтак, Ёвкесак, Қуломончек, Дўлон, Қақир, Тошлоқ, Хўжамшукр, Тўрасек, Чегитир, Бўрилик, Қанди, Қизил тўқай, Улуғқозон, Дардоқтепа, Қўштепа, Мукур, Боштўп, Кўтқар, Эшонқишлоқ, Бўстон, Хидирша, Маъмуробод, Жонтўра, Норбўтачек, Қорабағиши...



Кўргонтепа шаҳрида қад кўтарган янги қурилиш коллежи биноси ва унинг очилиш маросими.

Меҳнаткаш ота-боболаримиз асрлар давомида, қандай ижтимоий-сиёсий тузум бўлмасин, қандай иқтисодий ва тарихий жараён бўлмасин, ҳамиша бунёдкорлик билан шуғулланганлар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари ўлароқ Кампиробод сингари карвонсаройлар, тарихий ёдгорликлар, мадрасаю масжидлар, қишлоқ ва шаҳарларни ўзаро боғловчи тош йўл, асфальт ва темир йўллар бунёд этилди. Шунингдек. Дардоқсой, Савойариқ ва Қорағуонон каби каналлар, Андижон сув омборидек улкан сув иншооти, пахта, гишт,

кабель, ун заводлари, тўқимачилик ва паррандачилик фабрикалари, санъат саройлари, илм даргоҳлари, соғломлаштириш муассасалари қурилди. Атрофда Андижон, Наманган, Ўш, Ўзган каби катта-катта шаҳарлар борлиги ва бу ерлардан Буюк ипак йўлининг ўтганлиги туманинг ҳар томонлама ривожланишида ижобий роль ўйнаган. Энг муҳими, боболаримиз ўз миллий қадриятларини, тили ва эътиқодини, юксак маънавий фазилатларини пок сақлаб, биз авлодларга мерос қолдиргандар.

Ўн тўрт йилдирки, ана шу меросхўр авлод асрлар давомида орзу қилиб келинган мустақиллик байроғини қўлга олиб, келажаги буюк бўлган обод ва озод Ўзбекистоннинг равнақи йўлида дадил одимламоқда. Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек, биз янги, буюк ўзгаришлар, жамиятимизнинг янгиланиши ва қурдатли тараққиёти бўсағасида турибмиз.

Қўрғонтепа тумани 448,6 квадрат километр ер майдонига эта бўлиб, шундан 20564 гектари суғориладиган экин майдонларини ташкил этади. Аҳолиси 180 мингдан ортиқ (асосан ўзбеклар, қирғизлар, шунингдек, уйғур, татар, тоҷик, рус, қозок, корейс ва бошқа бир қанча миллат вакиллари). Туманда 69 мактаб, лицей, гимназия ва коллежлар бўлиб, буларда 3000 дан зиёд педагог фаолият кўрсатмоқда. 535 ўринли шифохона, 120 ўринли туғуруқхона мажмуаси, 600 ўринли поликлиника, 12 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 5 та хусусий шифохоналар мавжуд. Буларда 1800 нафардан зиёд шифокорлар халқ саломатлигини сақлаш йўлида хизмат қиласидилар. Туманда 13 минг киши нафақа билан таъминланган. Аҳолининг 90 фоизи ичимлик суви ва газ билан, 100 фоизи электр билан таъминланган. Туманда ўндан ортиқ йирик завод ва фабрикалар, тўртта қўшма ва мингдан зиёд хусусий кичик корхоналар мавжуд. Қўрғонтепа ва Қорасув шаҳарларида замонавий йирик бозорлар, қолган барча қишлоқ марказларида савдо-сотиқ ва майший хизмат кўрсатиш гузарлари ташкил этилган. 19 та жамоа ва ширкат хўжаликлари, 253 та деҳқон ва фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик ҳамда чорвачилик билан шуғулланадилар.

Кўрфонтепани бугунгидек етук агросаноат туманига, гуллаб-яшнаётган гўзал маконга айлантиришда унинг ажойиб, фидокор одамларининг хизматлари бебаҳодир. Иноғомжон Хидирилиев, Амирхон Мусаев, Сайд Чилмуҳаммедов, Абдураҳмон Жумабоев, Қосимбек Нишонбеков, Убайдулла Азизий, Иззатой Тошматова, Бўрибой Аҳмедов, Исмоилжон Қурбонов, Оқийўл Маркаев, Қўчқор Авазматов, Нуриддин Омонбоев, Мўминжон Содиқов, Жўра Қодиров, Ойзода Тўланова, Иброҳимжон Тошхўжаев, Узоқбой Саримсоқов... Бу каби элга садоқат ила хизмат қилган отахононахонларимиз жуда кўп. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида достонлар яратилса арзийди, зеро ҳар бири туманимизнинг номини улувлаганлар, шарафлаганлар, оламга ёйганлар. Бу инсонлар қадр-қиммати ўз халқининг қалбига меҳр билан йўғрилгандир.

Биз бу китобда Кўрфонтепа туманининг ташкил топиши, босиб ўтган йўли ва бугунги даражага етишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшган мўътабар инсонлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот беришга жазм қилдик.

ОРИФОНА ҲАЁТ



Орифжон Абдуллаев 1914 йили Кўргонтепанинг Андижон-сой бўйида жойлашган сўлим масканларидан бири Эшон-қишлоқда дунёга келган.

Лекин у «туғилиб кўз очган дунё бузғун эди, хароб, бенаво, вайронада изилларди ел...» Юрт нотинч, замон алғов-далғовликлар билан тўла эди. Қишлоқдаги эски мактабда араб имлосида савод чиқарган 15 ёшли йигитча 1929 йили янги ташкил этилган «Савой» давлат хўжалигидаги Ўқун комбинатида лотин имлосида таҳсил олди, ҳунар ўрганди. Шу ернинг ўзида дастлабки келган трактор рулига ўтириб, меҳнат фаолиятини бошлади. Орифжон янгиликка интилувчан, сергак ёшлар қаторидан жой олди. Собиқ «Қизил Узбекистон» колхозида ёшлар уюшмасининг етакчиси, саводсизликни тугатиш курсининг ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1934 йили уни Кўргонтепа қишлоқ кенгашининг котиби, сўнг раиси этиб сайладилар. У энди одамлар билан, одамлар ташвиши билан шуғулланади. Қишлоқда янги мактаблар, касалхоналар очиш, оч-юпун ҳалқни, қаровсиз қолган оиласаларни боқиши, эндиғина ташкил этилган артел-колхозларни оёққа турғазиш, айниқса, 2-жаҳон уруши бошлангач, фронт учун, фронт орқаси учун туну куни тиним билмай ишлаш талаб этиларди. Бошга тушса кўз кўради. Оғир-босиқлик, фаросат билан иш юритиш фазилати ёш раҳбарга қўл келди. У эл дардини бирга тортиди, уруш келтирган мислсиз оғатларга, йўқотишларга чидали, енгди, чиникиди.

1945 йилдан бошлаб колхозларда раис, МТСда бўлим бошлиғи вазифаларида меҳнат қилиб, хўжаликларни қайта тиклаш, урун асоратларини тугатиш, қишлоқларда турмуш маданиятини қарор топтириш, дон, пахта ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга бош бўлди. Шунингдек,

тўқайлик ерларни ўзлаштириш, техника сотиб олиш, қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлашда иштирок этди. Яна қишлоқ, сўнг шаҳар типидаги Қўргонтепа кенгашига раҳбарлик қилди, туман коммунал хўжалигини бошқарди. Бу даврда Орифжон ака туман марказини ободонлангтириш, ҳозирги авлодлар яйраб-яшнаб маданий ҳордиқ чиқараётган Истироҳат бофини, гулзорлар, фавворалар, газ ва ичимлик суви билан таъминланган шинам уйлар барпо этишдек олижаноб юмушларни бажариша қатнашди.

Орифжон ака Қўчкор Авазматов, Узоқбой Саримсоқов, Исмоилжон Қурбонов, Мўминжон Исмоилов, Боқижон Ҳамроқуловларнинг сафдоши, сирдоши, маслаҳатгўйи эди. Хотираси ўткирлигига, эртани кўра билишига, мулойимлигига, ўзбек мумтоз адабиёти ва куйларини ёқтиришига ҳамма қойил қоларди. У одамлар ташвишини ўзиники деб биларди. Ушбу сатрлар муаллифи гувоҳ: Маъмурободда Мулла ака (Абдувоҳид ака)нинг кампири бандачилик қилди. Таъзияга келган Орифжон ака дўстининг ҳолини кузатар экан, ўзини тўхтатолмай йифлади. Сабаб? Қирқ йилдан зиёд бир ёстиқقا бош қўйиб, фарзандлар улғайтириб, турмушнинг аччиқ-чучугини бирга баҳам кўрган, кексайганда бир-бираға суюнишиб қолган меҳрибон азизасидан жудо бўлиш нелигини Орифжон ака аввалроқ тотиган эди-да! Энди дўстининг эртанги кунларини кўз олдига келтириб, у ана шундай эзилганди. О. Абдуллаев 1974 йилда кексалик нафақасига чиққан бўлса-да, меҳнат фахрийси сифатида туманимиз аҳолиси ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлиб юрди. У ўзининг доно маслаҳатларини ўшлардан аямас, кексайганда инсон ўзини қандай тутиши лозимлигини тенгкурларига ибрат или намойиш этарди. Унинг ўзи бир мактаб эди. Ана ўша одамийлик мактабида биринчи бор сабоқ олган, албатта, «муаллим»нинг ўз фарзандлариридир. 9 нафар ўғил-қизларни вояга етказиб, ўқитиб, уйли-жойли қилишдек оталик шарафли бурчини аъло даражада ўтади. Комилахон, Муқаддамхонлар нафақада, Одилжон — мустақил Ўзбекистоннинг қалдиргоч тадбиркорларидан, Ўқтамхону Турсунойлар — бичувчи-тикувчи. Ботиржон — мактаб директори, Қодиржон — фермер хўжалиги раиси, Қизлархон — шифокор, Қобилжон — тадбиркор. Фарзандларининг ҳаммаси ува-

ли-жуvalи: 42 невара, 90 дан ортиқ чевара. Қўйингки, ўзлари бир қавм, ўзлари бир ҳалқ! Булар падари бузрукворлари 1995 йилда боқий дунёга риҳлат этгандан буён тез-тез ота ўчоғини кул бостиrmай, ёққан чироғини ўчирмай ўтирган Ботиржонларнигига жамланадилар, табаррук боболарининг номини ёд этиб, руҳларини шод этадилар. Қодиржон отасининг вафотидан олдин айтган сўзларини ҳамиша ёдида сақлади: «Болаларим, аҳил бўлиб яшанглар, ҳалол меҳнат билан кун кўринг... Менинг жисмим кетса ҳам, руҳим ҳамиша сизлар билан бирга бўлади, сизларни тарқ этмайман...» Ҳа, ўтганларнинг руҳи абадий биз билан!

ХАЙРЛИ ИШ СОҲИБИ

Чақалоқ туғилди. Унинг ингасидан гёё борлиқ ларзага келди, одамлар «қаҳқаҳа» урдилар. Дунёга инсон келибдур...! Беморнинг кенг пешонасидан сизиб чиққан совуқ тер юмалаб нурсиз кўз коғасига тушди. Оқаришган лаблар сўнгги бор нимадир демоқчидай қалтиради. Мийифида кулгу қалқиди, одамлар додлаб юбордилар. Дунёдан инсон кетибдур!...



*Ажаб! Ҳаммани ҳайрон қилиб кетди-ёв.
Йиғлаб келган дунёдан кулиб кетди-ёв.
Беш кунлик дунёнинг меҳмони бўлиб,
Бевафо эканин билиб кетди-ёв!*

Ҳа, дунё ҳеч кимга вафо қилмаган. Баъзан ўта қисқа муддатда, гёё кўкда чақмоқ бир чараклаб сўнганидек, инсон умри тугаб қолади. Абдумуталиб Абдукаримов ҳам ҳаёт дарёсида узоқ сузмади, бор йўғи 54 йил умр кўрди, холос. У элим, миллатим, юртим деб астойдил ишилаётган бир пайтда юрак хуружига дош беролмади. Лекин шу қисқа ҳаёти давомида ўзгалар юз йилда удласидан чиқолмайдиган юмушларни бажардики, бу унинг шиҷоатидан, файратидан, ўзини аяшни билмай меҳнат қилишидан далолатдир. Унинг умр дафтарини варақлаймиз.

1937 йилнинг 10 май куни Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги Давларзин қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни тамомлагач, Кўқон автомобил йўллари техникумидаги ўқиди. Иш фаолиятини Бекободдаги 16-автобазада механикликтан бошлади. 1959 йилдан умрининг сўнгги дақиқаларигача, 1991 йилнинг 13 февралягача, узлуксиз бир корхонада — Кўрғонтепадаги 36-автокорхонада ишлади. Слесар, механик, автосарой мудири, механиклар сардори, муҳандис, бош муҳандис ва ниҳоят, директор... Эътибор беринг: оддий слесарликдан корхона бошлиғигача бўлган

мураккаб йўлни босиб ўтди. Шундан 20 йилдан зиёди директорлик лавозимида.

Бу давр туманимизнинг гуркираб ўсиш даври эди. Жумладан, автокорхонада 600 одамнинг ишлаши, яшами учун зарурий, қулай шароит яратилди. Республикада энг кўзга кўринган автокорхона бинолари қуриб ишга туширилди. Кейинчалик шу корхонанинг оталиғида Хонободдаги 6-авто-корхонага асос солинди. Кўрғонтепа ва Қорасув шаҳарларида муҳташам автокасса-автостанциялар биноси қад кўтарди. Туманимизнинг ҳамма қишлоқларига борувчи катта-кичик кўчаларда автобус қатнови йўлга кўйилди. Бу корхонанинг ишчиходимлари, ҳайдовчилари улкан Андижон сув омбори қурилишида, дарёлар реконструкциясида, тўғон ва бошқа сув иншоотлари қурилишида фаол қатнашилар. А. Абдукаримов раҳбарлигига автобаза ходимлари туман марказидаги Маданият ва истироҳат боғига амфитеатр қуришдики, бунақанги кураш майдони ёки театр-томоша қурилмаси Фарғона водийсида ягона эди. Бу ажойиб ўйингоҳда кўпгина томошалар билан бирга, ҳар йили А. Абдукаримов хотираасига бағишланган тадбирларнинг ўтказилиб турилиши бежиз эмас.

— Деярли ҳар квартал яқунига кўра, — деб эслайди у билан узоқ йиллар бирга ишлаган ҳайдовчи, ҳозирда нафақадаги Мирзасоли ҳожи Жўрабоев,— Республика вазирлиги ёки вилоят автотрестининг мукофотини олар эдик. Жамоамиз кўп миллатли бўлиб, жуда аҳил яшар ва ишлар эдик, бунда, албатта, раҳбаримизнинг таъсири катта бўлган. У талабчан ҳамда ғамхўр, меҳрибон раҳбар, камтарин инсон эди.

А. Абдукаримов фидокорона меҳнатлари эвазига ҳукумат медаллари ва фахрий ёрлиқларни олишга муссар бўлган. Энг қадрлиси — эл ардоғи, ўлмас хотиралар! Қисқа, лекин жуда сермазмун ҳаёт кечирган бу олижаноб инсоннинг дўстлари, ҳамкаслари, шунингдек ота меҳрига қониб ултурмаган фарзандлари унинг дийдорини ҳамиша соғиниб яшайдилар. Муштипар она — Марҳабатхоннинг кўнглига таскин бермоқчи бўладилар. Катта ўғиллари Илҳомжон Бекобод машина-сервис-холдинг жамиятининг раиси. Баҳодиржон туман сув тармоқлари корхонаси бошлиғи, қизлари Маҳфузахон, Шоирахон, Манзурахон ва Моҳирахонларнинг ҳаммаси ўқимишли, серфарзанд, ота-оналарининг номини улуғловчи инсон бўлиб етишдилар. Қилинган хайрли ишлар ва зурриёт бор экан, инсон умри боқийдир!

МАРД МАЙДОНДА БИЛИНАР

Дардоқ қишлоғига дафъатан йўли тушган киши бири-биридан гўзал, кўркам бино-ларни кўриб беихтиёр ҳайратга тушиши ва бу биноларни ким ва қачон қурдирган экан, деган ҳақли саволни ўртага ташлаши мумкин. Дар-ҳақиқат қишлоқнинг табиий ҳуснига хол каби ярашган бу мажмуя қачон ва кимнинг ташаббуси билан қад кўтарган?

Булар иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қарийб беш йил давомида душманга қарши мардларча курашган собиқ жангчи, туманимизнинг мард ўғлонларидан бири Абдурашид Абдураҳмонов Ҳамза номли давлат хўжалигига директорлик қилган 1972—1976 йиллар давомида қад кўтаргандигини ҳозирги Дардоқ қишлоғининг кўпчилик ёшлари билмасалар ҳам керак.

Мард майдонда билинар, деганларидек, Султонобод қишлоғида 1924 йили туғилган Абдурашид ўз тенгқурлари қатори 1942 йилнинг ўрталарида армия сафиға чақирилди. Шу йилнинг август ойидан ноябрь ойигача Москва обlastига қарашли Роменское шаҳрида ҳарбий таълим олди, сўнг снайперлик курсини ҳам тамомлаб, 1943 йили апрель ойининг охирларидан бошлаб марказий фронтда 50-армиянинг 16-ўқчи дивизиясининг 740-ўқчи полкида урушнинг охиригача хизмат қилди. Орёл, Курск ва Брянск ўрмонларида бўлган қонли жангларда иштирок этди. Умуман, армия сафида 8 йилу 6 ой хизмат қилиб, 1950 йили хизматдан бўшаб 1990 йилнинг бошигача Ватан учун, ҳалқ учун фидокорона меҳнат қилди. Ойим, Дардоқ, Деҳқончек, Чимён каби туманимизнинг йирик қишлоқларини обод қилишда юксак дид ва масъулият билан тинмай ташкилотчилик қилди. Ҳусусан, биргина Дардоқ қишлоғида 1072 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 140 ўринли иккита болалар боғчаси, 360 ўринли



шифохона, 100 ўринли ошхона ва чойхона каби бинолар, ҳаммом, 80 хўжалик учун янги тураржойларнинг бунёд этилиши бевосита Абдурашид Абдураҳмонов номи билан боғлиқ. Ўша йиллар Дардоқ қишлоғи тўла электрлаштирилди, газ қувурлари тортилди, асфальт заводи бунёд этилди.

Агар таъбир жоиз бўлса, Абдурашид Абдураҳмонов қаерга раҳбар бўлиб ўтган бўлса, ўша ерда бирор бир бино қад кўтарган ёки йўллар тартибга келтирилиб, ободонлаштирилган деса муболага бўлмайди. «Ойим» совхозида 1951—1963 йилларда партия ташкилоти етакчиси, 1963—1967 йиллари «Қаҳрамон» колхозига раис, 1967—1972 йиллари «Ойим» совхозида директор, 1977—1978 йиллари Андижон гидроузели бошқармасига қарашли 2-СМУ бошлиғи, 1978—1982 йиллар колхоз раиси, 1982—1984 йиллари совхоз директори ўринбосари бўлиб ишлаган пайтда ҳам бевосита қурилиш ишлари билан банд бўлди.


1984—1985 йиллари Жizzах вилоятига қарашли Зарбдор туманининг 5-совхозига директор, 1986—1987 йиллари Хонобод кабель заводи директорининг Қирғизистондаги тайёрлов идораси директори вазифасида ишлаган пайтда ҳам қурилиш ишлари билан банд бўлди ва ўзидан кичкина бўлса ҳам бирор бирор нишона қолдирди.

Бу тиниб-тинчимас инсон 1993—2001 йиллар давомида «Нуроний» жамғармаси Қорасув шаҳар бўлимига раислик қилди. Шу давр ичида шаҳар жамоатчилиги ва бевосита «Қорасув» ширкат хўжалиги ёрдамида «Фахрийлар уйи»ни ишга туширилишига эришди. Фахрийлар учун дам олиш зонаси яратишда бош-қош бўлди.

Абдурашид Абдураҳмонов жанговар ва меҳнатдаги фидокорона хизматлари учун йигирмага яқин орден ва медаллар билан тақдирланди.

Абдурашид ҳожи Абдураҳмонов турмуш ўртоғи Шаҳрихон ҳожи она билан уч ўғил ва икки қизни вояга етказиб, ўйли-жойли қилдилар. Катта ўғли Авазбек 1-тоифали хирург-травматолог эди, қизи Шаҳзодаҳон — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 42-оиласавий поликлиника бош шифокори, 1-тоифали врач-терапевт, иккинчи ўғли Азизбек — олий маълумотли иқтисодчи, Авазматов номли хўжалик раҳбари, учинчи ўғли Азимжон — инженер-қурувчи,

Хонобод нефть базасида масъул ходим, кенжә қизи Раънохон — Тошкент Давлат университети тарих факультетини битирган, Андижон вилояти тадбиркорлар палатасида кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишламоқда. Келин-куёвлари, уч набираси ҳам олий маълумотли мутахассислар сифатида ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида силқидилдан эл-юрт хизматини қилмоқдалар. Бўгунги кунда, Шаҳрихон ҳожи она 20 дан ортиқ невара-чеваралар даврасида фаровон ҳаёт кешириш билан бирга Абдурашид отанинг (2001 йил 4 июлда вафот этди) хотирасини ёдга олиб кексалик гаштини сурмоқда.





МЕҲНАТДА ТОБЛАНГАН ИРОДА

Донишмандлар инсоннинг ахлоқий фазилатлари ҳақида сўз юритганларида қуйидаги икки хислатни алоҳида таъкидлайдилар: МАТОНАТ — ишингда чидамли, матонатли бўл. Ҳийланайранг ишлатишдан ҳазар қил, тушунчант пок, соф ва ҳаққоний бўлсин; ТАВОЗЕ — ўзингни камтар тут, тавозе шараф ва иззат босқичи эканлигини унутма.

Юқорида келтирилган ҳикматларни ўқиб, маъносини тушунган одам «Бу олижаноб хислатлар ўзимда бормикин», деб ўйлади. Ёки шундай фазилат эгасини кўз олдига келтиради, ўзини унга қиёсламоқчи бўлади. Бундай хусусиятга эга инсонлар ўтмиш тарихимизда жуда кўп бўлган, бугун ҳам оз эмас. Фақат улар «мана мен» демайди, биз эса турмуш ташвишлари или ўзимиз-ўзимиз билан бўлиб, уларни ҳамиша фаҳмламаймиз. Ана шундай улуғ инсонларнинг ёрқин тимсоли Бозорбой Абдураҳмоновдир.

Мана унинг қисқача таржимаи ҳоли: 1930 йили Қўргонтепа туманида туғилди. 8-синфни битиргач. Андижон қишлоқ хўжалик техникиумида ўқиди. Йўлланма билан Сурхондарёнинг Узун туман МТСда агрономлик қилди. 1949 йилдан Қўргонтепа туман МТСда агроном-энтомолог, «Савой» совхозида уруғчилик агрономи, 8 йил бош агроном, қарийб 18 йил директор, сўнг туман агросаноат уюшмаси ва дон маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси бошқарувчиси вазифаларида хизмат қилди. 1990 йилдан нафақада. Маълумоти олий, олим агроном. Меҳнат Қаҳрамони, бир неча орденлар соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном, икки бор Олий Кенгаш депутатлигига сайланган. Оиласи, 8 фарзанднинг отаси, 25 неваранинг опоқ дадаси, 2 чеваранинг бобоси.

Б. Абдураҳмонов, юқорида эслаб ўтганимиздек, матонатли бўлиши билан бирга, мақтанишдан ор қилувчи ва

камсуқум бўлгани учун у ҳақда бирга ишлаган, шогирдлар сўзига, айрим ҳужжатларга эътибор беришни афзал кўрдик, зеро бу унинг сиймосини тўлароқ тасаввур этишга хизмат қилса:

«... Мана, директорларинг ҳам сизларга ўхшаб қишлоқ хўжалик техникумини битириб МТСда агроном бўлиб ишлади, ишнинг оғир-енгилига қарамас, силқидилдан елиб-югуриб хизмат қиларди... кам бўлмади... (М. Исмоилов, совхоз-техникум талабаларининг битирув кечасидаги сўзи), «... Бош агроном Г.И. Камерцель пенсияга чиқадиган бўлиб қолди, сўрадим: ўрнингизга кимни лойиқ деб топасиз. У айтди: «Совхоз катта, иш оғир, Бозорбойдан бошқаси эплай олмайди...». (Уша пайтда райкомнинг биринчи котиби бўлиб турган К. Авазматов эсдалигидан.)

«... Б. Абдураҳмонов директор бўлиб ишлаган йиллари «Савой» хўжалиги иқтисодий жиҳатдан юксалди, бу эса ободонлаштириш, маданий-маишӣ ва маориф соҳасига кўплаб маблағ ажратишга имкон туғдирди. Масалан, марказдаги 1-ўрта мактаб, 4—5—7-бўлимдаги мактаб бинолари 2—4—5-бўлимлардаги болалар боғчалари, маъмурий идора, ўндан ортиқ шинам дала шийлонлари, қанча-қанча тураржой бинолари шу даврда қурилди...» (Н. Эшбоев, собиқ туман ижроя комитетининг раис муовини.)

«... Б. Абдураҳмонов вилоятда биринчи бўлиб совхоз-техникум очишига, уни жиҳозлаш, моддий техника базасини вужудга келтириш, кейинчалик махсус 720 ўринли ўқув биноси ва ўқитувчилар учун уйлар қуриш, техникумни мутахассис ўқитувчи кадрлар билан таъминлашга бевосита оталик қилган, ҳатто, вақт топиб дарс берган, тажрибаларини ёшларга ўргатган...» (К. Илёсов, совхоз-техникум директорининг ўқув ишлари бўйича собиқ ўринбосари).

«... Шом пайти кўчада бақир-чақир. Чиқсан, директор ўғлини уришаяпти: «Ҳа, сени, текинхўр! Одамлар нима дейди?! Айтмовдимми, нима керак бўлса ордер ёздириб, пулини тўлаб қўйиб олгин, деб? Бедани аравага қайта юкла, обориб қўй олган жойингга!...» (қўшниси Каримберди aka эслайди).

«... Бозорбой aka меҳнат деб жонини ҳам аямасдан ишлаган. Самолёт сепаётган доридан заҳарланганда касалхонага



Бозорбай Абдураҳмонов машхур маккажүхоричилик бригадаси стакчиси, Меҳнат Қаҳрамони Найни Маматқодиров билан ҳосилни ҷоғлагб кўришмоқда.

ётишдан бош тортуб, ишига чиқиб кетганини эслайман... » (Ш. Азимов, врач).

Эсадаликларни давом этказиш мумкин. 7654 гектар ҳайдаладиган майдонда деҳқончилик қилиш, фўза қатор ораларига техника билан кўндаланг ишлов беришни жорий этиш, қўл меҳнатини енгиллаштириш, ишчиларга ғамхўрлик қилиш... Б. Абдураҳмонов раҳбарлик қилган даврда пахта ҳосилдорлиги қўйидагича бўлди:

Йиллар: 1960 1970 1971 1975 1981

Пахта

ҳосил-

дорлиги: 28,0 29,3 30,5 34,0 35,4

Меҳнат учун туғилган, ҳалол-пок бу инсон қарилик гаштими Мўътабархон опа билан баҳам кўрар экан, эл ардоғида, фарзандлар сийловида эканлигидан баҳтиёр.

КАМОЛОТ ОТИНИНГ СУВОРИЙСИ

«Мөхнат тагидадир,
эй оқыл, ҳар ганж.
Ганж топтас ҳеч кимса
топтас эрса ранж»

A. ФИРДАВСИЙ

9 ёшга кирмаёқ Күчкорбай Олтиариқ бойларининг қўйла-рини боқиб, дашту чўлларда чўпонлик қисматини тотиб ул-файди. Сўнг Фарғонадаги болалар уйига оч-юпун, ялангоёқ кириб келиб, савод ўрганди, ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотди.



Йигитлик фурури уни оғирликни енгишга, олға интилишга, ўзлигини кўрсатишга чорлади. 1934 йили у Андижон Қишлоқ хўжалик техникумини битириб, Жалакудук туманидаги МТСда агроном, сўнг директорлик вазифаларини бажарди. Бу даврда унинг нималарга қодир эканлиги намоён бўла бошлади. Торфли тўқайзорларнинг сувини қочириб, зовурлар ковлаб ер ўзлаштиришлар... Оила қуриш бахти... фарзанд кўриш қувончи... Инсонлар ичра тенг инсон бўлиб, ўзлигини танита олишга мушаррафлик... Тақдир инсон бошида неларни синаб кўрмайди... Йигит бошига иш тушса, этик ечмай сув кечар...

Камолот отига миниб, жўшқин қалб ҳароратини, меҳнатга чанқоқлик билан барқ урган жисмоний куч-қудратини ва билим, тажрибага тўла заковатини элига, юритига сарфлаётган бир пайтда... Уруш! Қ.Авазматов иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунларидан охиригача ҳарбий хизматда бўлди. Ашхабоддаги 93-захирадаги ўқчи дивизияси сиёсий бўлимидаги 2-Белоруссия фронти 319-ўқчи дивизияси (43-армия)нинг сиёсий бўлимидаги батальон командири-нинг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди. Унинг оғирбосиқлиги, ўлланиб иш тутиши, рус тилини мукаммал билиши, жангчиларнинг қалбига йўл топа билиш қобилияти душманга қарши жангларда қўл келди. Уни оддий сол-



Ушбу фидойи инсонлар қиёфаси Күрғонтепа халқынинг хотирасида абадий қолади.

датдан тортиб штаб бошлиғи — генералгача ҳаммаси ҳурмат қилар эдилар. Уруш узоққа чўзилган, оғир бўлса ҳам зафар билан яқунланди.

Қирқни қоралаб қолган, забардаст, тик қоматли, қадамидан ўт чақнаган Қ. Авазматов урушдан омон-эсон қайтгач, яна ўз ишини давом эттириди. Бу гал Балиқчи туманиндағи МТСга директорлик қилди. Беш йил давомида юзлаб гектар ботқоқликларни унумли ерларга айлантиришга ҳисса қўшди. Истеъоди сайқалланди. Энди уни «Савой» дек мамлакатда ўзига хос ўрни бор совхозга директорлик қилиб оёққа турғазиш (1950—1958), йирик районлардан бири Кўрғонтепанинг шон-шуҳратини улуғлашдек (1958—1971) шарафли ва масъулиятли юмуш кутарди.

Урушдан сўнгги йиллар. Қишлоқ. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг оғир юки, асосан, аёллар зиммасида. Бор эркакнинг ҳам кўпи уруш ногирони. Техника етишмайди. Кум босган Савой аригини қўлда тозалаш керак. Мутахассислар оз, ўқитиши, тарбиялаш зарур. Уруш туфайли эвакуация қилинган бошқа миллат вакиллари ва ерли халқнинг дўстона яшаш ва ишлшини ташкил этиш даркор. Эскирган бараклар ёнига тураржой бинолари, мактаб, болалар боғчалари,

даволаш муассасалари, дала шийпонлари, молхоналар куриш. Булар елиб-югуришни, узоқни кўзлаб, режавий ишлашни, одамларни меҳнат кўтаринкилигига сафарбар этишни тақо-зо қиласди. К. Авазматов ўзининг раҳбарлик қобилияти, тад-биркорлиги, бурчига садоқати билан бу талабни шараф билан бажара олди. (Республикада биринчи бўлиб алмашлаб экиш, сутни аппаратда соғиб олиш жорий этилди, пахта ҳосилдорлиги 20—22 ц. дан 29—30 ц. га кўтарилиди.)

«Савой» хўжалигининг юксалиш тадбирлари, шон-шуҳрати, К. Авазматов Кўр丰тепа райкомининг биринчи ко-тиби бўлиб ўтиши билан туман хўжаликларига, вилоятга ёйилди. Шундан кейинги «Савой» ва Кўр丰тепа довруғи мамлакат бўйлаб кенг тарқалгани, матбуот, радио, телеви-дение кўрсатувларида кенг ёритилгани, кино яратилиб, китоб битилгани фикримиз далилидир. Бу улуғ ишлар замирида ҳалқнинг фидокорона меҳнати, раҳбарларнинг доно етакчилик санъати намоёндир.

К. Авазматов кадр танлашга, уни тарбиялаш ва асрашга алоҳида эътибор берарди. Қаттиқ гапирмас, ҳар бир гапида чуқур маъно бўларди. Ушбу сатрлар муаллифи ёдида: давлат арбоблари билан Ҳиндистон сафаридан қайтгач, деган эди: «Бошқа юртни кўрсангиз, ўз юртингиз гўзаллигини, кудратини чуқурроқ англайсиз экан».

К. Авазматов ишда пухталикни, вақт ўлчовини ёқтиради, хушбичим кийинар, кексайганда ҳам қаддини тик тутиб юрар эди. Бугунги кунда бу олижаноб инсоннинг фарзандлари Флюрахон, Лерахон, Светахон, Гулнарахон, Баҳодиржон, Гулбаҳорлар ота-оналаридан ўтган гўзал фазилатлар ила тотли ҳаёт кечирмоқдалар. Юксак маданиятли, камтар, пок, инсон, Меҳнат Қаҳрамони К. Авазматовнинг хотираси абадийдир.



АДОЛАТДАН ТОПИЛГАН ХУРМАТ

1930 йили Иброҳимжон талаба эди. Унинг талабалик йиллари ҳам қизиқ кечди. Андижон ҳисобчилик билим юртида туппа-тузук ўқиб юрган бу йигит Хонободга қайтиб келди. Орқасидан излаб келган ўқитувчisi унга «Ҳой, Иброҳим нега ўқишни ташлаб, келдинг?» — деб сўради.

— Яхши ўқисам ҳам, домлалар менга нол қўйишаяпти, нолга ўқигандан ўқимаганим яхшироқ, — жавоб қайтарди Иброҳимжон.

— Ия, қизиқ экансан, нол дегани "аъло" (отлично) дегани-ку "келажакда сен яхши ҳисобчи бўласан, мен орқангдан бекорга келмадим".

1931 йили Иброҳимжон ҳисобчилик бўйича ўқишни тутатди.

Иброҳимжон Азизов 1906 йили Хонобод қишлоғида дехқон оиласида дунёга келди. Саводини эски мактабда чиқарди. У ёш чоғиданоқ дехқончилик билан шуғулланди. 1929 йили у ўзининг иш фаолиятини колхозда бошлади.

У 1931—1935 йилларида ҳисобчи бўлиб ишлади. 1935—1938 йилларда Иброҳимжон районнинг МТСида бош ҳисобчи ёрдамчиси вазифасида ишлади. Ҳисобчилик соҳасини мукаммал эгаллаб олган Иброҳимжон 1938—1940 йиллари Султонобод қишлоғидаги колхозда бош ҳисобчи бўлиб ишлаб, хўжаликнинг иқтисодий-молиявий қувватини яхшилашга салмоқли ҳисса қўшди. Қишлоқда ҳурматга эга бўлди. 1943 йили Иброҳимжонни район паҳта тайёрлаш пунктининг бошлиғи вазифасига таклиф қилишади. 1945 йили султонободликлар илтимосига кўра Иброҳимжон Азизов колхозга раис бўлиб ишга келади. Қишлоқ халқининг дарди билан яшади. 1947 йилда эса у район ижроқўми расилигига сайланади.

1949 йили ҳалқнинг талаби билан Султонободга қайтиб, колхозда раислигини давом этдиради, 1962 йилгача шу лавозимда ишлади.

Узоқ йиллик раислик фаолиятида у ҳалоллиги, адолат-парварлиги, ахлоқан поклиги, вазминлиги, қатъиятлилиги ва меҳрибонлиги билан кенг меҳнаткашлар оммасининг қалбига кириб борди. У ўз жонининг ҳузурини ўйлашдан, мамишатпарамастликдан, кибру ҳаводан тамоман узоқ бўлган раис эди. Унинг раҳбарлик даврида колхоз иқтисодиёти юксак даражада кўтарилиб, хазинаси миллионлар билан тўлиб, колхозчиларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланди. Эл тўқ, мамнун яшар эди. Ўша йилларда колхоз давлат режасини бажариши учун у кўпроқ пахта қуритиш жойида бўлиб, қатор тунлар уйқусиз ўтар эди.

Иброҳимжон Азизов бойлик орттиришга, ўзи учун қасруравоқ қуришга интилмади, у Султонободдаги 12 йил раислик даврини қўшни ўтириш билан ўтказди. Ҳозирги кунда 3—4 йил қўшни ўтириб раислик қилишнинг ўзи бўлмаса керак. Ҳатто ўзининг туғилган жойидаги ҳовлисига ҳам тузукроқ бино, янги уй қурган эмас, у колхоз мулкини талон-тарож қилдирмас эди. Раис шундай яшадики, унинг яшаш тарзи, колхозчиларнинг яшаш тарзидан фарқ қилмас эди, эли қаттиқ нон еса қаттиқ нон, юмшоқ нон еса юмшоқ нон еяр эди.

Иброҳимжон Азизов Султонободда ҳам ҳалқ фойдала-наётган қурилишларни колхоз даромади ҳисобидан амалга ошириди. Ҳалқ саломатлигини муҳофаза қилиш учун ҳамомни ишга туширди. Ҳозирда шифохона биноси бўлиб турган бино-идорани қурдирди.

Азизов меҳнат фаолияти даврида колхоз ерларининг ме-лиоратив ҳолатини яхшилади. Мингдов адирини ўзлаштириб пахта экдирди. Янги боғ-роғлар бунёд этдиради. Колхоз чорвачилигини ривожлантириб, қорамол, кўй, йилқилар сонини кўпайтирди. Дурадгорлик, темирчилик устахоналарини ташкил этди. Иброҳимжоннинг меҳнатларини ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. У 1950 йили медал, 1957 йили орден ва бир неча бор «Фахрий ёрлиқ» билан мукофотланди. 1958 йили Москвада бўлган Бутуниттифоқ пахтакорларининг қурултойида қатнашди.

Фаразгўй кимсаларнинг иғвоси билан уюштирилган пахта масаласи билан раис ноҳақдан қамалди. Ҳаётининг сўнгги йилларини Хонобод шаҳрининг сўлим гўшаларида фарзанди — медицина фанлари номзоди, доцент Фанижон Иброҳимовнинг ардоғида ўтказди. 1995 йилда Иброҳимжон ота Азизов ҳаёт билан видолашди.

Султонобод халқи бу улугъ инсонни доимо қалбida абадий сақлайди. Ҳозирда ҳам унинг номини ҳурмат билан тилга оладилар.

ФИДОЙИ ҮҚИТУВЧИ

Озодлик, маърифат ва адолат учун қон тўкканларни халқ, тарих ҳеч қачон унумтмайди. Убайдулла Азизий ана шундай инсонлардан бири эди.

У асли жалақудуқлик бўлиб, йўлланма билан Ҳонободга келди. Қорасув, Султонобод қишлоқларида бўлгани каби бу ерда ҳам ўқитувчилик касбини қизғин тарғибот ва ташвиқот ишлари билан қўшиб олиб борди.

У йигинларда, гап-гаштакларда халқни маърифатли, саводхон ва озод бўлишига чақиради. Серғайрат йигитнинг бу умидли ҳаракатлари кимларга ёқди, кимларгадир ёқмади. Кунлардан бир куни Чанкатда (у вақтларда Чанкат қишлоғи ҳудуди туманимиз тасарруфида эди) артел тузиш масаласида катта йигин ўтказилиб, шу йигинда Азизий нутқ сўзлаши лозим бўлади. Одамлар йигилиб атроф машъалалар билан ёритилади. Азизийга сўз берилади. У илмнинг ҳосияти ҳақида, янгилик ва ўзгаришлар, тараққиёт ва маърифат ҳақида берилиб сўзлаётганда кимdir орқа томондан минбар ёнига келди-да, Азизийнинг бошидан ушлаб унинг кекирдагига пичоқ тортиб юборди. Лекин, пичоқ кекирдакнинг ярмини кесди холос, қон отилиб чиқиб, одамлар саросимага тушди. Шу пайт бир отлиқ келиб пичоқ тортганга: «Ҳезалак, шуни ҳам эплай олмадинг», — деб Азизийнинг бўғзига яна пичоқ тортиб юборди. Одамлар чор-атрофга тумтарақай қоча бошлийди. Кўнгиллилар, милиция ва НКВД ходимлари етиб келганда, қотиллар фойиб бўлишганди.

Андижондан маҳсус комиссия келиб текшириш ўтказади, қотиллар эса топилмайди. Қотилларни топиш учун ҳамма кучлар сафарбар этилади, аммо ҳеч ким уларнинг кимлигини ҳам, қаердан эканлигини ҳам айтмайди. Шунда бир ҳийла ишлатилади. Одамларни ўша жойга тўплаб яна йигилиш ўтказилади. Катта саҳна қилиниб, парда орқасига гарнizon солдатларини икки қатор қилиб милтиқ ўқталган ҳолда, тизиб қўйилади. Атрофга ҳам қуролланган отлиқ ва пиёда аскарлар шай қилиб қўйилади. НКВД ходимларидан бири саҳнага кўтарилиб, турган халойиққа Азизийнинг қотили кимлигини айтиб беришларини сўрайди, ҳеч ким чурқ этмайди. Шунда нотиқ: «Агар айтмас экансизлар, ҳамман-

гизни шу ернинг ўзида отиб ташлаймиз», — деб саҳна пардасини очиб юборади. Ўзларига қаратса милтиқ ўқталиб турган аскарларни кўриб одамларнинг нафаси ичига тушиб кетади. Кимдир йиғлайди, кимдир қотилларнинг номлари ни баралла айта бошлайди. Ўша куни қотиллар қўлга олиниб, одамлар қўйиб юборилади...

Убайдулла Азизий халқпарвар, маърифатпарвар инсон эди-ки, у доимо одамларни маърифатга, илм олишга чақиради. У узоқ яшамади, бироқ илм-маърифатли инсон сифатида халққа тўғри йўл-йўриқ кўрсатиши, миллатининг, халқининг қадр-қиммати ҳақида қайғуриши билан кишилар қалбida мангу яшайди.

ДОВРУГИ ДОСТОН БҮЛГАН АЁЛ

Ушбу лавҳани бошқача номлашнинг иложи бўлмади. Ҳар нарса ўз номи билан аталгани маъқул экан. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган аёлнинг умри мазмунига кўра лавҳани ана шундай номлаб қўя қолдик.

Қорасув-Дардоқ йўлида ястаниб ётган энг кўркам Аҳмад Яссавий маҳалласида довруги элга достон бўлган муниса аёл яшайди. Бу аянинг исми-шарифлари Турсуной опа Ашуровадир. Опа билан бўлиб ўтган сухбат давомида унинг мазмунли ҳаёт йўли ҳақидаги барча таассуротлар билан чукур танишиб олдик.

Турсуной 1921 йили Қорасувда, Бадалбой темирчи Абдурасул ўғли оиласида дунёга келган. Қишлоқдаги мактабда хат-саводини чиқаргач, тенгқурлари каби 1937 йилдан жамоа хўжалигига аввал оддий аъзо сифатида иш бошлаган ва сўнгра хўжаликда бригада бошлиги бўлиб ишлаган. Унинг бутун умри далада: ер чўкариш, ғўзаларга ишлов бериш, пахта териш каби машаққатли меҳнатлар билан ўтган.

1950 йилнинг сентябрь ойида Турсуной опа ва у билан ёнма-ён пахта терган Ҳайдар ота Раҳимқуловларнинг номи бутун Ўзбекистон бўйлаб овоза бўлиб кетди.

Бу тарихий воқеа шундай бўлганди: Ўшандада айни пахта терими қизиган палла. Эрта соат ўнлар чамасида ушбу сатрлар муаллифи — мени шошилинч равишда райкомга чақиришди. Ичкарида Шароф Рашидов борлигини айтишганда, беихтиёр ҳаяжонда қолдим. Ичкарида саломлашгандан сўнггина ўзимни бир оз ўнглаб олдим. Давлат раҳбарининг кўлида бизнинг «Пахта учун кураш» газетасининг ўша кунги сонини кўриб сал тетикландим. Шунда Шароф aka газета «Қулоғи» (биринчи бетнинг юқори қисми)да йирик ҳарфлар билан берилган хабар-даъватга ишора қилиб «Бу — бебаҳо янгилик, ажойиб ташабbusни газетада ёритиб, яхши



иш қилибсизлар. Уни вилоятга етказдиларингми?» деб сўра-ди ва «Ҳа» деган жавобни олгач, дарҳол вилоятга қўнғироқ қилди. Обком орқали бу хабар вилоят газетасида ҳам босил-ганини билгач, менга қараб «Раҳмат, ўртоқ редактор, газе-тачи шундай бўлиши керак!» деб самимият билдирилар.

Сўнг шу куни Марказий Комитетнинг Турсуной Ашу-рова билан Ҳайдар Раҳимқуловларнинг кўпмингкilogрамм-чилик ҳаракатини маъқуллаш тўғрисида қарори чиқарилди. Марказий Комитет қарори ўша куниёқ республика радиоси орқали ўқиб эшиттирилди. Эртаси куни эса қарор матни республиканинг барча газеталари саҳифаларида босилиб чиқди.

Яхшининг шарофати билан деганларидек, уч йил даво-мида сурункасига пахта тайёрлаш режасини бажаролмай ке-лаётган туманимиз эса ўша қутлуғ йили пахта тайёрлаш бўйича белгиланган режани муддатидан анча илгари бажа-ришга эришди. Туманимизнинг улкан хирмонига Турсуной опа ўша йили ўзининг ўн беш минг килограммлик хирмо-ни билан ҳисса қўшиб, элга достон бўлган эдилар. Турсу-ной опа Ашурова меҳнатдаги ютуқлари эвазига шахсан Шароф Рашидов имзолаган «Фахрий Ёрлиқ» билан тақ-дирланди. У кейинчалик яна икки марта ана шундай муко-фотга, 1957 йили эса орденга сазовор бўлди. Иккинчи ва учинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети депутатлигига, сўнг вилоят кенгаши депутатлигига, бир неча бор туман кенгаши депутатлигига сайланади. Қарилик на-фақасига чиққунга қадар жонажон пахта даласидаги қаҳра-монаона меҳнат жасоратини давом эттириди.

Турсуной опа она сифатида ҳам бахтили аёллардан бири-дир. Умр йўлдоши Холдорбой Ашуров билан биргаликда сак-киз фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар, уларни ўқитиб маълум касб эгаси қилмагунча ором олмадилар. Натижада ўғил-қизлар жамиятдан муносиб ўрин эгалладилар.

ДИЛЛАРГА ЁҚИЛГАН ЧИРОҚ

— Урушдан кейин Машрабхон Аҳмадалиева Иттифоқ Олий Советига депутат бўлган эди, — дея эслашади ҳамқишлоқлари у ҳақда. — Бир сафар Москвага борганида унга меҳнатда эришган ютуқлари эвазига тилла соат совға қилишган.

Машрабхон пахтани кўп ва хўп терадиган чевар теримчи бўлган. Ўша пайтдаги бригадирлар, «Агар Машрабхондек яна иккита теримчи бўлса, бутун бригаданинг ҳосилини териб берарди», дейишар эди. Табиатан шаддод бу аёлнинг меҳнаткашлиги уни элга танитди. Уни пахтачилик бригадасига етакчи этиб сайладилар. Ўшанда ўттизинчى йилларнинг охирлари эди.

Уруш бошланиб, эркаклар бирин-кетин фронтга кетгандаридан сўнг, қишлоқдаги барча юмушлар аёллар зиммасига қолди. Табиийки, бундай пайтда одамларга боз бўлиш Машрабхон сингари чабдаст, абжир, матонатли кишилар зиммасига тушади. Машрабхонни ўзи пахта териб юрган бригадага бошлиқ қилиб қўйдилар.

У пайтда шароит шуни тақозо этармиди ёки унинг асли табиати шундаймиди, қачон қарасангиз, дам чопиқчилар билан ёнма-ён тушиб олиб кетмон чопаётган, дам ер текислаётган, дам пахта тераётган бўлар, хуллас неки юмуш бўлса, одамлар билан елкама-елка туриб бажаарди.

Нафақадаги ўқитувчи Маҳфиратхон Хидирлиева ўша йилларни хотирлаб шундай ҳикоя қиласди: «Жуда бағри кенг аёл эди, раҳматлик. Урушга кетган йигирмадан зиёд ҳамқишлоқларининг аёлларини, бола-чақасини ўз уйига олиб келиб уларни ўзи боқсан. Бир коса аталани ҳам улар билан баҳам кўрган. Кимга қора хат келса, албатта, у шу хонадонга келар, дардини бўлишар эди. У ўзини ўйламасди. Ҳашар йўли билан одамларни томини ёптириб берар, деворини тикларди».



1952 йилда М. Аҳмадалиева «Файрат» колхозига раис бўлди. Архив ҳужжатларида ёзилишича, ўшанда колхозда 560 гектар ерга пахта, 2 гектарга картошка, 3 гектарга қовунтарвуз, 45 гектар ерга янги беда (98 гектарда эски беда мавжуд бўлган) экиб деҳқончилик қилинганди. 116 буш қорамол, 1820 буш қўй, 70 та асалари уяси, 250 та товуқ, 190 буш от, 40 буш сигир, 7 бош тия каби чорва ҳайвонлари хўжалик балансида бўлган.

Демак хўжалик каттагина, унинг юки ҳам анчагина салмоқли бўлган. Ана шу хўжаликни бошқариш Машрабхон Аҳмадалиеванинг зиммасида эди. У бу вазифани уддалади, уддалаганда ҳам моҳирлик билан уддалади.

Яна айтишларича энг оғир дамларда ҳам руҳий тушкунликка тушмайдиган, иродали аёл бўлган экан. У фарзандсиз эди. Лекин ҳамқишлоқларининг болаларини худди ўз боласидек кўрап, уларнинг келажаги учун неки зарурат бўлса, барчасини муҳайё этишга интилар, ўқишига боргандарни қўллар, уларга ҳомийлик қиласди.

Кейинчалик Машрабхон бир ўғил, бир қизни асраб олди. Уларни оқ ювиб, оқ таради, ўғилни уйлантириди, қизни турмушга узатишга улгурмади. 1973 йили 53 ёшида оғир дард билан оғриб, ҳаётдан кўз юмди.

Машрабхон Аҳмадалиева оғир дамларда Элнинг корига яраган, одамларни ўзининг сўзи билан, иши билан, катта қалби билан ортидан эргаштира олди! Ахир бир дилга чироқ ёқмоқликнинг ўзи ҳам катта билим, одамийлик санъати эмасми.

ЭҲТИРОМ

Халқимизнинг «Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат», «Сабр — сабрнинг таги сариқ олтин» деган пурҳикмат мақоллари неча юз йиллардан буён мавжуд эканлигини айтиш қийин, аммо ҳаётда меҳнат туфайли, сабрбардош туфайли, қолаверса, адолат тантана қилган мустақиллик туфайли қанчадан-қанча улуг инсонларнинг меҳнати, сабрқаноати йиллар ўтиб буюк эҳтиромга сазовор бўлганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Кечаги оддий деҳқон боласи Бўрибой Аҳмедов — академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, халқаро Амир Темур жамғармасининг раиси, тарихчи-манбашунос олим, таниқли ёзувчи ва журналист, қатор илмий ва бадиий китоблар музалифи. Мамлакатимизда нашр этилаётган бир қанча нуфузли журналлар таҳририяти аъзоси, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, жаҳон тан олган андижонлик ўн уч алломанинг бири эди.

Ўн уч ёшида отадан тирик етим қолиб, тўнғич фарзанд сифатида оиласининг бутун ташвиши унинг зиммасига тушади. Онаси билан жажжи синглиси ва икки укасини бокиш учун ишлашга мажбур бўлади. Бўрибой Аҳмедов ўз «Эсадилклар»ида шундай ёзади: «Ёшлигим, 1991 йилга қадар бўлган ҳаётим оғир кечди. Отамни 1937 йили «Колхоз тузумини ҳақорат қилгани учун» «тройка» деб аталмиш машъум бир сиёсий ташкилотнинг қарори билан ўн йилга қамаб юбордилар. Бунинг таъсирини мактабда ўқиб юрган кезларимда сездим». Б. Аҳмедов мактабда ўқиш билан бирга туман босмахонасида ҳарф терувчилик қила бошлайди. Орадан бир йил ўтиб, 1940 йил 8 синфни битиргач, холаси уни Андижонга олиб кетади. Бу ерда у педагогика билим юритига кириб ўқий бошлади, сўнг Андижон Ўқитувчилар



институти қошида очилган бир йиллик «предмедниклар» курсига ўқишига кириб, 1942 йилнинг ёзида унинг тил адабиёт бўлим министри тамомлади. Ўша йилнинг июль ойидан 16 октябригача Декончек қишлоғидаги етти йиллик мактабда илмий бўлим мудири ва ўқитувчи бўлиб ишлаш насиб этди. Тақдирнинг тақозоси билан 1942 йилнинг октябрь ойидан 1945 йилнинг 15 февралигача урушда иштирок этади. Тўртинчи марта ярадор бўлгачгина, армия сафидан бўшатилиб, она юрти Қорасувга қайтиб келади. 1945—1948 йиллар давомида туман газетасида ишлаш билан бирга, 10-синфни ҳам ўқиб битиради. 1948 йили Тошкентга бориб ўқишига киради. 1953 йили Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг шарқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб, қишлоғига ишга келади. Аввал ўзи ўқиган 1-ўрта мактабда тарих ўқитувчиси, сўнг мактаб директори бўлиб ишлайди. У мактабнинг моддий-ўқув базасини мустаҳкамлаш учун астойдил кураш бошлайди ва мактаб ҳаётида катта ўзгаришлар қиласди. Билимга чанқоқлик уни яна Тошкентга етаклади. 1957 йили аспирантурага кириб муваффақиятли таомомлайди ва 1961 йили «Абул Хайрхон даврида кўчманчи ўзбеклар давлати» деган мавзуда номзодлик диссертацияси ни ёқлаб, ЎзФА Шарқшунослик илмий тадқиқот институтида ишлайди. 1974 йили «XVI ва XVIII асрнинг биринчи ярмида Балх хонликлари» деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У Шарқшунослик институтида 45 йилдан кўпроқ хизмат қилди.

Мустақиллик йиллари Ватан эъзозида, буюк халқимиз ардоғида яшаган аллома Бўрибой Аҳмедов истиқдол берган буюк неъматлардан баҳраманд бўлди. Шу сабабли ҳам у ўз «Эсадаликлари»ида шундай ёзади: Истиқдол шарофати билан эркин яшайдиган бўлдим. Ижодимга катта йўл очилди. Кўп илмий асарлар яратдим. Республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси (академиги) даражасига етдим. Мустақилликка раҳмат!».

Бўрибой Аҳмедов ўзининг бетакрор ва бекиёс ўзбекона камсуханлиги, сабр-бардоши ва метиндай букилмас иродаси туфайли (II гурӯҳ ногирони, анчайин дардман бўлишига қарамай), барча камситишлар ва ноҳақликларга чираб, тарих фанининг нурли чўққиларини эгаллабгина қолмай, ис-

тиқлол шарофатидан бениҳоя илҳомланди. Ҳалқимизнинг Марказий Осиёдаги энг қадимий буюк ҳалқлардан бири эканлигини исботлашдек хайрли жараёнда ўз илмий, тарихий ва бадиий асарлари билан иштирок этди. Олимнинг ҳалқимизнинг улкан ва бой тарихини дунёга ёйишда ҳам хизматлари бениҳоя катта бўлди. Мустақиллигимизнинг дастлабки 3—4 йили ичидәёқ, буюк бобомиз Амир Темур ва унинг набираларидан бири бўлмиш Мирзо Улуғбек ҳақида қатор йирик илмий-тарихий ва бадиий асарлар ёзиб, чоп эттириди ва улар асосида кўп серияли кинофильмлар яратишида ҳам бевосита иштирок этди. Аллома 30 дан ортиқ монография, дарслик ва рисолалар ҳамда 300 дан ортиқ илмий-тарихий ва публицистик мақолалар чоп эттириди. У ўнлаб фан докторлари ва қирққа яқин фан номзодларининг ишларига илмий раҳбарлик қилиб, тақризлар ёзди ҳамда илмий кўмак берди.

Бўрибой Аҳмедов пири бадавлат отахонлардан эди. Рафиқаси Мунисхон — педагог, эндиликда хизмат пенсиясида. Ўғли Акбархон — муҳандис, қизлари Юлдузхон — санъатшунос. Раънохон — ўқитувчи, ўғли Музаффар — академияда илмий ходим, қизи Мухлиса эса тарих фани ўқитувчиси.



ТАҚДИРЛАШ ВА ТАҲҚИРЛАШ

Сайид Али Болтабоев туманимизнинг Деҳқончек қишлоғида таваллуд топган. Бутун умри омоч кетидан юриш билан ўтган деҳқон ота ўғлининг ўқиб улғайишини ҳавас қиласарди. Ота орзуси рўёбга чиқди: Сайид Али мактабни битиргач Андижон қишлоқ хўжалик техникумida таҳсил олиб, агрономлик мутахассислигини эгаллади.

Интилганга толе ёр. Басавлат жуссасидан ёшлик журъати барқ уриб турган, меҳнатсевар, бир сўзли йигит тезда кўзга ташланди. Туман раҳбарлари уни собиқ «Ойим» совхозининг Тешиктошдаги бўлимига агроном қилиб тайинладилар. У ерда уч йиллик меҳнат ва тажриба мактабини ўтади. 1968 йили ўз қишлоғидаги колхозга бош агроном бўлиб келди. Шундан сўнг С. Болтабоев туман агрономлари сардори, 1970—1980 йилларда ҳозирги «Султонобод» жамоа хўжалигида, сўнг 1981—1986 йили «Деҳқончек» жамоа хўжалигида, жами 16 йил раислик лавозимида ишлади. Меҳнат фаолияти ўз вақтида орден, медал ва Фаҳрий ёрликлар билан тақдирланди. Агроном сифатида деҳқончилик маданиятини юксалтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, агротехника, фан ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш каби долзарб вазифалар унинг зиммасида эди. Пахта ҳосилдорлиги колхозда 22 центрердан 28 центнерлик маррага етказилди...

С. Болтабоевнинг ишлаб чиқаришга раҳбарлик қобилияти, айниқса, хўжаликларга бошчилик қилганида ёрқин намоён бўлди. Деҳқончек ҳалқи пахта етиштириб қўшимча ҳақ олиш, чорва рентабеллигини ошириш, фермада ҳам чорвадорлар учун етарли шароит яратиш мумкин эканлигини шу одам раис бўлганда билдилар. Султонободликлар Сайид Али раиснинг ташаббуси ва ишбилармонлиги орқали қишлоқда 17 километрлик ичимлик суви қувурлари ўтказилганини, 25 километрлик йўлга асфалт ётқизилганини,

қишлоқ марказининг 3 жойида жойлашиб, экология ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётган чорва фермаларини қишлоқдан четроққа — Андижонсой бўйига кўчириб, молхона ва чорвадорлар учун маҳсус тураржойлар қурилганини, марказдаги ўрта мактаб биносини қуриш учун республика раҳбари Ш. Рашидовга мурожаат этгани (шу боис ўша давр райком котибидан «ўзбошимчалиги» учун танбеҳ ҳам эшитгани)ни яхши эслайдилар. Бу олижаноб инсоннинг меҳнатлари бежиз кетмади. С. Болтабоев эл-юртнинг меҳр-муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлди.

1986 йилдаги Москванинг ўзига хос қатағони гирдоби С. Болтабоевни ҳам ўз қаърига торти, «Ўзбеклар иши» қора тамғаси унинг пешонасига, пешонаси эмас, юрагига босилди. Тасаввур этинг: собиқ «Комсомол» колхози 1983 йилда ҳар гектар майдондан 28,7ц. ҳосил олиб вилоятда илғорлар қатори давлатга пахта топшириш режасини ортиғи билан баъжарса-ю, ерни шудгорлаш ўрнига юқоридаги буйруқбоз раҳбарларнинг зўрлиги билан яна ҳар куни 1%дан пахта (хўжалик иқтисодига зиён келтирса ҳам) тайёрланса ва энг мудҳиш манзараси шундаки, пахта заводи ва район ҳисобот маркази уни 2—2.5 % пахта топшириди, деб маълумот берса... Ажаб савдолар: фидокорона меҳнатлари учун орден билан тақдирланган бир инсон орадан кўп ўтмай ўша меҳнатлари учун таҳқирланиб ўтираса-я!

Мавриди келганда Сайид Али акадан сўрадик:

— Емаган сомсага пул тўланган экан, ўша пайтда «приписка» дан воз кечса бўлмасмиди?

— Бизга қулоқ солишмасди. Ҳей аттанг, дейман ўзимга, Навоий айтганидек, «дунёга бевақт келибмиз!». Ҳеч бўлмаса 40 йил кейин туғилган бўлганимда мустақиллик, эркинлик даврида элим деб, юртим деб ёниб ишлаган, ёниб яшаган бўларканман... Энди кексайиб қолдим... Буни қисмат дейдилар. Пешонага ёзилганини кўрмай иложи йўқ, одамзотнинг. Бир ярим йиллик руҳий азобдан сўнг ҳақиқат қарор топган бўлсада С. Болтабоев тавсия қилинган лавозимлардан воз кечди. Аммо, бир зум ҳам ўзини эъзозлаган, қадрлаган ҳалқидан узоқлашмади, ҳамдард, ҳамнафас бўлди. Бугунги кунда тўйларнинг тўриси уники, ёшларнинг маслаҳатчиси, мураббийси, нуронийлар сафи у билан тўлиқ. Унинг ўксик кўнглини Жамилахон авайлаб ардоқласа, ўғли Адҳамжон келажакка умид нурини сочиб турибди.



ВАЛИЕВ ДОМЛА

Уни ана шундай атардилар ва ҳамон атайдилар. Бундан йигирма, ўттиз, қирқ йиллар мұқалдам бу сўзларда бир меҳр бор эди, бир фахр бор эди ва ҳамон шундай. Қишлоқнинг катта-ю кичиги, уни таниган, билгандар ҳам, унинг ўзи билан бевосита таниш бўлмаганлар ҳам фахр билан айтишади бу сўзни:
ВАЛИЕВ ДОМЛА!

Валиев домланинг хонадонида бўлганимизда унинг альбомлари, конспектлари, турли ҳужжатлари орасидан бир шеърга кўзимиз тушиб қолди. Сарфайган варақ четига шундай сатрлар битилган эди:

*Йиллар ўтар, ўтар одамлар,
Ва улардан бир мазмун қолсин.
Шу мазмунни мен, сиз ўқисак,
Юракларга муҳаббат солсин.*

Абдуғани Валиев дарҳақиқат, юракларга муҳаббат соладиган мазмунда умр йўлини босиб ўтди. 1922 йилда Дардоқда таваллуд топган Абдуғани шу ерда ўси-унди, умрини болаларга баҳшида этди. Қишлоқдаги етти йиллик мактабни тутатгандан сўнг Андижондаги педагогика билим юртида ўқиди ва уни аъло баҳолар билан тамомлаб, ўзи ўқиган мактабга бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб келди. Лекин орадан бирор йил ўтмаёқ унинг қалам тутган қўллари қуролни ушлади — урушга отланди.

Украина фронтига юборилган ёш жангчи қўмондонликнинг кўпгина топшириқларини шараф билан адо этди. Айниқса, Ростов, Луганск, Запорожье шаҳарларини озод қилишда ўзининг разведкачилик фаолияти билан яхши хизмат кўрсатди, мураккаб операцияларни бажарди. Ҳавфли олишувларнинг бирида у бир оёғидан ажралди. Ана шу жанглардаги мардлиги учун орден билан мукофотланди.

1944 йили у қишлоққа құлтиқтаёқда, ногиронлик юки билан қайтди... Лекин у шу юк билан элнинг юкини құтарди, ўзи құлтиқтаёққа сүяниб турсада, одамларни сүяди, юртнинг келажагини оёққа турғазди. Муттасил равишда йигирма бир йил фақат бириңчи синф болаларини ўқитди. Бу айтишгагина осон. Аслида бу игна билан қудук қазимоқ, демакдир. Ҳозир ўқитувчилар кетма-кет икки, уч йил фақат бириңчи синфни олишга безиллайдилар. Валиев домла нега шундай қылди экан? Ахир у олий маълумотли ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси зди-ку? У нега бу ишдан бўйин товламади? Йигирма бир йил жужуқлар билан тиллашмоқ учун у саботни, матонатни қайдан топди?

«Бошланғич синф — билимлар пойдевори» дер экан Абдуғани ака кўпинча. У эҳтимол ана шу пойдеворнинг пишиқ бўлишини, пухта бўлишини истагандир. Бу истак муттасил равишда уни изланишга даъват этиб келди. Бугун мамлакатимизнинг жуда кўп вилоятларида, айниқса, Тошкентда домланинг юзлаб шогирдлари меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида прокурорлар, алвокатлар, олимлар, нуфузли идораларнинг раҳбарлари, проректор, ўқитувчилар бор. Уларнинг ҳаммаси бириңчи хатни, бириңчи сўзни Валиевдан ўргангандар.

Бир маҳаллар Абдуғани Валиев ишлаган мактабга бугун унинг шогирди Содиқжон Ваҳобов етакчилик қилмоқда. У устозни шундай хотирлайди:

— Саксонинчи йиллар эди. Мактаб жуда нураган, дарслар уч сменада ўқитиларди. Ўша йили қишлоғимизда Олий Совет депутати, вилоят раҳбарлари билан меҳнаткашлар учрашуви ўтказилганди. Валиев домла вилоятнинг бириңчи раҳбари олдига бориб, қишлоқ марказидаги мактабнинг ночор аҳволда эканлигини дадил айтганди. Раҳбар тез орада янги мактаб биносини қурдиришга ваъда берди. Ҳақиқатан ҳам орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан қурилиш ишлари бошланиб кетди. Ўшанда раҳматли Абдуғани ака жуда курсанд бўлган, барча ҳужжат ишларига ўзи елиб-юргурганди. Жойи келганда қурувчиларга ҳам қараб турмасдан, ҳатто бир сафар оёғи протез бўлишига қарамасдан лой қорғанлигини ўзим кўрганман. Мактаб тўққиз ойда битди. Афсус, янги мактабда узоқ ишлаш домлага насиб этмади, атиги уч ой-

гина ишлади, холос. Тўсатдан оғриб қолиб, дард охири уни орамиздан олиб кетди.

Айтишларича домла дурустгина шеър битган экан. Ўша давр учун «Шаккоклик» саналган шеърларини мактаб биносининг бетон пойлеворлари ичига қўшиб урдириб юборган дейишади.

Бугун домладан чиройли дастхатлар қолди. «Ёзув — бу санъат», деган сўзни кўп такрорлар, болаларнинг ёзувига алоҳида эътибор қаратар эди. Валиевнинг қўлида ким таҳсил олган бўлса, барининг хати чиройли, дейишади ҳам-қишлоқлар. Улар орасида ҳатто санъат асари сингари кўз узолмай, томоша қиласи даражада нафис ва чиройли бўлган дастхатлар борки, уларнинг ҳар бирида Валиев домланинг қалб қўри қолган.

ҚУЁШ НУРИ

Дарвозадан киришим билан ноқ димоғимга бир ифор урилди. Бу — йўлакнинг икки четида қулф уриб турган райҳон иси эди.

Нигоҳларим шу нарсани илғади — чогроққина ҳовлига гёранг сочиб юборгандай, ҳар жой, ҳар жойда турфа гуллар барқ уриб турарди: оқ, қизил, сариқ, пушти, нафармон... Мўъжазгина сўричанинг ёнидаги сиренлар остида эса икки қатор қилиб ўн тупдан зиёд алоэ экилган.

Гарчанд улар гулламасада тикансимон барглари яшнаб туришининг ўзи гўзал эди.

Ана шундай сўлим манзаралар қуршовида Шамсинур опанининг ҳикояларини тинглайман. Улар мени олис йилларга олиб кетади.

«Очарчилик туфайли Оренбургдан отам, онам, икки акам, синглим ва мен Тошкентга қараб йўлга чиқдик. Бизни истиқболда нималар кутаётгани номаълум эди. Аммо бу йўл осон эмаслиги тайин эди. Кўзлаган манзилимизга етмай турибоқ тақдир ўз зарбасини берди. Йўлда отам оғриб қолди. Уфада бир уйни ижарага олиб, отамни докторга кўрсатмоқчи бўлдик. Лекин Уфага келган кунимиз тунда отам жон берди... Уни ўша ерга дафн этдик...

Энди ягона суюнчиғимиз онам эди. У бизни қанотига олиб яна йўлга тушди. 1933 йилда Андижоннинг Ҳўжаобод туманига етиб келдик. Бу ерда холам яшар эди. Нон ва жон илинжида келганимиз бу серқўёш юрт, унинг офтобданда бағри иссиқ одамлари бизга паноҳ бўлди.

Шу ерда мен мактабга кирдим. Кейин Жалақудук туманинаги интернатда 8-синфни тугатдим. 1939—1940 йилларда Андижон ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқидим. Ўша ерда шоир Султон Жўра билан танишдим. Султон Жўра чиройли юзли, озода кийинадиган, маданиятли, кўркам инсон эди.»



1940 йилда Шамсинурни ёш ўқитувчи сифатида Дардоқдаги етти йиллик мактабга ишга юбордилар. Энди оила Дардоққа күчіб боради. Ўшанда Шамсинур 15 ёшда эди. Танаффус пайтларида қызлар билан құл ушлашиб ўйнар бұлсалар, онаси ўзининг ўқитувчи қизи қай бири эканлигini ҳатто ажрата олмай қоларди. Ахир ўн беш ёшли муаллиманинг бўйи ҳам, ёши ҳам ўз ўқувчиларидан деярли фарқ қилмас эди-да.

«Уруш бошланди. Икки акамни урушга олиб кетдилар. Тўсатдан онам оғриб қолди. Уни аравага солиб Ойимга — район марказидаги шифохонага олиб бордим. Ҳамширалардан иккитаси онамни қўлтиғидан суяшиб ичкарига олиб кириб кетишиди. Ўшанда ойим ортига бир қайрилиб қарди — у мендан дийдор узолмаган экан кейин билсан...

Онам шифохонада вафот этди. Уйга бориб синглим ва холамни айтиб келдим. Онамнинг вафотини йўлда кетаётib айтганимда синглим Гулзинурнинг тупроқ йўлга думалаб-думалаб йиғлаганлари ҳамон кўз ўнгимда туради...»

Ҳаёт йўллари давом этди. Ақаларининг биридан қора хат келганда Шамсинур ғамдан, аламдан яна мук тушди. Лекин ўрнидан турди, яна қаддини тиклади, йўлда давом этди. Ёлғиз акаси урушдан қайтганда Шамсинурнинг ўксик бағри тўлди.

«Акамни колхоздаги мактабга ишга қўйишиди. Энди акам иккимиз мактабга қатнардик. Акам тез юрар, шинелининг барлари этикларига урилгани эшитилиб турарди. Мен унга етиб юролмасдим, секинроқ юринг, десам, «Мен секин юролмайман-да», дерди. Шунда мен унинг камаридан ушлаб олардим, деярли юргургидек қилиб олиб кетарди...»

Ҳаёт яна изга тушди, янги оиласалар яралди. 1950 йилда Амирхон Давидовга турмушга чиққандан сўнг Шамсинур Деҳ-қончек қишлоғидаги мактабда меҳнат фаолиятини давом эттириди. Ўтгиз тўрт йил давомида шу қишлоқдаги 17-ўрта мактабда математика ўқитувчиси, илмий бўлим мудири, директор вазифаларида ишлади. Бу йиллар мобайнида у қанчалаб болаларга билим берди. Юзлаб шогирдлар тайёрлади. Ҳозир биринчи ўқувчиларининг ўзи 70 ёшни қоралаб қолган.

Шамсинур опа 45 йил давомида жамоатчилик асосида маҳаллага етакчилик қилди. Қанчалаб оила қўргонларини



Ижтимоят қишлоғида қурилган яшги мактаб биноси.

дарз кетиб, нурашдан асраб қолди. У кирган давралар яйраб кетади, у кирган хонадон файзга түлади. Яхшиси Шамсинур опанинг бир сұхбатини олинг-а ўзингиз бунга гувоҳ бўласиз.

Шамсинур! Бу қуёш нури демакдир.

Биз қуёшга интилиб яшаймиз. Лекин яна бир қуёш борки, бу инсон қалби, унинг офтобдан-да иссиқ бўлган қалб меҳробидир.

Хонадондан чиқаверишимизда алоэларга ишора қилиб дедим:

— Шу гулларни яхши кўрасиз чофим?

— Буям тўғрику, — мен алоэдан дори тайёрлайман. Болалар, қўни-кўшнилар, маҳалла-куйдагиларга зарур пайтларда асқотиб қолади. Райхонларни азалдан яхши кўраман. Ўғлимга айтаман, мен бу дунёдан кетганимда худди ҳозиргидай йўлакларнинг четига райҳон экиб қўйинглар, юрсангиз-турсангиз этакларингизга тегиб турсин, дейман.

Йўлак четидаги қоп-қора райҳондан бир шохини синдириб ён дафтарчамнинг қатига солдим. Ундан қуёш иси келарди...



ТУРГУНБОЙ ДОКТОР

*Сиҳат тиласанг — оз е,
Иzzat тиласанг — оз де.*

Тиб илмини мукаммал ўрганиб Султонобод табиби мақомига эга бўлган Турғунбой Навоий ҳазратларнинг юқоридаги байтларини доим айтиб юрар эди.

Яна соғлом бўлиш учун инсон аввал ўз мижозини, унга нима ёқиши-ю нима ёқмаслигини яхшилаб ўрганиши, нима фойдали, нима заарарли эканлигини англаши, шуларга қараб иш тутиши лозим, деб давраларда, йигинларда кўп таъкидларди. Саломатликнинг қадрига етишга чақиради.

Султонободликлар Турғунбой акани қишлоқнинг биринчи доктори деб аташади, чунки 50-йиллардан бошлаб қишлоқда у кирмаган уй йўқ эди.

— Бемор йўқ уй бўлса ҳамки уларнинг саломатлигини сўраб-суриштирасди, — деб хотиралайди, Эркинбой ота, — Турғунбой фельдшер бўлсада анча-мунча докторларни йўлда қўяр эди, у даволаган bemor албатта оёққа туриб кетарди. Шунинг учун биз унга ишонар ва ихлос қилардик.

Турғунбой Жабборов 1923 йилда Султонободда деҳқон ойиласида дунёга келади. Ўрта мактабни тамомлаб, Қўқондаги тиббиёт техникумига ўқишга боради. 1941 йили фельдшерлик мутахассислигини олади ва кўплар катори фронтга жўнайди. Ўқчи полкда фельдшерлик қилади. Ўқ ёмғирлари остида жуда кўп жангчи ярадорларни даволайди. Ўзи ҳамики марта ярадор бўлади. 1942 йилнинг кузидаги елкасидан оғир ярадор бўлиб, 6 ой госпиталда даволанди. 1943 йил февралида 2-гуруҳ ногирони ҳолида уйга қайтди. 1945—1951 йиллари Хонободда фельдшер бўлиб ишлади. Ўз қасамига содик Турғунбой Жабборов кечани-кеча, кундузни-кундуз демай эл саломатлиги йўлида беминнат хизмат қилди. 1952 йили қишлоғи Султонободда врач-фельдшер бўлиб ишни давом эттиради.

— 1955 йилнинг айни чилла чоғи эди, — деб ҳикоя қиласи Ҳакимжон ака Мамажонов, — кеч соат 9 лар атрофида ўғлим Бахтиёр жиддий оғриб қолди. Турғунбой докторни чақириб чиқдим. Беморни кўриб: «Кўп ташвишланманг, худо хоҳласа яхши бўлиб қиласи.» — деб ўғлимнинг томирини ушлаб кўрди, укол қиласи, ичиладиган дорилар бериб ўзи кузатиб турди. — «Мана, Ҳакимжон, бола ўзига келди».

Докторнинг юзига табассум югурди. Шу пайт узоқдан хўроz қичқириғи эшитила бошлади.

— Ия, тонг ҳам отибди, шекилли, — деб, у асбоб-ускуналарини йигиштириди. Доктор уйига келганда тонг отган эди.

Ҳа, доктор Турғунбой Жабборов Султонободнинг ана шундай ором билмас биринчи шифокори эди. У ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Ўлмасбой Қодиров, Қобилжон Каримов, Мухторжон Зулунов, Нозимжон Нишонбеков каби етук шифокорлар устоз Турғунбой Жабборовнинг ишини давом эттирилар.

Давлатимиз Турғунбой аканинг меҳнатларини қадрлаб, юбилей медаллари ҳамда Қизил Ярим ой жамияти медаллари билан мукофотлади.

Эл суйган Турғунбой доктор 1981 йил 23 майда вафот этди. Турғунбой докторнинг садоқатли оиласи Азизахон ая 10 фарзандни тарбиялади. 2 фарзанд шифокордир, қолганлари ҳаётнинг турли жабҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Эл севган Турғунбой докторнинг ёрқин хотираси ундан шифотопғанларнинг, фойдали суҳбатларини тинглаганларнинг, дўстлари ва фарзандларининг қалбida абадий яшайди.

ИБРАТЛИ УМР



Кампиробод сув омбори қурилиши тарихига назар ташланганда бу улкан иншоот замирида турли миллат вакилларининг жасоратли, машаққатли меҳнатлари ётганлиги ҳаммага маълум бўлади.

Камолхон Жалолов ана шу заҳматкашлар вакилининг бири бўлиб, унинг 37 йиллик умири Кампиробод сув омбори қурилиши билан боғлиқдир.

— Иш фаолиятимни 1960 йили оддий фишт терувчиликдан бошлаганман, — дея эслайди у. — Ҳарбий хизматдан сўнг, 1964 йили Кампиробод сув омбори қурилишида ишимни давом эттиридим. Катта иншоот қурилиши эндиғина бошланиш арафасида эди. Бу ерга мамлакатимизнинг турли жойларидан қурувчилар кела бошлади. Улар турли миллат вакиллари бўлиб, қурилиш жараёнида иттифоқ, бир-бирлари билан ҳамжиҳат бўлиб ишлар эди.

Андижон сув омбори тўғони мамлакатимиздаги йирик қурилишлардан биридир. Сув омборининг узунлиги 1210 метрни, баландлиги 115,5 метрни, энининг устки қисми 12 метрни, остки қисми 55 метрни, сув сифими I миллиард 750 миллион кубметрни ташкил этади.

Камолхон Жалолов фишт терувчи ишчидан сув омбори қурилишидаги зарбдор ташкилот, «ПМК-5» бошлиғи даражасига кўтарилди. Сув омбори қурилишининг қизғин паллаларида бу ташкилот Камолхон ака раҳбарлигига давлат режаларини ортиғи билан бажариб, неча бор мусобақа ғолиби бўлди. «Камолхон ўзи ёш бўлсада, улкан сув омбори қурилишида ўзининг ишбилармонлиги, ишчилар билан муомаласи, кеча-кундуз демай қурилишининг оғир қисмларида кўрсатган фидойилиги билан тилларда достон бўлди», — деб ҳикоя қиласди, 1968—1982 йилларда СМУ-1 бошлиғи бўлиб ишлаган Фофанов Виктор Николаевич.

«У бошлиқ бўлган қурилиш участкаларида давлат режаси ортиги билан бажарилар эди. Чунки Камолхон Жалолов ишчилар билан ёнма-ён туриб, тўғонга қўйилаётган бетон ишларининг сифатли бўлишига эришар эди. У вазмин, камтап, ишчиларга нисбатан талабчан ва меҳрибон, ўз касбининг жонкуяри бўлгани учун бошқаларни мен ундан ибрат олишга чақирар эдим».

Камолхон Жалоловни биз ишхонасида учратдик. У билан кўришар эканмиз, ёшларга бош-қош бўлиб, раҳбарлик вазифасини сидқидилдан бажараётганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Камолхон Жалоловнинг эл олдидаги катта хизматлари ни ҳукуматимиз қадрлаб 1970 йили Фахрий ёрлиқ ва 1974 йили орден билан мукофотлаган. Унинг эл манфаати йўлидаги меҳнатларига сарф этган умри ёшлар ҳаёт йўли учун ибратлидир.

Ҳозирги кунда унинг фарзандлари ҳам турли йўналишларда мустақил Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишмоқда.



Андижон сув омбори
инсон қўли билан
яратилган мўъжизадир.

БИЗ СУВ ИЧГАН АРИҚЛАР



Қодиржон Жалолов ҳақида ёзмоқ учун қўлга қалам олар эканман. Антуан де Сент-Экзюперининг шундай сўзларини эсладим: «Инсон бўлиш бу ма-съулиятни сезишингdir. Дўстла-ринг эришган ҳар бир ғалаба-дан фахрланишингdir, ўз фиш-тиңгни қўя туриб, дунёдаги бунёдкорликка кўмаклашаётга-нингни ҳис этишингdir».

Қодиржон ака бир умр ана шу эътиқод билан яшади. У ҳаёт иморатининг гиштларини моҳирлик билан қўйиб борди. У бу иморатни нурафшон этмоқ учун бутун умр курашди. Зотан ҳаёт курашдан ибо-рат, инсон бўлиш эса курашчи бўлмоқлиидир.

Қодиржон Жалолов 1930 йилда Ойим қишлоғида та-валлуд топди. 1947 йилда қишлоқдаги 21-ўрта мактабни ту-гатгандан сўнг, «Ойим» совхозида бригадага етакчилик қилди. 1950 йилда Тошкент Ирригация олийгоҳига ўқишига кир-гач, армия хизматига чақирилади. Уч йиллик хизматдан сўнг яна ўқишини давом эттиради. 1956 йилда олийгоҳни имтиёз-ли диплом билан тугатгандан сўнг, катта Фарғона каналида гидротехник вазифасида меҳнат фаолиятини бошлади. Ке-йинчалик шу жойда бўлим бошлиғи вазифасида ишлади.

1958 йилдан 1960 йилгача «Ойим» сув хўжалигида катта муҳандис-ирригатор, 1960 йилда Ҳамза номли совхозда ир-ригатор, директор муовини, муҳандис вазифаларида меҳ-нат қилди. «Меҳнат қилди», деб ёзиш Қодиржон ака синга-ри серғайрат, абжир кишилар учун жўндар, шунчаки ай-тилган гапдай бўлиб туюлади. Чунки бундай кишилар шунчаки меҳнат қилмайдилар. Улар бутун вужуди, бор кучи билан ишлайдилар.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг сувдан фойдаланиш бўлими мутахассиси, Қодиржон Жалоловнинг шогирди Шаробиддин Мирзакулов шундай ҳикоя қиласиди:



Қодиржон Жалолов Ҳамза номли давлат
хўжалиги фаоллари даврасида.

«Қодиржон ака жуда файратли инсон эди. Файратига, ши-
жоатига яраша жаҳли ҳам тез эди. Дангаса одамларни ёмон
кўрарди. Зуваласи пишиқ, бақувват одам бўлган. Шунинг
учун сув йўлларини тўсишда ўзи миробларга бош бўлиб енг
шимариб сувга тушар, бир-иккита одам қиласидиган ишни
бир ўзи бажариб қўя қоларди.

Жўравой аригини қуришда Қодиржон аканинг хизмат-
лари катта бўлган. Бугун бу ариқдан «Дардоқ», «Дўстлик»,
Шароф Рашидов номли ва Токтогул номли ҳамда «Ойим»
хўжаликларининг экин ерларию, аҳоли истиқомат қиласиди-
ган жойларга сув боради. «Дардоқ» ва «Дўстлик» ширкат
хўжаликларидаги бетон ариқлар ва коллекторларни қуриш-
да ҳам Қодир аканинг хизматлари катта.

Яна бир гап, Қодир ака уста сепоячи бўлган. У моҳир-
лик билан сепоялар ясарди. Илгарилари, аниқроғи Жўра-
вой ариғи қурилишидан олдин, асосан, Қорадарё сувидан
фойдаланиларди. Баҳор пайтлари, дарё кутурган кезлар ми-
робларнинг ташвиши ортарди. Дарёга яқин қишлоқларни
сув босиш хавфи туғиларди. Ана шундай пайтларда Қодир-
жон ака бошлиқ мироблар сепоялар билан сувни жиловлаб
олардилар.

Қодиржон аканинг табиатида қанчалик ғайрат, шижаат бўлса, юраги эса одамларга, оиласига меҳр-муҳаббат билан шунчалик тўлиқ бўлган. У аҳиллик, тотувлик оиласага, рўзғорга қут-барака киритади, деган ақида билан яшаган. Фарзандлари оиласи бўлиб, турли жойларда, турли шаҳарларда яшаганларида ҳам ҳар шанба куни хонадонга тўпланишларини сўрар экан. Бу билан у киши болаларим ҳар бири ўз оиласи, рўзғори, турмуш ташвишлари билан банд бўлиб бирбирларидан йироқлашиб кетишмасин, деган ўйда бўлган. Хонадоннинг бу анъанаси ҳамон давом этмоқда. Фарзандлар оталаридан одамийлик, меҳр-оқибатни ўргандилар, мерос қилиб олдилар.

Қодиржон ака умр йўлдоши, Тожихон ҳожи она билан саккиз нафар фарзандни тарбиялаб эл-юрт ишига қўшдилар. Гарчанд Қодиржон ака орамиздан эрта кетган бўлсада, у кишининг муроди, орзулари ўғил-қизлари камолида балқуриб турибди.

Бугун экинларга оби ҳаёт олиб бораётган ариқларда Қодиржон ака ва у сингари кишилар қўлларининг излари бор, деб айтиш мумкин. Ўша ариқлар ҳамон бор. Демак, Қодиржон аканинг меҳнатлари, улар яратиб қолдирган эзгу ишларнинг умри ҳам яшамоқда ва яшайверади.

ҚҮРФОНТЕПАНИНГ БИРИНЧИ ИЖРОҚУМИ

Султонобод қишлоғи Түрткүл қисмининг Симгузар маҳалласи марказидан ўтган икки кўчанинг кесишиган бурчагида жойлашган кичкинагина бир ҳовли бор. Бундаги мўъжазгина уйда инқилоб арафаларида ва ундан сўнгги алфов-далғов йиллари адолат ва ҳақиқат учун курашиб, эл хурматига сазовор бўлган Абдураҳмон Жумабоев яшаган.

Тўладан келган, ўрта бўйли, истараси иссиқ бу кишини султонободлик катта-ю кичик «Мулла ака» дейишарди.

— Мулла ака ростгўй, ҳақиқатни дангал гапирувчи инсон эди, — деб хотирлаган эди унинг шогирдларидан бири Назарали Йўлдошев. — Мен ҳаётда Мулла акамдан кўп нарса ўргандим. Умрининг охиригача у билан ҳамсұхбат бўлдим. Унинг билимдонлиги, ҳалол ва тўғри сўзлигига доим қойил қолар эдим ...

Абдураҳмон Жумабоев 1898 йили ўртаҳол деҳқон оиласида дунёга келди. Айтишларича, у киши илмда зукко ва ҳозиржавоб бўлган. Абдураҳмон бошланғич саводини отасидан, кейинчалик Султонобод мадрасасида олади. Сўнгра Бухоро мадрасасига ўқишига боради. Бир оз ўқигандан кейин инқилоб бошланади.

1918 йили Абдураҳмон Жумабоев халқ милициясига ёзилади. Иш фаолияти даврида у ўзининг жасурлиги, зийраклиги, билимдонлиги билан командирлар назарига тушиди.

1920 йили фирмә аъзолигига кирди. У ташвиқот-тарғибот ишларида фаол қатнашиб, эл осойишталиги йўлида жонбозлик кўрсатади. Қўрғонтепа, Қорасув волости ижроия қўмиталарига аъзо бўлди. Ўша суронли йилларда Абдураҳмон ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, ёт унсурларга қарши курашда олдинги сафда бўлди.



Абдураҳмон Жумабоев қишлоқдаги меҳнаткашларнинг мол-қўйларини, қиз-жувонларини мажбуран олиб чиқиб кетадиган тўдаларга қарши дўстлари Қосимбек Нишонбеков, Мулла Усмон Маматурдиев, Шодмонхўжа Маҳмудхўжаев ва Ҳожиқори Мамашоиповлар билан биргалиқда кураш олиб борди. 1920 йилда «Қизил ўлдуз» нишони соҳиби бўлган.

— 20-йиллар, жуда оғир кунлар эди. Болаларимни кўриб кетиш ва олган муҳим топшириқларни бажариш учун Султонободга ярим тунда келиб кетар эдим, — деб хотирлаган эди Мулла Абдураҳмон ота. — Мени тутиш ва ўлдириш мақсадида фатво олган душманлар йўлимни бир неча бор пойлашган. Аммо, бунинг удласидан чиқиша олмаган ...

1926 йилнинг 15 декабря маҳаллий шўролар кенгашига сайловлар бўлиб ўтади. 1927 йилнинг январь ойида Қўргонтепа туман ижроия қўмитасининг биринчи ташкилий йиғилиши ўтказилиб, унда туман ижроия қўмитасининг раиси этиб Абдураҳмон Жумабоев сайланади. Туман маркази Қўргонтепа қишлоғидаги Мирзакулбўлиш мадрасаси биносида жойлашади.

Абдураҳмон Жумабоев туман ижроия қўмитаси раислиги даврида туман ўрамидаги қишлоқларда ер ислоҳотини ўтказиш, ширкат ва колхозлар тузиш каби ишларни амалга оширади.

Кейинчалик у умрининг охиригача туман сув хўжалигига масъул лавозимда ишлади. Республика миқёсидаги нафақага чиқди.

Хукуматимиз унинг хизматларини орден ҳамда бир қанча медаллар билан мукофотлади.

Мулла аканинг 4 фарзанди бор. Шавкатбек ва Қорияхон нафақада, Ҳаётбек механизатор, Камолбек шофёр.

Абдураҳмон Жумабоев хотираси абадийлаштирилиб, Султонобод кўчаларининг бирига унинг номи берилган.

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАГАН АЯ

1993 йил 31 августда чиққан «Қорасув тонги» газетаси саҳифаларида «Фахрийлар — фахримиз» деган руқн остида Бобуршоҳ маҳалласининг мўътабар онахони бўлмиш Мунисхон ая Жўрабоева ҳақида қўйидагилар ёзилган эди:

«Хозирги қутлуғ кунларда муборак 70 ёшини ҳатлаб, табаррук саксон ёшга илк қадам кўйган бу онахонни шаҳримизда танимайдиган одам бўлмаса керак».

Мустақиллик йиллари онахоннинг ҳаётида энг унупилмас, бахтли йиллар бўлди десак, муболага бўлмас. Унга аввал «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони ва кўкрак нишони берилган бўлса, кейин «Мустақиллик» эсадалик нишони топширилди.

Бу қўшалоқ мукофот ўша кезларда табиатан серғайрат Мунисхон ая Жўрабоевани қайта яшартириб юборди, ғайратига чексиз ғайрат кўшиди. Дарвоҷе, Мунисхон Жўрабоева маҳалла қўмитасига қарийб чорак аср давомида раислик қилиш билан бирга, шаҳар кенгаши депутати ва шаҳар хотин-қизлар кенгашининг раиси каби ўта масъулиятли вазифаларнинг уддасидан чиқди.

Бу вазифаларнинг ҳаммаси ўша пайтларда жамоатчилик асосида бажариладиган ишлар эди. Бунинг устига Қорасув бозори аҳолиси энг зич ушбу маҳалланинг ўрамида жойлашганлиги учун ўша кезларда маҳалла осойишталигини сақлаш, хотин-қизлар ўртасида иш олиб бориш каби ўта долзарб ишлар маҳалла қўмитаси раисидан жуда катта куч ва масъулият талаб этарди.

1923 йили Султонобод қишлоғида дехқон оиласида таваллуд топиб, ўрта маълумот олган Мунисхон ая Жўрабоева эллик йилдан ошиқроқ жамият манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилиб келаётган, бошидан қанчадан-қанча иссиқ-



совуқларни ўтказган, сабр-бардошлилиги ва ҳалоллиги туфайли эл оғзига тушганига тан бермасдан илож йўқ эди.

У ўз ҳузур-ҳаловатини эмас, эл-юрт, маҳалла тинчлиги ва оиласар ташвиши билан яшаётганлигига кишининг ҳаваси келарди. Унинг ёшларга хос ғайрат-шижоати, донишмандона фикр-ўйлари ҳар қандай суҳбатдошини лол қолдирарди. Ўша пайтларда бўлиб ўтган суҳбатлардан бирида унинг қуидаги сўзлари ён дафтаримизга битилиб қолган экан:

«Бугунги қийинчиликлар биз кўрган 30—40-йилларнинг қийинчиликлари олдида ҳеч гап эмас. Дарёдан бир томчигина деб айтсак муболага бўлмас. У кунларни қайта бошимизга солмасин. Юртимизда тинчлик, осойишталик бўлса, ҳозирги етишмовчиликларнинг ҳаммаси ўтиб кетади».

Бевақт ўлим 1995 йили Мунисхон ая Жўрабоевани орамиздан олиб кетди. Маҳалланинг мўътабар онахони бўлган Мунисхон аядан ёдгорлик бўлиб қолган 6 фарзанднинг тўнғичи Кўпайсинхон, катта ўғли Авазхон, қизлари Азизахонлар пенсия гаштини сураётган бўлсалар, ўртанча ўғли Одилжон қарийб 25 йилдан бўён савдо ходими, кенжа ўғли Аббосхон эса техник-механик сифатида авторемонт заводида, кенжа қизи Юлдузхон қарийб 20 йилдан бўён пайпок тўқиши фабрикасида тўқувчи бўлиб ишламоқда. Ҳозирги кунда Мунисхон аянинг олтмишдан ортиқ невара-чеваралари ҳам бувижониси етолмаган орзуларга етиб, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар.

УСТОЗЛАР УСТОЗИ ЭДИ

Хаёт нақадар тотли бўлса, у шу қадар шафқатсиз экан. Ҳаётда кимгадир узоқ, лекин мазмунсиз умр насиб этса, кимгадир қисқа, лекин жуда сермазмун умр насиб этар экан. Ўзининг сермазмун, лекин қисқа умрини туманимиз халқ маорифи равнақига бахшида этган, туман халқ маорифи ходимлари, хусусан қорасувликлар учун бениҳоя азиз устозлардан бири Эшонқул Икашев эди.



Чимён қишлоқ кенгашига қарашли эски Эшонобод (ҳозирги Файратобод) қишлоғи ўрамида 1917 йилда туғилган деҳқон фарзанди ёшлиқ чоғиданоқ илмга, зиёга интилган. Ўттизинчи йили қишлоқ марказида очилган мактабни битиргач, устозларининг тавсияси билан педагогика техникумига ўқишга киради ва уни 1934 йили тамомлаб, Хонобод қишлоқ шўросига қарашли 6-сон қишлоқ ёшлар мактабида ўқитувчи ва илмий бўлим мудири бўлиб иш бошлайди. Туманимизда педагогик маълумотга эга бўлган ёшларнинг биринчisi сифатида у бутун ҳаётини ушбу мактабнинг моддий базасини ва ўқитувчилар жамоасини мустаҳкамлашга қаратади. Эшонқул Икашев халқ таълимининг ҳамма сирларини ўрганиш билан бирга, ушбу даргоҳни туман учун зиёкорлар тайёрлайдиган асосий марказга айлантириш учун курашади. Ўша пайтда туманимизнинг барча мактабларига биринчи ўқитувчи кадрларни, ёшлар етакчиларини тарбиялаб берган асосий зиё маскани ушбу илм даргоҳи эди. Иқтидорли муаллим ва ўқув юртининг жонкуяр раҳбарларидан бири сифатида у мактаб жамоаси тавсияси билан 1935 йил Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг иккинчи қурултойига ҳамда республика ўқитувчilarининг биринчи қурултойига делегат бўлиб боради.

Тасодифни қарангки орадан олтмиш беш йил ўтиб домланинг катта қизи Шаҳодатхон Икашева Мустақил Ўзбе-

кистон ўқитувчиларининг биринчи съездига делегат бўлиб борди.

Илмга чанқоқ Эшонқул ака бу қурултойлардан зўр иштиёқ билан қайтиб, ўқиши давом эттириш зарур эканлиги ҳақида ўйлай бошлайди ва катта тайёргарлик билан ўша йили Тошкентдаги Низомий номли Давлат педагогика институтининг тарих факултетига ўқишига киради.

1939 йили уни аъло баҳолар билан тугаллаб, Андижон педагогика техникумига ўқитувчи бўлиб ишга келади. Техникумда зўр иштиёқ билан иш бошлаган Эшонқул акага бу ерда икки ойгина ишлаш насиб этади. Ўша йили ҳарбий хизматга чақирилиб, йигитлик бурчини ўташга жўнайди.

Ҳаётнинг пасту баланди қирғоқларида қайгу ва қувонч оташида тобланган ёш Эшонқул Иккинчи жаҳон урушининг биринчи кунларидан гитлерчилар галасига қарши кураш ғалаба билан якунлангунча фаол қатнашди.

У жангларда кўрсатган мардлиги ва жасоратлари учун бир қанча медаллар, олий бош қўмондонликнинг қатор раҳматномалари, ордени билан мукофотланади. 1946 йили эса ҳарбий хизматдан бўшаб, она қишлоғига соғ-саломат қайтади ва ўзи меҳр қўйиб танлаган соҳаси — халқ маорифи даргоҳига қайта йўл олади. Аввал вилоят халқ таълими бошқармаси, 1947 йилдан эса район халқ маорифи бўлимида инспектор-назоратчи бўлиб, сўнг ўрта мактабда директор ва ўқитувчи бўлиб ишлайди. 1951 йилдан 1954 йилгача туман халқ маорифи шахобчаларини мустаҳкамлашига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, 1954—1955 ўқув йилида яна 1-ўрта мактабга директорлик қиласи ва мактаб ишини маълум даражада тартибга солгандан кейин, 1955 йилдан бошлаб туман халқ маорифи бўлимининг мудири вазифасига тайинланади ва қарийб ўн йил давомида туманда халқ таълимининг ривожи учун кечак-ю кундуз тинмай ишлайди.

1965 йили саломатлигини ҳисобга олиб Қорасув шахридаги ҳозирги учинчи ўрта мактабга ўқитувчи вазифасига ишга киради ва бу ерда умрининг сўнгги нафасигача хизмат қиласи. 1977 йили б май куни пенсияга чиқиши арафасида тўсатдан вафот этиб, ҳаётдан кўз юмади. У тумандаги жуда кўп ўқитувчиларнинг устози эди. Ҳаётда ўзига нисбатан ўта масъулият билан яшаган устоз ҳар қандай адолат-

сизлилкка тоқат қилолмасди, шогирдларини ҳам, ўз фарзандларини ҳам ана шундай руҳда тарбиялаган эди.

Ҳозир домла билан турмуш ўртоғи Олияхон аядан ёдгорлик бўлиб қолган беш фарзанднинг тўрттаси олий маълумотли мутахассис. Шаҳодатхон ва Комилжонлар ота изидан бориб педагогикни эталлаган бўлсалар, Раънохон ва Маҳмуджонлар юрист сифатида элга муносиб хизмат қилмоқдалар.

Устозларнинг устози бўлган Эшонқул Икашевнинг эъзозли номи унинг барча шогирдлари, фарзандлари қалбига узоқ йиллар яшайди.



ЎЗЛИГИН НАМОЁН ҚИЛГАН АЁЛ

Жаннат оналар оёғи остида-
дир, дейишлари бежиз эмас. XX
аср кўпгина мамлакатларда бўлга-
ни каби, бизнинг республикада,
жумладан, Қўргонтепа туманида
турмушнинг ҳамма жабҳаларида
аёлларнинг ўзлигини намоён қил-
ган, «парчалаб кишанларни ҳар
томон паришон қил» ган аср
бўлди десак муболага эмасдир.

Қўргонтепа бугунги жаннат
маконга айланмаган бўларди, агар

Иzzатой Тошматова хотин-қизлар озодлиги, эрки учун ку-
рашмаганида, Турсуной ая Ашуррова теримчилик маҳорати-
ни бутун республикага намойиш этмаганида, Машрабхон
Аҳмадалиева аёллар ҳам колхозда раислик қилиши мум-
кинлигини исботламаганида, Маҳпиратхон Хидиалиева
ёшлар қалбida Ватанга муҳаббат туйғусини ўстирмаганида,
Ҳафизахон Қурбонова пахта териш машинаси рулига ўтири-
маганида, Рўзихон Искандарова бола тарбиясига жонини
фидо қилмаганида, Кимсанхон Хошимова эркаклар билан
ёнма-ён электр пайвандчилиги билан шуғулланмаганида...
Қайси бирини айтайлик, улар юзта, мингта. Ана шу она-
хонларнинг қадами етган жой жаннат, қўли теккан жой
муруват кошонаси! Уларнинг эл-юрт олдидаги хизматла-
рини баҳолашда 30- йиллардаги очлик, уруш ва унинг асо-
ратини йўқотиш учун кураш даврининг оғир юки аёллар
зиммасига тушган кунларни ўз бошидан кечирган одамгина
ҳакамлик қила олади.

— Рўзахон Искандаровани,— дейди 1-мактаб директори
Раиса Саркина, — бутун дунё онахони деб тан олинган
Мать Тerezага ўхшатгим келади.

— Рўзахон опа бола тарбиясининг чуқур билимдони
эди,— деб эслайди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири
Марҳабо Тожибоева, — ундан ёшларгина эмас, биз-
лар ҳам инсон қалбини тушунишнинг китобларда ёзилма-

ган ҳаётий сирларини ўргандик. Ўзи ҳам, қалби ҳам чиройли аёл эди.

Рўзахон Искандарова 1922 йилнинг 31 декабрида Хоразмнинг Гурлан туманида таваллуд топди. Туман ички ишлар комиссари бўлиб тайинланган акаси Худоёрга эргашиб Кўрғонтепага келган 14 ёшли қизчанинг тақдиди умрбод туманимиз тақдиди билан боғланди. Андижон бошлангич синф ўқитувчилари тайёрлаш билим юртини тамомлаб, 1943 йилдан мактабда дарс бера бошлади. 1947 йилда Кўрғонтепадаги мадраса биносида биринчи болалар боғчаси ташкил этилди. Рўзахон ўзи мудир, ўзи тарбиячи. Кейинчалик туман марказида 50 ўринли, 90 ўринли, 1972 йилда эса 190 ўринли болалар боғчаси бинолари қурилди, жиҳозланди, таълим-тарбия ишлари юқори даражага кўтарилди, шароит яхшиланди. Рўза опа раҳбарлигидаги «Қуёшча» болалар боғчаси республика Фахрий ёрлигини олишга ва Доимий Китобга ёзилишга эришди. Қисқа вақт ичидан туманда янги қуриб ишга туширилган 14 та замонавий болалар боғчалирининг қурилишига ҳам, жиҳозланишига ҳам жонкуяр опа бош-қош бўлди.

— Ўз ишидан ошиқча вақт топиб хўжаликлар, дала шийпонларидаги боғчалар ишини яхшилашга ҳам кўмаклашар эди. Бир вақтлар туман хотин-қизлар кенгаши раисаси сифатида кўплаб оиласарнинг мустаҳкамланишига кучи ва билимини сарф қилди, — деб хотирлайди туман «Нуроний» жамғармаси раиси Мамасоли ака Сиддиқов.

Р. Искандарова ҳақидаги бу эътирофлар, санаб ўтилган меҳнат фаолиятининг натижалари, албатта, ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Бунинг замирида тиниб-тинчимас опанинг кўп йиллик пешона тери, қалб қўри, ёшлиқ файрати, кексалик донолиги ўзлигини намоён этди. Меҳнатлар зое кетмади. 1969 йилда меҳнатда эришган муваффақиятлари учун «Республика халқ маорифи аълочиси», 1975 йилда эса халқ таълими аълочиси фахрий унвонларига эга бўлди.

Юзидан нур, сўзидан дур ёғилиб тургучи бу лобар, бу мўътабар опа бутун умрини туманимиз равнақи, ёшларимизнинг ҳар томонлама етук, миллий фурур эгаси бўлиб етишувига сарф этди.

Инсоннинг энг гўзал, энг тўғри ва энг жиддий меъёри, яъни ўлчови ҳаё ва одобидир. Ҳаё ҳар бир инсонга зийнат бахш этади. Бу борада энг яхши хислатларга эга бўлган Рўза опанинг турмуш тарзи ибратдан холи эмас. Тасаввур этинг. Аёл зотининг кўча-кўйда, жамоат ўртасида, турли дунёқараш ва тушунчаю маданий савияга эга бўлган эркаклар орасида юз-боши очиқ юриши ҳали одат тусига кирмаган бир давр. Ана шундай муҳитда ўзини эҳтиёт қила билиш, аёллик иффатини, бекалик ва оналик фурурини пок сақлай олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Латофатга бой, олий маълумотли тарбиячи, оқила аёл, вафодор бека, меҳрибон она Р. Искандарова бунинг уддасидан чиқди.

Фарзандлари она меҳрига қониб ўслилар, камолотга етдилар. Улар оналари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Тўнғич қизи Баҳрихон шифокор, Дилоромхон агроном, ўғли Баҳодиржон қурувчи бўлиб етишдилар. Булар Рўза опа ёқиб кетган машъаллардир. Бу машъаллар эса 1994 йилдан буён муnis онахоннинг мозорини ёритиб, руҳини шод этиб турибди.

ЖАСУР МИРОББОШИ

Сепоя боғлаш ва уни дарёнинг емирилаётган ерларига ўрнатиш осон иш эмас эди. Сепоя — 3 та 5 метрли ёғочнинг учларини йўғон, қаттиқ сим билан боғлаб, ўртасига хашаклар тортилиб, учбурчак шаклида тикка қилинади. Сепоя дарё соҳилида тайёрлаб олинади. Дарёга туширилгач, унинг устига шохлар босилади ва тошлиар кўйилади.



Илгари ўкириб оқаётган дарё сувининг далалар, экинзорлар ва қишлоқларни емириб кетишдан ҳимоя қилиш, сув тошқинининг олдини олиш ва яна канал, ариқларга сув чиқариш ва тақсимлаш учун сепоялар солингган. Сепоя тайёрлаш ва уларни дарёга ўрнатишнинг моҳир билимдонларидан бири Исмон мироббоши бўлиб, у машҳур Йўлдош мироббошининг шогирди эди.

Жазирاما иссиқда, тоғлардаги қорлар эрий бошлаган пайтда Қорадарё юракка ваҳима соларди. Дарё ўзи билан тошларни, илдизи билан дарахтларни оқизиб келар, кутуриб гоҳ у, гоҳ бу соҳилга ўзини уриб, улкан лойқа олиб келар эди.

Найнаволик Мадусмон Мироб устози Исмон мироббоши ҳақида шундай ҳикоя қилган эди: — «Исмон ака ҳар қандай катта сувдан чўчимас, сепояларни Қорадарёга тушираётганимизда ишнинг оғир ва хавфли қисмини бажаарар эди. Сепоя оёқларини сув тубига маҳкам ўрнатиш учун у сувга шўнғир ва сув остида туриб, сепоя оёқларини судраб ўрнатиб чиқар эди. Бу катта жасорат эди. Ҳеч биримиз бу вазифани бажаролмас эдик. Исмон акам бу ишда миробларга ўрнак бўларди» ...

Исмон мироббоши 1889 йили Султонободнинг Бардон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Отадан етим қолиб, оила боқиши мақсадида Кампирободга сепоячиликка ишга боради. Аввалига эски мактабда ўқийди, кейинчалик оила ташвиши билан ўқий олмайди.

19 баҳорни кўрган, навқирон Исмон сепоячи бўлиб Кампирободда иш бошлайди. Чапдаст ва бақувват бу йигитга Йўлдош мираббошининг назари тушади ва ўзига шогирд қилиб олиб, кейинчалик ёрдамчи этиб тайинлади.

«Исмон мираббоши дарёнинг катта тўлқини зарбидан титраб турадиган сепоянинг тепасига эпчиллик билан чиқиб олар эди, — деб ҳикоя қилиб берган эди Ўсарқул ота, — Шиддат билан оқаётган дарё суви тўлқинининг томчилари сачраб турган сепоя тўсинида тик туриб сувнинг овозини тинглар ва бу овозга қараб мана шу кеча-кундуз дарё сувнинг қанча кўпайиши ва озайишини олдиндан айта оларди»...

1934 йилнинг баҳорида юз берган фожиа, таниқли Йўлдош мираббошининг ўлими барчани ларзага солди. Сепояларни тайёрлаш ва дарёга тушириш ҳамда мирабларга далда бўлиш ва раҳбарлик қилиш Исмон ота зиммасига тушди.

1940 йилгача у Қорадарё сув тақсимлаш темир-бетон гидроузел қурилмаси ишга тушгунча мираббоши бўлиб ишлайди. 1940 йилдан район сув хўжалиги бошқармасида мираббоши вазифасида ишлаб, Шаҳрихонсой бўйлаб сепоя солиш ишларига бош-қош бўлади.

1954 йили Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлигига катта лавозимда ишлаб турган шу қишлоқлик Қосимжон Ёқубжонов Султонободга келади (у 1964—1969 йиллар Сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаган). Мираббоши унинг ташрифидан фойдаланиб, қишлоқнинг Тўрткўл қисмини Шаҳрихонсой емириб кетаётганлигини, дамба қуриш билангина қишлоқни сақлаб қолиш мумкинлигини тушунтириб, шу ишни амалга оширишда ёрдам беришини сўрайди. Шундан сўнг тез орада 800 метрли дамба қурилиши бошланди. Қишлоқнинг сой йиқитаётган қисмida дамба қурилиб ер йиқилиши барҳам топди.

Исмон мираббошини «Исмон бақироқ» деса ҳамма танир эди водийда. Чунки у ўша пайтда қишлоқдошларини, найнаволиклар ва қорасувликларни баланд овоз билан сепоя солиш учун ҳашарга чақирав эди. Ҳатто Султонободдан Қорасув томон бақирса қорасувликлар, Тополинодан бақирса султонободликлар эшишиб ҳашарга отланишар экан.

Исмон отанинг халқ фаровонлиги йўлидаги катта хизматларини ҳукумат ўринли қадрлаб 1934—1938 йили фахрий ёрлиқлар билан тақдирлади.

Исмон мираббошининг уч ўғли ва бир қизи бор: Тошпўлат Исмонов — ўқитувчи, 35 йилдан бўён ёш авлодга таълим беради. У айни пайтда ижод билан ҳам шуғулланиб келади. Унинг шеър, фазал, мақолалари республика, вилоят, туман миқёсида эълон қилиниб келади. «Умид» ижодий уюшмаси аъзоси. Шамсиддин Исмонов — ўқитувчи-химик, у ҳам ижод билан шуғулланади. Ҳикоя ва лавҳалари вилоят ва туман рўзномаларида берилиб борилади. Қизи Қумрихон ая — нафақала, катта ўғли Нажмиддин Исмонов колхоз фолларидан эди.

Исмон мираббоши 1971 йили 82 ёшида вафот этди. Унинг номи абадийлаштирилиб, у яшаган кўчага Исмон мираббоши номи берилган.



БИРИНЧИ АГРОНОМ

Умрлар бор асрға менгзар,
Умрлар бор тарихни безар.
Умрлар бор ўчмас хотирот,
Барҳаётда руҳ бўлиб кезар.

Мозийга бир назар ташласак,
эҳтиросларга берилмай, ҳиссиёт
таъсиридан холи, холисона баҳо-
ласак ва шу билан аждодлар ру-
ҳини шод этмоқ билан бирга,
ростини сўзламоқ бурчимиздир.
XX аср кишилик тарихида қирғ-
инбарот жанглар, биродаркуш-

ликлар, диний ва сиёсий-фалсафий қарашлар тўқнашуви
асри, фан-техника ривожи асри бўлди.

Ўтган асрнинг эгалари, яратувчилари, аччиғу чучуги-
ни тотиган фуқаролари бизнинг аждодларимиздир. Ўз дав-
рининг фарзанди, бутун онгли ҳаётини эл-юрт фаровон-
лигига бахшида этган И. Хидиралиев, Р. Раҳимбобоев,
А. Жўрабоев, И. Тошматова, А. Эргашев, С. Меҳмонов,
Ғ. Обидов, М. Исмоилов, Ў. Рўзиматов, Б. Ҳамрақулов,
Қ. Авазматов каби юзлаб отахон-онахонларимизнинг фи-
дойилиги бўлмаганда эди, балки электр нури, газ ўчоги,
асфальт йўл, телевизор, телефон, автомашина, деҳқончи-
ликда техника ишлови каби аср ихтиrolари халқимиз-
нинг мулкига айланмаган, турмушимиз тарзи бу қадар юк-
салмаган бўларди.

Мўминжон Исмоилов (1912—1991) ҳақида сўз юри-
тишдан олдин юқоридаги мушоҳадага берилганимизнинг
сабаби бор. У инсоннинг ҳаётий фаолиятини туманимизнинг
босиб ўтган тарихий йўлидан айри тасаввур этиш мумкин
эмас. Қўрғонтепада истиқомат қилувчи Иброҳимжон Ис-
моиловнинг фарзанди Мўминжон аввал эски мактаб, кейин
1923 йилдан янги очилган шўро мактабида ўқиди. Сўнг
Мўминжон Андижон шаҳрида очилган биринчи «Деҳқон
ёшлар мактаби» талабаси бўлди, 1929—1933 йилларда Қиши-

лоқ хўжалик техникумидаги таҳсил кўрди. Бу пайтда ўлкада эски тузум ўрнини янги тузум эгаллаб, қишлоқларда янги ҳаёт тарзи тикланмоқда эди. Бу ҳол эса янгиликка интилувчи, шижаоткор, малакали ёшларни етишиб чиқувини тақозо этарди. Ана шу мақсадда «Савой» совхозида ўқув комбинати ташкил этилган эди. Фарғона водийсигагина эмас, бутун Туркистонга қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассис кадрлар тайёрлов маркази бўлган бу ўқув юртига биринчилар қатори Мўминжонни ўқитувчиликка жалб этдилар. У агрономия фанидан дарс берди (1933—1936). Шундан кейинги фаолияти ишлаб чиқаришнинг энг зарбор фронтлари билан боғлиқ бўлди. 20 йил давомида элим деб, юртим деб ёниб ишлади; очларни тўйғазди, уруш етимларининг бошини силади, уруш оқибатларини тугатиш учун курашнинг олдинги сафларида турди, қишлоқларда қайта қуриш, деҳқончиликни техника ва химия асосида янги поғонага кўтариш жабҳаларида тер тўқди. У МТСда агроном, бош агроном, директор. Кўплаб устахоналарнинг қурилиши, янги-янги ускуналарнинг ўрнатилиши, янги-янги технологияларнинг қўлланилиши, алмашлаб экишлару карталарнинг йириклаштирилиши вазифаларида меҳнат қилди. Ҳамма-ҳаммаси М. Исмоиловнинг бевосита жонбозлиги натижасидир. У яшаш деб ишлашни тушунарди. Шунинг учун ҳам умрининг охиригача меҳнатдан қочмади. Кексайганда омонат касса мудири, қишлоқ совети раиси, маҳалла комитети раиси сифатида ҳамиша халқ билан бирга бўлди.

Фидойи отахоннинг юрт олдидаги хизматлари ўз вақтида орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. 1948 йили Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвоннинг биринчи рақамли гувоҳномасини олиш М. Исмоиловга насиб этган эди.

— Мўминжон ака сўзга уста нотиқ, хотираси ўтқир, билимдон инсон эди,— дея эслайди шогирдларидан бири Мамасоли Сиддиқов, — рус тилини мукаммал билишдан ташқари, форс ва араб тилларида чоп этилган нашрларни равон ўқийверарди.

От ўрнини той босади деганларидек, моҳир ташкилотчи М. Исмоиловнинг эл-юрт фаровошлиги йўлида камарбасталигини фарзандлари давом этказмоқдалар. Иброҳимжон — шифокор, Пўлатжон — хўжалик раҳбари, Адҳамжон — олим, Ҳафизахон — мактаб директори, Азизахон, Моҳидилхон, Рухфизахон, Саидахонлар — ўқитувчи, Алишер — ҳайдовчи. Невара-чеваралар... М. Исмоилов ёқиб кетган чироқ ўчмайди.

АРМОН БИЛАН ҮТГАН УМР

Инсон умрини оқин сувга ўхшатадилар. Ҳа, сокин күл суви эмас, тўлқинланиб оққан дарё сувига ўхшайди. Бу сув не қирғоқларга урилмайди, бағрида не гарду тошларни олиб ўтмайди, оқибат, жонзоту одамзодга, бутун борлиққа обиҳаёт улашиб, ер бағрига сингиб кетади. Ана шундай тўлқинли дарё эди Солижон aka кечирган умр.

У 1924 йилда Шаҳрихоннинг Кўтармачек қишлоғида ўзига тўқ, бадавлат оиласда таваллуд топди. Оила «қулоқ» деган балога гирифтор бўлиб, тақдир тақозоси билан «Савой» совхозига келди. Ёш Солижон шу ерда ўқиди. «Бўладиган қўчқорнинг пешонаси дўнг бўлур» деганларидек, у 7 синфни битирибоқ чаласаводларни ўқитишга аҳд қилди. Шу-шу унинг ҳаёти инсон тарбияси билан чамбарчас боғланди. Ота-онанинг кенжা ўғлига ихлоси катта эди. Унинг оғир-босиқлиги, тиришқоқлиги, зеҳни ўткирлиги, ўйчан кўзларининг боқиши келажакда ёрқин бир сиймодан дарак бериб тургандай эди. Лекин, тақдир пешонага не ёзган экан?.. УРУШ!..

Марҳумлар гапирмайдилар, лекин уларнинг хотиралари, китоблар, матбуот саҳифаларидаги ёдномалар, жасорат нишонлари сўзлашдан толмайди ҳеч қачон, ҳеч маҳал. Қўлимизда саҳифалари давр ўтиши билан сарғайиб кетган газеталар. Кўз юргутирамиз:

«...Солижон вагонга чиқаётганда Холнисо хола ўғлига нон тишлатди: — Нондан улуғ нарса йўқ, насибанг тортиб турсин, сақлаб кўяман...»

«...1942 йил. Пенза, Пугачёв шаҳарлари. 1943 йил Сталинград, 2-Гвардия Армияси, Новочеркасск, Матвеев — Курган қишлоғида жанг, госпитал... яна қўлда пулемёт... 1944 йил. Крим, Сапунгора, Херсон, Минск, Каунасда оғир ярадор ва контузия. Тўрт йил уйқусиз, ярим оч, қон ке-



чиб, жон олиб, жон беришлар натижаси ўлароқ орденларга сазовор бўлади. Бироқ, қиличдай тана-жисмининг б жойидан жароҳатланган III гурух, сўнгроқ, унинг асоратидан II гурух ногиронлигини не билан қопласа бўлади...»

«Қишлоқ ҳақиқати» газетаси, 1983 йил, 135-сонидан: «... Жасур жангчи Ф. Абдураҳмоновнинг aka-укалари Солижон, Исоқжон, Олимжон, Аҳмаджонлар жангларда душман билан юзма-юз олишиб, ўз номларини шон-шуҳратга буркадилар... Аммо биргина Мақсудали қайтмади... Бу орада чол-кампир тўнгич ўғилларини кута-кута оламдан ўтдилар. Аммо, улар ёқсан чироқ ҳануз порлаб турибди... Солижон... ота-оналарининг ўгитларига амал қилиб... ишлаб, эл-юрг хурматига сазовор бўлди...»

1945 йил сентябридан С. Исмоилов яна мактабда. Сиртдан аввал Андижон ўқитувчилар институти, сўнг Фарғона педагогика институтининг математика факультетини таомлади. Унинг қобилиятини сезган раҳбарлар бир неча йил (1953—1971 йиллар) давомида туман маданияти ва маорифини ривожлантиришга жалб этдилар. Маданият бўлими бошлиғи, ҳалқ маорифи инспектори, мудири, ўрта мактаб директори лавозимларида ишлар экан, бу сергайрат, талабчан ва адолатпарвар инсоннинг ҳалқ олдидаги обрӯ-эътибори тобора орта борди. Туман зиёлилари, шогирдлари уни ўзининг ибрати ва талабчанлиги билан маданият тарқатувчи, касбига садоқат руҳини сингдирувчи деб билардилар.

Ҳаёт жумбоқлардан иборат. Сиртдан қарагандаги гўё раҳбарлик лавозимида гилар амалдорлик «гаштини» суруб, маза қилиб яшаётгандай туюлади. Аслида-чи? «Бюро», «Ревизия», «Ҳалқ контроли», «Прокурор чақируви»..., талаб билан имкониятнинг номутаносиблигини, қўл остида ишловчиларидан бирининг ноўрин хатти-ҳаракати учун жавоб бериш ва айниқса, ғаразгўйликларга бардош бериш... раҳбар учун пўлатдан юрак, метиндан ирода керак бўлади. Собиқ Совет даврининг сўнгги йилларида бу фожиа турмушга кенг сингиб қолган эди. С. Исмоилов ҳам ундан четда қолмади. Мана унинг эсадалик дафтарида ёзгани: «... айrim шахсларнинг ғаразликлари туфайли... менинг устимдан юритилган ножӯя ҳаракатларнинг нотўғрилиги ўз ифодасини бир кун-

мас-бир кун... топса керак деб ишонаман. Ана шунда мен виждан азобидан қутулиб, ўз ҳаётимни охиригача эркин яшасам керак...

*Гар фалак айласа умримни барбод.
Шу сатрлар ила этарсизлар ёд...»*

Ҳа, ҳақиқат қарор топди. Амал талашиб мактаб директорлиги, маориф бўлими мудирлиги вазифаларидан четла-тиш учун қилинган уйдирмалар ўринсиз эканлиги аниқланди. Лекин, кеч! Туҳмат тошлари зарбидан (бусиз ҳам урушдан қолган тан жароҳатлари «ўзини тез-тез эслатиб» турарди) экзема, радикулит, плеврит касалликлари пайдо бўлиб, асорати юракка бера бошлади. Ҳаётнинг бу ёвуз икки кушандаси — жисмоний ва руҳий азоблар бўлмаганда Со-лижон Исмоилов ҳали кўп яшаган, юртига хизмат қилган бўларди.

Мана, 1986 йилдан буён ҳар 2 март куни фарзандлари Башоратхон ва Шоҳидахонлар невараларини етаклаб мўъта-бар оталари қабрини зиёрат қиласидилар.



ТАРИХНИНГ УНУТИЛМАС ОНЛАРИ...

Кўрғонтепа туманинг ярим асрлик тўйи нишонланаётган тантанали кунларнинг бирида Тошбой ота Исмоиловнинг таниқли давлат арбоби Шароф Рашидов билан учрашуви бўлиб ўтган эди. Туманимизда яшаётган мўътабар фахрийлар номидан фахрланиб сўзлаган эди.

Ўшанда Тошбой ота бутун вужуди билан оддий кетмончи-

ликдан тортиб, пахтачилик бригадаси бошлиғи, колхоз тафтиш комиссиясининг раиси, колхоз раиси сифатида ўтказган барча воқеа-ҳодисаларни ёдга келтириб, республикамизнинг биринчи раҳбари олдида эркин, шошилмай, мазмунан бой сўз юрита олгани, учрашув қатнашчиларида бир умрга ўчмас из қолдиргани ҳамон ёдимизда. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган Тошбой ота Исмоиловнинг сўзга чечанлиги, зийраклиги, халқона нотиқлиги унга ҳамма жойда, ҳамиша қўл келарди. Пахтачилик бригадири вазифасини қойилмақом қилиб бажарди. 1936 йили бригадаси бўйича гектаридан 30 центнердан орттириб пахта олди. Ҳосилдорликни оширганлиги учун велосипед билан мукофотланди. Ўша йилнинг қишида тафтишком раиси этиб сайланди ва колхоз мулкини талон-тарож этишга қарши курашди. Колхоз уставини бузган кишиларнинг даромадларини колхоз омборига топширирди, колхоз мулкини талон-тарож этган кишилар вазифаларидан бўшатилди.

1937 йили Тошбой Исмоиловни Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги ўрнида ташкил топган колхозга раис этиб сайладилар. Пиёда юриб, ҳар бир колхозчи билан алоҳида гаплашди, уларнинг кўнглига йўл топди. Қўллаган тадбирлари натижасида ўша йили йиллик режани ошириб бажарилишини таъминлади, гектар бошидан 28,5 центнердан пахта олиниб, колхозчилар катта даромад олдилар.

Ўша йиллари колхоз омборчиси Мўминжон Тошбой ота хонадонига ун-гуруч, гўшт-ёғ, сабзи-пиёз юбориб раисни «сийламоқчи» бўлади. Раис кечқурун уйга келганда, бўлган воқеани хотини айтади. Ўша пайтнинг ўзидаёқ Тошбой ота келтирилган нарсаларни омборга жўнатади ва эртасига бу номаъкулчилиги учун омборчини таъзирини бериб, кўпчилик олдидা изза қилганлигини кексалар ҳамон эслайдилар.

1939 йилга келиб, жамоа хўжалиги ҳисобидан мактаб қурилиши бошланди. Бунинг устига бошқарув ҳайъати идораси ва оммавий-сиёсий тадбирлар ўtkазиш учун клуб биноси қурилди. Ўша йили «Қизил йўл» колхози раислигига ўтгач ҳам қурилиш ишлари давом эттирилди. Колхозни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш учун кураш олиб борди. Айниқса уруш йиллари жамоа аъзоларини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласига жiddий эътибор берилди. Бу йилларда депутат Ҳажалхон опа Мадумарова, биринчи тракторчи аёллар Хосиятхон, Ҳожинисо аялар билан бирга Кўшоқбой, Бултурбой, Муқимжон каби тракторчиларнинг ҳам хизматлари катта бўлган.

1950 йили Тошбой ота ҳаётида катта ўзгариш содир бўлди. Райком ўша йили уни «Қизил йўл» колхозидан олиб, йирик колхозга раисликка тавсия этди. 4 йил давомида бу колхозни ҳам илғор хўжаликлар даражасига етказди. 1954—1964 йиллар давомида бригадир, собиқ «Деҳқонобод» колхозида раис, Навоий номли колхозда партком котиби, боғдорчилик бригадаси бошлиғи вазифаларида ишлади. Қариллик пенсиясига чиққан Тошбой ота умрининг охиригача Кўрфонтепадаги жамоа хўжаликлари раҳбарларининг доимий маслаҳатчиси бўлиб турди. У 1985 йилда 85 ёшида вафот этди.

Тошбой Исмоиловнинг фарзандлари ҳам худди оталари каби ўта содда, камтар ва бениҳоя самимий кишилар бўлиб етишгани кишини қувонтиради. Катта ўғли Собиржон Исмоилов мана яқин 40 йилдан бўён «Кўрфонтепа ҳақиқати» газетасининг масъул ходими, муҳаррир ўринбосари сифатида ишлаб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонини олган бўлса, кенжа ўғли Содикжон Исмоилов туман ҳалқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси сифатида зиёлилар сардори бўлиб турибди.



ТУРМУШНИНГ БИЛИМДОНИ

Корасувнинг миришкор дех-қонларидан бири Камолхон ота учун уч ўғил ва уч қиздан кейин еттинчи бўлиб ўғил туғилиши жуда катта қувонч бўлди. У кичик ўғилчасига исми жисмига ярашиб турсин деб, Кенжатой деган исм қўйдилар.

Лекин отахон Кенжатойнинг камолини кўрмасдан, фарзанди

икки ёшга тўлган куни қазо қилдилар.

Орадан йиллар ўтди. Ёш Кенжатой билаги кучга тўлиб, жамоа хўжалиги далаларида ер чўкариб, чигит экиб, пахтачилик сирларини ўргана бошлади. Бироқ 1937 йили тўсатдан поччаси Аҳмадхон «халқ душмани» сифатида қатағон қилинди. Иккинчи суянчи бўлган Роҳилахон опаси тўрт норасида гўдаги билан бир умрга бева қолди. Бу ёш Кенжатойнинг ҳаётига катта зарба бўлди. Ўша йили акаси Даҳон оқсоқолнинг қатағон қилиниши эса «ўлганнинг устига тепгандек» иккинчи оғир зарба бўлиб тушди. 1938 йили иккинчи акаси Усубали ҳам дунёдан ўтиб, хонадон бутунлай ҳувиллаб қолди.

Оилани тебратиш эса ёш Кенжатойнинг зиммасига тушди. Аввал жамоа хўжалигида пахтачилик звеносига бошчилик қилиб, ерларни оби-тобига қараб ишлов беришга ўрганди. Сўнгра пахтачилк бригадасига бошчилик қилди. Орадан 1—2 йил ўтиб ишлари юришгандай бўлди: илғор бригада бошлифи сифатида эл оғзига тушди. 1938 йилнинг кузагида эса уйланди. Борингки, бу йиллари дунё ташвишларидан бир оз йироқлашиб баҳтли ҳаёт кечира бошлагандай бўлди. Бироқ, орадан бир йил ўтар-ўтмас, энди оғизлари ошига текканда, яна тинч осуда хонадон ларзага келди. Даҳшатли уруш бошланди.

Тақдир тақозоси билан Ленинград остоналаригача етиб борган Кенжатой 1942 йилнинг 11 августида бўлган шиддатли жангларнинг бирида бир оёғидан ажради ва беҳуш ҳолда госпиталга ётқизилди, етти ой давом этган муолажа-

дан сўнг, 1943 йилнинг март ойида биринчи гуруҳ ногиро-
ни сифатида она юртига қайтди.

29 ёшли йигит ногиронликни тан олмади ва катта жасо-
рат билан тинч меҳнат сари отланди. Аввал район маркази-
даги бозорда паттачилек қилди. 1943 йилнинг августига бо-
риб, ўша мўъжаз бозорнинг оқсоқолига айланди. От бозо-
ри, мол бозори ва қўй бозорини бозорнинг муқим
тасаррufига олди. Бозорни жамоатчилик асосида кенгай-
тириди, янгидан каффон, атрофларига атторлик ва озиқ-
овқат дўконлари қурдирди. Бозорчилар учун маҳсус чойхо-
на ташкил этилди, карвонсарой учун жой ажратилишига
эришиб, Қорасув бозори деган номга муносаб катта ўзга-
ришлар қилди. Орадан ярим йил ўтиб, 1948 йилнинг боши-
да ҳозирги Қорасув деҳқон бозори ўрнида вайрона бўлиб
ётган эски ҳовлиларнирайижроком қарори билан бозор
ихтиёрига олиб, қўшимча бозорча ташкил эттириди. Бозор-
нинг маблағи кўпайган сари унинг атрофи кўркамлаша борди.
Бозор оқсоқолининг бевосита ташабbusи билан Қорасув,
Дардок, Султонобод, Қўрғонтепа ва Хонобод сельполари-
нинг бозор қошида сайёр дўконлари иш кўра бошлади. Се-
кин-аста доимий дўконлар ҳам Қурила бошлади. 1950 йилга
келиб, Қорасув бозорининг донғи, бутун водийга ёйилди.
Энди бозор оқсоқоли Кенжатой ака Хонобод, Султонобод,
Ойим, Қўрғонтепа, Дардок қишлоқларида ҳам Қорасув
бозорининг филиалларини очишга ҳаракат қилиб, уларни
тегишли паттачилар билан таъминлади ва собиқ, район бо-
зоркўмини ташкил этишга эришди ва ўзи унга 1965 йилга-
ча директорлик қилиб, Қорасув бозорини ҳар томонлама
гавжум ва обод бозор бўлиб қолишига катта ҳисса қўшди.
Ҳозирги Қўрғонтепа, Хонобод, Дардок, Ойим, Султонобод
бозорларига ҳам ана шу давларда асос солинган. Шу
нарса кўпчиликкка аёнки, уруш ва урушдан кейинги даст-
лабки йиллар ҳам осон кечмади, Кенжатой ака бозор оқсо-
қоли сифатида ўша йиллари саховатпешаликка катта эъти-
бор берди, кўп хонадонларга ёрдам қўлини чўзди, ўз хўжа-
лигини ҳам мустаҳкамлай бошлади. Ўғил-қизлари
бирин-кетин мактаб томон йўл ола бошладилар. Кенжатой
ака беш ўғил ва беш қизни ақдли, ўқимишли, ҳалқа со-
дик кишилар қилиб тарбиялашга алоҳида аҳамият берди.
Парқинисо аянинг вафотидан кейин кўчага ҳам чиқолмай

қолган Кенжатой ака ўтган тотли кунларини хаёлан бошдан охиригача хотирадан ўтказиб, 100 га яқин невара-чевараларнинг бобожониси эканлигидан кувониб яшайди.

— Яратганга минг шукур, Озодахоним увалик-жувалик бўлиб, энди нафақа гаштини суроётган бўлса, катта ўғлим Нўймонжон тоғаси академик Б. Аҳмедов изидан бориб олим бўлди. Филология номзоди, у инглиз тили мутахассиси сифатида Миср ва Яман республикаларида бир неча йил таржимон бўлиб турди. 1990 йил АҚШда бўлиб ўтган симпозиумда иштирок этди. Хизмат сафари билан Англияning пойтахти Лондонга 4 марта борди. У Италия ва Ҳиндистон диёрини кўришга мусассар бўлди. Борингки бизнинг тушилизга ҳам кирмаган кўпгина элларни кезиб чиқди. Олийгоҳларда дарс берди.

Ҳа, Кенжатой ака ўз фарзандлари билан ҳар қанча фахрланса арзиди. Иккинчи қизи Санобархон ҳам ўқитувчиликдан пенсияга чиқкан, ўртанча ўғиллари Рустамжон ва Раҳматжонлар Қорасув шаҳридаги мактабларда қарийб чорак асрдан буён инглиз тилидан дарс бериб келишяпти. Улар ҳозиргача юзлаб инглиз тили мутахассислари тайёрладилар. Кичик ўғиллари Абдураҳмон, Роғибжон ва қизи Кифоятхонлар эса савдо ходимлари сифатида эл хизматида. Кенжа қизларидан бири Эътиборхон тиббиёт ходими бўлса, иккинчиси Ҳожихон Андижон вилоят ўлкани ўрганиш музеида илмий ходим бўлиб ишламоқда.

Бу ёруғ дунёning барча аччиқ ва чучугини тотиб кўрган Кенжатой акани эндиликда табаррук хонадон соҳибигина эмас, балки барча фарзандларини тарбиялаб элга қўшган, невара-чевараларидан панду насиҳатларини ҳеч аямаётган табаррук инсон сифатида турмушимизнинг кенг билимдона деса бўлади.

ИНСОН ДУНЁНИ АНГЛАЙДИ

Ҳар бир инсоннинг мижози, характери ўзига хос. Бирор дабдаба, шов-шув билан ўзлигин на-моён этса, бирор камтарона, лекин сермаъно, сермаҳсул умр кечиради. Ана шу камтарин инсонлардан бири Абдуғойиб Каримовдир.

Ушбу сатрлар муаллифи ўзи гувоҳ: Ёз кунларининг бирида Абдуғойиб аканинг ҳовлисида меҳмонлар тўпланишиди. Шарқона-ўзбекона саҳн сўлим, озода, батартиб. Ҳамманинг диққати бир туп дарахтда. Ҳа, бир туп мева дарахтида тўрт хил мева шохлари ҳосилга кирган, уларнинг на ранги, на ҳиди, на таъми бир-бирига ўхшас! Орадан йиллар ўтди, туман ҳокимлигига кутилмаганда азиз меҳмонлар ташриф буюрдилар. Гул керак, зарур. Ташқарида тиззадан қор. Шаҳар узоқ. Кимdir эслаб Абдуғойиб аканикига чопди, у парникисиз, иссиқхонасиз, ўзи истиқомат қилиб турган уйдан айрим одамларнинг ҳовлисида тўққиз ойлик ёзда ҳам учратолмайдиган антиқа гуллар дастасини олиб келди. Атир гулларнинг икки тури бир бутоқчада эди!

Гуллару мевали дарахтларнинг ўз оиласи бўлади, дейди бир суҳбатда А. Каримов. Масалан, данаклилар, уруғилар. Олма (уругли)ни ўрик (данакли)га улаб бўлмайди. Оиласдошларни бир-бирига улаб ўстириш, янги наъ олиш мумкин.

Бу изланувчан, тиниб-тинчимас инсоннинг босиб ўтган ўли ибратлидир. Абдуғойиб Каримов 1926 йили Қўргонтепа-нинг Эшонқишлоғида (Андижонсойнинг чап қирғоғи бўйлаб чўзилган бу қишлоқда ўтмишда эшонлардан бири яшаган, дейишади) туғилган. Отаси аравасоз уста бўлган. Абдуғойиб З ёшида отадан, 13 ёшида онадан ажралди. Қариндошлар, меҳрибон бегоналар соясида кечди унинг етимлик ёши.

Мактабнинг 9 синфини битиргач, 15 ёшли болакайнинг колхозда ишлаб нон топишидан бошқа чораси йўқ эди. 1945-48 йилларда ҳарбий хизматда бўлиб қайтгандан сўнг пахта



тозалаш заводига оддий ишчи бўлиб ишга кирди. Унинг тиришқоқлиги, топширилган ишга масъулият билан қараши, одоби, ўз билимини ошира бориши уни оддий ишчидан цех бошлиғи, директор йўринбосарлигига, ўша даврда Кўрғонтепа пахта тозалаш заводининг директорлигигача бўлган поғоналарга кўтарди. Заводда ўтган 22 йиллик умри изсиз кетмади. Заводга янги ускуналар келтирилди. Янги пахта қабул қилиш шоҳобчалари очилди. Ободонлаштириш, ишлаш ва яшаш учун ишчиларнинг шароитини яхшилашга, ёш мутахассисларни тайёрлашга жидий эътибор берилди. Қ. Авазматов туман раҳбари бўлган йиллари пахтачиликда механизациядан унумли фойдаланиш натижасида пахта кўпайиб, завод ишчилари-ю дирекцияси қўли-қўлига тегмай хизмат қиласдилар.

А. Каримов Андижон пахтачилик институтида сиртдан ўқиб агрономлик ихтисосига эга бўлди. Шундан сўнг 1972—1976 йиллари — ҳозирги Ш. Рашидов номли хўжаликда бош агрономлик қилди. Тошда гул, сойликда эл ризқини яратди. 1976 йилдан 1994 йилгача туман марказидаги қурилиш, аҳолига майший хизмат кўрсатиш, ип-йигирув фабрикасида, қолаверса маҳалла фуқаролар йиғинида қилган фидокорона хизмати эл оғзидан тушмайди. Кўрғонтепа шаҳар кўчаларини ободонлашуви, боф-роғларнинг кўпайиши, гулзорларнинг пайдо бўлиши Абдуғойиб аканинг исми билан боғлиқдир.

Эшонқишлоқлилар айтади: А. Каримов тўғри сўз, ҳалол, пок, олижаноб инсондир. Унинг оиласи «Намунали оила» деб тан олинган. Бу оиласда дунёга келиб вояга етган 4 қизу 1 ўғилнинг барчаси ўрта мактабларни олтин медаллар билан, олийгоҳларни эса имтиёзли дипломлар билан тамомлаганинг ўзи ҳар қандай мақтовлардан, шарафловдан устун. Ихтиёрхон адабиёт муаллимаси, Баҳридил физика фани муаллимаси, Моҳидил математика фани муаллимаси, Мастура шифокор. Ўғли Алишер эса 36-автокорхонанинг муҳандиси сифатида хизмат қилмоқда.

Фарзандлар:

*Оила қувончи, бизнинг баҳтимиз,
Қоядай бардошли заҳматкаш, доно.
Ота-она, сизлар суюнч таҳтимиз,
Күёш меҳрингизга дилдан тасанно.*

дэя дил изҳорини айтадилар.

ҚОРАСУВЛИК АСКИЯЧИЛАР САРДОРИ

*Гулшанларни тўлдириб кулинг,
Кулгулардан янграсин олам.
Нега кулмас эртанги куннинг,
Ишқи билан яшаган одам.*

Дарвоқе, у инсон юзидан қиш
қаҳрини сидириб ташлайди.
Ҳақиқатни ёлғондан фарқлашга
ургатади. Инсон руҳини кўтаради.
Андижонликлар азал-азалдан ҳан-
дага, асқияга ўч.

Бирор сайилу томошга, бирор
тўй-тантана, турли-туман кечалар,
байраму маросимлар йўқки латифасиз, асқиясиз, ҳажв
қўшиқларсиз ёки ҳазил-мутойибасиз ўтса.

... Қорасувлик асқиячи Мамажон ота Мадаминов қатнашадиган сайилу томошага бўёғи Ўшдан, бўёғи Фарғона, Намангандан шинавандалар ёпирилиб келишарди.

Бу сатрлар 1970 йили октябрь ойида, бундан ўттиз бир йил олдин "МУШТУМ" журнали саҳифаларида қайд этилган. Биз бугун ана шу журналда номи зикр этилган қорасувлик машҳур асқиячи Мамажон ота Мадаминов ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик.

1994 йилнинг 14 август куни Қорасув шаҳрида, шаҳар ҳокими М.И. Шерматовнинг бевосита ташабbusи билан Қорасув асқиячилик мактабининг сардори Мамажон ота Мадаминов (1889—1983) таваллудининг 95 йиллигига бағишлиланган хотира-кулгу куни, халқ сайли ўtkазилди. Бу халқ сайлига Фарғона водийсининг турли туманларидан ва республиканизнинг турли вилоятларидан, Тошкент шаҳридан ҳам асқия шинавандалари қатнашгани катта бир тарихий воқеа бўлган эди. Ана шу куни асқия мактаби сардори Мамажон ота Мадаминов ҳақида катта гаплар айтилди. Ул зотнинг табаррук номи кўпчилик томонидан эсланди ва маҳсус тузилган дастур асосида унинг асқиячилик санъати ҳақида йиғилиш иштирокчиларига маълумотлар берилди. Унинг ҳаёт йўлига бағишлиб маҳсус плакат нашр этилди. «Қорасув тонги» газетасининг ушбу санага бағишлиланган маҳсус сони чиқарилди.



Машхур сўз усталари Абдулхай махсум Қозоқов ва Ҳасанбой Султоновларнинг устози бўлмиси Мамажон ота Мадаминов 1889 йили қадимий Қорасувда таваллуд топган.

Ўқимишли, билимдон оиласа ўсган Мамажон ота ёшлигиданоқ ҳазил-мутойиба ва қулгига ўта мойил бўлиб ўсган. У ёшлик давридан бошлаб қишлоқда ўтказилган барча жўралар сұхбатидан, тўй-тўркин, меҳмонхона ва халқ сайилларидан четда қолмаган ҳамда ўзининг ўткир зеҳни, фаҳмфаросати ва сўзамоллиги билан юрга тез танилган.

Ота-онасидан эрта ажраб қолган Мамажон замоннинг зайлар билан чойхонада чой ташувчиликдан тортиб, чойхоначи ва саройбонлик қилган. Собиқ шўролар ҳокимиияти даврида тузилган ширкатлар ва артелларга аъзо бўлиб хизмат қиласи. Кейинроқ маҳаллий саноат корхонасига қарашли чойхонада мудирлик қилиб, ўзининг одамшавандалиги билан эл орасида Мамажон номи билан машхур бўлди. Катта Фарғона, Шимолий ва Жанубий Фарғона каналлари ҳамда Кампиробод тўғони қурилишларида иштирок этиб, ўзининг ширави ашулалари, ажойиб аскиялари ва ҳазил-мутойибалари билан халқ ҳурматига сазовор бўлди. Кези келганда, халқ сайилларида бели ерга тегмаган полвонлар билан курашга ҳам тушади.

Мамажон ота оиласи ҳаётда ҳам баҳтли инсон эди. Унинг икки ўғил ва беш қизи бўлиб, 100 га яқин невара ва чеваралари бор. Ҳозирги кунда унинг катта ўғли Қозоқбой шаҳар савдо тизимида, кичик ўғли Мадаминжон «Қорасув» ширкат хўжалигига, кенж қизи Кенжакон ва Турсунойлар халқ таълими тизими соҳасида элга хизмат қилишмоқда. Катта қизи Шамсихон ҳамда ўртанча қизлари Ҳукмхон ва Азизахонлар эса уй бекаларидир. Катта неваралари Салоҳиддин Тошбоев «Қорасув» ширкат хўжалигига таъминот бўлимида, кичик набираси Аслиддин эса ушбу хўжаликда таъминотчи лавозимида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Эл назарига тушган бу пиру бадавлат оила аъзолари болори, машхур аскиячи, Қорасув аския мактабининг дарғаси Мамажон ота номига муносиб ҳаёт кечирмоқдалар ва эл олқиши билан яшамоқдалар. Қорасувнинг шинам кўчаларидан бири «Аскиячи Мамажон ота кўчаси» деб юритилиш ҳам ана шундан далолат беради.

У ШУНДАЙ АЁЛ ЭДИ

Ҳажалхон Мадумарова (1892—1964) болаликни эрта тарк этган. Рўзғордаги моддий қийинчиликлар ёш қизни онаси Холбуви ва отаси Мадумар қаторига кириб, меҳнат қилишга мажбур этди. Ҳажалхондаги меҳнатга интилиш, интилганда ҳам тенгкурлари, маҳалладагиларнинг олдида бўлиш унинг баҳтини эрта очди.



Эндигина балоғатга етган (15 ёш), меҳнатда ҳам, ҳуснда ҳам эл назарига тушган Ҳажалой келинлик либосини кийди. Ёш келин турмушдоши Мамадали билан артелга кириб ишлай бошлади. Артел кейинчалик колхозга айлантирилди. Колхозда Ҳажалхон ўзини меҳнаткашлиги, гайрат-шижоат, одамлар дилига йўл топа олиши билан ҳурмат топди ва шу туфайли уни бригада бошлиғи этиб тайинлашди.

Ёш қиздаги ниятга интилиш, одамларни ортидан эргаштира билиш қобилияти уни элга танитди. Ҳажалхон Мадумарованинг самарали меҳнатлари, туман ва вилоят пахтачилигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси уни депутат қилиб сайланишига сабаб бўлди.

Депутатлар анжуманида у республика раҳбарлари Й. Охунбобоев ва У. Юсупов билан учрашиб сұхбатлашиши, оддий деҳқон қизининг фикр-ўйларини янги интилиш ва эзгуликларга ундали.

— Онамдаги ишга бўлган қизиқиш, ҳар бир одам билан шошилмай гаплашиш, айтган сўзининг удласидан чиқиши раҳбарлар назарига тушишига сабаб бўлган, — дейди она-нинг катта фарзанди, педагог Турсунали ака. — Мана шу уйимизда 1939 йили Йўлдош Охунбобоевнинг ташаббуси билан катта ҳашар қилинган. Томорқамизда катта тепалик бўлиб, ана шу тепалик тозаланди, уйимиз таъмирланди. Шундан сўнг хонадонимизга Ҳалима Носирова ташриф бујириб, катта концерт берди. Бу воқеа бутун қишлоқнинг меҳнат байрамига айланиб кетган эди.

Бу ҳузурбахш меҳнат, тинч ҳаёт тарзи узоққа бормади. Уруш бошланди. Онам мени урушга жўннатар экан, қўлидағи қулчани аччиқ кўз ёшлари ювиб турар, бағридан дала чанги ва онамнинг тўйиб бўлмайдиган ислари димогимга уриларди. Шунда мен онамнинг қанчалик сабр-бардошли эканлигини яна бир марта чуқур ҳис этиб, аламли хайрлашганимни кечагидек эслайман.

1930—1940 йилларда қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачиликда ҳосилдорликни оширишда шахсий намуналар кўрсатган ўзбек аёлининг кетмончиликдан тортиб раҳбарлик лавозимларида ишлаши деҳқон қизидаги етук қобилиятнинг ижроси деса бўлади. Ҳукумат ана шундай аёлларни муносиб тақдирлади. Буни опанинг орденлар билан тақдирланганлигига изоҳлаш мумкин. Ҳажалхон Мадумарова қаерда ишламасин, ишида талабчанлик, одамлар кўнглига йўл топа олиш, хуллас дардошга дармон бўлишлик бошқаларга ўrnак хислатлари бор эди. Турсунали aka хотира таассуротларини давом эттириб шундай дейди:

— Уйга кириб онамнинг чеҳрасини кўрганимда биринчи айтган гапи «худога шукур, иккимиз саломат кўришдик. Бугун менинг бахти куним» дегани кечагидек эсимда. Мана йиллар ўтди. Онам икки ўғил — мен ва Эргашали ҳамда бир қиз Ҳурилиқоларни жойлаб, ҳур кунларни кўрмай 1964 или оламдан ўтдилар.

Табаррук хонадондан чиқарканмиз, Турсунали отанинг кўнгил дафтариға ёзилган қуйидаги мисраларни ўқидик.

*Ҳаёт — бу тириклик, мангуликка йўл,
Инсон ва Хотира сирли бир хилқат.
Ҳисобли дунёнинг шуурида шул:
Колар ўрнинг йўғингда билинса фақат.*

АСРНИ ҚУВИБ ЎТГАН МҮЙСАФИД

Бу табаррук инсоннинг ҳаёт йўли юзлаб замондошлари каби оддий, кам фарқ қиласди. 1900-йилда дунёга келган. Иккинчи жаҳон урушида оғир яраланиб, чап қўлидан деярли ажраб келди. 45 йил бригадирлик қилди. Фарзандлар ўстирди.

Фалакнинг гардиши билан қадимий Қашқардан чиққан авлод Фарғона водийсининг Хўжаобод тарафидаги Кўрпа қишлоғида деҳқончилик қилиб, ўзига ва элу юртига рисқ яратиш билан машғул эди.

30 ёшли навқирон йигит Юсуфжон «бараклар» қуришда, ариқлар қазиши, ҳозиргача айрим гузарларда соясида авлодлар баҳра олаётган азим теракларнинг ниҳолларини ўтказиша қатнашди. Экинзорларга айлантирилган далалар сув ичди Юсуфжоннинг пешонасидан оққан мунҷоқ-мунҷоқ терлар қўшиа. У — сувчи. У — бригадир. У — мироб. У — жангчи. Айниқса урушдан қайтгандан сўнгги йиллар янада оғир, машақатли, енгил бўлмади. Ақл-фаросат билан иш тутиб, тўрт мучали соғлар билан тенг, кези келганда улардан дурустроқ ишлаб, ибратли ҳаёт кечириш тақозо этиларди Юсуфжон акадан. Пахта устаси сифатида, меҳнаткашлар ҳақ-хукуқининг ҳимоячиси сифатида элга машҳур бўлди у. Умрида чигит нелигини билмаган қrimlik va kav-kazlik қувфиндиларга пахтачилик илмидан амалий дарс берди у. Кўп йиллик фидокорона меҳнати учун ўз вақтида муносиб эъзозланиб тилга олинди, тақдирланди. Медаллар ва кўпгина Фахрий ёрликларнинг соҳиби бўлди.

Бир сўзли, ҳақиқатгўй бу нуроний инсон умр дафтари ни сарҳисоб этар экан, «Худойим пешонамга битганини кўрдим, умримдан нолимайман» дея мийигида кулиб қўяди ва бир воқеани тез-тез такрорлайди:

— Бизнинг аждодларимиз улуф бегоналар билан сизлашади, бундан бошқа ҳаммаси билан сенлашар эканлар. Мен



ҳам болалигимдан шунга ўрганиб қолган эканман. «Тарки одат—амримаҳол». Бир куни фўза оралаб юрсам катта йўлда «Волга» тўхтаб қолди. Ундан Кўчқор Авазматов ва яна бир ўглим тенги одам тушди. Ҳорма, бор бўл ўрнига ҳе йўқ— бе йўқ, ҳалиги одам қўлини шоп қилиб мени чақирияпти:

— Ҳой, бу ёқقا ке!

Негадир тажанглигим тутиб, дедим:

— Керак бўлсан, ўзинг ке!

Райкомимиз ҳалигинга бир нарса деди шекилли, кулишиб пастга тушишди. Эгат бошидаги тутқаторда учрашдик. Кейин билсан, у вилоят вакили обком Ашур Ҳайдаров экан. Хайрият, ўша йили ҳам планимни илфорлар қатори (114 гектар ердан 23 центнердан ҳосил олиб, 118 %га) бажардим. Ҳалиги вакил тағин келиб, гина сақламаган экан, елкамга уриб: «Раҳмат, ота!» деди. Барибир сенсираб айтди. Ҳафа бўлмадим — ўзимга ўхшаш экан, дедим.

Юсуф ота ҳаёт мактабидан сабоқ олди, ўзи бир мактаб бўлиб қолди. Мана ўша Юсуф ота мактабидан сабоқлар:

— Кексайгандা хор бўлмайин десанглар, белда қувват, қўзда нур борлигига меҳнат қилинглар.

— Соғлом бўлиб юришнинг гарови кўп-у, энг муҳими иккита: биринчиси Ибн Сино айтганидек овқатни меъёридан ортиқ емаслик, сут-қатиқ ва ҳаммомни унутмаслик; иккинчиси пиёда юриш ва ҳамиша жисмоний ҳаракатда бўлиш.

— Мендан узоқ умр кўришнинг сабабларини сўраб қолишади. Аслини олганда, 100 йил бу узоқ умр эмас. Иброҳим алайҳиссалом 175 йил яшаган экан, ҳозир ҳам 150—200 йил яшаётгандар бор, дейишади. Менинча, Ўзбекистонимизнинг ўриги-ю қовунидан ажрамасак, ҳар хил арзимаган нарсалардан ранжимасак, атрофимиздагилар меҳр-шафқатини дариф тутмаса узоқ ва баҳтли умр кечириш мумкин.

Юсуфжон ота 102 ёшга кетяпти, Ўқтамхон она 86 ни қоралаяпти, ота ўзи айтганидек, атрофидагилар ундан меҳр-шафқатни дариф тутмайди, фарзандлари гиргиттон: Ҳакимжону Фанижон, Умарали-ю қизи Тўпахонлар, 25 невара-ю шунча чеваралар ҳар кеч-тонг ота-оналарининг кўнглини, дуоларини олиш билан баҳтли деб биладилар.

МАЪРИФАТ ЖОНКУЯРИ

Мулла Усмон Маматурдиев 1887 йилда Султонободда дәхқон оиласида туғилган. У эски мактабда саводини чиқарди. Кейинчалик Кўргонтепада очилган рустузем мактабида ўқиб, у араб ва рус тилларини яхши ўзлаштириб олди.

У. Маматурдиев ёшлигиданоқ эл хизматида бўлди. Қишлоқ аҳлиниң болаларини маърифатли қилиш, саводини чиқариш учун қишлоқда биринчи бўлиб ўзининг уч хонали уйини мактаб учун ажратади ва мактаб очади. Унинг оиласи Шарофат ая мактабда болаларга сабоқ берарди. У кувноқ ва дилкаш, адабиётни севган билимдон аёл эди. Инқилобнинг дастлабки йилларидаёқ Шарофат ая қишлоқдаги аёлларни ўқитиш ва маърифатли қилиш учун паранжини ташлайди.

«Мен 15 ёшларда эдим, дадам юмшоқ, очиқ кўнгил ва камбағалпарвар бўлгани учун уйимиз остонасидан одам узилмас эди, — деб ҳикоя қилган эди унинг ўғли Октябржон Маматурдиев. — Одамлар ўзларининг ҳар хил муаммолари, дарду ҳасратларини айтишиб келарди, дадам уларга ёрдам берар, нималарнидир тушунтирас, уларни уйидан хурсанд қилиб чиқарап эди. Кейинчалик билсан отам халқ дарди билан яшар экан».

Мулла Усмон Маматурдиев саводи яхшилиги туфайли жадидлар уюшмасининг аъзоси бўлган. У ўз даврида халқни саводли қилиш, турмуш маданиятини ошириш, эрк ва адолат йўлида ўз меҳнатини аямади. Халқ орасида обрў-эътибори ошиди. У аввал Қорасув волост революцион комитетига аъзо бўлиш билан бирга, Султонободдаги ҳарбий революцион комитетга раислик қиласди. У 1921—1923 йилларда Андижон уезд-шаҳар озиқ-овқат комиссиясининг Султонобод ва Қорасув волостларидаги инспектори сифатида аҳолига озиқ-овқат етказиб беришда фаол қатнашади.





Султонобод қишлоғидаги 36-мактаб.

1923 йил бошида гарнizon жангчиси сифатида хизмат қилади. Шу йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Андижон уезд-шаҳар қўмитасида бўлим мудири лавозимида ишлади. 1924 йил май ойида эса уезд «Кўшчи союзи» раиси вазифасига сайланади. У ҳокимиятнинг ишончли вакили сифатида ер ислоҳоти ўтказишда фаол иштирок этади. 1928 йили Андижон вилоят матлубот жамиятининг раиси сифатида кўп ибратли ишларни амалга оширади.

Қатағон йиллари (1930—1933 йилларда) Усмон Маматурдиев ҳам «халқ душмани» қабилидаги фаоллар рўйхатида бўлди. Кўп ноўрин уйдирма саволларга жавоб берди. Вилоятда унинг обрўси ошиб бораётганини кўролмаётган душманлари ундан қандай ўч олишини билмай, ўзларича мудҳиш режа тузиб юрдилар ва улар пайт пойлаб, ниятларини амалга оширишиди.

1933 йили Усмон Маматурдиев Андижон вилоятида масъул вазифада ишлар экан, ҳеч қандай касал бўлмай, ишлаб турган бир пайтда қишлоққа унинг вафот этганлиги ҳақидаги хабар келди... Бундан бутун султонободликлар ғазабландилар.

Султонободнинг асл фарзанди, эли ҳамда қишлоқнинг жонкуяри Усмон Маматурдиевнинг хотираси қишлоқ аҳлиниң қалбида абадий яшайди.



Күргөнтепадаги 37-үрта мактаб биноси.

Мулла Усмон Маматурдиевнинг Октябржон ва Турдихон исмли фарзандлари бўлган. Улардан қолган невара-чеваралар боболари билан ҳақли равишда фаҳранадилар.



МАККАЖҮХОРИКОРЛАР ДАРФАСИ

Найни Маматқодиров Жалақудук туманидаги Күртқи қишлоғида дәхқончилік ва чорвачилік билан шуғулланувчи қирғиз оиласыда туғилған. Үнинг ёшлигі адирлік орасига жойлашған ўша қинғир-қийшиқ тупроқ күчали, пасту баланд ійлаклар бир-бирини боғлаган 30 га яқын уйлардан иборат қишлоқда үтди. Қулоқ деб бадарға қилингандай бойнинг уйда

ташкіл этилған мактабда ўқиб 7-синфни тамомлады. Отонасига күмаклашиш жараёніда меңнатда чиниқди. Ишга чанқоқлик 15 ёшли Найнини «Савой» совхозига (бу даврда «Савой» Жалақудук туманинде қарапарди) олиб келди.

Қотмадан келған, бүйдор ўспириң меңнат фаолиятини совхоз далаларида оддий ишчи-сувчилікден бошлады. Оқ иштонининг пойчаси тиzzасигача шимарилған, оёқ яланг, бир құлида кетмон, иккінчисіде тошфонар туттан йигитча кечалари ҳам сув қўйиб, ариқ бошида тунади. Бу серғайрат йигит тезда кўзга ташланди, атрофидагиларнинг эътиборини қозонди. 20 ёшида гидротехник (мироб)лик вазифасига тайинланди. Энди үнинг туни-ю куни Савой ариғи қирғоқларыда, узундан-узун карта (дала)ларни кесиб ўтган ариқлар, ташламалар бўйида ўтарди.

Н. Маматқодировнинг қобилиятыни синовдан ўтказған хўжалик раҳбарлари 1949 йилда уни пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинлашди. Бригаданинг 160 гектар майдони, биттагина «Универсалъ» трактори, битта от-араваси бўлиб, дала шийпони йўқ эди. Ишга яроқли эркакларнинг аксарияти урупдан қайтмаган, қайтганлари ҳам ногирон, асосий куч жабрдийда хотин-қизлар, ўспириналар, уруш бўрони ҳайдаб келған, пахтани билмайдиган қримликлар эди. Давлат талаби эса ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 23 центнерга кўтариш. Бундай ҳолатда бригада бошлиғи зиммасидаги масъулиятнинг нақадар муҳим ва оғир экан-

лигини тасаввур этишнинг ўзи қийин. Бунга матонат, садоқат, ўзини аямаслик, тадбиркорлик зарур эди. Бу хислатлар Найни акада бор эди. 20 йил давомида пахтачилик, сўнг яна 15 йил маккажўхоричилик бригадасини бошқаришда унга яна шу хислат-фазилатлар ёрдам берди. Бу давр ичидаги не-не сувлар оқиб ўтмади Савой ариғидан...

Найни Маматқодировни таниганлар, унга раҳбарлик қилган ёки унинг қўл остида ишлаганлар, шогирдлар бу олижаноб инсон ҳақида сўзлагандан уларнинг фикри бирбирига ўйғин:

— Йўлда от ёки велосипед миниб юарди, шудгорда этик кийиб далани кўндалангига кечиб юришни яхши кўрарди.

— Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда, деган мақолни тез-тез айтиб қўяр, ўзи ҳам унга қатъий амал қиласарди. Шудгорлаш мавсумида кечалари тракторчнинг ёнидан кетмас, ҳатто, омоч устига ўтириб оларди, назорат қиласарди.

— Экиннинг қони сув, жони ўғит, хоҳиши меҳнат, мақсади — барака,— деб уқтиради шогирдларига. Бу ўзига яраша деҳқончилик фалсафасини Найни ака катта-катта йиғинларда ҳам айтган.

— 1-бўлимдаги биринчи дала шийпонини Найни ака ўз бригадаси даласига қурдириб, уни ишчиларнинг иккинчи уйига айлантирган. Бу ерда дам олиш, ҳатто тунаб қолиш учун ҳам шароит яратилган эди. Ўзи бошлиқ бригада аъзоларининг кўпчилиги эрта баҳордан ҳосилни йиғишириб олгунча шийпонда яшардилар. Кейинчалик дала шийпонларида электр чироқлари ёнди, радио карнайлари ўрнатилди, телевизор ёғдулари порлади.

— Найни ака тўғри сўз, зарур пайтида раҳбарларнинг кўзига тик қарай оладиган, талабчан инсон эди.

(Юқорида келтирилган хотиралар ўша пайтда Найни ака билан бирга ишлаган бўлим бошлиғи Ҳ. Каримов, агроном Р. Икромов, директор Б. Абдураҳмонов, инженер Н. Мамажонов, ўғли Умрзоқлар сўзи асосида битилди).

Н. Маматқодиров 45 йиллик фаолияти давомида «Савой» хўжалигидагина эмас, бутун республикада тан олинган тажриба мактабини яратди. Маккажўхоридан рекорд

ҳосил олинди. Масалан, 1975 йили 83 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 50 ўрнига 72, 1 центнердан маккажүхори ҳосили олди. Бу — республикада янгилик эди! Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. 1976 йили ўз даврининг юксак мартааси — Меҳнат Қаҳрамони унвони, орден, медал ва ёрлиқлар соҳиби бўлди, икки марта Олий Кенгаш депутатлигига сайланди. Депутатлиги шарофати билан ҳозирги 41-ўрта мактабнинг, кейинчалик унинг номи қўйилган болалар боғчасининг қурилганлигини, Агроикти-содиёт коллежининг қурилиши режага киритилганини эслаб ўтиш жоиздир.

Афсуски, Найни ака узоқ яшамади. Шогирдларига, фарзандларига ҳадя этди қолган умрини. Ўғил-қизлари: Умрзоқ — агроном, Эргашбой (марҳум) — бригадир, Шамсиддин — фермер, Санталатхон — уй бекаси, Саломатхон — ўқитувчи, Салимахон — врач, Сабоҳатхон — ўқитувчи. Ҳар бирида бир этакдан фарзанд...

Найни аканинг сулоласи давом этмоқда, асрлар оша давом этажак!

МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ ЭДИ

Муҳаммад ҳожи ота нафақат маҳаллада, балки бутун қишлоқ аҳли орасида катта ҳурмат ва эътиборга эга эди. Шунинг учун ҳам маҳалла аҳли отанинг сўзи-ни икки қилмас эди.

Қишлоқ аҳли ва бошқа юртлардан келган кишилар тез-тез турли масала, муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ота хонадонига ташриф буюришар эди. Ҳожи отанинг ўғли Убайдуллохон шундай хотирлайди: «Учинчи синфда ўқирдим. Кунлардан бир куни тунда дадам 3—4 нафар меҳмонлар билан уйга киришиб чироқ ёнида, тик турган ҳолда Навоийнинг қайсиdir бир ғазалини мушоҳада қилишди. Эртаси куни дадамдан сўрасам, у меҳмонлари Андижон давлат педагогика олийгоҳининг домласи, шоир Улфат ва бошқалар экан».

Ҳожи ота маҳалланинг аҳиллиги, оиласларнинг иттифоқ яшаши, ёшларнинг ахлоқ-одоб масаласида кўп жон куйдирар, йиғинларда ана шу хусусида масала-масоил қилар эди.

Ҳожи отанинг яна бир ажойиб фазилатларидан бири уста боғбон эди. Ҳамқишлоқ дўсти Эргаш боғбон ота билан боғлар яратиш, ёш кўчатларни пайвандлаш йўли билан қишлоқ аҳлини хушнуд қилишар, одамларга турли-туман кўчат беришар эди. Бу ўринда дўсти шоир Махжурийнинг кўчат ҳақидаги Ҳожи қори Рақибийга ёзган шеърий мактуби фикримиз далилидир:

*Кўчат вақти келиб кангул қадди сарви ниҳол истар.
Ниҳоли қоматин кўрмоқ учун бояни висол истар.
Кўнгул муштоқ эрур дийдорингизни кўргали доим.
Кўярарга ишқ эли андоқки дилбардин жамол истар.
Қилиб густоҳлик Махжурий ёздим тутгайсиз маъзур,
Кўчат вақти келиб, кангул қади сарви ниҳол истар.*



Бунга жавобан Рақибий шеърий мактубини ёзиб Махжурыйга йўллади:

*Бу кўчатлар сиз оризга биз фақирдан ёдгор.
Гарчи бўлса, арзимас ҳам айлагайлар эътибор.
Ваъдага айлаб вафо келдим олиб таъхир ила.
Келмогимға етди монъелик ажсаб беихтиёр,
Ҳар нечук бўлса кечиргайлар Рақибий хастани.
Бўлмади ойларда ваъдамни вафосида қарор.*

Муҳаммад ҳожи Мамашоипов (Рақибий) 1896 йилда Султонобод қишлоғида таваллуд топган. У дастлаб Султонобод мадрасасида, сўнгра рус-тузем мактабида, Бухоро мадрасасида таҳсил олади. Икки йил Маккан-Мукаррамада яшайди.

1925—1926 йилларда Султонобод қишлоқ Советига раислик қилган. Қатағон йилларида 19 ой ҳибсда сакланган.

1942—1945 йилларда Оренбург шаҳрига сургун қилинган. У доим эркин ва адолат учун курашган.

Ҳожи қори Рақибий эркинликни қўмсаб яшади ва шу армон билан 1977 йил 17 феврал куни оламдан ўтди.

Рақибийнинг ҳаёт йўли ёшлар учун маънавият ва маърифат чашмасидир. Рақибийнинг 3 фарзанди бўлиб, Мунаввархон, Маҳбубаҳонлар уй бекалари, Убайдулло эса ўқитувчи. Унинг меҳнатларини ҳукумат тақдирлаб, унга «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» , «Халқ таълими фидойиси» нишонлари берилган. 1979 йилдан илмий мудирик, 1983 йилдан буён 34-ўрта таълим мактабида директорлик вазифасини бажариб келмоқда. У отаси изидан бориб, Пинҳон таҳаллуси билан ижод қиласи. Унинг асарлари, ғазал ва достонлари республика матбуотида эълон қилиниб туради ва ўз муҳлисларига эга.

УМР ҚЎШИФИ

Далалар сокин. Сукунат сирли.
Буданкўк — кундуз қунлари пиш-
қириб елган, туёқларининг ости-
дан чақин чаққан от ҳозир атроф-
ни-да, эгасини-да авайлаб аста
одимлаб борарди.

От устида кетаётган йўловчи
аввалига секин-секин, аввалига
сокин-сокин куйлади. У қўшиқда
хў олисдаги юлдузларнинг ортига
кетган олис аждодларини эслади.
Бу қўшиқ Момо Ер қўшифи эди. Бу
қўшиқ ўтаётган умр қўшифи эди...



Кишлоғимиздаги кекса кишиларнинг хотиралари Оқйўл
Маркаев ҳақида ёзмоқ учун қўлимга қалам олар эканман,
негадир кўз ўнгимда мана шу бир хил манзаралар жонла-
ниб туравердилар.

Замондошларнинг айтишларича, Оқйўл Маркаев жус-
саси кичкина, ихчам киши бўлган экан. Лекин шу кички-
нагина жуссасига катта бир ғайратни, жўшқинликни сиф-
дира олган. Уни одамлар кўпинча дала йўлидан от устида
қўшиқ айтиб кетаётганлигига кўп бора гувоҳ бўлганлар.

Оқйўл Маркаев 1910 йилда Қизилтўқай қишлоғидаги
Боштўп маҳалласида дехқон оиласида туғилган. Унинг бу-
тун ҳаёти қишлоқ хўжалиги билан боғланган. У меҳнат фо-
илиятини 1933 йилда колхозда звено бошлифи ва бригадир-
ликдан бошлаган. Район партия қўмитаси 1938 йилда Оқ-
йўлни Тошкентдаги раҳбар ходимлар таёrlаш мактабига
ўқишига юборди. Курсни муваффақиятли тутатгач, 1939 йил-
нинг январида уни Ойим район ижроия комитетига раис
этиб сайладилар.

Ёзга бориб, у Андижонда колхоз раислари тайёрлаш кур-
сида ўқиди, курсни битириб, Тошлоқ, сўнгра Тешиктош
қишлоқ советларида раис бўлиб ишлади.

Уруш тинч меҳнатга раҳна солди. Кетмон ушлаган қўллар
энди милтиқ дастасини тутдилар. 1942 йилда Оқйўл ҳам

тенгдошлари қатори жангга отланди. Энди дала йўллари фронт йўлларига уланди — Польша, Чехословакия, Руминия, Венгрия, Австрия... булар у босиб ўтган фронт йўлларидир. 1945 йил 4 апрелда Братиславани озод этишдаги жасорати учун ташаккурнома олган.

Йигитлар урушдан ғалаба билан қайтдилар. Энди уларни яна бир фронт—мислсиз машаққатли меҳнат фронти кутиб туради. Чунки беш йиллик уруш даврида издан чиқкан хўжаликни қайта изга солиш, уруш келтирган вайроналикларни тиклаш зарур эди. Шундай бўлди ҳам. О. Маркаев бир неча йиллар раис, бригадир, чорвачилик бўйича раис муовини сифатида тикланиш ишларига бош-қosh бўлди. Одамларнинг қалбida уруш қолдирган жароҳатларини аритишга интилди, кўпнинг ғамини еди, одамларни кела-жакка ишонтира олди, руҳлантира олди.

Чунки унда чўнг бир ғайрат, ирома бор эди. Мана, биргина мисол. Уруш арафасида ёйилган стахановчилик ҳаракатига биринчилардан бўлиб қўшилган ва ўзи ташаббус билан чиқкан ҳам Оқйўл Маркаев эди. Ўшанда у «Ҳар гектаридан 30 центнердан» леган ташаббус билан чиқди. Кўп ўтмай бу ташаббус қўшни бригадаларга, колхозга ва бутун районга ёйилди. Энди стахановчилик ҳаракати маркаевчилар ҳаракати билан алмашинди.

Ташаббускорлар сўзларининг уддасидан чиқиш учун ерларнинг унумдорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш мақсадида ариқ-зовурларни сифатли қилиб қазидилар, ерларга яхши ишлов бердилар. Ўша кезлари ғўза қатор ораларига ишлов бериш ҳам анча мураккаб бўлиб, от тортадиган 14 тишли «Орзиев» культиваторлари ҳамда хўкизлар тортадиган омочлардан фойдаланилган. Чунки бир колхозда атиги битта «Универсал» трактори бўлиб, у барчасига улгуролмас эди.

Сўз уддасидан чиқилди — ташаббускор Оқйўл Маркаев 1937 йили 7 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан, келаси йили эса 20 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтарди.

Ана шу меҳнатлар сабаб 1938 йили Оқйўл Маркаев Ўзбекистон Олий Советига депутат бўлиб сайланди.

Қишлоқнинг биринчи ижроқўми, қишлоқнинг биринчи депутати Оқийл Маркаевнинг эзгу ишлари, порлоқ хотираси бугун авлодлар умри, уларнинг яхши ишларида давом этмоқда. Демак, умр йўллари ҳам ва бу йўлларда янграгувчи умр қўшиқлари ҳам мангудир, боқийдир.

ТОШ БАГРИДА БҮСТОН ЯРАТГАН ИНСОН



Эл-юрт учун фидойи бўлган инсонлар ўз замондошлари қалбидан мангу жой эгалладилар. Ана шундай кишилардан бири Чўнгота Матиевдир.

1910 йилда таваллуд топган Чўнгота ўз фаолиятини дастлаб комсомол ишидан бошлаган. 1939 йилда Финландия уруши бошланганда уни биринчилар қатори урушга олиб кетадилар. Шу кет-

ганича олти йилдан кўпроқ вақт она юртидан олисларда юрди, қонли жангларни, ёнган шаҳар ва қишлоқларни кўрди.

Урушга бир дунё нафрат, она юртига бўлган битмас-туғанмас соғинч, меҳр билан 1945 йилда қишлоғига қайтди.

Уруш қалбida қолдирган жароҳатларни у меҳнати билан енгмоққа интилди. У ана шу ниятда қўлига кетмон олди. Далага отланди. Урушдан кейинги тикланиш Йилларида кўпларнинг бошини бир жойга қовуштириб, ўз ортидан одамларни эргаштира олди. Бугун Шароф Рашидов номли хўжаликнинг минглаб гектар майдонларида ястаниб ётган боғларга асос солган кишилардан бири ҳам айнан Чўнгота Матиевдир.

... Эллигинчи йилларнинг охири. Тошлоқда боғ яратиш ишлари бошлангач, биринчи дарахтни Чўнгота Матиев эккан эди. Ўшанда уни бригадир этиб тайинлаганлар. Ишлар осон кўчмасди. Ниҳоллар учун чукурчалар кетмон, белкураклар билан ковланар, араваларда тупроқ ташиб келинарди. Боғдорчиликда механизация бўлмаганлиги учун барча ишлар қўлда бажариларди.

Лекин, шундай бўлсада тошлар бағрида боғ яратилди. Ниҳоллар кўкка бўй чўзди, мева тугди, ҳосил берди. Нафакага чиққандан кейин ҳам Чўнгота Матиев меҳнатдан, боғлардан ажралмади. Оиласи билан 3 гектар майдондаги узумларни парвариш қила бошладилар. Биринчи йили Матиев-

лар оиласи 42 тонна узум етиштирдилар. Рақамлар йилдан-йилга ўсиб бораверди. Кейинги йили 54 тонна, сүнг 80 тонна узум топширилди. Хуллас, рақамлар йил сайин ўсади. Ана шу меҳнатлари самарааси ўлароқ Ч. Матиев енгил автомашина билан тақдирланди.

Бу орада Чўнготани шоликорлик биргадасига ишга таклиф қилиб қолдилар. Лекин боғларга ўрганган бригадир кўп ўтмай ўз бригадасига ўтказишини сўраб ариза ёзди. Пенсияга чиққандан кейин ҳам бу сергайрат инсон тиним билмади. Қачон қарасангиз, белда ток қайчи, ишкомлар оралаб юрган бўларди. У ҳар бир дарахтга жонли мавжудот сингари қарап, меҳрини берарди. Дерсу Узала айтганидай «Дарахт катта одам!» деган тушунча билан яшарди. Гарчанд боғдорчилик илмини бирон бир билим масканида ўқиб ўрганмаган бўлсада, унда катта ҳаёт мактабидан ўрганган чўнг билимлари бор эди.

У новдаларни қандай пайвандлаш керагу, ишкомларга қандай ишлов бермоқ зарур, буларнинг барчасини ўз тажрибаларига таянган ҳолда билар ва амалда қўлларди.

Бугун Чўнготадан азим боғлар, қобил фарзанд қолди. Қарийб чорак аср муққадам суқилган таёқ илдиз отиб, барг ёзиб, мева туғиб турган боғларга, боғлар бўлганда ҳам тош бағридаги бўстонга айланди. Дардоқ қишлоғидаги Ёртибош маҳалласининг Чўнгота Матиев яшаган кўчага эса унинг номи берилди. Демак Чўнгота отанинг порлоқ хотираси авлодлар қалбida мангу яшайди.



БЕКАТЛАРДА ТУНАГАН МЕЛИСА

Тун яримидан оғган. Қундузи меҳнат, турмуш ташвишлари билан толиққан эл оромда. Қайси-дир хонадондан чақалоқ ингаси ва онанинг майин алласи әшитилади, ўз овозига маҳлиё хўрзанинг қичқириғи тун сокинлиги ни бузмоқчидай. Фақат бир одам кўча кезади, ахён-ахёнда тўхтаб теварак-атрофга разм солади, қулоқ тутади.

У тинчлик-осойишталик посбони, тунни кунга уловчи, зарур бўлса бекатларда туновчи милиция ходимидир. Бу касб эгаларининг зуваласи пишиқ, қатъиятли бўлади. 30 йил давомида ўз касбини улуғлаб, бурчини шараф билан адо этган «Собир мелиса»ни туманимиз аҳолиси ана шундай инсон деб ёдга олади.

С. Маҳмудов 1928 йилда Шаҳриxonда дунёга келди. З ёшида отадан етим қолган Собиржон онаси қўлида улғайди. Тўлиқсиз ўрта мактабни тугатгач, серҳаракат йигитча ўрта маҳсус милиция мактабига борди. Уни намунали хулқ ва аъло баҳолар билан яқунлайди. 20 ёшида милиция формасини кийди. 23 ёшида кичик лейтенант, 34 ёшида капитан унвонига эга бўлди. У ўз иш фаолиятини Ойим район ички ишлар бўлимида оддий милиционерликдан бошлади. Ўз ишига масъулият билан қараган С. Маҳмудовга кейинчалик катта-катта участкалар — ҳудудлар ишониб топширилди. Ёнбошида нагани, елкасида пагони бор, этик ва формада юрувчи бақувват жуссали, қораҷадан келган бу одамни каттаю кичик «Собир мелиса» деб атар, ундан ҳамма ҳайиқар эди. Ҳа кўрқарди эмас, ножӯя хатти-ҳаракат қилишдан ҳайиқарди, ўзларини ти-ярди. 50—70 йилларда туманимизда Режапов, Хурбоев, Отахонов, Шарипов каби С. Маҳмудовнинг сафдошлари бор эдик, аҳоли тинч-осойишта ишлар, ўқир, дам оларди, хуллас, бехавотир яшарди.

С. Маҳмудовнинг фидокорона меҳнатини 1942—1956 йилларда Ойимда яшаганлар, 1956—1978 йилларда Кўрғонтепада яшаганлар ҳурмат билан эслайдилар. У қаерда бўлмасин, қандай вазиятларда бўлмасин ўз вазифасини, давлат манфатини юқори тутган ҳолда адо этарди, шахсий ҳаёти хавф остида эканлигидан қўрқмай иш тутарди. Оилавий можаронинг оқибатида эрнинг хотинга урмоқчи бўлган пичоини чақонлик билан улоқтирган, шу билан бир муштипарни ўлимдан асраб, жиноят содир бўлишининг олдини олган ҳам, бир ҳафта изсиз йўқолган мол ўғриларини бошқа туман бозорларидан тутиб келган ҳам, қиморбозлар инини топиб унинг фаолиятига чек қўйган ҳам «Собир мелиса»дир.

— С. Маҳмудов билан узоқ йиллар бирга ишлаганман — деб хотирлайди Каримжон aka Режапов. — 50-йилларда шароит бошқача эди, транспорт йўқ. Эсимда: Суд ҳукми билан қамоқхонага юборилган икки оғир жиноятчини бир ўзи Дардоқдан Ойим-Тешиктош орқали Андижонга пиёда олиб кетиб, икки кундан сўнг қайтиб келган. Андижонга етиб боргандарида турма беркилган, қабул қилувчилар кетган экан, киритмабдилар. Собиржон маҳбуслари билан шаҳардаги чойхонада ту nab, уйқусиз пойлаб ўтирибди ва эрталаб уларни қамоқхонага топшириб яна яёв йўлга тушибди. Бунаقا воқеалар кўп бўларди.

— С. Маҳмудовнинг сидқидилдан қилган хизматлари ўз вақтида муносиб тақдирланган. Қимматбаҳо совғалар, раҳматномаю мақтов ёрлиқларидан ташқари, «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медали, «Бенуқсон хизматлари учун» медалининг 1—2—3-даражалари, орден билан мукофотланиши бу инсоннинг халқ олдидаги фидокорона фаолияти нақадар юксак эканлигидан далолат беради.

С. Маҳмудов ҳаёт бўлганида энди 73 ёшга кирган бўларди. Афсус, умр қисқа экан. Бироқ авлодлар бор, халқ бор — инсон умри давом этади. Шогирлар, кўрган-билганилар бор — ҳурмат билан ёдга олинади. Собиржон aka турмуш ўртоғи Лолаҳон опа билан З фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Икки қизи олий маълумотли педагог. Ўғли Қобулжон эса отаси олдига қилган аҳдига вафо айлаб форма кийди, ота касбини давом эттириди. Ҳозир у милиция майори, Жалақудук туман ички ишлар бўлимида масъул вазифада ишлайди.



УМРЗОҚ АРТЕЛЬ

Инсон қадри ўз меҳнати, жамиятдаги ўрни, юксак ахлоқи, ҳалол ва поклиги, халқига ва оиласига наф келтириши билан белгиланади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсоннинг ҳаёт йўли Султонобод халқига, меҳнаткашларига ибрат намунаси бўлганди.

1900 йили мироб оиласида туғилган Умрзоқ, ёшлигиданоқ отасининг ёнига кирди. У чақон, меҳнатсевар, ҳар бир ишни ҳавас билан бажарадиган отасининг ҳар

бир сўзини сидқидилдан адо этадиган бола эди.

Унинг отаси асли қўқонлик бўлиб, оиласи билан Султонободга кўчиб келган ва мироб бўлиб ишлаган.

Умрзоқ инқилобга қадар ер эгалари қўлида хизмат қилиб, деҳқончилик билан шуғулланди, унинг нозик сирларини ўрганди. Диний мактабда хат-саводини чиқарди. У ишбильармон ва тадбиркорлиги билан дўстларидан ажралиб турар эди. Оқсоқолларнинг ҳикоя қилишича, Умрзоқ ота маҳалласидаги етим-есирлар, бева-бечораларнинг оғирини енгил қилиб, одамларнинг кўнглини олар экан, ёрдам берар экан.

Инқилобдан сўнгги йилларда бир гуруҳ дўстлари билан тўқайзор ерларни ўзлаштиришга бел боғлади ва кичкина артель тузади. Ўзи ташкил этган кичик артел аъзолари билан тўқайзорнинг қамишларини ўриб, ерларни очадилар. От-омоч, кетмон кучи билан ўзлаштирадилар. Янги ерларга маҳаллий гўнг олиб чиқадилар ва пахта экадилар. Ҳар йили пахтадан яхши ҳосил оладилар. Унинг меҳнати ва шижоатига қойил қолган одамлар уни «Умрзоқ артель» деб атайдилар.

1927 йилда Умрзоқ Абдуллаев артельни кенгайтиради, ширкат хўжалигига айлантиради. 1936 йилгача Умрзоқ хўжалик аъзоларининг турмушини, яшаш шароитини яхшилаб боради. Шу йили ширкат хўжалиги туманда пахтадан энг юқори ҳосил этиштириб, режасини ортиғи билан бажар-

ганлиги муносабати билан Умрзоқ ота республика пахтакорларининг қурултойига делегат қилиб сайланди. Умрзоқ ота қурултойда Файзулла Хўжаев билан танишади, у билан суҳбат қиласди. Қурултой тугагандан сўнг бир гурӯҳ пахтакорлар Файзулла Хўжаев билан суратга тушадилар. Биринчи қаторда Файзулла Хўжаев, унинг ёнида Умрзоқ ота ва бошқалар турад эди. Бу эсдалик сурат газеталарда эълон қилинган эди. Умрзоқ Файзулла Хўжаев билан суратга тушганини учун 1936 йили халқ душмани деб ҳибсга олинади. Айбизиз айбланиб икки йил ҳибсда бўлди. Сўнгра оқланиб, яна колхозда ҳосилот бўлиб пахтакорликни ривожлантиришда ўз меҳнатини аямади. Уруш йиллари фронт орти ишларини ташкил этишда шиҷоат кўрсатди.

2-жаҳон урушидан кейинги йилларда бригада бошлиғи бўлиб, пахтадан юқори ҳосил олиш учун курашди. 1950—55 йилларда колхоз пахтакорларининг сардори бўлди. Вилоят, туман пахтакорлари ҳурмат таҳтасига унинг номи ёзилди. Умрининг охиригача Умрзоқ ота меҳнати билан ўрнак бўлди.

У 1963 йили вафот этди. Унинг 3 ўғли ва бир қизи бор. Катта ўғли Абдуллажон — муҳандис (нафақада), қизи Тоҷижон — ўй бекаси, ўртанча ўғли Ҳомиджон — қурувчи, Ҳонобод касб-хунар лицейида бош мастер бўлиб ишлайди.

Умрзоқ ота Абдуллаевнинг элга қилган меҳнатлари қадрланиб, у яшаган кўча ва маҳалласига номи берилган.

УШАЛГАН ОРЗУ



Хонободда барпо этилган Андижон сув омбори қурилишининг яна бир фидойи вакили Турсунбай Мирзараҳимов билан учрашиш орзуси бизни Кампиробод ГЭСИ томон етаклади.

— 1968 йилда ҳарбий хизматдалигимда газетада Андижон сув омбори қурилиши ҳақида ажойиб саҳифани ўқиб қолдим — деб сўз бошлади Турсунбай ака — ўша кундан бошлаб ушбу қурилиш ҳақида ўйлаб, хизматдан сўнг, албатта, ўша ерга бориб ишлайман деб ният қилганман.

1969 йили у Андижон сув омбори қурилишидаги 1-қурилиш-монтаж бошқармаси (1-СМУ) га ишга кириб, меҳнат фаолиятини электромонтёрлик вазифасидан бошлади.

Интилувчи йигит 70-йилларда меҳнатдан ажралмаган ҳолда Фарғона химия-технология техникумининг энергетика бўлимидаги ўқиб, «техник-электрик мутахассис»лигини олади ва СМУ-1 ташкилотининг раҳбари В.Н. Фофонов тавсиясига асосан 4-участка механизми вазифасига тайин этилди.

Турсунбойнинг ишбилармонлиги, камтарлиги, сабр бардошлилигини билган 1-СМУ раҳбари уни энергетика прораби, кичик механизация бўлими бошлиги лавозимларида яна бир синовдан ўтказди.

— Турсунбой шундай ишлар эдик, ҳафталаб иссиқ ўрнида ётмас эди, — деб эслайди устози Муқимжон Темиров. — Сув омбори қурилишида иш шу даражада қизғин эдик, электриклар кеча-ю кундуз ҳаводек зарур эди. Турсунбойнинг уйи Қирғизистоннинг «Қизил Шарқ» қишлоғида бўлиб, у кўпроқ ярим тунда уйга борар, ҳали ечиниб улгурмасидан зарурат билан яна иш жойига қайтариб олиб келар эдик. Чунки кран ишламай қолса, албатта, электрик зарур эди.

1978 йилда Андижон сув омбори қурилишининг нуфузли раҳбарларидан Юнусов Мақсуд Собировичнинг такли-

фи билан Турсунбой ОДСП-4 дирекциясига ишга ўтди. ГЭС қурилиши, сув омбори, энергетика қисми, лойиҳа дарвозаларининг монтаж ишлари билан шуғулланувчи корхоналар, гидромонтаж, гидроэнергомонтаж, лойиҳачилар билан шуғулланиш, уларнинг ишларини назорат қилиш, керакли жиҳозларни етказиб бериш, сифат масаласига эътибор бериш ва ҳоказо ишлар Турсунбойнинг зиммасида эди.

У 1983—89 йиллари Тошкент Политехника олийгоҳида ўқиб (меҳнат фаолиятидан ажралмаган ҳолда) «Инженер-энергетик» мутахассислигини эгаллади.

1987 йилдан Турсунбой Андижон ГЭС директори лавозимига тайинланди. Тадбиркор, ишлаб чиқаришда зуваласи пишган бу раҳбар ГЭСнинг иқтисодий-молиявий қудратини ошириш йўлида янгиликлар яратиб, кундан-кунга корхонанинг моддий қувватини оширди. Ишчиларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаб, уларнинг ўртача маошини анча юқори даражага етказди.

1989 йили Андижон ГЭСини ижара пурратига ўтказишга эришилди. Бу эса корхонанинг иқтисодий-молиявий мустақиллигини таъминлаб, Ўзбекистон энергетикаси ичидаги энг юқори кўрсаткичларга эришди. Давлат режалари ортиғи билан бажарилиб, моддий манфаатдорлик ошди.

1993 йил Турсунбойнинг ташаббуси билан ГЭС ҳисобидан, яъни фойдасидан, жамоа аъзолари билан келишган ҳолда Тополино қишлоғида 844 ўринли мактаб қурилиши бошланди. Бу кутлуғ даргоҳ 1996 йили 1 сентябр — Мустақиллик куни ўқувчиларга тортиқ қилинди.

Бундан ташқари, ҳар йили Хонобод шаҳрини янада ободонлаштириш ва Тополино аҳолисини газлаштириш ишларига ГЭС нинг ички имкониятларидан фойдаланиб, молиявий ёрдам бериб келинмоқда.

ГЭС нинг келажакдаги режалари ҳақида тўхталиб Турсунбойҳожи шундай деди: — «Мустақил Ўзбекистон Республикализмининг келажак равнақига ҳисса қўшиш мақсадида ГЭС яна қайта давлат тасарруфига ўтказилиб, янги Андижон ГЭС-2 қурилишини бошлашга замин яратилмоқда» .

Хукуматимиз Т. Мирзараҳимовнинг самарали меҳнатларини инобатга олиб, 1995 йили «Дўстлик» ордени билан тақдирлади, 1998 йили «Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги аълочиси» унвони берилди.

МУЗАФФАРОВ АКАДЕМИЯСИ



Фуломжон Музаффаров ташкил этган академиянинг довруғи улкан иншоот — Андижон сув омбори қурилиши даврида бутун республикага ёйилди. «Музаффаров академияси» тайёрлаб берган мутахассислар сув омбори ишчиларининг 60 фоизини ташкил қиласиди, — деб ёзган эди, ўша пайтда «Учитель Узбекистана» газетасида эълон қилинган бир мақолада.

Фуломжон Музаффаров асли Фарғона вилоятининг сўлим гўшаси Шоҳимардан қишлоғидан бўлиб, 1922 йили 20 майда таваллуд топган. Унинг отаси шайх Музаффар эшон араб, турк, рус тилини яхши билган етук билимдонлардан бири эди.

— Отам ҳадис илмини чуқур биларди ва Куръонни ёд олган, камбағалпарвар киши эди — деб хотирлайди Фуломжон ака. — Биз уч ўғил эдик. Ҳар куни бизни отам ўқитар, ҳадис ва Куръон илмидан сабоқ берарди. Отам тиб илмини яхши билганилиги учун уни доктор — табиб дейишарди... 1930 йиллар қувғин қилиш тўфонига дучор бўлган шайх Музаффар эшон оиласи Жалолобод шаҳридан паноҳ топган.

Фуломжоннинг ёшлиқ йиллари Жалолободда ўтди. 1936 йили 7 синфни аълого тамомлади. Чаласаводликни тугатишида ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди.

1939 йили Марғилон педагогика билим юртида ўқиб, 1940—1945 йиллар Жалолобод вилоятининг Сузоқ қишлоғида ўқитувчилик қиласиди. 1946—1948 йилларда Пахтаобод район мактабларида ишлади. 1949—1951 йиллар Фарғона педагогика олийгоҳининг тил ва адабиёт факультетида сиртдан ўқиди. Олийгоҳни тамомлаб, Хонобод қишлоғида ўқитувчилик фаолиятини давом эттириди.

Кампиробод сув омбори қурилишининг бошланиш арафасида Марҳамат Гидромелиорация техникиуми кечки фи-

лиали Хонободда очилиб, унга раҳбар этиб Фуломжон Музаффаров тайинланади.

Филиални очишдан мақсад, қурилажак улкан сув омбори қурилишига турли йўналишдаги мутахассислар: электропайвандчилар, бетон қурилмасини тайёрловчи электриклар, пармаловчилар, дурадгорлар, ошпазлар ва бошқа касб эгаларини тайёрлаш эди.

Ишга ижодий ёндашувчи, тадбиркор ва серғайрат Фуломжон Музаффаров сув омборига яқин бўлган қишлоқлардан ёшларни бу кечки техникумга жалб қила бошлади. Ишнинг кўзини биладиган бу раҳбар сув омбори қурилишида ишлаётган турли йўналишдаги ишчиларни ҳам ўқишга таклиф қилди. Бу шундай ўқиши эдики, бир вақтнинг ўзида ўқувчига иккита ҳужжат берилар эди. Улардан бири ўрта маълумот ҳақида аттестат, иккинчиси мастерлик ва участка бошлиги вазифасида ишлаш ҳукуқини берувчи диплом эди.

Сув омбори қурилишида ишлаётган мутахассисларнинг деярли кўпчилиги ана шу дипломга эга бўлган ишчиларининг ўзагини ташкил этарди. Бу кечки ҳунар мактаби одамлар орасида «Музаффаров академияси» деб атала бошланди. Бу академияда турли соҳадаги олий маълумотли муҳандислар ва олий маълумотли ижтимоий фан ўқитувчилари талабаларга дарс бердилар.

1964 йили очилган бу илм даргоҳи қарийб 25 йил фаолият кўрсатди. Унинг номи республикага ёйилди.

«Народное Образование» журналининг бир сонида берилган мақолада ҳам академия ҳақида ҳикоя қилинган. Жумладан, техникум фаолияти, талабалари ҳамда уларнинг қурилишдаги тутган ўрни ҳақида батафсил ёзилган.

Маориф фидойисининг узоқ йиллик самарали меҳнатини давлатимиз юқори баҳолади. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи», «Ҳалқ таълими аълочиси» унвонлари берилди. Кампиробод сув омбори қурилишига қўшган ҳиссаси учун 1983 йили унга «Ўзбекистон сув хўжалиги аълочиси» деган юксак унвон берилди.

Кейинги йилларда Фуломжон aka Хонобод шаҳар фахрийлар кенгаши раиси бўлиб, шаҳар бўйича маҳалла хайрия жамғармаси ташкил этиб, уни бошқарди. 200—250 на-

фар кам таъминланган оиласларга жамғармадан ёрдам пули бериб боришни ташкил этди. Заҳматкаш, фидойи бу инсон эли, халқининг хизмати йўлида ибратли йўлни босиб ўтди.

Домланинг 7 қизи бор. Уларнинг барчасини олий маълумотли қилди. Катта қизи Маҳбуба Фуломовна Андикон педагогика коллеки директори. Малика Фуломовна тиббиёт фанлари номзодидир. Қолган қизлари ҳам турли касб загларидир: Юлдузхон — иқтисодчи, Манзурахон ва Жамилахонлар ўқитувчидирлар. Фидойи маорифчи F. Музофаровнинг ёрқин хотираси минглаб шогирдлари, фарзандлари, бутун эли-юрти қалбida абадий яшайди.

ХОТИРАДАН КҮЧГАН САТРЛАР

Болалик инсоннинг жўшқин, қайсиdir маънода беозор даври-дирки, унинг мурғак қалбida борлиқни синчковлик билан билишга интилиши кучли бўлади, тезроқ катта бўлса-ю, ҳамма-ҳаммасини билса.. Ана шу эҳтирослар билан улфайиб, орзу қилганидек оламни, ҳаётни англаб «ҳаммасини» тушуниб етгач у яна аксига, болаликка қайтгиси келаверади.

Амирхон ота Мусаевнинг қизи Эъзозхон ая (1941 йилда туғилган) хонадонида бўлиб, отаси ҳақидаги хотираларни ҳикоя қилаётганида юқоридаги ички кечинмаларнинг жонли гувоҳи бўлдик.

.. Отамни эсласам ёшаргандек бўламан. У инсоннинг кенг елкали, узун бўйли, қомати келишган, гап-сўзларидағи қатъийлик, мунозара ва суҳбатларидағи дангал, очиқ гапиришларини хуморланиб эслайман.

Оиладаги ночорлик, яшашдаги қийинчилик, айниқса оиласизнинг катта фарзанди Узоқбой ҳожининг ўлими хонадонимизга энг оғир мусибат бўлди. 1919 йилда оиласиз билан Андижонга кўчиб кетдик. Отам Амирхон ҳарбий ишлар билан боғланиб, ҳарбий дружина хизматида ишлади ва ўша йили Андижонни ҳимоя қилишда қатнашди. Бу фаолиятлари унинг ҳарбий маҳоратини оширди, чиниқтириди. Шу соҳага қизиқиш катта бўлганлиги, қобилиятини кўрсата олиши туфайли ўша йилларда округ бўлимининг 13—14 отлиқ аскарлар полкида хизмат қилди.

1924—1926 йилларда сиёсий барқарорликни таъминлаш ички ишлар ҳаётида ўта зийракликни, касбга хос маҳорат ва энг муҳими ходимдан қобилиятни тақозо этарди. Ўша пайтларда соҳа ходимининг ана шу хислатлари 24 ёшли навқирон йигитда мужассам бўлиб, у ўз шижоати билан касб эгасига айлананаётган эди. Аввалида у Андижон округ милиция бўлими бошлиғи вазифасида ишлади. Кўрғонтепа тума-



ни маркази Мирзакулбўлиш мадрасаси биносида жойлашган (1926—1927) йилларда туман ички ишлар бўлимида ва кейинчалик эса, аникрофи, 1928—1958 йилларда район милиция бўлимида фаолият кўрсатди.

Ўша йилларда милиция бўлим бошлиги зиммасига Давлат хавфсизлик хизмати соҳаси бўйича қилинадиган ишлар ҳам юклатилган эди. Ана шу даврда мураккаб ва масъулиятли ҳисобланган мазкур соҳада ишлаш шахсадан катта жасорат, етук қобилиятни талаб этарди. Бу хислатлар Амирхон Мусаевда мавжуд бўлганлигидан вилоят милицияси бошлиги, кейинчалик пенсия ёшига қадар Кўрғонтепада масъул раҳбарлик лавозимларида ишлади. Бу инсон ҳаёти давомида ўз касбининг шундай етук кишисига айландики, ҳаётининг энг хавфли, нозик дамларида ҳам қасбига содиқ қолди.

Юрти ва вилояти кўламида қасб ишида арзигулик ном қолдирган Амир ота ҳаётининг охиригача (1980 йил) меҳнатининг роҳатини кўрди.

Бугунда ўзи яшаган кўча унинг номи билан аталади. Туманимизнинг архивида ва музейида у ҳақида кенг ва етарли маълумотлар сақланади.

Ўтмишимиз, боболаримиз армони бизларни огоҳликка чорлагандек бўлади.

... Энди ўзликка хос яша эй Турон,
Кўзи очиқ кетган норларинг ҳаққи,
Аларнинг руҳига гар битса забон,
Титратур заминни сара Турк ҳалқи.
Олис боболаринг пок руҳи қўллаб,
Тенглар ичра бугун бўйлашган макон.
Бугун турар Сени олам шарафлаб,
Истиқлол пешкаши ҳур Ўзбекистон!

УСТА ПИЛЛАКОР

Турсунпошша аяни туман пиллакорлари жуда яхши билишади. Бутун меҳнатини, билими-ни пиллачилик соҳасига бағишлаган бу аёл агар ҳаёт бўлганида 84 баҳорни кўрган бўларди. Меҳнат фаолияти ёшларга ибратли бўлса, инсон халқи орасида ардокланади.

1917 йили Турсунпошша Мұқимова Султонобод қишлоғида дехқон оиласида дунёга келади.

Умумий таълим олгач, Андижон шаҳридаги пилла агрономи тайёрлаш техникумiga ўқишга боради. У даврларда хотин-қизларни ўқишга жалб қилиш анча қийин эди. Шунга қарамай Турсунпошша техникумни имтиёзли тамомлаб, қишлоқдаги колхозга пилла агрономи бўлиб ишга келади. Урушдан кейинги йилларда район пиллачилик агрономи бўлиб 10 йилдан ортиқ вақт ишлади. Районда пилла ҳосилдорлигини ошириш йўлида катта хизмат қилади. Ҳар йили республика пиллакорларининг йиғилишига делегат бўлиб сайланади. Турсунпошшанинг ташаббуси билан тумандаги барча хўжаликларда маҳсус тутзорлар ташкил этилди, уларга озуқаси мўл бўлган янги тут навлари келтириб экилди, алоҳида пилла қурти боқиладиган бинолар қурилди. Бу эса бугунги кунда юқори поғонага кўтарилиган туманимиздаги пиллачилик маданиятининг пойdevори эди. 1950 йилда яна Султонободга қайтиб келиб, колхозларда пилла агрономи бўлиб ишлайди.

Юнус адирда, Кўкбулоқ атрофидаги адирларда тутзорлар ташкил этди. Айниқса Азизий раислиги даврида Турсунпошша бошчилигидаги колхоз пиллакорлари улкан марраларни эгаллашди. Унинг бошчилигига колхоз ажратиб берган бешта жойда янги тутзорлар пайдо бўлди. Даладаги зовур ва ариқлар бўйида ўн минглаб тут кўчатлари экилди. Бу эса колхозда пилла етиштириш салмоғини ошириди.

— Пилла қуртини боқиши жуда нозик иш, — деб ҳикоя қилган эди аянинг ҳамкасларидан бири Абильжон ака,



Турсунпошша анча-мунча эркакни ҳам йўлга соларди. У эринмай уйма-уй юрарди. Ипак қуртининг ҳолатини текширади. Уйнинг ҳароратини, ҳавосини, берилаётган озуқасини кўриб, пиллакорларга зарурий кўрсатмаларни уқтириб борар эди. Турсунпошшанинг файратига, хушмуомала бўлишига, пиллачилик илмини яхши билишига қойил қолардим...

Турсунпошша аянинг узоқ йиллик самарали меҳнатини ҳукумат юқори баҳолади. Бир неча бор вилоят, туман Фахрий ёрлиқларини олди. 1971 йили унга орден топширилди. Ҳақиқатан унинг меҳнати шунга лойик эди. Султонобод ва Қорасув меҳнат аҳли аянинг ҳалол ва сидқидилдан қилган ишларини, юмшоқ ва мулойим сўзларини унутмайдилар.

Турсунпошша аянинг 2 фарзанди бор. Қизи Ўқтамхон Холматова, ўқитувчи эди, вафот этган. Ўғли Нўъмонжон — қурувчи, эл хизматида. Нўъмонжон онасининг ёқиб кетган чироғини ўчирмай, ширингина оиласига бош-қош бўлиб ҳаёт кечирмоқда.

ЭЛИГА ҚАЙМОҚ ЯЛАТГАН ҚИЗ

Қоғозга ёзилиб қолган яхши ном тамом бўлмайдиган умрдир, дейилади халқ ҳикматларида. Биз ана ўша ҳикматни дилимизга жо этиб, ажойиб бир онахонимизнинг умрбоқийлигини истадик.

Расима 1938 йилда Татаристоннинг Солих қишлоғида туғилди. У ўз юртида мактабнинг 8-синфини битирди, 18 ёшида комсомол йўлланмаси билан, урушдан кейин ишчи кучи озлигидан ўзини тиклай олмаётган «Савой» совхозига келди. Уни ерли халқ ўз бағрига олди, уй берди, нон берди, иш берди, муҳаббат берди. Ўзи каби татар йигити Жалил Муртазин билан оила қуриб, Живбаза (Чорвачилик бўлими) да ишлади. Меҳнатга берилганлиги, серҳаракат ва жиддийлиги, катта-кичик билан тез тил топа билиши натижасида чорвадорлар ўртасида ҳурматга сазовор бўла бошлади. У донгдор сут соғувчи, Меҳнат Қаҳрамони Ойзода Тўлановадан сут соғишнинг ўзига хос сирларини қунт билан ўрганди, ўзи тажрибалар ўтказди, янги усуллар қўллади. Р. Муҳаммадзянова ҳақида йифилишларда, радио-телевидениеларда, матбуотда гапирила бошланди, довруғи мамлакат бўйлаб таралди. Меҳнат инсонни улуғлади.

Маълумки, «Савой» совхози қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги эришган ютуқлари учун 1967 йилда орден билан тақдирланган эди. Бунда, чорвадорларнинг, жумладан, Р. Муҳаммадзянованинг ҳам ҳиссаси бор эди. Биргина мисол: хўжалик 1965 йилда бир сигирдан ўртacha 2224 килограммдан сут соғиб олган бўлса, Расима ўзига бириктирилган 51 бош сигирнинг ҳар биридан режадаги 2200 ўрнига 2290 килограммдан сифатли сут соғиб олган, ҳар бош сигирнинг соғлом бузоқ беришига эришган. Бу кўрсаткич йил сайин кўтарила бориб, 1987 йилда ҳар бош соғин сигирдан соғиб олинган



сут 5000 килограммдан ошиб кетди. Бунда, албатта, сигирларнинг наслорлиги ҳам, бокув ва софишнинг янги технологияси (машина ёрдамида соғиши) ҳам ўзини кўрсатди. Илгор тажриба бутун мамлакатга тарқалди, оммалаштирилди. Қилинган кўп йиллик фидокорона меҳнат эгасини шоншуҳрат супасига кўтарди. Р. Муҳаммадзянованинг номи хўжаликда ташкил этилган «Шавкатли меҳнат китоби» га киритилди, «Истиқбол йўлида» китобчасидан ўрин олди, Республика ҳалқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаларида муносиб жой згаллади. Унинг кўкси орден ва медалларга тўлди. Буларнинг ҳаммаси кечани-кеча, кундузни-кундуз демай астойдил қилинган меҳнат-шижоатларнинг маҳсулидир. Сут соғувчи опа билан бирга ишлаган ҳамкаслари, шогирдлари, маҳалла-кўй унинг одамий хислатларини, мулойимлигини, меҳмондўстлигини, ёшларга беғараз мураббийлигини ҳурмат билан эслайдилар, шаҳло кўзларини, мийиғида кулиб турувчи қиёфасини кўз олдиларига келтирадилар.

Расима Муҳаммадзянова покиза ва вафодор уй бекаси, меҳрибон она ҳам эди. У турмуш ўртоғи билан Қадрия, Илмира, Гулия каби гўзал қизларини, Рафаэл ва Дамир каби меҳнатсевар ўғилларини тарбиялаб вояга етказди, элга қўшди.

Фалакнинг гардиши билан узоқ Идил (Волга) бўйларидан келган бу татар қизи ўзбекларга қоришиб, ўзбекча ҳаёт кечириб шу ўлкада қолди абадиятга. Оғир касаллик яна кўп хайрли ишларни қилишга қодир бўлган инсонни орамиздан олиб кетди. У ҳаёт бўлганида энди 63 ёшга тўлган бўлур эди.

«Тинса қўшиқ янглиғ бир кун ҳаётим,
Дўст-ёрдан айрilsам, тилим бўлса лол,
Ўлди деманг, дўстлар, ўлмагай отим,
Милионлар қалбида яшарман ҳамкор».

МУСО ЖАЛИЛ, татар шоири

ЯЛОВБАРДОРЛАРДАН БИРИ

Туманимиз маорифининг яловбардорларидан бири — Абдуллахон Нуралиев 1912 йилда туғилган. У 7-синфни битиргач, тракторчи, сўнг ўқитувчи, мактаб мудири, директор, туман халқ маорифи бўлими мудири бўлиб ишлаган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, фидокорона хизматлари эвазига бир неча медаль ва Фахрий ёрлиқлар олган. Халқ маорифи аълочиси унвонига эга, 5 фарзанднинг отаси, 1968 йилда вафот этган.



Аксарият ҳолларда юқоридагидек бир жумла, ёднома билан ота-оналаримизни, ўтган аждодларимизни хотирландай, қадрлагандай бўламиз гўё, яхши одам эди, деб кўшиб қўямиз гоҳо. Бир-бирига ўшамас қиёфалар... уларнинг ичидан биз эсламоқчи, номини тилга олмоқчи, хатти-ҳаракати ёки ўзига хос сиймосини кўз олдимизга келтирмоқчи бўлган инсоннинг тўла сийратини ажратмоқ, англамоқ мушкул. Ҳар бир инсон ўзи такрорланмас бир олам, ўзи бир мўъжиза...

Абдуллахон Нуралиев ўз даврининг яловбардорларидан, туманимиз осмонида яраклаб чиқсан юлдузлардан бири эди. Фикран мозийга қайтиб, у билан бирга яшаб, уни кузатиб кўрайликчи. Абдуллахон жуда эрта ота муруватидан, она меҳридан ажраб, қариндошлар қўлида дунёни таниган етим эди. Топса кавуш, топмаса чориқ кийиб ёки ялангоёқ қишлоқда очилган мактабда араб алифбосини ўрганди. Ўқишидан келгач ер ҳайдаган амакиси Аблукаримнинг ҳўқизини етаклар, экиннинг сувини пойларди. Меҳнатда чиниқди, ўсди. Қўрғонтепада биринчи очилган тўлиқсиз ўрта мактабда билим олди. Абдуллахон қишлоқда биринчи бўлиб шапка кийди, соч қўйди, пўрим шим, ботинка, кашшоф (пioneer) галстугини тақди.

Пастроқ бўйли, миқти жуссали, серҳаракат, зукко қишлоқ йигити тезкор замон билан ҳамқадам. Биринчилар қатори тракторчилар курсини битириб «Фардзон»нинг рулини бошқарди. Шу ўринда «Кўрғонтепа ҳақиқати» газетасида у ҳақда битилган лавҳадан парча келтиришни лозим топдик:

«... Ёшлигиданоқ билимга ташналик сезган... ёш механизатор... ҳориб-чарчаб уйига қайтгач, албатта, китоб ўқишини канда қилмасди. Шу боисданми у 1931 йили туман халқ маорифи бўлими томонидан ташкил этилган бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлаш б ойлик курсига ўқишга кириб, уни яхши баҳоларга тугаллади. Сўнгра ҳозирги 12-ўрта мактабда аввал ўқитувчи, сўнг мактаб мудирлигини бошқарди. У мактабда ишлаб юрар экан болалар ўқуви, тарбиясига юксак масъулият билан қаради. Шу билан бирга ўз билимини ошириш учун 1939—41 йилларда Андижон педагогика билим юртида таҳсил олди...» (Вақти келиб, Андижон ўқитувчилар институтини ҳам битирган эди).

А. Нуралиевнинг ёшлик ва ўспиринлик йиллари замоннинг алғов-далғов даврига тўғри келди. Тарихчиларнинг эътирофича, инсоният янгича ижтимоий формацияга ўтатётган эмиш, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даври ҳамиша осон кечмас эмиш. Чархнинг фиддираги ғижирлаб айланиб қисмат тегирмонига сув қуярди. Ана шу қисмат тоши остидан бутун чиққан Абдуллажон Нуралиевни тақдир янада даҳшатлироқ синов майдонига улоқтириди. УРУШ! Энди унинг қўлида харита кўрсатишида фойдаланиладиган таёқча эмас, милтиқ, кўнглида инсон боласини ўқитиб ўстириш эмас, босқинчи ёвни янчиш. Сталинград остонасидаги ҳаёт-мамот жангига, ўзбек йигити ажал ёмғири остида олға интилади, у Ўзбекистонни, уйда йиғлаб кузатиб қолган ёстиқдоши-ю, болаларини ўйлайди... Жанг бехатар бўлмас экан, белидан оғир яраланган Абдуллажон қишлоғига қайтиб келди.

Урушнинг оғатини, тинчликнинг шарофатини ўз кўзи билан кўрган А. Нуралиев солдатлик шинели билан яна мактаб сари йўл олди. Жафокаш халқ очлик, юпунлик гирдо бида инграр, хаста кўнглига таскин истар, юпатувчи диловар истарди. Ана ўша диловарлардан бири бўлди у. Ҳувиллаб қолган мактабларни яна жонлантириш, етим-есирларга ўқиш



Күрғонтепалик бир гурух уруш ва меңнат фахрийлари хотира майдонида.



Корасув маркази.



Султонободдаги қариялар чойхонаси.



Рашидов номли ширкат хўжалигининг бир грух миришкорлари.



Султонободлик қариялар асқияни севадилар.



Күргөнтепадаги меҳрибонлик уйда



Фидокор шифокорлар.



Урғонтепа марказидаги стадион спорт мухлисларининг севимли маскани.



Күргөнтепа туманида турли миллат вакиллари
хамжихатликда яшайдылар.



Күрғонтепада ҳар йили гуллар байрамини ўтказиш
анъянага айланган.



Күрғонтепа туманидаги 37-мактаб.



Дәхқонобод қишлоқ фуқаролар йиғини гузари.

ва яшаш учун шароит яратиш, ўқув қўлланмалари топиш, янги бинолар қуриш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш... бу ишлар мактаб директори, қолаверса 10 йиллар давомида халқ маорифи бўлими мудиридан озмунча фидойилик, истеъдод талаб қиласдими. «Ишхона унинг иккинчи уйи эди», «Лоқайд раҳбарларни, ўз устида ишламаган ўқитувчиларни ёқтириш мас эди», «Билимдон, сўзга чечан, уста нотиқ эди», «Ҳаммани ўзига жалб эта оларди», «Унинг ўткир, ақлли, синовчан кўзларига тик қарай олмасдик», «Бўладиган ишни пайсалга солмасди», «Ҳозирги шароит мутлақо бошқа», «У пайтда маориф бўлими мудири узоқ-узоқ мактабларга велосипедда бориб келарди», дея эслашади у билан бирга ишлаганлар, шогирдлари.

... Куйида Андижонсой шилдираб қўшиқ айтади туну кун, юқорида азим тераклар ҳар баҳорда яшилланиб соясига олади, атрофида фарзандлар Мўминжону Нўмонжон, Эркинжону Иброҳимжон ва Гавҳаройлар ҳар бири бир этак неваралар билан келиб ёдга оладилар.



РҮЁБГА ЧИҚҚАН ҮГИТЛАР

— Агар кимки ўзининг жамият учун фойдали инсон бўлишини истаса, у илм-хунар эгаллаши ва дўст орттириши лозим. Чунки илмсиз одам жоҳил бўлади. Хунарсиз одам эса ял-қов, дўсти йўқ одам эса баҳил бўлади.

Фозибай Нурматов (1913—1991) бутун онгли ҳаёти давомида ёшларга ана шундай деб уқтириб ўтди, ўзи ҳам ана шунга амал қилиб яшади.

Фозибай Нурматов ҳаётини туманинг қишлоқ хўжалигини, хусусан пахтачилигини ривожлантириш ишига баҳшида этган миришкор қишлоқ хўжалиги мутахассиси эди. Эски Кўргонтепа туманинига қарашли Қаламбек қишлоғида таваллуд топган Фозибай 1934 йили қишлоқ хўжалик техникумини битиргач, йўлланма билан Қорасувдаги 1-МТСга ишга келган. У ушбу МТСда олти йил давомида агроном-механизатор бўлиб ишлади. Қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачилик соҳасида етарли тажриба орттиргач, 1940 йилдан бошлаб аввал 1-МТСда бош агроном бўлиб ишлади. Сўнгра район қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи лавозимига кўтарилиди. Бу вазифада 1955 йилнинг май ойигача сидқидилдан меҳнат қилди. У йилларда Кўргонтепа тумани вилоятда пахтачилик бўйича етакчи туманлардан бирига айланди. Жуда кўплаб ёшлар қишлоқ хўжалиги мутахассислиги бўйича ўқишига юборилиб, туман етук мутахассис кадрлар билан таъминланди. Бу йилларда Фозибай aka ўзини қишлоқ хўжалигининг етук раҳбари эканини амалда исботлади.

Катта тажрибага эга бўлган Фозибай aka 1955 йилнинг май ойида ҳукумат чақириғига жавобан ўттизмингчилар ҳаракатига қўшилиб, ҳозирги Токтогул номли жамоа хўжалигига бошқарув раиси бўлиб борди. Ўша пайтда иқтисодий жиҳатдан жуда заиф ҳолатга тушиб қолган ушбу жамоа

хўжалиги аъзолари Фозибой акага катта ишонч билдирилар ва унинг орқасидан эргашдилар. 3—4 йил ичиде хўжалик оёққа турди, секин-аста қишлоқнинг қиёфаси ўзгара бошлади. Дастреб хўжалик бошқаруви учун янги бино қурилган бўлса, сўнг қишлоқ клуби, мактаб, амбулатория бинолари қад кўтара бошлади. Қисқаси Фозибой ака раислик қилган ушбу 9 йил давомида қишлоқнинг қиёфасидан тортиб, аҳолининг ҳаёт тарзи бутунлай ўзгариб кетди. Муҳими қишлоқ ўз мутахассислари, ўқимишли кишиларига эга бўлди. Ташқаридан кадрлар олиб келишга эҳтиёж қолмади.

Ана шундан кейин район раҳбарлари Фозибой ака Нурматовни ҳар томонлама етук раҳбар эканлигига ишониб, ҳозирги «Қорасув» жамоа хўжалиги раислигига тавсия этилар ва у 1963 йилнинг феврал ойида ушбу хўжаликка раис этиб сайланди. Фозибой ака раислик қилган 5 йил давомида бу хўжаликни ҳам ташкилий-иктисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлида тинмай меҳнат қилди ва қишлоқни ободонлаштириш бўйича жиддий шуғулланди. 1968 йилга келиб саломатлиги сусайгач, бу вазифани ўз ихтиёри билан топшириб, қишлоқ ижроия қўмитасининг раиси ўринбосари вазифасида ишлай бошлади. Бу вазифада ишлаган йиллари ҳам Фозибой ака тиниб-тинчимади. Қишлоқни ободонлаштириш йўлини ахтарди, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди, хусусан 2-ўрта мактаб биноларини таъмирлаш ва кенгайтириш ишларида фаол иштирок этди.

Раис бува ҳар доим ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилишига ишонди. Шунинг учун ҳам бу масалага доимо алоҳида эътибор билан қараб, кўплаб қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳа мутахассисларини тайёрлашга бош-қош бўлди. Бугунги кунда қанчадан-қанча шогирдлари тумандаги жамоа хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги органларида моҳирона раҳбарлик қилмоқдалар.

Раис буванинг меҳнатдаги хизматлари ўз даврида орден ва медаллар билан муносиб тақдирланган. У оиласда ҳам меҳрибон ота сифатида фарзандларини етук мутахассислар қилиб тарбиялашга жиддий эътибор билан қаради. Турмуш ўртоғи Бегойим опа билан тарбиялаган тўққиз фарзанди

турли соҳа мутахассислари бўлиб етишди. Тўнгич ўғли раҳматли Фарҳоджон журналист бўлиб ишлаган бўлса, ўртанча ўғли Шавкатжон қурувчи-инженер, қизлари Дилбархон — шифокор, Юлдузхон — ўқитувчи, Қундузхон — иқтисодчи, кенжা ўғиллари Эркинжон — қурувчи, Тельман — тарбиячи-музиқачи мутахассислигига эга бўлиб, халқимизга муносиб хизмат қилмоқдалар.

МУҲАНДИС МУЛЛА МАМАЖОН

Ўткир зеҳн ва иқтидор эгалиридан бири Мулла Мамажон ота Носиров эди. 1900 йили Султонбодда таваллуд топди. Мамажон араб имлосида мукаммал ёзишни ва равон ўқишни пухта эгаллади. У Қуръон ва Ҳадис илмининг билимдени эди. Унинг шахсий кутубхонаси бўлиб, «Минг бир кечча»нинг (Алифлайл) араб имлосидаги тўла нусхаси бор эди.



Ўғли Солижон китоб ҳақида шундай хотирлайди: Бир куни уйимизга қишлоқнинг нуфузли кишиларидан, адабиёт муалими Аҳад Болта келиб, — Мулла ака «Алифлайл» китобингизни менга сотинг, — деб илтимос қилди. Отам кулиб қўйди унга, — йўқ ука хафа бўлманг, ўқиб фойдалансангиз майли, аммо бу китоб сотилмайди, — деди. Кейин билсам китоблар отам учун ҳамма нарсадан қимматроқ экан. Айниқса «Алифлайл» китоби бебаҳо китоб экан.

Мулла Мамажон чек маҳалласини сув билан таъминловчи ва шу билан бирга тегирмон ва абжувозларни халқа бетўхтов хизмат қилдириш мақсадида сув йўли «Кўра» ариқни фарзандлари билан бирга беминнат таъмирлаб келган.

У кўприкларни, йўлларни ўнглар эди. Ташландиқ ётган ерларга, ариқ бўйларига дараҳтлар экиб, ўзига хос ўрмонлар ҳосил қилган. Ана шу ёғоч захираларидан фойдаланиб, колхозининг «кўтак» арава ва «шада» араваларини бутлаб, янгилашини ясаган.

Колхоз раиси Азизийнинг илтимосига биноан Мингдов адирга сув чиқариш учун диаметри 20 метрли, жуда енгил айланувчи чархпалак ясади. Чархпалакнинг сув йўли ердан 4—5 метр юқори бўлиб, узунлиги 150 метрдан ортиқ ёғоч новдан иборат бўлган.

Бу улкан чархпалакнинг битта тахтасига уста Мулла Мамажон араб имлосида: «Бу дунё чархпалак кабидур» — деган дастхат қолдирган. Бу улкан чархпалак орқали Минг-

дов адирга сув чиқди. Янги бөг ва пахтазорлар күкарди. Афсуски, чархпалак таҳтасига ёзилган араб имлосидаги дастхатни ўқиган ўша давр раҳбарларининг буйруғига асо-сан бу антиқа катта иншоот бузиб ташланди. Бу ҳолдан изтироб чеккан Мулла Мамажон ота ўғли Шодилжонга: «Шундай қурилманинг қадрига етмаган бу ҳукумат узоқ яшамайди», — деган экан.

Ҳали қишлоқда электр чироги етиб келмаган йиллар эди. Мулла Мамажон ота билан суҳбат қуриб ўтирган раис Азизий: «Мулла ака, ўз ихтиёrimга қўйса поезд юргизаман дер эдингиз, колхоз идорасига, йўлларига электр чироқ ёқиши иложи йўқмикин?», — деб ҳазил-мутойиба қилди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин Мулла Мамажон ота колхоз идорасини ва идорагача бўлган йўлларни электр чироги билан ёритди. Бу воқеа 1950—1955 йилларга тўғри келади.

Бутун умрини, меҳнатини, илмини халқ хизмати йўлида сарфлаган мұҳандис Мулла Мамажон ота 1972 йилда оламдан ўтди. Унинг фарзандлари Шодилжон (марҳум), Солижон ва Алижонлар ҳам отасидан ибрат олиб элга хизмат қилдилар ва қилмоқдалар.

Айниқса унинг ўғли Солижон Тошоҳур адирликларини ўзлаштириш мақсадида насос станцияси қурилишига бошқош бўлиб, юқорига сув кўтарувчи ноёб ускуналарга эга бўлган тўрт босқичли станциялар қурилишини амалга ошириди. Ҳозирги кунда Солижон Султонобод халқини тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўлида хизмат қилмоқда.

САХОВАТПЕША ИНСОН

Инсон қадри ўзининг халқига, юртига, атрофидаги дўсту биродарларига, қариндош-уругла-рига ҳамқишлоқ-ҳамشاҳарларига қилган савобли ишлари, меҳроқибати ва саховати билан ўлчаниди.

Халқнинг юксак ҳурматига эга бўлган оқсоқоли, тижорат илмининг билимдони, тадбиркор, ишбилармон, эл манфаати йўлида бетиним меҳнат қилган Фофурали ота Обидов туман миқёсида тижоратни ривожлантириш учун Хонобод, Султонобод, Қорасув, Дардоқ, Деҳқончек, Чимён ва Кўргонтепада савдо марказларини ташкил этди.

Фофурали саводини эски мактабда чиқариб, сўнгра билим олишга интилиши туфайли савдо соҳаси бўйича совет мактабида ўқишни давом эттириди. Меҳнат фаолиятини оддий савдо ходимлигидан бошлайди.

Савдо хизматини яхшилаш, халқининг турмушини, иқтисодини яхшилаш йўлида ҳалол меҳнат қиласди. Оддий савдо ходимлигидан Кўргонтепа туман матлубот жамияти раислигигача бўлган йўлни босиб ўтди. У бир қанча йил туманлараро савдо базаси директори вазифасида ишлаб эл ҳурматига сазовор бўлди. Ўша даврда, Москванинг руҳсатисиз бир дона фишт қўйиб бўлмайдиган пайтларда кўплаб савдо шохобчаларни, қатор-қатор магазинлар қурилишини амалга ошириди. Айниқса Хонобод шаҳрини обод қилишда, кўкаламзорлар барпо этишда эътиборли ишларни амалга ошириди.

Ота саховатли ва ҳожатманд бўлиб, шароити ночор бўлган оилаларга беминнат ёрдам бериб, етим-есирларга меҳрибон, илм аҳлига хайриҳоҳ эди. Ўзи илмга интилганлиги туфайли, илм аҳли ва маърифатпарвар кишиларни Эъзозлаб ҳурмат қиласди...

Кунлардан бир куни бир чўпон Кампиробод тогининг энг чекка бир форидан одамни ўзига тортадиган оҳангда Курь-





Фофурали ота Обидов ҳамкаслари билан.

он тиловат қилаётган йигитнинг овозини эшитиб қолади. Ёшгина бу йигит ўзи қурған горда истиқомат қиласр эди. Аввалига чўпон йигитга яқин боргани чўчийди. Кейин 3—4 нафар одамни унинг олдига олиб келади. Улар бу ҳақда Фофурали отага хабар беришади. Ота бу йигитни Хонободга олиб келади ва унга ўз ёнидан уй сотиб олиб жойлаштиради. Фофурали ота бу йигитнинг маърифатли катта қори, илмли эканлигини қадрлаб уни уйлантиради, оиласи қиласи.

Маълум бўлишича бу йигит Наманганднинг Тўда қишлоғидан бўлиб, қатағон йилларининг қувди-қувдисидан қочиб, Кампирровот тоғидан паноҳ топган. У кейинчалик Хонободнинг пешқадам илм соҳибларидан бўлиб, одамлар орасида Тўдали домла номи билан машҳур бўлди.

Фофурали отада ҳеч вақт кибр-ҳаво, манманлик бўлмай, катта-кичикка баробар муомалада бўлар эди. Ота қалбиди атрофини обод этиш, тарихий обидалар, оламдан ўтган улуғ аждодларимизнинг қабрлари ва қадамжоларини эъзозлаш каби орзулар мужассам эди, шу боисдан бўлса керак, ота ўз фарзандларига Султонобод қишлоғидаги «Бибишанба она» мозорини қайта таъмирлашни васият қилдилар.

Отанинг миллий маънавиятимизга чамбарчас боғланган бу васиятини комил фарзандлари адо этдилар. Натижада Султонобод қишлоғига кираверишда киши эътиборини тортадиган Бухоро ёдгорликлари гумбазларидек мақбара қад кўтарди. Водийнинг жаннатмаконидек бўлган Хонобод шаҳрининг бугунги таровати ҳам Фофурали отанинг саъй-ҳаракатларини эслатиб туради.

ЯХШИЛИК УРУГИ

— Аскар келаяпти! Аскар келаяпти!

Құлларини ҳавода силкитган-ча югуриб бораётган бола тойиб кетиб, кечаги ёмғирдан қолган күлмакка йиқилди. Титилиб кетган, пахтаси күренин турган чопони, юз-күzlари буткул лой бўлди. Дўпписи учиб тушди. Бола бунга парво қилмади, ўриндан туриб дўпписини олиб кийди, у билан юз-кўзларидаги лойни шоша-пиша артганча яна югуриб кетди.

— Аскар келаяпти! Аскар келаяпти!

Үйларидан бир-бир одамлар чиқиб кўчага тўпланишиди. Булар, асосан, қари-қартанглар, қиз- жувонлар, бола-бақралар эди. Эл бир-бир қўшилиб бола ишора қилган томонга юрди. Узоқдан шинель кийган, халта осган бир йигитнинг қораси кўринди. Бирдан юриб бораётган эл таққа тўхтади, эл тинди. Нигоҳларида ҳайрат бор эди: Қани улар?! Ахир бундан тўрт йил муқаддам шу кўчани тўлдириб кетишмаганимиди?!

Урушдан қайтган аскар Қирғизбой экан. Бир сониялик саросимадан сўнг ўзига келгандай чоллар, кампирлар «Айланайин, Қирғизбой! Қайтдингми, бўтам. Ў, яратган эгам, ўзингга шукр, омон қўйганингга шукр!» дейишиб, аскарнинг юз-кўзларидан ўпиб, қучоқлаб, йифлаб-сиқташарди. Кимдир отасини, кимдир акасини, яна кимдир ўғлини сўраганча, аскарнинг ярадор қўлини силаганча, уни ўраб кета бошладилар.

Аскар тўрт йил қирғинни кўриб, жаҳаннамни кўриб ҳам қалби бунчалик зирқирамаган эди. У атрофида жовдираб турган кўзларга қараб юраги эзилиб кетди. Бу кўзларидаги илтижо, соғинч адогсиз сўровларга нима деб жавоб айтсин?! Аммо ноилож, уруш-урушлигини қилган эди. Факат биргина юпанч бор — ҳаёт давом этади!



Ҳа, ҳаёт давом этди. Йўқотишлар билан, қайғу-аламлар билан, умр билан давом этаверди. «Ўзгариш» деб ном қўйилган бу колхозда ҳаёт сўниб бораётгандай эди. Одамлар зўрға қимирлар, очлик-уруш кулфатлари ҳамманинг силласини қуригтан эди.

Табиатан чўрткесар бўлган Қирғизбой ҳолдан тойган элини оёққа турғазмоқни ният қилди. У ўзига топширилган вазифа — раисликни элни очарчиликдан олиб чиқиш имконларини топишдан бошлади. 1944 йил эди. Ўшанда қўлидаги жароҳатлар азоб берсада, кесиб ташланган панжаларининг ўрни ҳали тўла битиб кетмаган бўлсада, у яна жангга отланди — меҳнат жангига киришди. Сўраб-суриштириб озгина буғдой, маккажӯхори, шоли уруғи топиб келди. З гектарга жўхори, 10 гектарга буғдой, 10 гектар ерга шоли эктириди. Ҳайтовур бир ҳовучдан бўлсада элнинг ризқи эди булар. Ҳосил йигиштирилиб, шу ризқ-насиба одамларни очарчиликдан сақлаб қолди.

Уруш тугади. Омон қолган аскарлар қайтиб кела бошладилар. Эл оёққа тура бошлади. Қирғизбой раис уларнинг қўлидан тутди. Курилиш ишларини бошлаб юборди. Қишлоқнинг кекса кишиларидан бири Нуриддин ота ўша йилларни эслаб шундай ҳикоя қиласди:

— Қирғизбой aka тажанг, чўрткесар, бир бошлаган ишини ниҳоясига етказмай қўймайдиган одам эди. Жуда серфайрат киши бўлган. Урушдан кейинги йилларда қишлоқда ободончиликка катта эътибор қаратди. Бир йилнинг ўзида колхоз учун идора, омборхона қурдирди. Келаси йили мактаб қурдириб берган. Орадан бир йил ўтиб, клуб қурилиши ишларига бош-қош бўлиб, шинамгина клуб бунёд этган.

У қурдирган «сушилка»лар яқин вақтларгача ҳам сақланиб келди. Новвойхона, қассобхона, чойхоналарни-ку қўяберинг. «Чойхонаси йўқ қишлоқ, қишлоқ эмас», дерди у.

Деярли ҳар йили битта қурилиш қиласар, янги бир бино яратарди у. Буларнинг ҳаммаси ҳашар йўли билан амалга оширилар эди.

Ҳа, ўз замонининг оташин инсонларидан бири бўлган Қ. Омонбоев ана шундай бунёдкор инсон бўлган. У урушдан қайтган йили, яъни 1944 йилдан умрининг охиригача

(1958 йил) «Үзгариш» колхозига етакчилик қилди ва ҳақиқий үзгариш ясади. У орден билан тақдирланди.

Кексаларнинг айтишларича, умрининг охирларида Шоҳимардонга зиёратга борган Қирғизбой ака ўзидан эсдалик учун бир сўри яратиб қолдирган экан. Яқинда Шоҳимардонга дам олгани борган ҳамқишлоқлари ўша сўрида ўтириб ҳордиқ чиқарибдилар ва Қирғизбой отанинг руҳи покларига дуо ўқибдилар.

От ўрнини той босар, деганларидек, Қ. Омонбоевнинг ўғли Манноб Қирғизбоев ҳам отаси сингари колхоз раиси вазифасида узоқ йил ишлади. Бугун қишлоқнинг кексалари ўтмишни эслашар экан Қирғизбой раиснинг ерга ризқ уруғини, келажакка умид уруғини, эзгулик уруғини сочганлигини хотирлайдилар.

КАМТАРИНЛИК ТИМСОЛИ



Аҳолисининг асосий қатламини замоннинг зайди билан бир вақтлар Шарқий Туркистондан келиб қолган дўлонлилар (қабила) ташкил этувчи Чимён қишлоғида Отабоев номи билан машҳур бир мўътабар инсон истиқомат қиласди. Уни кексаю ёш бирдай эъзозлайди. 60 йиллик меҳнати ва инсоний фазилатлари билан қишилоқ аҳолиси меҳрини қозонган бу камтарин одам билан суҳбатлашишнинг ўзи файзлидир. Илтимосимизга кўра ҳаётий фаолиятини ўзига хос қисқача баён этди:

«Мен 1920 йилда Андижон шаҳрида туғилганман. Ўн ёшимда бирин-кетин ота-онам ўтдилар. Етимхонага тушдим. Ўша пайтда Уйғур-қирғиз педагогика билим юрти бўларди, шунда ўқидим. 1938 йили Қўштепа қишлоғидаги мактабга физика-математика ўқитувчиси бўлиб келдим. Келаси йили Чимёнга келиб қолдим. Шу ердан... 1939 йили нояброда ҳарбий хизматга чақиришди. Уруш бошланган куннинг эртасига ёқ душман билан юзма-юз тўқнашишга тўғри келди. Яраландим. Госпиталда узоқ даволандим. Бир оз муддат ҳарбий заводда ишлаб тургандан сўнг 8-корпуснинг 33-дивизиясига қарашли 70-алоҳида танқчилар полки сафида Украина, Белоруссия, Шарқий Пруссия шаҳарларини озод қилишда қатнашдим. Орден билан тақдирландим. Берлинни айланиб ўтиб, иттифоқчилар қўшини билан учрашдик. Уруш тугади. Яна қадрдан бўлиб қолган Чимён қишлоғига, мактабимга қайтиш насиб этди. Шундан бери ёшлар тарбияси билан шуғулланиб, нафақага чиқдик, Оллоҳга шукр...».

Камтарга камол, деб шуни айтсалар керак. Комилjon aka «жанг қилдим» демади, «қон кечдим, жон олиб-жон бердим» демади, ярадорлик азобини, оила соғинчини айтмади. «Кўп қатори юрдим» деди! Ўз қадрини юрт хизматида, ўзгалар қадри олдилда хокисор этмоқ шунчалар! Домла-

нинг урушдан сўнгги фаолияти янада таҳсинга сазовор, ибратли.

У ўқитувчи сифатида ўқувчиларга оталарча меҳрибон, дарс давомида, албатта, илмни ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилди. У мактаб илмий бўлим мудири сифатида ўқув-услубият ишларини юқори поғонага кўтариш, устувор тажрибаларни кенг ёйиш борасида бош қотирди. Мактаб директори сифатида ўзининг ташкилотчилик қобилиятини кўрсата олди. Унинг ташаббуси билан Чимёндаги етти йиллик мактаб ўрта мактабга айлантирилди, қўшимча синф хоналари, устахоналар қурилди, янги замонавий жиҳозлар ва ўқув-техника воситалари келтирилди. Энг муҳими, Чимёнда К. Отабоев таъсирида кўплаб олий маълумотли мутахассислар пайдо бўлди, издошлар кўпайди, зиёлилар сулоласи вужудга келди.

Синчков назарли, бу мулойим одам ҳақида одамлардан тинглаймиз:

«Бир-бирига суяниб яшаётган зиёлиларнинг икки дарласини, яъни Комилжон домла билан Обидахон аяни кўрганимда уларга ҳавас билан тикилиб қоламан, касбимдан фахрланиб кетаман» (Ҳафизахон Обидова, ўрта мактаб лицей директори.)

«Домланинг қўлида ўқидим. Ҳеч ҳам қаттиқ гапирганини эшиитмаганман, аччиқланганини кўрмаганман. Педагог бўлишимга у киши сабабчи. Энди билсам устозим туғма педагог экан» (Соҳибжон Тилаболдиев лицей ўқитувчиси).

К. Отабоев ҳаётда содир бўлувчи ҳар хил келишмовчиликларни ширин сўз ёки оғир-босиқлик билан ҳал қила олиш фазилатига эга.

Сабрли, қаноатли, фаросатли инсон ҳар қандай қийинчиликка бардош берар ва уни енгигб ўтар экан. Биз билган ва билмаган яна қанча тўсиқларни босиб ўтди экан Комилжон aka?! Бу фақат унинг ўзига аён...

Биз бугун 6 нафар фарзанд ўстириб, бир этак невара-чевараларнинг баҳтини тилаб, умргузаронлик қилаётган Ко-милжон Отабоев ва унинг умр йўлдоши, кекса педагог Обидахон Рўзиеваларга туманимиз аҳолиси номидан таъзим эта-миз, узоқ умр, саломатлик тилаймиз.



ОДАМИЙЛИК МАКТАБИ

Шарқнинг буюк алломаларидан Абу Наср Форобий баркамол инсонда ўн икки фазилат мужас-сам бўлишигини уқтириб, қу-йидагиларни санаб ўтган экан: тўрт мучали согломлик, нозик фаросатли, хотираси ўткир, зеҳ-ни зукко, ифодали сўзлай оли-ши, маърифатга ҳавасли, ўзини тия билиши, ҳақни ноҳақдан ажратса билиши, ориятли, бойлик-ка хирс қўймайдиган, барчага ях-шиликни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўришни, ни-хоят қатъиятли ва саботли бўлиши. Гуломжон Охунжонов шундай фазилатга эга инсонлардан эди. Унинг басавлат, ке-лишган қоматини, нур ёғилиб турган юзларини, меҳр тўла кўзларини, сермаъно, ҳикоятларга йўғрилган сўзларини Кўргонтепа халқи кўп эшитган, таъсирангандан.

F. Охунжонов (1933—1996) мактабларда ўқитувчи, мудир, директор, матбуотчилар уюшмаси раиси, райкомпартия ходими, маориф бўлими мудири, фахрийлар раиси вазифаларида фаолият кўрсатади. 1955 йили у Фарғона пед-институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битириб келиб, умрининг сўнгги дақиқаларигача барча жойда меҳрибон мураббий, талабчан ва тадбиркор раҳбар, энг муҳими камтарин ва олижаноб инсон сифатида ўзлигини намоён этди.

У қатнашган тўй-у маърака ва давраларга ўзгача файз кирар, у сўзлаганда бутун тан қулоққа айланар эди. Нотиқ-лик санъати шу қадар кучли эдикি, у ҳаммани давра маз-мунига мослаб, керак бўлса кулдирап, керак бўлса ўйга чўмдирап, керак бўлса йиғлатарди.

Бугунги кунда фарзандлари оталаридан қолган энг қим-матли ёдгорлик сифатида асрashaётган медаллар, фахрий ёрлиқлар, раҳматномалар, дипломлар, альбомлар, дўстла-рининг ёзишмалари, расмлар ул зотнинг босиб ўтган йўли-ни, туманда, айниқса маорифу маърифатни ривожланти-

ришдаги чуқур изларини кўрсатиб турибди. Йиллар давомида тўпланган юзлаб китоблари қатида унинг табаррук бармоқ излари қолган. Элда «дўстинг кимлигини айтсанг, мен сенга кимлигингни айтаман» деган нақл бор. Гулистонлик машҳур педагог Баёзиддин Низомов, республика телевидениесида «Оlamda nima gap» эшиттирувани олиб борувчи, таҳрирчи Шаробиддин Зухриддинов, машҳур олимлардан Бўрибой Аҳмедов, Исломжон Қурбонов, Ҳабиулло Сатторов, таниқли халқ хўжалиги арбобларидан Қўчқор Авазматов, Узоқбой Саримсоқов, Акбарали Ҳайдаров, шоирлардан Адҳам Ҳамдам, Тўлан Низом, асқиячи Абдулҳай махсим Қозоқов, Ҳасанбой Султонов каби қадрдан инсонлар унинг дўстлари эди.

Уни дўстлари ва шогирдлари мудом эслайдилар. Абдуҳалимжон Мақсадов (Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, шогирди): «Дунёда ҳар соҳага тегишли илмлар кўп ва ўша илмларнинг ўз йўналиши бўйича билимдонлари кўп бўлади. Шуларнинг ичиди энг мўътабарлиси одамийлик илм-фанидир. Ана шу фаннинг мукаммал билимдони ва сахий тарғиботчиси Фуломжон акам эдилар. Мен ўзимдаги, агар бор бўлса, барча ижобий хислатларимни устозимнинг ўгитлари орқали топганман».

Абдукарим Сатторов (Марғилон шаҳридан, курсдош): «Устоз Фуломжоннинг ўзи баҳтли ҳаёт зарчашмасидир. Унинг 60 ёшда ҳам йигитларга хос юришида, шубҳасиз, оиласининг улуши бор».

Хотиралар, эсловлар, айтишмаларни қанча давом этказсанк шунча оздек туюлади. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам Фуломжон акани устоз деб тан олган.

F. Охунжонов рафиқаси Мўътабархон опага нисбатан ўта вафодор эди. Ҳозирда уй-жойли бўлиб кетган фарзандлари Дилшод, Шуҳрат, Феруза, Умида, Дурданалар ва невара-лари Фуломжон аканинг турмуш тарзига содиқлик шиори остида ҳаёт кечирмоқдалар.



ХАҚИҚАТ ЙҮЛИДАГИ СОБИТЛИК

Зални түлдириб ўтирган хўжалик аъзолари райижроқўм раиси, райком бўлим мудири ва шу хўжалик раислигига тавсия этилаётган Ташланбой Парпиевни совуқ қарши олишди. Йиғилиш очилгач, сўз олган райижроқўм раиси бўлғуси раиснинг меҳнат фаолияти ҳақида ахборот берди, номзодни тасдиқ учун йиғилиш аҳлига тавсия қилди-ю, бироқ,

йиғилиш қатнашчиларининг аксарияти бу таклифга қарши овоз беришди.

— Бу бола раисликни эплолмайди. у билан ишлаб этгимизнинг қолган қисми ҳам куймасин, — деди олдинги қаторларда ўтирганлардан бири.

— Тўғри олдингилар нима қилишди-ю, энди бу бизга нима қилиб берарди, ё сайлаймизми, — деди ўтирганлардан бири бутун залдагиларга қараб.

— Йўқ сайламаймиз. Бўлмайди, — дейишди ҳамма бара-варига.

Райижроқўм раисининг барча ҳаракатлари инобатсиз қолдирилди. Вазиятнинг нақадар оғирлигидан таъсиранган Ташланбой қўл кўтариб сўз сўради. У ўрнидан тураг экан: «Йўқ мени сайламанглар, мен раисликни бу ҳолда эплолмайман» деди. Райижроқўм раиси унинг кители этагидан ушлаб тортар экан: «Сиз тек ўтиринг, ахир обком ва райком тасдифидан ўтган одамни қайтариб кетиб бўлмайди», деди танбеҳ оҳангода.

Сурункасига б юил пахта планининг бажарилмаслиги, хўжалик иқтисодининг камбағаллашуви раҳбариятга ана шундай ишончсизлик муҳитини юзага келтирган эди.

Орага бир оз сукунат чўкди. Шундан кейин залда ўтирганлардан бири сўз сўрамаёқ: — Бу боланинг сўзларида қатъийлик бор экан, ишонса бўлади, — деди залга юзланиб. — Кимда-ким шу болани раисликка сайлаймиз деса қўли-

ни күтарсın — деб қўшиб қўйди. Унинг таклифига ҳамма қўшилиб, Ташланбой Парпиевни раисликка сайлашди.

Туманда ёшлар билан ишлаш, оғир шароитларда қандай иш тутиш бўйича анчагина тажриба орттирган Ташланбой эртаси куни хўжаликдаги оқсоқолларни маслаҳатлашувга таклиф этди. Ўзаро сұхбат давомида хўжаликни қолоқликка тушиб қолишининг ҳамда хўжалик аъзоларининг раҳбариятга ишончсизлик билан қараши сабаблари аён бўлди.

Кўпни кўрган кишилар, тажрибали мутахассислар билан ҳамфир бўлиб иш юритиш тез орадаёқ ўз самарасини кўрсатди. Хўжаликда пахта ва бошқа соҳалар бўйича белгиланган режалар муттасил бажарилиб, хўжалик иқтисоди бойиб борди. Бу эса хўжалик аъзоларининг турмуш даражасини яхшилаб, аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкониятини яратди. Замонавий усулда 536 ўринга мўлжалланган янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилиши эса қишлоқ болаларини 8-синфдан бошлаб Қорасувдаги 1-ўрта мактабга бориб таълим олишларига чек қўйди. Мехнати туфайли катта-катта даромадга эга бўлган кўплаб хўжалик аъзолари муҳташам тураржой қуришлари, хўжалик техника устахонаси ҳамда чорвачилик фермасини реконструкция қилиш билан қишлоқ чиройи очилди. Хўжалик аъзолари энди Ташланбой акага меҳр ва ишонч билан қарай бошладилар.

— Дехқончекдаги 10 йиллик иш давримда айрим кўнгилсизликлар ҳам бўлиб турди, — дейди Ташланбой ака. — Бир иғвогарнинг устимдан ёзган шикоят хати бўйича Тошкент, Андижон, Қўрғонтепадан борган ички ишлар бўлими вакиллари икки ойдан ортиқ вақт текшир-текшир ишларини олиб боришли. Пировардида хатда келтирилган хўжалик молларини сотиб, моддий бойлик тўплаётганлигим ҳақидаги бўхтон тасдиқланмади.

Ташланбой ака иш фаолиятида комсомол қўмитасидаги ишлаган йиллари муҳим ўрин тутади. Аввалига иккинчи, сўнгра биринчи котиблик вазифаларида ишлаган Ташланбой 5 йил давомида тобланиш мактабини ўтади. Райком бюроси аъзоси сифатида қаерга, қачон, қай мақсадда ишга юборилган бўлса топшириқни аъло даражада бажаришга эришди. Ундаги ташкилотчилик, ишбилармонлик раҳбари-

ятда катта ишончни юзага келтирди ва уни аввалига Навоий номли, сўнг ҳозирги Жалақудуқ туманидаги Исанов номли хўжаликларга партия қумитасининг котиблигига ишга юборишиди. Партия ишидаги фаоллик эса юқорида айтганимиздек «Деҳқончек» жамоа хўжалиги раислигига сайланиш имкониятини яратди.

1932 йилда туғилган Ташланбой ака нафақага чиққунига қадар собиқ «Савой» қишлоқ хўжалик ва саноат уюшмасининг 2—3 бўлимлари бошқарувчиси, шу уюшма уруғчилик агрономи вазифасида ишлади. Ташланбой ака Парпиеv айни кунларда ўзи туғилган Навоий номли ширкат хўжалигига кексалик гаштини суроётир. Турмуш ўртоғи Кимсанхон ая билан 4 ўғил, 3 қизни тарбиялаб элга қўшган, 23 набира, 4 эваранинг севимли буваси Ташланбой ака мөхнатлари эвазига орденлар, медаллар ва қатор фахрий ёрлиқларнинг эгасидир.

ЎЗГАЛАР ТАШВИШИДА

Ёмғир кун бўйи тинмади. Симсим ёғди. Атроф ёришиб, осмон оқариб туриб, ёмғир ёғаверди-ёғаверди. Робияхон дам-бадам осмонга ташвишланиб қараб қўяр, ёмғир эса тинай демасди. «Тун бўйи ёғса-чи? Болаларни қаерга ётқизаман? Уй билан даҳлизда курт сўкичаклари бўлса, сўкичаклар тагига ётқизсамикан? Кечаси билан пилла қуртлари шитирлатиб барг еб чиқади, болаларнинг кулоқларига ҳашарот кириб кетмасмикан?».

Шу тун болалар барибир уйидаги пилла қурти учун курилган сўкичаклар остида тунашди. Ахир бошқа жой бўлмаганидан кейин на илож? Иттифоқо ўшандада эрталаб тумандан ипак қурти парваришини текшириб район раҳбарлари ва мутахассислари келиб қолишли. Робияхон, шундай нозик жониворлар турган хонага нега болаларни ётқиздингиз, деган саволдан ҳадиксираб, шоша-пиша болаларини уйфота бошлади.

Сўкичаклар остидан бирин-кетин болалар чиқиб кела бошладилар: Йўлдошвой, Эргашвой, Одилжон, Мираҳмаджон, Ҳикоятхон, Ҳимоятхон, Моҳирахон... Бирин-кетин етти боланинг сўкичак остидан чиқиб келганини кўрган туман раҳбари ҳайратда қолди. Мамараим акага бир уй солдириб беражакларини айтди.

Ўшанда Мамараим ака Рассоқов (1909—1985) колхоз раиси эди. Катта бир колхознинг раиси, номдор бир колхознинг раиси эди! Раиснинг эса оддий лой томдан курилган пастаккина бир уй, бир даҳлизи бор эди, холос. Чунки у дабдабани билмади. Эсини танибдики, далалар унға иккинчи уй бўлган эди. У таниган дунё ҳам шу далалар бўлди. Тунлари ой ёруғида буғдой ўрганлар ҳам, кун бўйи далада бўлсалар, тунлари пахта қуритганлар ҳам шу Мамараим акалар ва уларга замондош одамлар.



Айтишларича, раисликка тайинланганида қўл қўйишни икки кунгача машқ қилган экан. У саводсиз эди, аммо ҳаёт китоби бор эди. Ўзи саводсиз бўлгани учун доим, «тўнимни сотиб бўлса ҳам болаларимни ўқитаман» дер эди. Мақсадига Эришди — ўғилларининг каттаси Йўлдошбой Тошкент қишлоқ хўжалик институтида ўқиди, Эргашбой ҳам акасининг изидан борди, у ўқиган олийгоҳда таҳсил олди. Одилжон муҳандис, Мираҳмад савдо техникумини тугатган, Ҳимоятхон бухгалтерия ходими, марҳум Моҳирахон тарбиячилик касбига қизиқкан эди.

Одамийлик, жонсараклик, маҳалла-кўй ташвишларини ўз ташвиши деб билиш Мамараим Рассоқовга хос бўлган фазилатлардан эди. Дардоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдукарим Абдураимов шундай ҳикоя қиласди: «Бир куни тунда шамол, бўрон билан ёмғир ёға бошлади. Мамараим аканинг ён қўшниси янги пахса девор олдирган экан-у, лекин устини ёпмаган экан. Мамараим aka қўшни йигитни ҳарчанд чақирса уйғонмабди. Қараса ёмғир забтига оляпти, бирорвнинг меҳнати ҳайф бўлади, ҳали лой қуриб ултумраган, нам пахса ивиб кетиши, ҳатто қулаб тушиши ҳам ҳеч гап эмас. Шунда у уйидаги эски-туски кигиз борми, тунука борми, похол, хас-хашак борми ҳаммасини олиб келиб бутун деворнинг устини ёпиб чиқибди. Тун аллама-ҳалга боргандা қилган ишидан ўзининг ҳам кўнгли тўлиб, ухлаган экан. Эрталаб қўшни йигит қарасаки, деворининг устини кимдир эринмасдан ёпиб чиқибди».

Абдукарим аканинг сўзини тинглар эканман, беихтиёр ўйладим: Дунёда оқибат бор бўлсин. Қани энди ҳамма жойда, ҳамма вақт яхшиликни кўраверсанг, кўраверсанг... Ахир одамдан яхши сўз қолади, яхши иш қолади. Қачондир, кимгадир билиб-бilmайми қилган яхшилигимиз, бир оғиз айтган яхши сўзимиз бир дилга чироқ ёқади. Эҳтимол оқибат дегани шудир...

УНИНГ НОМИ МАНГУ ЯШАЙДИ

Донишмандлардан бири ўз ватанингнинг фарзанди бўл, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқлигингни теран ҳис қил, ундан нима олсанг, юз ҳисса ортиги билан қайтар деган эканлар. Ушбу донишманд сўзлари орамиздан ўтиб кетган кўпгина қорасувлик отахон ва онахонларнинг ҳаёт йўлида ҳам ўз ифодасини топган. Ана шундай инсонлардан бири Исмоилжон Раҳимов эди.

Уни Қорасувнинг кекса ва ўрта авлод вакиллари орасида танимаган киши бўлмаса керак.

Қорасувлик Раҳимбува хонадонида 1918 йилда таваллуд топган Исмоилжон aka ҳаёт бўлгандаридан шу йил 83 ёшга кирган бўлар эди. У оиласинг тўнгич фарзанди эди. Раҳимбуванинг етти ўғли ичиди Исмоилжон бутун маҳалла ишларига намуна вазифасини ўтаган инсонлардан бири эди.

Ўқувчилик давридаёқ катта ташкилотчилик қобилиятини кўрсата олган Исмоилжон Раҳимов бутун онгли фаолияти давомида ўз қобилиятини эл-юртдан дариф тутмади. Ёшларга етакчилик қилди, мактаб ҳаваскорлик тўгарагида фаол иштирок этди ва кейинчалик бу тўгаракни бошқарди. 1937 йили етти йиллик мактабни тугаллаб, Фарғона шаҳридаги савдо техникумiga йўлланма олди, уни муваффақиятили битириб келиб, аввал пионер лагерида бошлиқ бўлди. Ўша йиллари қишлоқдан етишиб чиққан ажойиб ҳарбий командир Аҳмаджон Тешабоевнинг ташвиқоти билан кўплаб ёшлар қатори ҳарбий хизматга жўнаган Исмоилжон жаҳон урушида қатнашиб, 1945 йилнинг охирида кўксини қатор орден ва медаллар билан тўлдирган ҳолда кириб келди.

Исмоилжон Раҳимов чиндан ҳам катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган инсон эди. Шу сабабли у урушдан қайтиб келган кундан эътиборан энг маъсулиятли ишларга юборилди. Жумладан: у райкомнинг топшириғи билан жа-



моа хўжаликларида бошланғич партия ташкилотининг котиби, район партия қўмитасида йўриқчи, қишлоқ матлубот жамияти раиси, умумий овқатланиш корхонаси директори каби ўз даврининг масъулиятли вазифаларида тиним билмай ишлади ва ўзининг эл олдидаги бурчини ҳалоллик билан бажарди. И smoилжон Раҳимов 1958 йилнинг иккинчи ярмидан умрининг сўнгги кунларигача «Қорасув» жамоа хўжалигида чорвачилик бўлими мудири ва пахтачилик бригадаси бошлиғи вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилди. У қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликда фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланди, пахта, чорва маҳсулотларини кўпайтиришга эришди.

И smoилжон Раҳимов ўзига, бошқаларга талабчан, ҳалол ва бениҳоя камтар раҳбар сифатида катта обрў-эътиборга эга бўлибгина қолмасдан, оилапарвар ота ҳам эди. Шу сабабдан ҳозирги кунда эл-юрга нафи тегаётган фарзандлари меҳнат фаолиятларида ана шу жиҳатларини аниқ ва равшан кўриш мумкин. Жумладан, катта ўғли Иброҳимжон ўттиз йилдан бўён ҳайдовчилик касбини улуғлаб келяпти. Иккинчи ўғли Алижон эса Қорасув касб-хунар лицейида узоқ йиллар ўқитувчилик қилиб оламдан ўтган бўлса, қизи Оминахон ўқитувчилик касбини ҳозирги кунда моҳирона давом эттиряпти. Қизлари Осиёхон, Ёрқинойлар эса ҳисобчи, ўғиллари Муҳаммаджон ва Рўзибойлар савдо ходимлари, кенжа ўғли Ҳакимжон шоферлик касбини улуғлаб келмоқдалар. Ўртанча ўғли Мадаминжон Исмоилов эса мана бир неча йилдан бери «Қорасув», сўнгра Навоий номли жамоа хўжалиги ва яна «Қорасув» ширкат хўжалигига қайтиб бошқарув раиси лавозимларида моҳирона ишлаб келмоқда.

Агар Исмоилжон aka ва унинг рафиқаси Қундузхон аятирик бўлганларида мана шундай ажойиб кунларда пирубадавлат хонадон соҳиблари сифатида ўғил-қизларию, етмишдан ортиқ невара-чеваралари оғушида эъзоз-эътиборда бўлар эдилар. Ҳа, гарчанд улар дунёдан ўтиб кетган бўлсаларда, уларнинг эъзозли номлари фарзанлари дилида, меҳрида, эл-юрга қилган беҳисоб яхшиликлари оқимида доимо барҳаётдир...

ФАРЗАНДЛАР ҚИЁФАСИДА МУҲРЛАНГАН ОТА

Инсоннинг қўли гул, дейдилар. Бу унинг бунёдкорлик фазилатига ишора. Қўрғонтепада шундай бир инсон яшаб ўтдики, шаҳар-боғларида, «Савой» арифи қирғоқларида, Тошохур ўтлоқларида, тўғонларга ташланган харсангларда, кўплаб қурилиш сувоқларида унинг бармоқ излари бор. Бу ҳормас-толмас курашчи Хўжамберди aka Раҳмоновнинг файрати маҳсулидир. Дунёга донғи кетган, мамлакатда машъял дея тан олинган «Савой» хўжалиги меҳнаткашларининг пешона тери билан яратилган бойликни асраш, ўз ўрнида сарфлаш, иқтисодчи-бухгалтерлардан ундириш, директор-у ундан юқоридаги раҳбарларни кўндириш. ва ниҳоят, мақсаддаги саховатли ишни дўндириш фақат унинг қўлидан келарди. У катта совхозга раҳбар эмас, раҳбарнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари, иш юритиш ижрочиси ва дарфаси эди. Уни ҳамиша ҳаракатда, нима биландир машғулликда кўриш мумкин эди: Автогараж мудирининг ҳисобини эшитган — У, қурилиш бошлиғи ёки муҳандисга кўрсатма берган — У, ғалла қабул қилиш идорасига чопган — У, пахта хирмонида иссиқ овқат бор-йўқлигини кузатган — У, болалар боғчаси, мактаб ёки маҳалла сув крани ё газ мосламасини тузатган — У, муҳтоjlар арзини тинглаган ҳам — У.

Юқорида «донғи кетган» иборасини ишлатдик. Хўжаликнинг донғи фақат яратилган бойлик билан чиқавермайди. Бунинг учун ишбилармонлик, ширинсуҳан, иссиқ истара лозим. Мамлакатдан водийга, водийдан туманимизга келган меҳмон борки «Савой»нинг меҳмонхонасида бир пиёла чой ичмай кетмасди. Бир пиёла чой эса кўпинча Қўрғонтепага, ундали хўжалик, корхоналарга, халқа бекиёс бойлик, шон-шуҳрат калитини берарди. Бу мурувват саҳнасининг бош дирижёри яна ўша Хўжамберди aka эди.



Х. Раҳмонов 1927 йилда Оқбура соҳили Ёрқишлоқда та-
валлуд топган. Янги ташкил этилган «Савой» совхози дашт-
ларида деҳқончилик қилиш учун кўплар қатори 1930 йил-
да уларнинг оиласи ҳам Савой аригини кечиб ўтди, жой-
лашди. Ёш Хўжамберди 1-ўрта мактабга кириб 10-синфни
тамомлади ва шу йили ўқитувчилик фаолиятини бошлади.
Ўқитиш билан бир вақтда Андижон ўқитувчлар институти-
нинг ўзбек тили ва адабиёти куллиётини битирди. 1956—
1967 йилларда мактаб директори, 1967—1969 йилларда «Са-
вой» совхоз касаба уюшмасининг раиси, 1969 йилдан на-
фақага чиққунча директор ўринbosари вазифаларида фаолият
кўрсатди. Бу даврдаги «Савой» хўжалигининг фаолияти ди-
ректор Б. Абдураҳмонов, бош бухгалтер Э. Қосимовлар
ҳақидаги лавҳаларда ҳам эслатилади.

Хўжамберди aka ўта маданиятли, одамийлик фазилатла-
рини ўзида мужассам этган инсон эди. Масалан, беморлар-
дан хабар олиш, зориққанларга ёрдам кўрсатиш, қайғу бос-
ган оиласалар бошини силаш.... Эътиборлиси шунда эдикি,
бу ишларга ўзгаларнинг ҳам диққатини жалб этар, ташки-
лотчилик қиласарди. Кўчқор Авазматовни, Найни Маматқо-
дировни. Этамберди Асқаровни, Алижон Бегматовни, Му-
қимжон Қодировни, Фуломжон Охунжоновни ва шу каби
замондош, ҳамнафас дўстларини аччиқ кўз ёшлари, юрак
дардлари билан кузатган Хўжамберди Раҳмонов кўп йилик
хасталикдан сўнг 1995 йили оламдан ўтди.

Х. Раҳмонов болажон ота, вафодор оила бошлиғи эди.
У фарзандларининг ўқишига, тарбиясига жиддий қаради.
Беш ўғилу икки қизнинг ҳаммаси турли соҳа мутахас-
сислари бўлиб етишиб, юрт хизматига ҳозиру нозир. Улар
раҳматли оталари билан ҳақли равишда фахрланадилар,
зеро фарзандлар ҳаётида, фарзандлар қиёфасида ота
қиёфаси ўчмас, ота руҳи абадий яшайди. У билан бирга
узоқ йиллар ишлаган, ҳамсұҳбат бўлган ушбу сатрлар
муаллифи Тўлқинжонида отасининг меҳрибонлигини,
Эркинжонида салмоқли ва гурсиллаб одим босишини,
Неъматжонида тадбиркорлигини, оилапарварлигини,
Шавкатида қатъийлигини, Шухратида зийраклиигини,
қизларида мулойимлигини ва болажонлигини кўриб ту-
риди.

— Отам, — деб эслайди түнгич ўғли Тўлқинжон, — ва-фоти олдидан айтган эди: «Болаларим худойим сизларни паноҳида асрасин, бирорларга хор-зор қилмасин, муҳтоҗлик тортманглар, оналарингизни эҳтиёт қилинг, фақат ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечириңг. Шунда менинг руҳимни шод этган бўласизлар...»

Мана олти йилдирки ўғил-қизлар ота васияти, истаги ила яшамоқдалар, ҳар баҳорда 8-март куни оналари Тўхтахон опа пойи остига жамланишиб оталарининг муборак руҳини ёд этадилар, қабрини зиёрат қиласидилар.

САНЖАРОВНИ БИЛАРМИДИНГИЗ?



Кунларнинг бирида Зомин санаторийсида дам олиб қайтган ҳамюртларимиздан бири ўша ерда қўргонтепалик врач Санжаров ҳақида сўрашганини айтиб қолди. Очиги Санжаров ҳақида ёзиш фикри шундан сўнг туфилди. Хўш, у ҳақда эслаб, номини тилга олиб, сўраб-суриширишга арзигулик бўлган бу киши ким эди ўзи?

Санжаров Қўргонтепанинг биринчи шифокорларидан бўлган.

Биринчи шифокор бўлса нима қилибди? Ахир кимдир, қачондир биринчи шифокор, биринчи ўқитувчи, биринчи, хуллас, биринчилардан бўлганлар кўпку, қолаверса биринчиларнинг ҳаммаси ҳам, ҳамма вақт ҳам эсга олинавермайди, аммо Санжаровни вафотидан ўттиз йил ўтгандан сўнг эслашди, тағин бошқа юртларда!

Санжаровнинг хонадонида бўлганимизда ташрифимиз мақсадини англаган унинг рафиқаси Матильда Максимовна айтган сўз ҳам айнан шу ҳақда бўлди:

«Шунча йилдан сўнг нимага эслаб қолишди?» Бу сўзларда бир ўқинч бор эди, бу сўзларда бир соғинч бор эди...

Кудрат Санжаров 1938 йилда Чимкентдан Қўргонтепага кўчиб келиб яшётган ота-онасини кўргани келган эди. Ўшанда у Самарқанд тиббиёт институтини битириб, Қашқадарёда ишлар эди. 24 ёшли сергайрат йигит қизикувчанлиги туфайли ўша пайтда районда ягона бўлган шифохонага кириб, бу ердаги ишлар билан танишади. Лекин шунчаки назар солиш истаги уни бу ерга бир умр боғлаб қўяди. Ўшанда Россиядан келиб ишлаётган врач Соколов Санжаровга шу ерда қолиб ишлаш таклифини айтади, Санжаров рози бўлгач, ҳамма ишларни унга топшириб, ўзи Россияга қайтиб кетади.

Шундай қилиб, тақдир иплари Санжаровни Қўргонтепага боғлаб қўяди, Шу иплар қатимида тақдир яралди, кунлар тизилди, орзу тўқилди, армон битилди.

Матильда Максимовна ҳикояси:

— 1938 йилда Тошкентдан Кўргонтепага ишга жўнатишган бир гуруҳ ҳамширалар орасида мен ҳам бор эдим, бу ерда Санжаров билан танишдим, бир йилдан сўнг иккимиз турмуш қурдик. Санжаров қандай одам эди, дейсизми? У шундай одам эдики, унинг учун иш ҳаётнинг маъносига айланган эди, у туну кун касалхонада бўлар, ўзини ишга, китобга бағишлигаран бу одам оиласи ҳавасларни ўйламасди, уйда кам бўларди, чунки бир пайтнинг ўзида ҳам жарроҳ, ҳам терапевт, ҳам акушер, ҳам доя, ҳам рентгенолог бўлган ягона врач эди.

Узоқ узоқлардан келиб кетишарди Санжаровни, Қирғизистондан отлиқ одамлар кўп бора келишганини эслайман, қайсиам бир йили Чангилтошдан бир йигит келиб тўқсонга кирган отаси қизамиқ билан оғриб қолганлигини, бу дард билан оғриган кишилар қишлоқда тобора кўпайиб кетаётганини айтиб Санжаровдан ёрдам сўради. Ўшанда Санжаров бир муддат ҳам иккиланмасдан Чангилтошга отланган эди, у ерда икки ҳафта қолиб кетди, қайтиб келгач, эпидемияга қарши кураш осон бўлмаганлигини айтиб берганди, бизнигика келган йигитнинг тўқсон ёшли отаси ҳақида сўраганимда унинг ҳам тузалиб кетганлигини айтган эди.

Бизнинг оиласизда ҳеч қачон жанжал бўлмаган, биз аҳил яшар эдик, тўрт фарзандни тарбияладик. Дарвоқе, Санжаровнинг ишидан бошқа яна бир севимли машғулоти бўлган, у атиргулларни яхши кўради, шифохона атрофини атиргулларга тўлдириб юборганди, ҳовлимида ҳам уларнинг турли тумани ўсади...

Хотиралар инсоннинг қалби ва шуурида яшайди, дилга яқин хотираларнинг умр боқийлиги ҳам шунда эмасмикан?

Шифокор Талъат Тинчев ҳикояси:

— Санжаров билан ўн йил бирга ишлаганман, мен ундаги иқтидорга, ишга бўлган садоқатга тан берардим. У пайтларда бугунгидай мукаммал рентген хонаси қайда дейсиз, ҳаммаси оддий, содла, рентгенчи учун нурланиш ҳавфи кўп бўлган. Санжаров шуларни била туриб ишларди, чунки у ўзи даволаётган беморлардаги дарднинг сабаб ва ҳолатларини аниқлашда қанчалик ҳавфли бўлмасин рентгендан фойдаланарди.



Марказий шифохона.

Эҳтимол унинг қирқ беш ёшида дардга чалиниб, пировардида бутунлай тўшакка михланиб қолганлигига мана шулар сабабчи бўлгандир бир ҳисобда. Санжаровнинг кўзлари кўрмай, оёқлари ишламай, шол бўлиб қолганди, шу ҳолатда тўрт йил ётди ва қирқ тўққиз ёшида оламдан ўтди.

Санжаров — хизмат кўрсатган врач унвонини олиш даржасига борган шифокор, Санжаров — район соғлиқни сақлаш бўлимининг бош шифокори, Санжаров — вилоятнинг шимолий ҳудудида ягона рентгенчи мутахассис эди.

Лекин гап унвону мансабда эмас, гап унинг жуда кўплаб қалбларга ҳаётга умид чирофи ёқсанлигидадир, инсоний фазилат ва катта қалб эгаси бўлганлигидадир. Ушбу мақолани ёзиш олдидан кўплаб ёши улуғ одамлардан, бундан ўтиз-қирқ йил муқаддам Санжаров деган шифокорни билар-мидингиз деган сўровларга уларнинг ҳаммасидан, ҳа, билардим, жуда ўткир дўхтири бўлган, ҳавас қилса арзийдиган инсон эди, деган жавобларни ҳайрат билан эшидим.

Бугунги кунда Санжаров яшаган кўчага унинг номи берилган.

Эҳтимол ёшларнинг Санжаровни танимаслиги айб эмасдир, аммо танимаганларни танитиш катталарнинг бурчи ҳисобланади.

ҮЛКАМИЗ ФАХРИ

Ҳар бир ўлканинг, воҳанинг ҳатто ҳар бир қишлоқнинг ўзиға яраша фахр билан тилга олгулик сиймоси, сиймолари бўлади. Афсуски, туманимиз тарихи, ўшал тарихни яратувчилари ҳақида сўз юритар эканмиз, билимимиз, ахборотимиз камлигини ҳис этамиз: Султонободдаги тепалик не сабабдан Юнус пайғамбар номи билан аталади?

Шаҳрихонсој қачон ковланган? Кўргонтепа номи қаердан олинган? Мирзакул бўлиш мадрасаси ҳақида нима биламиз? Пайпоқ заводи қачон, ким раҳбарлигида қурилди? Таран заводи-чи? Бу каби саволларга жавоб топишда биз қийналамиз. Ёзма ёдгорликларимиз жудаям оз, кексалар хотирасидан ёзиб олиш йўлга қўйилмаганди. Мустақиллик шарофати билан ўз тарихимизни, фидойи одамларимиз тарихини ўз ўрнига қўйиш даври келди.

Водийда биринчи бўлиб инсон юрагини операция қилишга журъат этган жарроҳ С.У. Жумабоев, дунё тан олган тарихчи олим Б. Аҳмедов, фан ва техника ютуғини амалиётда қўллаб қишлоқ хўжалигига юқори мэррага эришган У. Саримсоқов бизнинг туманимиздан эканлигидан қувонмай бўладими.

XX асрнинг иккинчи ярми, яъни уруш оқибатларини тутагиши давридан бугунги мустақил давлат қуриш учун кураштагача бўлган ойлик, йиллик жараённинг жонли гувоҳи, бевосита иштирокчиси ва қаҳрамонларидан бири Узоқбой ака Саримсоқовдир. У 1930 йилда Жалақудукнинг «Пахтакор» қишлоғига деҳқон оиласида таваллуд топди. Отаси Саримсоқ ака оиласи билан Кўргонтепага кўчиб келгач, ўғлининг 1-ўрта мактабда, сўнг Тошкент қишлоқ хўжалиги олийгоҳида ўқишига бош-қош бўлди. Зеҳни ўткир, зукко, тиришқоқ Узоқбойнинг олган билимлари халқ хўжалигининг турли соҳаларига раҳнамолик қилишга қўл келди.



1955 йилдан «Савой»дек улкан хўжалик агрономи, 1959 йилдан шу совхознинг директори, 1968 йилдан Андижон вилояти партия комитетида котиб, 1971 йилдан Избоскан тумани партия комитетининг биринчи котиби, 1979 йилдан Кўргонтепа туманида шу вазифада, 1987 йилдан Хўжабодлаги Мадиёров номли совхоз директори. 1991 йилдан нафақага чиққач Кўргонтепа туман нуронийларининг сардори. Юқорида санаб ўтилган давр ичидаги У. Саримсоқовнинг қай даражада фаолият кўрсатганини бу мўъжазгина мақоламизда батафсил айтиб ўтиш имкони йўқ. Унинг ютуқлари, у раҳбарлик қилган соҳаларда ҳалқ зеришган муваффақиятлар, ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган янгиликлар, ташаббуслар ўз вақтида мамлакат бўйлаб кенг тарқалган. Кун йўқ эдик, республика, вилоят ёки туман матбуотларнинг бирида У. Саримсоқовнинг номи тилга олинмаган бўлсин. Юксак минбарларда ёки телевизиттиришларда унинг ўзи неча маротабалаб мазмунли маърузалар билан чиқсан. У ҳақда кўплаб лавҳалар, ахборотлар, қўлланмалар, альбом ва китоблар яратилган. Ҳукумат томонидан берилган мукофотлар Узоқбой аканинг эл олдидаги хизматларини ойнадай акс эттириб турибди: 1962 йилдан 1981 йилгача узлуксиз Олий Кенгаш депутати, «Меҳнат Қаҳрамони» «Халқ маорифи аълочиси», «Соғлиқни сақлаш аълочиси» унвонлари ва кўпгина орден ва медаллар, ёрликлар билан тақдирланган. Буларнинг ҳар бирининг остида фидойи инсоннинг қанчадан-қанча уйқусиз тунлари, руҳий ва жисмоний ҳоришлари, саратон жазирамасида қайноқ тупроқлар кечишлари, ҳалқнинг шиҷоатини қўзғаб, дилига йўл топа билиши, вақти келганда олий мансабдорлар билан курашлари ётишини кўз олдингизга келтиринг...

Шогирдларидан бири Сотоволди ака Норматов фикримизни тасдиқлаб, деди: 1983 йили Ш. Рашидов туманимизга келганда У. Саримсоқов «Андижон сув омбори қурилиши якунланиб кўплаб ишчи кучи бўш қолди. Бизга заводлар қуришга рухсат ва ёрдам беринг» деган эди. Ун комбинати, пайпоқ фабрикаси каби ўнлаб катта-кичик корхоналар, тураржой бинолар қуриш имкони яратилди. Марказдаги маданият ва истироҳат бояи бевосита унинг ташаббуси билан бунёд этилди. Ўша даврда катта қурилишлар



Янги қурилган «Само» ҳиссадорлик жамияти
биносининг очилиши.


учун маблағлар фақат Москванинг рухсати билан ажратилиши ҳисобга олинса, бу ҳаракатнинг нақадар шижоатли эканлигини тушунмоқ мумкин. Бое эса умумхалқ ҳашари билан битказилди.

Ҳа, у кўпчиликнинг меҳрини қозонган, ишончини оқлаган, севикли фарзандига айланган олижаноб инсондир. Биз бутун умрини эл-юрти фаровонлигига сарф этиб, ҳозирда ҳам шогирдлари ва фарзандларига раҳнамолик қилаётган Узоқбой Саримсоқовга узоқ-умр, оиласига омонлик тилаймиз.

*«Бу гулшан ичра ким йўқдир баҳо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик ила от»*

A. НАВОЙЙ

БУ ДУНЁ СИНОВ МАЙДОНИДИР



Дебдурларки яшаб ўтган күнлар умр эмас, фақат эсда қоладирган күнларгина умрдир. Умрлар, умрлар... Кимга қанча насиб этадир. 87 баҳорни күрган отахон Абдулжаким Саттиев умр дафтарины варактайды, сархисоб қилали: Биринчи варақ. 1915 йилда күшни Ўш вилоятининг Наримон қишлоғида дәхқон оиласида туғилдим. 1930 йилда 8-синфни битирдим-да, янги тузилган колхозга ишга кирдим.

1933 йилда жуда ёмон очарчилик бошланди, одамлар овқат излаб, нон излаб ҳар томонга кета бошладилар. Ўша очлик изғирини мени «Савой» совхозига олиб келди. Бунда бир иш қунига бир маҳал иссиқ овқат, 600 грамм нон бераркан. 1929 йилда тузилиб, ҳали қад ростлай олмаган хўжаликда, 3-бўлимда бор-йўғи 4 та барак бўлиб, унда Украина ва Москванинг ўзидан қулоқ қилинган, ер-мулки давлат ҳисобига мусодара қилинган украин, руслар яшардилар. Мен сингарилар 5—6 оила битта хонада ёки ертўлада жинчироқ ёқиб кун кечирадик. Очликдан кексаларнинг кўпи шапкўр бўлишиб, кечаси ғўзага сув қўйиш бизнинг зиммамизга тушарди. Сўнг менинг чекимга бригадирлик, бўлим бошқарувчилиги тушди.

Иккинчи варақ. 1942—1946 йиллар. «Қирқ йил қирон бўлса ажали етмаган чивин ўлмас эмиш». Краснодар ҳарбий билим юрти, лейтенант, 4-Украина фронтида взвод командири. «Тил» олиб келиш учун тунда окопга бостириб кириш, 3 офицер ва I та альбомни қўлга киритиш (Альбом қимматли ашё экан, унда Гитлернинг «Сен ҳозир оддий жангчисан. Эртага губернатор бўласан, бутун дунё фақат немислар учун хизмат қиласидиган күнлар яқин» деган хом хаёллари битилган сўз ва расмлар бор экан). Сўнг жанг бехатар бўлмас, ўқлар ёмғиридан қовурғалар илма-тешик. Госпитал. Яна жанг майдони. Фалаба арафасида портлашлар, ўт-

олов ичидә қолиши. Госпитал. Бир йилдан сүнг 31 ёшли нав-қирон йигит бўлатуриб ногирон ҳолда уйга қайтдим.

Учинчи варақ. 1946—1959 йиллар. Ҳолдан тойган хўжалик «Савой» З-бўлимини бошқариш, иктисодий оёққа турғазиш, бутун ҳалқни кийинтириш, етим-есирни тўйғазиш, давлат мажбуриятини бажариш, карта ғада| бўйлаб ариқлар ковлаш, йўл чиқариш, туаржой, мактаб бинолари қуриш, техника сотиб олиш...

Бу ишларни уддалаш учун раҳбар ҳалол-пок, тадбиркор, кам уйқу, холис, камтар, ўзига ва ўзгаларга бир хилда талабчан, қўл остидагиларга меҳрибон бўлиши керак. Бу оддий турмуш қоидаларига амал қилдимми-йўқми бу инсоний фазилатлар менда зоҳирми-йўқми — бу «Савой»ликлар, 1959—1965 йилларда «Ғалаба» (ҳозирги Жалакудук туманида), 1965—1973 йилларда раислик қилганим (ҳозирги «Қўштепа») колхозлари аҳолиси ҳукмига ҳавола.

Тўртинчи варақ. Узук-юлуқ хотиралар. 1933 йил, Ўш бозори. Оч-юпун эл топган бисотини нонга, донга алмаштиради. Бир қашқарлик ўн хуржун арпага ўн хуржун китоб олди. Нима қиласиз бу китобларни, десам, бу ноёб китоблар Қашқар бозорида хорижликларга тиллога алмаштирилади, деди. Ўша кунлари кимда эскича китоб бўлса қамалади, деган гап тарқаган экан. Бир оқсоқолнинг 200 га яқин турли жилддаги китобларни ерга кўмаётганини кўриб, йифлаворганман.

1934 йилда Савойга бухоролик қулоқлар сургун қилинган. 1932—1935 йилларда парниклар қурилди, унда қофоз идишларга ипак пахта чигитлари солиб ўстирилди ва март ойлари бошида кўчатлар очиқ далаларга чиқарилди. Бу навнинг вегетатция даври ўзимизнинг навдан 25—30 кун узун эди. Бўлмади. Иссиқлик ҳарорати етишмади. Ҳозир эса плёнка остига экиляпти. Ҳамиша изланиш керак экан. Бу дунё ўзи тажриба майдонидир.

Абдулҳаким ота Саттиев умр дафтарининг зарварақлари кўп, ҳали тўлдирилмаган оқ саҳифалари бор. Бу мўътабар инсон билан дийдорлашиш ниятида Кўргонтепа шаҳар, Ибн Сино номидаги кўча, 41-хонадон сари йўл олдик. Равот олдига соя солиб турган кекса шотутнинг қорачипор рангли новвот таъм мевасидан татиб, ичкари кирдик. Фақат ўзбек-

ларга хос саришта ҳовли. Мүйжазгина бу ҳовли турли хил мевалар япроғидан ўзига либос ёпинган. Ота кампири билан ичкари уйдан чиқиб келди. Унинг келишган қоматига ярашиғлик костюмiga 14 та хилма-хил ордену медаллар қадалган. Турсуной онахон ҳам фариштадай, бошида оқ рўмол...

— Ассалому алайкум.

— Ие-ие, келинглар. Ҳов келин... жой... қани, ўтиринглар...

— Куёв-қайлиққа ўхшаб, йўл бўлсин? — кулишдик.

— Ҳокимиятда фахрийлар билан учрашув бўлар экан... — Кампиршо эса тўйга...

— Қанақа тўй экан? -қизиқсингик.

— Чеварани бешикка солиш...

— Нечта чевара бўлди?

Буниси 16-си, деб мағурурлигини яширмади отахон. Пирубадавлат бу оиласда 11 фарзанд камол топди. Қарияларни йўлдан қолдирмаслик учун сухбатни қисқа қилдик:

— Абдулҳаким ота, узоқ яшашнинг сири нимада?

— Доимо ҳаракатда бўлишда, ҳар нарсанинг меъёрини билишда.

— Қайтадан яшариб, йигит бўлсангиз нима билан шуғулланардингиз?

— Деҳқон бўлиб қовун экардим...

БУТУН УМР ОДАМЛАР ОРАСИДА

Мўминжон Содиқовни бугун ҳамқишлоқлари, уни таниган билганлар яхши сўзлар билан хотирлайдилар. Қарийб тўқсон йиллик (1911—2000 йиллар) умр йўлида у мудом одамлар орасида бўлиб, уларнинг ташвишлари, кувончлари билан яшади. Ўзгалар баҳтини ўз баҳти, деб билди. У ўзидағи ана шу фазилатлар туфайли ёниқ хотиралар қолдирди.

Мўминжон Андижонда очилган муаллимлар тайёрлаш мактабларининг бирида икки йил таҳсил олгандан сўнг қишлоққа муаллим сифатида қайтди.

Дардоқтепанинг Иш-капа, Муқур қишлоқларида очилган мактабларда ўқитувчилик қилди. Ёш, серғайрат йигит биргина ўқитувчилик билангина кифояланиб қолмади. Қишлоқдаги «Қизил пахтакор» деворий газетасини мухбири сифатида иш олиб борди. Мухбирликка бўлган ҳавас туфайли 1936 йилнинг март ойида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг қишлоқ мухбирлари слётига вакил бўлиб қатнашди. «Правда» газетасининг йиллиги муносабати билан эса у ҳукумат раҳматномасини олди.

Мўминжон меҳнатни билимини ошириш билан қўшиб олиб борди. 1932 йили Тошкент дорилфунунида, бундан аввалроқ ҳалқ маорифи инспекторлар тайёрлаш курсида олган билимлари одамлар билан ишлашга ўргатди. Мухбирликнинг қалами тобора чархланиб, янтиликнинг ёрқин уфқарини Тошкентда чиқадиган «Колхоз йўли» ва бошқа бир қатор газета саҳифаларида чиқишиларда акс эттирди.

1937 йили колхозга комсомол ташкилотининг секретари бўлиб келган Мўминжон колхоздаги 30 нафар комсомол аъзосининг дала ишларида қатнашмай қўйганлигини аниқлади. У ёшлар билан суҳбатлашганида, колхоз раиси Давидохун Курбонов аванс беришни асоссиз равишда тўхтатиб қўйганлигини айтадилар. Ўша куни Мўминжон комсомол ташкилотининг йиғилишни чақириб, унда колхоз раисининг хатти-ҳаракатини муҳокамадан ўтказади. У раисга колхозни бу усулда бошқариб ҳам, юксалтириб ҳам бўлмаслигини таъкидлаб, ундан аванс берилишини қаттиқ туриб талаб қиласиди. Раис комсомол ташкилотининг йиғилишида айбига иқрор бўлади. Бундай ёрқин мисолларни Мўминжон

Содиқовнинг ёшлар ташкилотига раҳбарлик қилган кезла-рида кўплаб учратиш мумкин эди.

...Мўминжон пешинга яқин даладан қайтди. Унинг юрагини бир ташвиш кемирап, тинчлик бермасди. «Бугун Сулеймон тегирмончи қанча ғалла йифди экан», деган савол унинг хаёлидан кетмасди. У отидан тушиб-тушмай кўзи идора рўпарасида бошларини қуи эгиб, нажот кўзларини унинг йўлларига тикиб турган бир гурух кишиларга тушди. Мўминжон одамлар билан сўрашди. Фронтдаги аҳволни, бизникилар душманни тобора чекинтираётганини айтиб, уларнинг кўнглини кўтарди.

Бу орада тегирмончи Сулеймон ака ҳам келиб қолди. Мўминжон ундан бугун, тегирмонда йигилган ғалла миқдорини сўради. Тегирмончи қанча ғалла тушганини маълум қилгач, раис колхоз секретариға ғаллани тўпланганларга тақсимлашни буюрди. Ҳар киши ҳисобига 500—600 граммдан ғалла бўлиб берилиб, уларнинг шу кунги тирикчилиги учун имкон яратилди.

Урушнинг энг оғир кунларида Мўминжон раҳбаргина эмас, балки одамларнинг фамхўри, дардкаши бўлди.

Урушнинг сўнгги йиллари колхозда пахта ҳосилдорлиги кескин камайиб кетди. Район партия комитети Мўминжон акани шу колхозга ишга ўтказди. У иш фаолиятини одамларнинг қалбига йўл топиш, уларни ғалабага ишонтириш, қулай шарт-шароитлар яратишдан бошлиди. Бир бурда нон топса улар билан баҳам кўрди. Натижажа ёмон бўлмади. Деҳқончилик қилинган 300 гектар ернинг ҳар гектаридан 10 центнердан пахта териб олинди. Орадан 5 йил ўтгач эса, колхозда ҳосилдорлик 18 центнерга кўтарилди.

1944 йилдан пенсияга чиққунга қадар М. Содиқов Ҳамза номли совхознинг 4-бўлимидаги бошқарувчи, Дардоқ қишлоқ советининг раиси, хўжалик мироби каби вазифаларда сидқидилдан хизмат қилди.

Бу меҳнатлар, умр йўллари беиз кетмади. Чунончи, у 1947—1957 йилларда бўлиб ўтган Ўзбекистон пахтакорларининг қурултойига икки марта вакил бўлиб сайланди, орден билан тақдирланди.

Мўминжон Содиқовнинг порлоқ хотираси эслашга, хотирлашга арзигулиkdir, муносибdir. Ана шундай хотира-лардан бирини Собиржон Тошбой ўғли шундай эслайди:

«Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди, —деб хотирлаган эди бир суҳбатда Мўминжон ака. — Ўшанда мен колхоз раиси эдим. Бир куни колхозимиз ҳаёти билан танишгани марказдан бир ёзувчи келди. У пайтларда енгил машина қайда дейсиз, ёзувчи билан далаларни, қишлоқ марказини пиёда кезиб чиқдик, кечқурун меҳмонни ўзимизча сийламоқчи бўлдик. Дастурхонимизда иккита қотирмаю бир чойнак чой бор эди холос... Эрталаб меҳмонни Қорасувга олиб бориб кузатиб қўйдик. У пиёда йўлга тушди....».



САЛОМАТЛИК ПОСБОНИ

Табибларга эътиқоди баланд бўлган Алишер Навоий уларни пайғамбарларга қиёслаб ёзган экан:

«Исо иши чиқғон жонни танга кийурмак дуо бирла ва му-нинг иши чиқадурғон жонга монеъ (тўсиқ) бўлмоқ даво бирла».

Бу бежиз эмас, албатта. Улар жон деб жондан кечадилар, ўзганинг роҳати деб, ўзларининг

соғлигини йўқотадилар. Кўрғонтепа аҳолисининг саломатлиги йўлида қирқ йил фидокорона тер тўккан Асадулла aka Сотиболдиев ана шундай табиб шифокорлардан эди. У 1919 йилда Андижон шаҳрида дунёга келди. Ота-оналари саводхон бўлишган. Шу боис ўғлининг ўқиши ва тарбиясига жиддий қараганлар. Асадулла мактабда ўқиб юрган даврида ёқ табобатга қизиқар эди. Бу қизиқиш уни 1936 йили Самарқанддаги фельдшер-акушерлар таёrlаш мактабига етаклади. Уни битиргач Медицина институтига ўқишга кирди. Бироқ урушнинг бошланиши ўқишнинг белига тепди.

А. Сотиболдиев 1941—1945 йиллар давомида жанггоҳларда лазаретма-лазарет, госпиталма-госпитал югурди, доридармон ташиби, Фарбий ва З-Белоруссия фронтларида фельдшер, полк аптекаси бошлиғи сифатида Москвадан Минскгача, Минскдан Кенигсберггача, ундан Чехословакиягача бўлган масофани ўтди. Шу ўринда 1995 йили чоп этилган «Уруш кўрган докторлар» тўпламидан парча келтирмоқни лозим топдик:

«Асадулла ана шу жанггоҳларда агар инсоннинг қалби Ватанга муҳаббат билан ёнса, душманга нисбатан нафрат билан тўлса, жароҳатлар ҳам кўзга кўринмаслигига имон келтирди... 1946 йилда хизматдан бўшаб, Самарқанд Тиббиёт олийгоҳида ўқишни давом эттирди. Талабанинг кўксини урушдаги жасорати учун орденлар ва медаллари безабтуради. Ўқишни битиргач, Кўрғонтепа туманига ишга кел-

ди, аввалига жарроҳ бўлиб, кейинчалик марказий шифохона бош врачи бўлиб ишлади. Уруш жароҳатлари туфайли 1-гурӯҳ ногирони бўлиб қолди.

Аммо шунга қарамасдан меҳнатдан қолмади».

Хужжатлардан маълумки, Кўрғонтепада 20-йилларда биринчи шифохона Андижонсой бўйидаги болалар касалхонаси ўрнида ташкил этилган ва Абдураҳмон тилмоч фельдшерлик қилган. Йиллар ўтиши билан туманимизда шифохоналар сони қўпайди, шифокорлар сафи кенгайди. Тошон Йўлдошева, Мамадали Эралиев, Кудрат Санжаров, Дадаш Хўжаев, Фозилжон Зокиров, Абдулаҳад Мирзакаримов, Одилжон Холматов, Араббой Алимкулов, А.С. Дебелий, Мирзараҳим Бобоев, Ўқтам Аҳмедов, Камолиддин Абдуматов, Шавкат Азимов, Иброҳим Исмоилов каби нечаче шифокорлар туман халқи саломатлигига камарбаста бўлдилар. Булар орасида Асадулла Сотиболдиевнинг алоҳида ўрни бор, у туманимизда олий маълумотли жарроҳлар этишмаётган бир пайтда фаолият кўрсата бошлади. Айниқса, бош врач вазифасида ишлар экан тиббиёт муассасаларини кенгайтириш, шароитни яхшилаш, чекка қишлоқларда медпунктлар ташкил этиш, уларни мутахассислар билан таъминлаш, ёшларни ўқитиш, ишлаётганларнинг малакасини ошириш... Ана шу долзарб ишлар билан бир қаторда шошилинч жарроҳлик ишини ҳам бажариш унинг зиммасида эди. Удалади! Эл ҳурматини қозонди.

Шифокорнинг beminnat хизматини дард тортган, айниқса, жарроҳлик столида — икки дунё оралиғида жон талашиб ётган bemorgina қадрлай олади. Уларнинг меҳнати беўлчовдир, бебаҳодир.

Асадулла ака умрининг охиригача Гиппократ қасамига содик қолди. У мустақиллик йўлидан дадил кетаётган элимизга яна кўп йил хизмат қилиши мумкин эди. Лекин... Ўзгаларнинг соғлиғи деб ўз соғлиғини барбод этган Асадулла ака давомли хасталиқдан сўнг шамдай сўнди...

*Бемор бўлсан табиб топаман,
Табиб ўлса қайга чопаман?!
Балки табиб кетидан мен ҳам
Тобутимга тўним ёпаман.*

Асадулла Тиллабоевич Сотиболдиев орамизда жисмонан кўринмайди, холос. У яшайди соғайиб кетган собиқ bemорлар қалбida, у яшайди «Ўқи, юрtingга хизмат қил» дея боши силанган шогирд шифокорлар кундалигига, у яшайди руҳ бўлиб фарзандлари хотирасида.

— 1946 йилда, эндиғина 18 га кирганимда турмуш қурганимиз, — дея эслайди истараси иссиқ Халича опа, — Оила-парвар киши эди, фарзандларини севарди, ўқишиларини қаттиқ талаб қиларди. 6 фарзанд кўрдик: Раънохон ота касбини давом эттироқда, Ҳошимжон, Одинахон, Каримжон, Осиёхон ва Иродахон. Иродахонимнинг умри қисқа экан йигирмага кирмай...

1997 йилнинг 7 декабридан буён ҳар гал соғинганда фарзандлару невараларимни етаклаб қабристонга зиёрат қилишга бораман.

ТАРИХ ЯРАТГАН ОДАМЛАР

Дардоқда, кекса кишилар орасыда шундай бир беғубор латифанамо гап юради. Ўтмиш ҳақида, олис йиллар хотиралари ҳақида гап кетганида, албатта, шу хотиралар ҳам бир қур эсланиб ўтилади. Улардаги деҳқонча соддалик ҳамон дилга бир ёруғлик беради. (Бу ёруғлик замирида яна дилга маҳзунлик солувчи, ўша мутелик даврларининг ғашлиги ҳам уйғонади. Ў, содда элим, қанчалар ҳокисор бўлгансан-а!).



Хуллас бу шундай бўлган экан. Бир куни районда хўжаликларни техника билан таъминлаш ҳақидаги масала кўрилади.

— Ҳозир Акмал Икромов номидаги колхоз районимиздаги энг йирик хўжаликлардан бири саналади. Шунинг учун колхозга битта янги техника ажратамиз. Колхоздан вакил борми? — деди йиғилишини олиб бораётган туман раҳбари.

— Ҳа, бор, — деган овоз эштилди йигин аҳли орасидан.

— Раисга айтиб қўйинг, эртага «С-100» боради.

Деярли хушхабар тарзидаги бу гапни раисга етказишга ошиқкан йигит йиғилишдан борибоқ тоби қочиб уйда ётган раис Ҳурбой акага айтади:

— Эртага бизга «С-100» (сўзлашув тилида «ЭСТО») келлар экан!

Бу гапни эшитган Ҳурбой ака:

— Нима, ким экан у? Москвадан эканми? — дея ҳаяжон билан ўрнидан туриб кетган экан.

Бугун-ку техника деҳқонга қанот, деймиз. Фақат билак кучига, кетмонга таянган одамлар ўшанда «С-100» ни қайданам билсин?!

Ушбу ҳикоямиз қаҳрамони Ҳурбой ота Сотиболдиев ҳам келажакка йўл очган одамлардандир. Келажакка ўтмиш орқали кириб борамиз, эртанги кунимизни яратамиз.

1929 йилда Ҳурбой Сотиболдиев Файзулла Хўжаев номли колхозга раис этиб тайинланди. Ўша йили мазкур колхозга 34 та хўжалик деҳқонлари бирлашиб, 118 гектар ерга чигит экадилар. Биринчи йили улар гектаридан 15 центнердан ҳосил олишиб, пахта ширкати билан тузилган шартномани ортиғи билан бажардилар. Ана шу ютуқлар сабаб колхозчиларга Дардоқ пахта ширкати томонидан кўп миқдорда дон, газлама, оқ қанд, чой берилди. Колхоз аъзолари бир йил ичidaёқ ўзларини кўрсатдилар. Мазкур колхозга қўшни бўлган колхоз аъзолари ҳам меҳнатда ана шундай ютуқларга эга бўлдилар. 1931 йилнинг баҳорида яна бир колхоз — «Интернационал» тузилди. Кейинги йили бу ҳар иккала колхоз Ҳурбой Сотиболдиев етакчилик қилаётган Ақмал Икромов номидаги битта колхозга айланди.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари жамоатчилик институти томонидан бундан йигирма бир йил муқаддам тайёрлаган Ҳамза номли совхоз тарихига бағишлиланган бир мажмууда шундай сўзлар ёзилган эди: «1936 йили ҳам баҳор кеч келди, чигит экиш кечикиб кетаётган эди. Бир куни қош қорайиб қолган, мен даладан келиб турган эдим, Абдуқодир Қоратоев келиб қолди. У, жон ака, 4 гектар ерим қолган, шуни ҳайдаш керак, етилиб қолибди, агар шу бугун ҳайдаб бермасангиз, эртага ёмғир ёғиши мумкин. Ўзингизга маълум Полвон ака менинг мусобақадошим, у мендан илгари экиб бўлиши мумкин, деб қолди. Мен унга, СТЗ ни чироғи йўқ-ку, кечаси қандай юраман, бунинг иложи йўқ, дедим. У бўлса иложи бор, деганча югуриб чиқиб кетиб, 4-та ҳўл ёғоч кўтариб кирди. «Бу — шамалак», буни ёқиб олдингизда юраман, СТЗни юргизаверасиз, деди. Мен кулдим ва унинг ғайратини кўриб рози бўлдим. Иккимиз бирга овқатландик, сўнг далага жўнадик. Шу куни кечаси 4 гектар ерни ҳайдаб қайтдик, эрталаб туриб қарасак 24 та «шамалак» ёқилибди».

Бу ўша давр манзараси эди. Ҳурбой Сотиболдиев ҳам ўша давр кишиси эди. Гарчанд саводсиз бўлсада, унда бой ҳаётий тажриба бўлган. У пахта илмини китоблардан эмас, далалардан ўрганган эди. Икки марта Бутуниттифоқ ҳалқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида қатнашган, ўзбек деҳқонини ва пахтасининг доврутини ўша пайтлардаёқ оламга ёйган инсонлардан бўлган.

Яна бир гап, бугунги Дардоқ ширкат хўжалигининг Янгиобод ҳудудидаги илгари тўқайзор бўлган жуда кўплаб ерларни ўзлаштиришда бош-қош бўлиб, қамишзорлар ўрнида янги ерлар очган ҳам мана шу Ҳурбой оталар ва у сингари кишилар бўлган. Биз улар ҳақида ўтмиш бағрида туриб келажакни яратган одамлар, десак муболаға бўлмайди.

СУЛТОНОБОДЛИК СҮЗ УСТАСИ



Машхур сўз устаси, моҳир педагог Ҳасанбой Султонов 1942 йил 10 июнда Султонободнинг «Бардон қишлоқ» маҳалласида дехқон оиласида таваллуд топган. Унинг отаси Султонбой ота Мамадалиев санъатни севган. Катта ашула айтиб, йигинларни обод қиласи эди. Онаси Ҳуринса ая эса фозила аёл бўлиб адабиётни севган.

Ҳасанбой 1959 йили Султонободдаги ўрта мактабни тамомлаб Фарғонага ўқишига боради. 1964 йили Фарғона давлат педагогика олийгоҳининг физика куллиётини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Кува шаҳрида бошлади. 1965 йилдан Султонобод қишлоғидаги 35-ўрта мактабда физика фанидан дарс беради. 1966 йилдан 33-ўрта мактабда самарали меҳнат қилиб, ўша давр талабига жавоб берадиган физика хонасини ташкил этди. Унинг ўз қули билан ясаган ҳаракатланувчи моделлари, тарқатма тест материаллари, кўргазмали қуроллари ўқув жараёнининг мазмунли ўтиши ва ўқувчиларининг чукур билим олишига сабаб бўлди. Унинг иш услубини ва тажрибасини ўрганиш учун вилоятнинг барча туманларидан келадиган ўқитувчиларнинг оёғи узилмай қолди. Дид ва замонавий техника воситалари билан тўла жиҳозланган физика кабинетида вилоят ўқитувчилари учун кўргазмали семинарлар ўtkazildi. 1969 йили собиқ Иттифоқ даврида у Москва яқинидаги Дубна шаҳарчасида ўtkazilgan физиклар симпозиумида ўзининг илмий-услубий мақолалари ва тажрибаси билан иштирок этди. 1974 йилда эса Ўзбекистон ўқитувчиларининг IV съездидаги иштирок қилди.

Ҳасанбой Султонов педагоглик фаолияти даврида ўнлаб мақолалари билан «Ўқитувчилар газетаси» да фаол қатнашди. Ҳасанбой Султонов серқирра ижод соҳиби эди. У талабалик йиллариданоқ халқ оғзаки ижоди — асқияга жуда ҳам

қизиқар эди. 1966 йилдан бошлаб ўзбек халқи миллий санъатининг ноёб намуналаридан бири бўлган асқия санъатини чукур ўрганиш мақсадида қорасувлик машҳур асқиячилар Абдулҳай маҳсум Қозоқов ва Мамажон ота Мадаминовларнинг этагидан маҳкам ушлади. Ҳасанбой педагоглик фаолияти билан бирга кун сайин устозлари қўллаётган сўз ўйинларини, қочиримларини ва асқиянинг хилма-хил пайровларини қунт билан ўрганиб борди. Қарийб 30 йил давомида устозлари билан елкама-елка туриб, кўпгина янги пайровлар яратди, халқимизнинг бу ноёб ва нозик санъати турининг ривожланишига муносиб ҳисса қўши. У асқиячилари конкурсининг фолиби ва мукофотли ўринлари соҳиби бўлди.

Ер участкаси пайрови:

Абдулҳай маҳсум:

— Ҳасанбой, сиз ҳам янги участка бериш ҳақидаги қонун бўйича участка олдингизми, ёки ҳали ҳам «Илгари ўтирган жойингиздамисиз?»

Ҳасанбой Султонов:

— Ҳа, мана мустақиллик бўлиб халқ учун ҳукуматимиз катта ғамхўрлик қиласяпти. Сизни ҳам чек олдими десам, қўшниларингиз: «Маҳсум ҳали ҳам «Эски ери билан» дейиши.

Абдулҳай маҳсум:

— Бизларда ер ҳам, уй ҳам бемалол. Мабодо жой етишмай қолса ижарага уй сўраб бирорларникига ўтириб юрманг, ука.

Ҳасанбой Султонов:

— Маҳсум ака, ер бемалол бўлгани билан ундан фойдаланиш керак. Одамлар сиздан хафа, Маҳсумга ер берилди, суви елкасида, шундай бўлса ҳам, уникини шўри чиқиб ётибди дейиши.

У устозлари Маҳсум ака ва Мамажон ота билан республиканинг барча вилоятларида, қўшни республикалар — Тоҷикистон, Қирғизистон, Қозогистон ва Туркманистанда бўлиб, ўзбек асқия санъатини намойиш этди. Ҳасанбой Султонов асқия санъатини янада ривожлантириш ва халқ ўргасида кенг ёйиш мақсадида узоқ йиллар изланишлар олиб борди. Мамлакатимизда олдин яшаб ижод этган сўз усталади.

ри, қизиқчилар, ҳофизлар, асқиячилар ҳақида ноёб материаллар йиғди ва шу материаллар асосида «Асқия» номли китобини яратди. Санъатсевар халқимиз бу китобни илиқ кутиб олди.

Ҳасанбойнинг хизматларини ҳукуматимиз муносиб тақдирлади, унга республика фахрий ёрлиқлари, 1999 йили эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» деган юксак унвон берилди.

Эл суйган санъаткор, моҳир сўз устаси Ҳ. Султонов халқ ўртасида ўзининг фидойилиги, камтаринлиги, ҳалоллиги, меҳнаткашлиги ва одоб-ахлоқда, инсонийликда юксаклиги билан катта обрў топди. Усиз байрам ва сайиллар, тўй маросимлари ўтмас, у бу давраларнинг гули эди.

У эндигина 58 баҳорни қаршилаган пайтда бевақт ўлим уни орамиздан олиб кетди. Ҳасанбойнинг хотирасини халқимиз қалбida абадий сақлайди.

Унинг фарзандлари Ҳусанбой ва Нигораҳон ўқитувчилардир, катта ўғли Жаҳонгир — ҳисобчи, Муҳиддин эса ота изидан бормоқда, Иқболхон — ҳамшира, кенжа ўғли Шуҳратжон — юрист. Оиласи Дилфузахон ўқитувчиликдан нафақага чиққан.

УСТОЗ ЭЛЕКТРИК

Электриклар хонаси. Муқимжон зертага қилинадиган иш режаси ҳақида шогирдларига топшириқ бермоқда. «Курилишнинг 2-участкасида электр билан юрадиган ЭКБ экскаватор ишламай қолди. Зудлик билан тузатиб бермасангиз иш чатоқ, — деди Турсунбой,— Экскаваторни симларида ёнғин чиққан, 3—4 электрик унинг сабабини топиб ишлатолмаяпмиз. Уста, сиз бормасангиз бўлмайди». Муқимжон зудлик билан 2-участкага жўнади. Бундай иш ходисалари унинг фаолиятида жуда кўп бўлган...

Муқимжон Темиров 1944 йилда Султонобод қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни тамомлаб, Фарғона политехникумининг энергетика бўлимига ўқишига кирди. 1963—1966 йиллар ҳарбий хизматда бўлди. 1966 йили Кампиробод қурилиш монтаж бошқармасига (1-СМУ) электрик бўлиб ишга кирди.

Янги иш бошланаётган бу катта қурилишнинг қийин ва оғир участкаларида меҳнат қилиб, билими ҳамда ҳалол меҳнати билан хурмат қозонди.

— 1969 йили СМУ-1 ташкилотига электрик бўлиб ишга келганимда, мени Муқимжон ака қабул қилиб олди — деб хотирлайди Андикон ГЭС директори Турсунбой ҳожи — Қаерликсиз ука? Бу ерда иш қаттиқ, қишида жуда совуқ бўлади, иш нозик ва масъулиятли деган эдилар.

Мен Муқимжон аканинг самимий юракдан гапираётганини, камтар ва бошидан кўп савдоларни ўтказган инсон эканлигини англадим.

— Ака, энди менга устозлик қиласизда... Бу ерда ишлашни армия хизматида бўлган пайтимдан орзу қилганман!.

Мен ўз касб-коримнинг сир-асрорларини шу улуғ устоздан ўргандим. Муқимжон ака нафақат менинг, бошқа шогирдларнинг ҳам ҳунари соҳасидаги сўров-саволларига



Эринмай, вазминлик билан аниқ ва тушунарли жавоб берар эди. Устоз ҳеч вақт шогирдларини ноўрин койимайдилар, уларнинг шахсиятини чуқур хурмат қиласидилар.

Андижон сув омбори қурилишининг нуфузли раҳбарларидан яна бири Л.А. Руденко Муқимжон aka ҳақида шундай дейди:

— Муқимжон ҳамма вақт электр билан боғлиқ ишларга тайёр ишчи. Хоҳ ярим кеча бўлсин, хоҳ дам олиш куни, хоҳ тўй бўлсин, техника ишлари тўхтаб қолган кезларда уни чақиритирар эдим. Чунки Муқимжон энергетика бўйича кучли мутахассис. Буюрган топшириқларимизнинг бирор таси бажарилмай қолмайди. Қурилишнинг энергетика соҳаси бамисоли қулф булса, Муқимжон унинг қалити эди.

— Муқимжон Темиров Андижон сув омбори қурилишида қарийб 35 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг 50 дан зиёд шогирдлари устозидан миннатдорчилик руҳи билан турли жойларда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда ҳам Муқимжон Темиров ёш мутахассисларга мураббийлик қилиб, Андижон ГЭС корхонасида бош энергетик вазифасини адо этиб келмоқда.

ИСТИБДОД ИСКАНЖАСИДА

80-йиллар қатағони миллатнинг, халқнинг ғурурини поймал этмоқ, бадном этмоқ учун қилинди. Бу қатағон «ўзбеклар иши», «пахта иши» деб ном олди. Худди 30-йиллардагидак яна ишдан ҳайда-ҳайда авж олди, яна оқ-қорани таниган, юрт назарида юрган кишилар кишанбанд бўлди, маҳбус бўлди. Оқ пахтани яратиб, осмондан сочилган заҳарга чўмилиб юрган пахтакор элнинг, хокисор элнинг юзига қора чапланмоқ бўлди.

Бу қатағон исканжасига тушганлардан бири Бозорбой Тилаболдиев эди. Ўн беш йил муққадам колхозни 3,5 милион сўм қарзи билан қабул қилиб олган, бир йилдаёқ бу қарзни узган, қолоқ хўжаликни илфорга айлантирган, жуда кўплаб қурилишларга бош-қош бўлган меҳнаткаш бу инсон барча яхши ишлари эвазига истибдод исканжасига тушди.

Етмишинчи йилларнинг бошида, яъни Бозорбой Тилаболдиев колхозга раис бўлиб ўтган йилларда экин майдонлари жуда хотекис эди. Ҳатто шундай пайкаллар ҳам бор эдик, кун ботиш томонга ариқ ёхуд ўқ ариқларда сувни олиб бориб, сўнг уни кун чиқиши томонга ҳайдаб суғоришга тўғри келарди.

Ўн метр, ундан ҳам чуқур бўлган зовурлар ерларни файзсиз қилиб турарди. Шунинг учун Бозорбой ишни энг аввалио ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан бошлади. Дастлабки уч йил бутун эътибор ана шунга қаратилди. Табиийки, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангач, ҳосилдорлик ҳам орта борди. Буни Бозорбой аканинг ҳозиргacha сақлаб қўйган ён дафтарчасидаги ёзувлардан, ҳисоб рақамларидан ҳам билса бўлади.

Дафтарчада математик аниқлик билан (дарвоқе, Бозорбой Тилаболдиевнинг асли касби математика ўқитувчиси, ундаги раҳбарлик салоҳияти, одамларни ўз ортидан эргаштира билиш ҳамда деҳқончиликни ўз касбидан кам билмаслиги туфайли уни қолоқ колхозга етакчиликка ўtkазишган эди) беш йиллик, йиллик ҳисоботлар ёзиб қўйилганки, улардан пахта ва бошқа экинлардан ҳосил олишнинг қайтарзда ўсиб борганилигини кўриш мумкин. У ерда 100 дан

паст сонларни кам күрасиз, демак режалар ҳамиша 100 % дан ошиқ бўлган.

Колхознинг иқтисодий кўрсаткичи йил сайин яхшила-ниб бориши кенг кўламли қурилиш ишларига имкон яратди. Молхона, бўрдоқиҳона, озуқа цехи, кўйма бетондан 800 тонна сифимлик чорва ҳайвонлари озуқаси учун ўра, ҳаммом, клуб, болалар боғчаси, мактаб, ўнлаб километр чўзилган равон йўллар, артезиан қудуқлари ва ҳоказолар...

Айниқса дала шийпонларини айтмайсизми. Ўн битта бригаданинг ҳар бирида пишиқ фиштдан, барча қулайликларга эга бўлган шийпон қурилди. Улар ўша кезда деҳқоннинг иккинчи уйига айланган эди.

Ана шу хайрли ишларнинг пировард натижаси «пахта иши» деб номланган қабиқ сиёsat билан якун топди. Истибдоднинг бу янги найранги Бозорбой аканинг қўлларига ҳам киshan солди.

Ўша ҳаловатсиз, бесаранжом кунларни эслар экан, Бозорбой ака шундай дейди:

— Бу худуддан «Деҳқончек» колхозининг раиси Сайдали ака иккимиз пахта иши билан боғлиқ қатағончиларнинг режаси тўлмай қолганлиги учунгина рўйхатга тушган эдик. Лекин бу қўрқув салтанатнинг яна бир ўйини эди, холос. Халқ кўзига шундай кўрсатиш керак эди. Ўшанда Сайдали ака суд залидан чиқиб кетаётib, «Биз қурбонликка кетаётибмиз, қурбонликка, биродарлар!!!» деб ҳайқириб чиқиб кетган эди.

Истиқболда эса тонг отаётган эди. Орадан кўп ўтмай қўрқув салтанати қулади. Ўз динимиз, тилимиз, ўз эркимизга эга бўлган, ўзлигимизни таниган, замон келди. Мехнаткаш халқимиз юзига чапланмоқчи бўлган қора доғ — «Пахта иши» ҳам Шўро тузумининг миси чиқсан ёлғонлари, халқни, илғор фикрни, уйғоқ сўзни исканжада ушлаб туришнинг яна бир манфур кўриниши мангуга итқитиб юборилди.

Бугун Бозорбой ака нафақада. Рафиқаси Фазилатхон опа билан 6 фарзанд — 3 ўғил ва 3 қизнинг камолини кўриб ўтиришибди.

Бозорбой аканинг хонадонидан қайтишда хонадон соҳибалари билан хайрлашмоқча чоғланиб турганимизда ра-

диодан сәхрли қўшиқ тараля бошлади. Бу — Юлдуз эди. «Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон!» дея куйлар эди у. Қўшиқ садолари ҳовлига файз бериб турган, оқшомнинг салқин шабадасида атирини сочаётган райҳонлару намозшомгуллар оралаб, баланд кўтарилиган узум ишкомларидан ўтиб самога учди.

ҚАҲРАМОН ПАХТАКОР

Маматисоқ Тошматовнинг номини султонободлик деҳқонлар ҳурмат билан тилга оладилар. Деҳқончиликнинг сиру асрорларини яхши билган Маматисоқ ёшлигидан отасига эргашиб, унинг оғирини енгил қилишга интилар эди. Оиласининг бутунлиги, тўқлиги ер билан эканлигини ёш чоғиданоқ чуқур англади.

— Маматисоқ ака, камсуқум, камгап, оғир-босиқ ва орятли бригадир эди, — деб ҳикоя қилган эди, унинг шогирдларидан бири — сувчи Абдулло ота. — Унинг куни доим дала да ўтар, ёшу кекса билан, хушмуомалада бўлар эди. Ҳар бир аъзосининг ташвишу, ғамига шерик эди. Унинг ўйхәёли доимо пахта ва бошқа экинлардан қандай қилса юқори ҳосил олиш мумкин эканлигига эди. Унинг ғамхўрлигидан биз ҳам кўп вақт баҳра олиб, дала да қолиб, уйимизни ҳам унутар эдик. У ерни севар ва унга меҳр қўяр, шундан бўлса керак бригада аъзоларининг йиғилишларида «Ким ерни алдаса, ўзи алданади» деган иборани ишлатар эди.

Кекса деҳқон Боймирзаохун ота: «Маматисоқ деҳқончиликда зуваласи пишган бола, у пахта билан тиллаша оларди» — дер эдилар...

Маматисоқ Тошматов 1918 йили Султонобод қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1925 йили янги мактабга кириб, 1932 йили 7 синфни тамомлади ва тракторчилик-шоферлик курсида ўқиди. 1935—1938 йиллар ҳарбий хизматда бўлди. 1938 йилдан колхозда табелчи, ҳисобчи бўлиб ишлади. 1941—1945 йилларда фронтда бўлди, яраланди, тузалиб яна урушга кетди. 1945 йил кузида бир қанча орден ва медаллар билан фронтдан қайтди, яна ўзининг жонажон дласига қайтди. Тополинага яқин бўлган бу жойни «Калта тумшук» деб аташади.

«Ерни боқсанг, ер сени боқади» — дер эди доимо Маматисоқ ака. 10 йилдан ортиқ «Калта тумшук»даги 1-бригадага бошчилик қилди. Ҳосилдорликни 25 центнердан 40 центнерга олиб чиқди. Унинг пахтачиликдаги катта хизматларини инобатга олиб ҳукуматимиз 1955 йили 2 орден ва 1957 йили «Меҳнат Қаҳрамони» унвони ва олтин юлдуз билан

мукофатлади. Бир неча бор вилоят ва туман советларига депутат бўлиб сайланди.

Султонободликлар Маматисоқ Тошматовнинг ҳурматини ўрнига қўйиб, маҳалла ва кўчалардан бирини унинг номи билан атайдилар. Унинг фарзандлари эл хизматида бўлиб, оталарининг руҳини шод қилмоқдалар.



ҲАЁТИ ИБРАТ ЭДИ

Иккинчи жаҳон урушида бурилиш даври бошланган 1943 йил. Дехқончилик ишлари, хусусан қишлоқ хўжалигидаги барча ишлар кексалар, хотин-халажу, болалар чекига тушган. Боз устига колхозчиларнинг бажарган ишларини ҳисоб-китоб қилиб боришга хат-саводи етарли бўлган кишийдар, ҳам бармоқ билан саноқлй.

«Эшон буванинг ўғли Иброҳимжонни уқувли бола дейшади, ўшани табелчиликка қўя қолмайликми?!» — деб қолди бир куни колхоз ҳосилоти бригадаларга бошлиқ ва табелчи танлаётган раис олдига кириб.

— Тўғри айтасан, нечанчиди ўқийди? — деди раис мушкули енгилашаётганидан кайфияти кўтарилиб. «Бешинчida» деган жавобни эшишиб, яна ўзи қўшиб қўйди:— болаларимизни ҳам саводсиз қилиб қўймаса эди бу лаънати уруш. Ҳай майли, урушдан кейин қолганини ўқиб олар, эртадан бошлаб бригадирга табелчи қилиб қўшиб қўйинглар.

Шу-шу бўлди-ю эндигина 12 ёшга тўлган (1931 йилда туғилган) Иброҳимжон Тошхўжаев болалик чоғиданоқ меҳнат фаолиятини бошлашга мажбур бўлди. 1945 йилгача табелчилик қилиб анча пишиб қолган Иброҳимжонни республика ҳисобот кадрлари тайёрлаш мактабининг Андижон бўлимига ўқишига юбориши.

1945—1946 йилларда мазкур курсда ўқиб, маҳсус билим олган Иброҳимжон колхозга қайтиб, 1948 йилгача бош табелчи ва ер ҳисобчиси вазифаларини, сўнгра 1958 йилгача эса бош ҳисобчи вазифасини бажарди.

Ўзининг илмга чанқоқлиги, меҳнаткашлиги, одамларни ўз ортидан эргаштира олиши билан раҳбарлари эътиборига тушган И. Тошхўжаев 1958 йилда «Бирлашган» колхозига раисликка сайланади. Эндигина 27 баҳорни қаршилаган ёш раисга раҳбарларнинг ва халқнинг ишончи, катта масъулият юклаган эди.

У ориятли, қатъиятли бўлганлиги боис бутун вужуди билан ишга киришиб, бор билим ва куч-ғайратини колхоз ини, халқ иши учун сафарбар этди.

«Сендан — ҳаракат, мендан — баракат» деганларидек, дастлабки йилиёқ у астойдил ишлаб, одамларни ҳам шунга ўргатганлиги боис омади келди. Давлатга пахта топшириш йиллик режаси 102 фоизга бажарилди. Пахта ҳосилдорлиги ҳар гектар ҳисобига 20,4 центнер ёки 1957 йилдагига нисбатан яқин 5 центнер ортиқни ташкил этди. Даставки йилдаги ютуқ Иброҳимжонда ўзига бўлган ва колхозчилар ҳамда туман раҳбарларида раисга бўлган ишончни мустаҳкамлади.

Бошланғич маълумот билан 1945—1946 йилларда ҳисобот ходимлари тайёрлаш курсини ва 1950 йилда ўрта мактабнинг еттинчи синфни битирган раис 1962 йилга келиб, кечки мактабнинг ўнинчи синфини битириб ўрта маълумотли бўлди. 1968—1973 йилларда эса Андижон Пахтачилик институтининг агрономия факультетида ўқиб, агроном мутахассислигини эгаллади.

Деҳқончилик шундай бир мўъжиза нарсаки, унинг мўлкүлчилиги Оллоҳнинг иродаси-ю, об-ҳавонинг қош-қовоғига, деҳқоннинг омади-ю, ғайрат-шижоатига боғлиқ. Баъзан баҳор эрта келиб, кам ёғин бўлса, ёз иссиқ, куз илиқ келса деҳқоннинг ошиғи олчи деяверинг. Акси бўлса-чи?!... Эсимда, бундан 6—7 йиллар илгари чамаси баҳор, чигит экиш даврида 46 иш куни ёмғирли бўлган эди. Тўғри, сурункали 46 кун эмас, баъзида сурункасига 3—4 кун, баъзан кунда, кунора, 3—4 соатлаб ёмғир ёғиб, чигит экиш муддатларини анча чўзиб юборган эди.

Иброҳимжон aka яхши инсон, билимдон раҳбар ва тажрибали деҳқон эди. Ўқиш, ўрганиш ва изланиш унинг доимий шиори бўлган. Изланганда ҳам синчковлик билан, Йилдан-йилнинг, ойдан-ойнинг ва кундан-куннинг фарқи нимада эканлигини ҳисоб-китоб қилиш, деҳқончилик ишларини ташкил этишда ана шу кузатишларига алоҳида эътибор қаратишга одатланиб изланган. Буни у киши юритган кундалик дафтарлар ва рақсларига битилган маълумотлар ҳам кўрсатиб турибди.

1961—1974 йилларни ўз ичига олган биринчи дафтарнинг ва рақсларида (1961 йил): «20 март : «Колхозда электрлашти-

риш бошланди», 27 март: «Андижонда область кенгаши бўлди. Ўртоқ Рашидов қатнашди», 29 март: «Колхозда макка экила бошлади» . . . 29 июль: «Чеканка бошланди», 2 август: «Бир кун ёмғир ёғди» деб битилган маълумотлар бундан қирқ йил илгари бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса ва деҳқончилик ишларини яққол кўз олдингизга олиб келади. Айниқса, деҳқончилик учун нокулай бўлган кунлар, қайси кун ҳаво айниб, қачон ёғингарчилик бўлган дамлар, қачон ерга уруғ қадалганлиги-дан тортиб, қачон фўзани суфориш бошланганлиги, биринчи гул қачон кўринганлиги, қачон пахта очилган-у, қачон режа бажарилганлиги ҳақидаги маълумотлар қайд этилган 8 та умумий дафтарни бутун бир тарих дейиш мумкин.

Иброҳимжон ака 27 йил «Бирлашган» жамоа хўжалигига раис бўлиб ишлаган бўлса, кундалик маълумотлар қайд этиладиган дафтарни юритишни ҳам тўхтатмаган. У раислик қилган даврда хўжаликда бор-йўғи уч йил режа бажарилмай қолган, холос. Қолган 24 йил давомида режалар муттасил ортиғи билан бажариб келинган. 1957 йилда хўжаликда 270 гектар ернинг ҳар гектаридан 15, 7 центнердан ҳосил олиниб, давлатга 423 тонна пахта топширилган бўлса, 1984 йилга келиб 140 гектар ернинг ҳар гектаридан 34,9 центнердан ҳосил олинди ва давлатга 489 тонна пахта топширилди. Ҳар бир колхозчининг йиллик иш ҳақи 1957 йилдаги 283 сўмдан 1984 йилга келиб 1586 сўмга кўтарилди.

— Дадамизнинг ҳаёти биз учун ибрат эди, — деб хотирлайди Иброҳимжон аканинг учинчи ўғли Сайдакмал Тошхўжаев. — У киши ундоқ қил, бундоқ тур, уни қилма, буни қил, деб бизни ўз меъёрига соламан деб уринмасди. Бизга ўзининг шахсий ҳаёти, юриш-туриши, иш юритиши ва рўзгор тутиши билан ибрат кўрсатарди. Тез-тез кечки овқатдан кейин ҳаммамиз жам бўлган пайтларда академик Қори-Ниёзийнинг «Ҳаёт мактаби» деган китобини ва шунга ўхшаш адабиётлардан ибратли ҳикоятларни ўқиб берарди. Лекин ундан хulosса чиқаришни, китоб магзини чақиб, яхши-ёмонни ажратиб олишни ўзимизга қўйиб берарди.

Иброҳимжон ака Тошхўжаев 1991 йилнинг 25 декабрда, 61 ёшида ҳаёт билан видолашди. У 5 нафар ўғли, 3 нафар қизи, 40 дан зиёд невара ва чеваралари, уни таниган, билган ва бирга ишлаган ёру биродарлари хотирасида ҳамон яшаб келмоқда.

ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ

Султонобод аҳолиси зич қишлоқлардан биридир. Ҳозирги кунда қишлоқда тўртта мактаб бўлиб, бу жойда 300 дан зиёд ўқитувчи ва тарбиячилар ёшларга билим беради. Бу ўқитувчи-тарбиячилар орасида бошлангич синф ўқитувчиси Муҳаммадали Турсуновнинг педагогик фаолияти алоҳида ажralиб туради. У 1939 йили Султонободда дехқон оиласида туғилди.

Ўрта мактабни тамомлаб, у 1962—1967 йилларда Андижон Давлат педагогика олийгоҳида ўқиди. Бошлангич синфлар бўйича олий даражадаги мутахассисликка эга бўлди. Муҳаммадали ўзининг жўшқин фаолиятини 35-мактабда бошлади.

Унинг ўқитувчилик фаолияти янгиликка интилиш, ўқитишнинг янги усулларини излаб топишдек мураккаб, заҳматли жараён билан тўладир. Олийгоҳда режалаб юрган дилидаги ижодий мақсадларини мактабда амалга ошириб борди.

Ўқув хонасини техника воситалари билан жиҳозлади. Фани ва дарси юзасидан туман, вилоят миқёсида ижодий семинарлар ташкил этиб, ишларни ўз ҳамкаслари диққатига ҳавола этди. 1976 йили вилоят семинарини ўтказиб, бошлангич синфларда техника воситаларидан фойдаланишнинг афзалликларини исботлади.

Домланинг «Сеҳрли квадратлар», «Сирли кубикчалар», «Сирли китобча» каби бир нечта кўргазма куроллари тез орада вилоят миқёсига тарқади.

Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтилиши муносабати билан «НИТО» номли лотин ёзувидаги ўқув кўлланмасини яратди. Бу, лотин алифбосини ўрганишда ўқитувчи ва ўқувчиларга қулайлик яратди. Муҳаммадали Турсунов вилоят малака ошириш олийгоҳида дарс бериши билан биргаликда, ижодий изланиш натижаси ўлароқ



«АЛИФБОгача бўлган даврда болаларни ўқишга ва ёзишга тайёрлаш» китобини услубий қўлланма сифатида боғча тарбиячиларига, ота-оналарга ва ўқитувчиларга тақдим этди. Бу қўлланма тез орада ўз ўқувчиларини топди.

Муҳаммадали Турсуновнинг фаолияти ибратли бўлиб, у доим ота-оналар билан мустаҳкам боғланади. Болалар шахсиятини эъзозлади, ҳар бир ўқувчисининг қалбини ром этиб ўз ўғитларини уларга сингдира олди. Қишлоқдаги ҳар бир ота-она ўз фарзандини Муҳаммадали Турсуновда ўқитсан деб орзу қиласди.

Домла, бола ҳақида шундай дейди:

— «Паст ўзлаштирувчи боланинг ўқитувчи кўзига мўлтираб қараб туриши менга ёрдам беринг дегани эмасмикан». Устознинг бу сўзлари ўқувчининг руҳий ҳолатини тушуниш ва унга меҳрибонлик илиа ёндашишини билдиради.

Домланинг остонаси устоздан услубий дарс олиш учун ташриф буюрувчи ёш ўқитувчилардан бўшамайди. Устознинг камтарлиги, ахлоқ-одобининг маънавий қадриятларимизга мослиги, ўзи ҳақида ҳеч сўз қиласлиги, атрофлича билимдонлиги эл назарига тушган.

Устоз Ўзбекистон ўқитувчиларининг 5–7-қуултойларининг иштирокчисидир.

Ҳукумат бу олижаноб устознинг серқирра, машақкатли ва шарафли меҳнатини муносиб тақбирлади: У 1979 йилда «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси», 1980 йилда «Методист ўқитувчи», 1985 йилда маориф аълочиси, 1992 йилда «Мустақиллик эсдалик нишони». 1993 йилда «Халқ таълими фидойиси» нишони, 1994 йилда «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвонлари билан тақдирланди.

Устоз Муҳаммадали Турсунов ҳозирги кунда ҳам маорифда ёшлик ғайрати билан, янгиликка интилиш ва янгилик яратиш иштиёқи билан фаолият кўрсатмоқда.

Устознинг фарзандлари: Маҳмуджон — муҳандис, Маъруфжон — ҳайдовчи, қизи Дилрабо — ҳисобчи, кенжак ўғли Муҳаммаджон — ўқитувчи мусаввирдир.

АСОВ ДАРЁ ЖИЛОВДОРИ

*Йўлдош мираббоши Кампирободда,
Биринчи сув илмин этганда изход.
Чўллар сувга қонгач, баҳру роҳатда,
Бутун водий аҳли бўлган эди шод.*

Сойнинг устидаги чойхона рўпарасида унинг номи, қилган ишлари битилган ёдгорлик бор. Найнаволик оқсоқоллар зиёрат қилиш учун келган эдилар.

Улар айланаси 4—5 қулоч ва баландлиги 40 метрдан ошадиган баҳайбат толлар остидаги сўрига келиб ўтиришди. «Бу толларни Йўлдош ота 1895 йилда ўтқазган экан, — деб гап бошлиди нуронийлардан бири. — Ҳозир у ҳаёт бўлганида 130 ёшга кирган бўларди. У қишлоғимизнинг фахри эди. Йўлдош ака узоқ йиллар мобайнида Қорадарё билан курашиб келган эди».

Бу сўзларни тинглар эканман, отам Исмон мираббошининг Йўлдош мираббоши ҳақида сўзлаб берган ҳикоялари ёдимга туша бошлиди: Йўлдош мираббошининг шогирди эдим, доим бирга сепоя тайёрлаш ва дарёга ташлашда бирга бўлганман. Бу ерда Қорадарё сувидан сепоя солиши орқали Андижонсой, Шаҳрихонсой ва бошқа каналларга тақсимланган. Хўш, бу қандай иш эди? Олма гулида Қорадарё суви ҳаддан ташқари кўпаяр эди. Секундига 200 куб метр сув келар эди. Қишлоқларни, соҳилларни, экин майдонларини сув тошқинидан сақлаш мақсадида юзлаб одамлар келишарди. Кейин Найновага йўл олишарди. Мираббошилар бу ишларда бош бўлар эдилар.

1887 йили худди мана шу ерга Султонободлик деҳқон Тўхтахўжа 16 ёшли ўғли Йўлдошни олиб келиб, тақдирини сепоячиларга топширди, 5 йилдан сўнг боланинг жасур ва ишчанлигини синаган рус инженери К.Н. Синявский Йўлдошни Санкт-Петербург сув хўжалиги билим юртига ўқишига юборади. У рус тилини ўрганади, ўқишини тўлаттўқис тамомлаб, Кампиробод соҳилига қайтиб келгач, уни мираббоши қилиб тайинлашди. Ҳар йили Қорадарёга 3000 га яқин сепоя солинарди. Бу иш нақадар оғир, хавфли ва машаққатли эди.

Орадан йиллар ўтди. Асов дарё билан олишувда соч-соқоли оқарсада мироббоши жонбозлик кўрсатар эди. Исмон мироббоши Йўлдош ота ҳақида мана шундай ҳикоя қилиб берган эди: «Бу воқеа 1934 йили юз берган. Уста Йўлдош ўшанда олтмиш уч ёшда эди. Май ойининг охири бўлиб, Қорадарёда сув лиммо-лим эди. Ҳайқираётган сув сепояларни оқизиб кета бошлади. Йўлдош ака менга «— Исмон, бақир, югур Найновга, одамларга хабар бер», — деди. Мен катта овоз билан қичқириб, одамларни соҳилга келишга чақирдим. Кўпчилик бўлиб тезлик билан сепоя ясад, сувга ташлайвердик ва мустаҳкам ўрнатдик. Йўлдош ака эса ҳамон олдинда эди. Гоҳ-у, гоҳ бу сепоянинг туришига қулоқ соларди. Сув ниҳоятда кўп, сепояларни узиб кетай деб тебратар эди. Шохлар билан ҳарсангларни олиб келиб боса бошладик, лекин иложи йўқ эди. У турган сепояни бирдан сув оқизиб кетди. Мироббоши сувга кулади, сув уни ўз қаърига тортди. Шу тобда уни қутқариш жуда мушкул эди. Бир ярим кундан сўнг унинг жасадини Қорадарё елиб оқаётган соҳил яқинидан олиб чиқдик.

Мард ва жасур мироббоши (1871–1934) ўз ҳаётини ҳалқ иши йўлида ана шундай фидо қилди. Эндиликда Тўхтахўжаев номи билан аталувчи қадимий Найнаво қишлоғининг ёшу қариси унинг номини ҳар доим эъзозлаб тилга оладилар.

Йўлдош Тўхтахўжаев ҳақида Анорвой Қуронбоевнинг «Сув достони» асарида, Ҳамид Фуломнинг «Қорадарё» романларида ҳикоя қилинган.

Отанинг бир қизи бўлган. У Муқаддамхон ая эди. Ҳалқ маорифи аълочиси бўлган ая узоқ йиллар Султонобод қишлоқ советининг раиси бўлиб ишлаган.

МЕҲНАТГА БАХШИДА УМР

1925 йил — таваллуд санаси.

1941— педагогика билим юртинг дипломи соҳиби.

1941—1943— мактаб ўқитувчи-си.

1943—1944— Тошкент ҳарбий билим юрти курсанти.

1944—1945 — Белоруссия фронти жангчи командири.

1945—1949— мактаб директори.

1949—1952— туман ёшлар қўми-таси котиби.

1952—1969— МТСда котиб, колхоз раиси.

1970—1977— совхоз директори...

Бор йўғи 52 йил умр кўриб, серқирра ҳаётий фаолият эгаси бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун билим, сабот, қатъийлик, қобилият, туфма талант зарур. Қадимги Қўрғонтепа қишлоғининг қўли қадоқ миришкор деҳқони Усмон ака Кенжаев оиласида ана шундай матонатли фарзанд дунёга келган эди. Халқимизда фарзанди нобуд бўлмасин деб Турғунбой, Турсунали, ... дея аташ одати бор. Турғунбой Усмонов ҳали мактабдалик чоғиданоқ ўзининг ҳаракатчанлиги, ўқишга чанқоқлиги ва ташкилотчилиги билан тенгдошларидан ажralиб турарди. Бу хусусият бола вояга етгач, катта ҳаёт жабҳаларида, камолот чўққисини эгаллашда ўз самарасини берди.

Хизмат қилган ҳурмат кўрур. Жангчининг жасурлиги орден, ташаббускор раҳбарнинг меҳнати орден ва ўнлаб медаллар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном» деган юксак унвонга эга бўлди. Улуғ инсонлар эл орасида абадий яшайдилар, яшайдилар хотираларда, обидаларда, дўсту шогирдлар гурунгига, китоблар саҳифасида. Мана Турғунбой Усмонов ҳақида бир неча ёдномалар:

Машҳур ёзувчи А. Раҳматнинг «Жанг суронларида» номли китобида шундай битиклар бор: «Лейтенант, сенга шундай топшириқ бор. Ёнимизда, мана бу қишлоқقا душман



десант туширибди.... Ўз взводингни олиб, уларни қуршаб, қириб ташлашинг керак..... Йўлга тушдик. Тун қоронғисидан фойдаланиб, одамларни ҳар жой-ҳар жойга тақсимлаб, тонг отишини пойладик, элликка яқин гитлерчи қисмимиз штаби томон юра бошлади. Яқинлашиши билан чор атрофдан ўқ узиб кўпини қириб ташладик. Генерал бошлиқ 19 гитлерчини штабга келтириб топширдик. Мени орден, жангчиларни медаллар билан мукофотлашди. 1945 йил 2 май куни ярадор бўлиб қолдим... ».

Қадрдон дўсти, устози Абдурашид Абдураҳмонов: «Дўстимнинг ёрқин сиймоси кўз олдимдан кетмайди. Узоқ йиллар бирга ишладик, сирдош эдик. У ўта талабчан, ҳар қандай ишга масъулият билан қарайдиган раҳбар эди. Бир воқеа эсимда. Республика раҳбари Ш. Рашидов Кампиробод сув омборининг қурилишига келганда биз уни Қ. Авазматов, Т. Усмонов билан бирга кутиб олдик. Шунда дўстим меҳмонларни Хонтоғнинг шарқида жойлашган Фозилмон ота булоғига бошлади... Шу-шу бўлди-ю хароба бўлиб ётган мозор ва доривор булоқ атрофи ободонлаштирилди. Агар Турғунбой дўстимнинг умри қисқа бўлмаганида жуда кўп хайрли ишларни амалга оширган бўлар эди. Минг афсуски, у 1977 йил октябрь ойининг I-кунида идорада, иш устида жон таслим этди. Мен ўшанда ҳам бирга эдим...»

«Бизнинг «Султонобод» хўжалигимизда раислик қилган йиллари ободонлаштиришга жиддий эътибор берди. Кўкбулоқни дам олиш масканига айлантирган ҳам Турғунбой aka эди», дея эслайди Убайдулло Мамашоипов.

Ҳозирда фарзандлари Эркинжон, Анваржон, Санъатхон, Соҳибаҳон, Сайдумар, Саидахон, Саодатхон, Иқболжонлар падари бузрукворларининг пок руҳларини ёд айлаб ҳаёт кечирмоқдалар.

МАЪРИФАТГА БАХШИДА ҲАЁТ

Ўзбекистондан чиқкан биринчи дипломат Иноғомжон Хидиралиевнинг қизи, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» Махфиратхон Хидиралиева саксон ёшни ортда қолдириб, фарзандлари ардоғида яшайди. Онанинг маърифатга бахшида умри биз ва буғунги авлодга ибратлидир.

— Онахон, суҳбатни таржимаи ҳолингиз, энг муҳими касб фоалиятингизнинг илк йиллари ҳақида юритсак.

— Мен Кўргонтепа туманидаги колхозда, зиёли оиласда, 1920 йилда туғилдим. Онам Рўзихон Хидиралиева 96 йил умр кўрган бўлсалар, ўттиз олти ёшидан бевалик билан бизни муаллимлик касби орқали эл қатори улғайтирди. Оиласиздаги адабиёт ва маънавиятга оид суҳбатлар, турли савиядаги одамларнинг хонадонимизда бўлиши, хуллас, оиласадаги муҳит мени бефарқ қолдирмади. Отамдан менга юққани, дангал гапириш, сўзининг устидан чиқа билишлик ўтган бўлса, онамнинг ахлоқ-одобга оид панд-насиҳатлари ҳаётда ўз йўлимни топишга катта туртки бўлди.

Бошлангич таълимни ҳозирги 11-(2-ТЎМ) мактабда, 1936 йили Андижондаги хотин-қизлар педагогика билим юртида олиб, сўнгра Фарғона педагогика институтида ўқидим. 1938 йили институт Тошкентга, Низомий номли педагогика институтига кўчирилди. У ерда ўша даврнинг чуқур билимдонлари, шоирлар Султон Жўра ва Мақсуд Шайхзодаларнинг сўз санъати қизиқишимни яна ҳам оширди. 1940 йили институтни тугаллаб, ўз районимга келдим...

— Кечирасиз, юқорида қатағонлик йиллари бошланиб, дедингиз... Шу ҳақда ҳам...

— Э, ҳа, ... Бу ҳақда эсласам танамга муз киради. Алам ва ўқинчлар армони бўғзимдан олади. Оиласиз, отам Иноғомжон Хидиралиевнинг «халқ душмани» тамғаси остида қораланишидан сўнг оғир кунларни бошимиздан ўтказдик.



Шукр, ҳақиқат букилади, аммо синмаслигини кўриш менга насиб этди.

1969 йил, 15 июнда Ўзбекистон ҳукумати отамнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, унинг номини абадийлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Мустақиллик бизнинг оиласизга қувонч олиб кирди. Бугунда ҳаётим ва меҳнатимдан розиман. 1941 йилдан пенсия ёши (1974) гача ва ундан кейин ҳам анча вақт қадрдан мактабда ишладим. Мен ва касбдошларим ишлаган ўша даврлар (1940—1950) саводсизлик (аниқроғи кирилл ёзувига ўтиш)ни тугатишда вақт ва иш соати чегарасиз эди, маҳалла аҳолисини тўплаб, гуруҳ-гуруҳ қилиб ўқитардик. Кундузи яна одатдаги мактаб ишига улануб кетарди.

Раҳбарият ва ўқитувчиларнинг меҳнати ўз мевасини кўрсатди. Аниқроғи ўз касбининг фидойилари Мамасоли Аминов, Донахон Султонова, Аношина Людмила, Аҳаджон Қамбаров, Олимжон Муслимов, Рамазонхон Ҳайдарова ва Ҳамиджон Мусаевларнинг меҳнати ҳисобига 2-ўрта мактаб 1964—1970 йилларда республикага танилиб, таянч мактаби номи билан фаолият кўрсатди. Мана шу ютуқлар ва касбдошларимдаги меҳнатга бўлган муносабатлари менинг ҳам ишимдаги ютуқларимга омил бўлди. Шуни мен район ХТБ да 3 йил ўзбек тили адабиёти ўқитувчиларига методистлик қилган йилларимда чуқур ҳис этдим. Қолаверса, районда маънавият ва тарғибот ишлари соҳасида жамоатчи вакил бўлишимга амалий ёрдам берди. Мана бугун мустақилликнинг менга насиб этган кунларига шукроналар айтиб, меҳнатларим роҳатида яшаяпман.

Бугунда собиқ ўқувчиларимдан 12 фан номзоди, 3 фан доктори ва районимизнинг илғор меҳнат вакиллари — агрономлар, врачлар, олимлар, ўқитувчилар, хуллас, ўз касбларининг усталари етишиб чиққанидан баҳтиёрман...

Ҳа, маърифат фидойиси Махфиратхон она Хидирилиева бугун истиқлол ва фарзандлари ардоғида. Ва бу хонадондан яна бир меҳр ва оқибатлик неъматни оила бошлиғи Сотволди ака Сайдумаров фарзандлари Неъматжон, Соҳибахон, Зулхумор ва Илҳомжонларни ота-оналарининг дил сұхбатларига шерик бўлганда кўрдик. Она таассуротларидан таъсирланиб, маориф ва маърифатда туманимиз номини

республикага ёйган заҳматкаш зиёли устозларимизга қуйидаги ҳурмат ва эҳтиром сатрларини бағишлагимиз келди:

*Илм ганжларидан кошона ясаб,
Камолот қалитин тутган мурғакка.
Сабрингизга имон келтирдим шу тоб
Демакки, күчгансиз, ҳар пок юракка.
Ҳар юрту, заминда Устоз, Муаллим,
Ҳурмату, әзозда бўлгани тайин.
Устознинг сабогин уққанки мўмин,
Падардан кейинги қарзликка мойил.*

ОТ УСТИДА ЎТГАН УМР



Ҳаёт деб аталган бу ёруғ оламга инсон келиши билан унинг тақдир кемаси яшаш маконларининг минг бир манзилларига етаклайди. Бу манзиллар, албатта, инсон авлодининг қобилияти ва қизиқишлари асосида макон топади.

Исмонали Холмирзаев ҳам ибратли умр кўрган ва касбидан мактаб яратган инсонлардан эди.

У 1896 йили Дехқонобод қинлогида чорвадор оиласида туғилган. Исмоналининг болалиги сурв-сурув кўй, йилқилар орасида ўтди.

Оқ подшонинг мардикор олиши, ўша даврдаги сиёсий буҳронлик йиллари — давр муҳити унинг саводсиз қолишига сабаб бўлди. Лекин ёш йигитдаги чорва сирларига қизиқиши, яйлов табиатидан завқ олиш, касбга бўлган қизиқшини янада орттириди. У энди, қўйларнинг зотдор насллари устида бош қотириди. 1922—1939 йилларда «Дехқонобод» артелида чорвачиликдаги фаолияти изланиш ишига мактаб бўлди. Эсини таниганидан умрининг охиригача (1963) чорвачилик билан шуғулланган Исмонали ота қўйларнинг Тожикистон қўйлари билан чатиштирилган «Ҳисори» зотларини яратишга ҳисса қўшди.

Бу ютуқларнинг бошида, аввало, Исмонали бўлса-да, унинг ана шу изланишлари ва қизиқишларига амалий ёрдамни уста пахтакор, колхоз раиси Боқижон Ҳамроқулов берди. Исмоналининг изланиш ва меҳнатлари замонавий меҳнат шароитида эмас, уйи-тоғ, томи-осмон, қорлар ёпингичу, майсалар кўрпа бўлди. У ўзининг тинимсиз меҳнати ва изланиши билан (Уз. СЭ. 12 жилд, 301-бет) тарихда қолди. Самарали меҳнати ҳукумат томонидан муносиб тақдирланди. У «Меҳнат Қаҳрамони», орден ва медаллари соҳибидир.

У ҳаётдан эрта кетди. Ва қайсиидир маънода армонли кетди. Отанинг армони ўзи илмсиз ўтгани учун, фарзанд-

ларини илмли қилиш, камолини кўриш эди. Буни эса бу-
гунда отанинг 4 ўғил ва 5 қизи амалга оширдилар.

Чўпонлар тилида «Тўққизинг учга етадими?» — деган,
гап бор. Буни ҳамма ҳам тўла англаб етавермайди. Фақат шу
касбнинг фидойиларигина англаб, шунга амал қилганлар.
Савол маъноси: тўққиз ой — баҳор, ёз, куз фасллари даво-
мида тўплаган ем-ҳашагинг уч ойга етадими, деган муроҳа-
за ётади. Исмонали ота бу ҳикматли сўзни яхши билиб,
чорвачиликда ўзига хос мактаб яратди.

Исмонали ота яратган «Ҳисори Савой» зоти республи-
камиз қўйчилиги соҳасида катта ютуқ бўлди. Колхоз ва район
номи республикага ёйилди. Бугунда Исмонали Холмирзаев-
нинг фарзандлари Мамаш ота ва Каримжон оталар чорва-
чиликни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

ЎЗ КАСБИННИГ ФИДОЙИСИ



Ҳар бир касбнинг ўз устаси бўлгани каби, ҳар соҳа учун ҳам ўзининг одамлари керак. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсонда одамлар қалбига йўл топа олиш, уларни ортидан етаклаш қобилияти бор эди.

Умрзоқ аканинг ҳаёт йўли, меҳнат ва оилани бошқариш мактаби бугунти ёш силаларга ибратдир. У 1933 йили Кўрғон-

тепанинг «Файрат» колхозида деҳқон оиласида туғилди. Умрзоқ болалигидан отаси Холмирза Нишонов ёнига кирди.

Умрзоқ 1954 йили Андижон тракторчилик курсига ўқишга борди ва шу соҳада етук мутахассис бўлиб етишди. 1958 йили пахтачиликни механизациялаштириш шиорига жавобан вилоятда биринчи механизациялашган бригада ташкил этиб, техника қўллаб юқори ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботлади. Ана шу ютуқлари туфайли орден билан мукофотланди.

Шундан сўнг 32 ёшли тажрибали бригадир вилоятда пахта усталарининг назарига тушди. Унинг тажрибаси ва дала ишларини вилоятлардан келиб ўрганиб кета бошладилар. Дала Умрзоқ аканинг умр мазмунига айланди. Тезкор янгиликка интилиши, дала шийпонини катта оила даргоҳи —маънавият ўчоfigа айлантириши ўша давр муҳитидаги катта янгилик эди.

Пахтанинг ҳақиқий устасига айлангаётган Умрзоқ aka энди ҳукумат идораларига зарур таклиф, синалган тажрибалар билан дадил кира олар эди. Шундай ҳам бўлди. «Механизацияга кенг йўл», «Колхозчи ва теримчиларнинг моддий шароитларини яхшилаш ва рағбатлантириш» шиорлари авж олган йиллари вилоят қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгашида юқоридаги шиорларга жавобан «Колхозчиларни бепул иссиқ овқат билан таъминлаш ва пахта ком-

паниясидан сўнг саломатлигини тиклаш, ҳамда рағбатлантирувчи саёҳатлар уюштириши ташкил этиш» ташаббусини кўтариб чиқди. Бу таклиф кенгаш қатнашчилари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Халқ дарди билан яшаш унинг обрўсига обрў қўшди, районда энг юқори — 46, 6 центнердан ҳосил олишга эришиди. Ана шу ютуқлар эвазига у 1972—1973 йили орденлар билан тақдирланишига сазовор бўлди. Умрзоқ ака бу ютуқлардан эсанкирамади, аксинча одамлар юрагига чуқурроқ киришга, ёш колхозчиларга меҳрибон устоз бўлишга ҳарарат қилди.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда туманда етакчилик қилганлиги ва пахтачиликда янги технологияни жорий қилганлиги учун 1978 йили орден билан мукофотланди. Республикаиз раҳбари Шароф Рашидов ва вилоят раҳбарларининг Умрзоқ ака даласида бўлиши, бўлганда ҳам шунчаки эмас, оддий деҳқон фарзандининг мана шундай ютуқларга эришишдаги тажрибаларини таҳлил этишиди ва унинг пахтачиликдаги ютуқларига юқори баҳо беришди. Вилоятда биринчи бўлиб унга «Волга» автомашинасининг калитини тутқазишганди.

Ҳа, Умрзоқ ака Холмирзаев сиз билан биз ўргансак арзигулик меҳнат дорилфунунини яратди.



ЕТИМЛИК НИМАДИР, БИЗЛАРДАН СҮРА...

«Аёллар бор, уриниб қанча,
Ея олмас муштдек хамирни.
Бу ая-чи, хамирдек бураб,
Улаб берар ҳатто темирни.
Шундан уни «Үт юрак» деймиз,
Элга наф бор шу үт тафтидан.
Зарур булса халқи учун у
Гул ундирап иссиқ кафтидан.»

(«Юқори ҳосил»,
1975-йил 22-сон)

Қўлимизда бир даста туман,
вилоят, республикада 39–40 йиллар давомида босилиб чиқ-
қан газета-журналлар, бир неча альбом ва китоблар. Булар
тариҳ зарвараклари.

«... Кимсанхон 1927-йилнинг февралида туғилди. Аммо
она дийдорига тўйиш насиб бўлмади... Ҳуринисо опа олам-
дан барвакт ўтди. Отаси Ҳопшимжон aka ҳам узоқ яшамади...
Ўқиган, ишлаётган қизларни кўриб ҳавасим келди... Ўз тақ-
диirimни ўйлаб ФЗОга киришга қарор қилдим... барча би-
тирувчиларни Уралга олиб кетишиди... Икки йил слесарлик
қилдим... Фронтга қурол аслаҳа керак эди... Эртани-эрта,
кечани-кеча демай ишлашга тўғри келди».

Қўрғонтепанинг бугунги кунига назар ташласак юз-
лаб, минглаб фидойиларнинг қадоқ қўллари-ю залворли
қадамларининг изларини кўрамиз. Ана шундай фидойи ин-
сонлардан бири эди Кимсанхон опа Ҳошимова. Унинг бо-
сиб ўтган умр йўли ёшлар учун ибратлидир. Юқорида
ўқиганимиздек, ота-онадан ёшлигига ётим қолган қиз-
ча сарсон-саргардонлик бўронига дучор бўлди. Нон дея,
жон дея қайси эшикларга бош урмади бечора. 15-ёшида
ФЗО ётоқхонасида қотди кўз ёшлари. Ҳаётга тик қаради,
ундан таълим олди. Нижний — Тагил заводларининг даст-
гоҳларида чиникиди ўзбек қизининг билаклари... Донбасс
шахталарининг темир устунлари пайвандланди ўша билак-
лардан...

1946-йил. Ва ниҳоят, Кўргонтепа! Пахта тозалаш заводи унинг доимий ишхонаси, меҳрибон жамоа. Кимсанхон опа газетада берилган бир мақоласида шундай дейди: «Мен 40 йилдан бўён шу ерда ишлайман. Бир неча касбни биламан. Улардан пайвандчиликка ихлосим катта... Ёшларга мураббийлик қилиб ҳар йили бир-икки кишига пайвандчиликни ўргатаяпман. Шогирдларимдан В. Аҳмедов, М. Муҳаммадиновлар мен билан бирга ишлаётир. Кўп йиллик самарали меҳнатим орденлар, бир неча медаль билан тақдирланганидан хурсандман».

К. Ҳошимова заводнигина эмас, туманимизнинг, вилоят ва мамлакатимизнинг фахри даражасига кўтарилиган аёлдир. Съездларга делегат, туман ва вилоят кенгашлари депутати қилиб сайланган. Меҳнати ва фақат ҳалол меҳнати орқалигина эришди ана шундай мартабага, таҳсинларга. Шу ўринда бугунги ёшларга айтувимиз бор: пахта заводи олд саҳнасидаги муҳташам қўшиқ, фаввора ва аркларни кўрганингизда бир зум сукут сақланг, чунки бунда пайвандчи Кимсанхон опа нафақат темир арматураларни Довуд пиримдек бир-бирига боғлаган, балки, кўз нурини, қалб қўрини, сиз билан бизга бўлган меҳр-муҳаббатини ҳам қўша пайвандлагандир. Уни эсланг, ёд этинг ва шу билан мўътабар она руҳини шод этинг.

У аёл эди, ибоси, ҳаёси, шаъни, ғурури мустаҳкам аёл эди.

«Дунёда ким гўзал» деб берилган саволга донишмандлар «Бола кўтарган аёл» деб жавоб берган эканлар. Кимсанхон опа 4 фарзандини ўз қаноти остида улғайтирди. Кимёхон шаҳар ҳокимиятида, Кўпайсихон болалар боғчасида, Насибаҳон соғлиқни сақлаш муассасасида оналаридек эл хизматида. Ўғли Иброҳимжон эса она касбини давом эттироқда.



ИСТЕЬФОДАГИ ПОДПОЛКОВНИК

Районимиз халқ ҳўжалигини ривожлантиришда жуда катта ташкилотчилик намуналарини кўрсатган Садриддин Хўжаев-нинг жанговар ҳаёт йўли кўплар учун ибрат бўла олади.

Ўш вилояти газетасининг 1963 йил 30 июль сонида Р. Эшонхоновнинг «Улар ҳақ иши учун курбон бўлганлар» деган эсадалик

мақоласи босилган бўлиб, унда эскилиқ қолдиқларига қарши курашда 1919 йили ҳалок бўлган комсомоллар орасида Садриддин Хўжаев номи ҳам зикр этилган.

Қийинчиликларни енгиб ўрганган Садриддин ўшандада ўлмаган эди. У катта ҳаёт йўлини босиб ўтиб, 87 ёшида вафот этган. Қатор жанговар орден ва медаллар соҳиби бўлган Садриддин ота Хўжаев милиция соҳасидаги хизматлари бўйича истеъфодаги милиция подполковниги даражасига етган эди.

1900 йилда Ўш шаҳрида туғилиб, 1914—1917 йиллар давомида рус-тузем мактабида таҳсил кўрган Садриддин тенгдошлари қатори 1917 йил ноябрь ойида Ўшда ташкил топган қизил гвардия сафига кўнгиллилар сифатида кирали. Садриддин Хўжаев 1922—1923 йиллар давомида Ўш уезд шаҳар комсомол ташкилотининг пропаганда-агитация бўлими мудири сифатида ёшлар ўртасида катта сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борган. Болалар боқимсизлигига қарши курашда фаол иштирок этган.

У 1924 йили Ўш уездининг энг оғир районларидан бири Ўзган районига милиция бўлими бошлиғи этиб тайинланди. 1927 йили Ўш шаҳар Совети ташкил этилиши муносабати билан Садриддин унинг биринчи раислигига сайланди. Ўша йиллари унинг ташабbusи билан ҳозирги Ўш мусиқали драма ва комедия театри биноси қурилган. Садриддин Хўжаев яна 1928 йилда Ўзган район милиция

бўлимига бошлиқ бўлиб боради ва у ерда 1932 йилнинг охиригача ишлайди.

1933 йилнинг бошида ҳозирги Кўрғонтепа районига милиция бўлими бошлиғи бўлиб келади. Уша йили районда сув тошқинига қарши кураш комиссиясининг раиси сифатида сувни жиловлашда Йўлдош мираббоши Тўхтахўжаев бошлиқ сепоячилар билан бирга катта ташкилотчилик ишларида қатнашади.

1936 йилги сув тошқинининг (ўша йили Қорадарёда 1060 кубометр сув оққан эди) олдини олишда район милицияси ва тошқинга қарши кураш комиссияси бошлиғи сифатида катта ишларни амалга оширган. Садриддин Хўжаев МТС директори, район пахтачилик бўлими мудири райижроком раисининг ўринбосари, Хонобод агроучасткаси мудири, колхоз раиси вазифаларида ишлаб, сўнг пенсияга чиққан эди.

Садриддин ота Хўжаевнинг порлоқ хотираси Тўйчивой Тельман ва Манзурахон исмли фарзандлари ва халқимиз қалбida доимо сақланади.



МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ

Турсунали ҳожи Хўжамбердиев Кўргонтепа тумани маърифати, маънавияти ва маданияти фидойиларидан бири ҳисобланади. 1926 йилнинг 5 майида Қорасув шаҳрида туғилган Т. Хўжамбердиев ўқишини изланишга, изланишни амалиётга боғловчи йигит бўлиб ўсади. Иш фаолиятини 14 ёшида босмахонада ҳарф терувчиликдан бошлади, сўнгра газета таҳририятида ишлади.

Ўқитувчилик, мактабда мудирлик қилди.

1947—1952 йилларда район ижроия қўмитаси масъул котиби, газета муҳаррири, райкомда бўлим мудири вазифаларини бажарган Т. Хўжамбердиев 1953—1956 йилларда Фарғона педагогика институтида таҳсил кўрди. 1956—1962 йилларда Қорасувдаги 1-ўрта мактаб директори, район халқ маорифи бўлими методика кабинети мудири ва бош инспектори бўлди. 1965—1970 йилларда эса илмий иш билан банд бўлганлиги сабабли Қорасувдаги 1-ўрта мактабда оддий ўқитувчилик қилди.

1970—1985 йилларда Қорасувдаги 2-ўрта мактаб директори вазифасида ишлаб туриб пенсияга чиққач, 1992 йилда «Қорасув тонги» шаҳар газетасини ва «Қорасув оқшоми» радиоэшиттиришларни ташкил этиб. 1996 йилгача муҳаррирлик қилди. Ҳозирги кунда газета муҳаррирининг ўринbosari bўlib iшлаб келмоқда.

Тилшуносликда муҳим аҳамиятга эга бўлган «Ўзбек тили чорвачилик лексикаси» мавзусида диссертация ёқлаган, филология фанлари номзоди Т. Хўжамбердиев 3 та китоб, I та рисола ва 200 га яқин илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир. Бугунги кунда Қорасув шаҳар тарихий музейи ва «Қорасув» ширкат хўжалиги тарихини яратиш юзасидан илмий иш олиб бормоқда.

Т. Хўжамбердиев «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси», «Халқ таълими фидойиси» медаллари, Ўзбекистон Республика

ликаси Олий кенгаши Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланған. Набираларидан 20 нафари олий маълумотли ўқитувчилардир. Турмуш ўртоги Турдихон Қобулова билан 10 нафар ўғил-қизни тарбиялаб элга қўшди. Уларнинг умумий педагогик стажи 300 йилдан ошди.

Маърифат бобида толмас, хассос инсонларнинг бири бўлган Турсунали ҳожи Хўжамбердиев ўзининг 76 йиллик умрининг асосий қисмини маънавият ва маърифат ишларига сарфлаб келаётир.

1992 йилнинг 21 март куни туманимизда яна битта янги «Қорасув тонги» газетаси ва «Қорасув оқшоми» радиоэшиттиришлари ташкил этилиши ҳам Турсунали ака фаолияти билан боғлиқ. Домланинг номи айтилиши билан кўпчилик кўз ўнгига унинг бебаҳо, энг нодир ва сара китоблар жамланган шахсий кутубхонаси намоён бўлиши аниқ. У ўз камолини, маърифат бобидаги ютуқларини китобсиз тасаввур қила олмайди. Бутуниттироқ китобсеварлар жамияти президиумининг аъзоси бўлган ва шу масала бўйича ёрлиқ ҳамда нишон билан тақдирланганлиги ҳам бежиз эмас.

Турсунали ҳожи Хўжамбердиев 80 ёшни қоралаб бораётир. Лекин унинг фикрларида аниқлик ҳамон ҳукмрон. У бундан 50—60 йил аввал бўлиб ўтган воқеаларни кечаги-дек аниқ хотирлайди ва сизни ҳам ортда қолган тарихий воқеалар билан таништиради. Унинг ёшларга таълим-тарбия бериш, мактабларнинг ўқув моддий базасини мустаҳкамлаши республика миқёсида эътироф этилган.

ЭЛ СЕВГАН РАИС



Қўрғонтепада шундай бир мўътабар инсон борки, уни ҳамма билади ва ҳурмат қиласди.

Халқ уни ардоқлаб «Раис» деб чақиради. Акбарали Ҳайдаров 1955—1977 йиллар, яъни 22 йил давомида «Деҳқонобод», «Қўрғонтепа» ва «Маъмуробод» колхозларида раислик қилган эди. Бу даврда Шаҳрихонсойдан бошланадиган «Юқори Маъмуробод» ёхуд «Каттавой» ариғи олишларида этик ечмай сув кечган раисдир у. Шудгор қилаётган трактор бузилиб қолганда Мамаш инженер (Маҳаммаджон Мамадалиев) тузатгунча қорга тўшалган фўзапоя устида тик туриб тонг оттирган раисдир у. 26 центнердан ортиқ ҳосил олинмаётган ерларда «Қаловини топсанг қор ёнади» деганларидай, ишнинг кўзини билиб пахта ҳосилдорлигини 37 центнергача кўтарган раисдир у.

— Ерга ёруғ тушмай от билан дала айланар, сўнг от чарчаса ўзи пиёда экин оралаб кетарди, — дейди собиқ бригадир Абдураҳмон Юнусов.

— Мен Акбарали билан узоқ ишладим, — эслайди Анорбой aka Ашурев, — бирорвага қаттиқ гапирмас эди-ю, аммо мавсумларда, айниқса шудгорлаш, фўзага сув қўйиш ва пахта теришда ҳаммани оёққа турғизарди.

А. Ҳайдаров маданиятли, камтар, бошқаларга ҳам, ўзига ҳам талабчан, ўз билимини оширишга қизиққанлигидан ишдан ажralмаган ҳолда Андижон пахтачилик институтида ўқиб, агрономлик мутахассислигини эгаллади. У устозлари ўғитларини унумаган ҳолда янгиликка интилувчан, «техникага ўч», тадбиркор раҳбар эди. Халқнинг кўнглига йўл топа оловчи ва ўз кетидан эргаштира оловчи эди. Шунинг учун ҳам у ишлаган йиллари хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувват эди, меҳнаткашлар тўқ-фаровонликка эришган эди. Мактаблар, боғчалар, ўнлаб дала шийлонлари, чорва бинолари, маъмурият учун идора ва клублар қурилди. Деярли



барча қишлоқ күчаларига асфальт ётқизилди, хұжалик тұла газлаштирилди, электр билан таъминланды. Булар, албатта. бутун халқнинг фидокорона мәхнати ва раҳбарнинг ишбілармөнлиги ҳосиласидир.

У 1977 йилдан сүнг туман қишлоқ хұжалик ишлаб чиқариш бошқармасыда 8 йил бошлиқ ва 4 йил бошлиқ муювини вазифаларида ишлаганда ҳам бутун туман бүйіча қишлоқ хұжалигини ривожлантиришга бор тажрибасини, билимини, куч-кувватини сарфлади. Жамоатчилик йўли билан ўн йиллаб Қўргонтепа агроиктисодиёт колледжиде Давлат имтиҳон комиссиясининг раиси бўлиб, ёшларга қимматли маслаҳатларини берди.

Шу ўринда хитойларнинг ҳикмати эсга түшади: «Катта дарахт ўзгаларга соя берар, ўзи эса офтобда турар ва у ўзи учун эмас, бошқаларнинг ҳузур-ҳаловати учун мева берар». Шу билан бирга бобомиз Бобур: «...Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз...» деб Акбарали акага қаратадай туюлади. Ҳақиқатан, узоқ йиллар А. Ҳайдаровнинг мәхнат мевасини еган туманимиз халқи миннатдорчилек туйғуси билан яшамоқда, 1991 йилда нафақага чиққандан бери ҳам тўйларнинг тўрини, ширин сўзу таъзимини ундан аямайди. Мәхнатнинг таги роҳат, деб шуни айтсалар керак.

Қўксини орденлар ва бир неча медаллар безаб турган баҳтиёр инсон А. Ҳайдаровнинг суҳбатини олмоқчи бўлдик:
— Энг кувончли кунингиз?

— Кувончли кунларим кўпу, шундан бири Шароф Рашидов қўлидан мукофот олганим ва унинг колхозимизга келиб, янги қурилган биноларимизни кўргани бўлди.

— Қийин кунлар ҳам бўлганми ҳаётингизда?

— Ҳаёт ўзи курашдан иборат, осон турмушнинг ўзи йўқ. Ҳамиша қийинчиликларга дуч келасиз, уни енгиб яшашга тўғри келади...

А. Ҳайдаров элим деб, юртим деб ёниб яшаган фидойи раҳбар бўлишидан ташқари, меҳрибон ота, аҳил оила бошлиғи ҳамдир. У бугунги кунда 6 ўғил, бир қиз, 21 невара, 2 чеварага эга. Фарзандлари ўзи сингари ишбилармон, ўқимишли инсонлар бўлиб етишдилар. Мақсадалию Юнусали, Баҳромалию Акромали, Мақсадхону Икромали ва Акмалжонларнинг барчаси жамиятдан муносаб ўринларини топганлар. Ўртанча ўғил Акромали ота изидан бориб, отаси ишлаган жамоа хўжалигини бошқармоқда.

Пирибадавлат бу оиласа рўшнолик, фариштадек мулойим уй бекаси Маҳбуба опага ва Акбарали отага сиҳат-саломатлик, узоқ умр кўришлик насиб этсин, деб қоламиз.

ЕРНИ ТИНГЛАГАН ДЕХҚОН

30-йилларнинг хазонрез шамоли водий аҳолисини чўлдан даштга, даштдан чўлга елдирар, югуртиради. Олтинкўлнинг Жонибек қишлоғида истиқомат қилаётган Ҳайдарали ота Мамадалиев оиласи Убинисо, икки ўғил, бир қизини етаклаб «Савой» совхозига кўчиб келди. Бу пайтда 1920 йилда туғилган ўғли Рўзибой суюги қотмаган, 14 ёшли йигитча эди. Ҳалол меҳнат эвазига кун кечиришга одатланган оила аъзолари астойдил ишга берилди. Савой ариғини кенгайтириш, дала бўйлаб ариқлар қазиб экинзорларга сув келтириш, рус, украин, немис ва бошқа миллат вакиллари билан ёнма-ён туриб йўл чиқариш, турар жой бинолари қуриш каби барча ишларда фаол қатнашдилар. Қўли қадоқ деҳқон Ҳайдарали ота ўғиллари Хўжамберди ва Рўзибойлар билан кўп вақтини далада, пахта ва маккажўхорига сув қўйиш билан ўтказади. Усти бут, қорни тўқ, меҳнатнинг роҳатини кўриш даври бошланди. Қани энди шундай кунлар давом этаверса... Йўқ. Номинг ўчгур уруш бошланди! Энди хазонрезлик шамоли кўплар қатори Рўзибой ва унинг акасини ғарбга, жон олиб-жон берадигон ажал сахросига улоқтирди.

Р. Ҳайдаров елкасида миномёт билан Сталинград жангларида, Орёл, Белгород йўналиши жанггоҳларида, Киев бўсағаларида қор кечди, ўрмон кезди, ботқокларга ботди, окопларда ётди, кўзларида қон қотди. Қанчадан-қанча ҳамюртлари, сафдошларини йўқотди. Ўзи ҳам ҳар кеч, ҳар тонг ажал билан олишди. Унинг ўқидан кўплаб ёвнинг ўзию, қуроляроғи яксон бўлди. Жанг. Жангки, беомон! Киев шаҳрини озод қилиш учун ҳужумнинг ҳал қилувчи палласида Рўзибой оғир шикастланди. Госпиталда ўзига келди. 1944 йилнинг март ойи эди. Узоқ муддат даволангандан сўнг яна сафга қайтиш имкони йўқлигидан ногирон ҳолда уйга қайтди.



Минг-минг ўзбек йигитлари қатори Рўзибойнинг кўксини орден, ўнлаб медаллар безади. Лекин навқирон йигитликка, қирчиллаган бел қувватига, саломатликка птур етди. 2-гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Шундай бўлса-да ёшлигидан меҳнатда чиниқкан Р. Ҳайдаров «Савой»нинг 4-бўлимидагина ўзининг ота мерос касби — деҳқончиликни давом эттириди. Эрта баҳор сеялка устида чанг ютди, кечалари тошфонар кўтариб фўза суғорди, хирмонда ёки сушилка (хўл пахтани қуритадиган хона)да пахта ёйди, тунлар ўчоқ олдидаги оиласи билан тонг отгунча кўсак чувили... Шу зайлда ойлар, йиллар ўтди. Гоҳ бригадирлик вазифасида, гоҳ мироблиқда деҳқонларга бошлиқ, сувга эвошлиқ қилди, баъзан табиат инжиқликлари билан олишиб терга ботди. Миришкор деҳқон ўз тажрибаларини, ердан мўл ҳосил олиш сирларини ёшларга ўргатишдан толмади. У бўлим ишчилари ўртасида, хўжалик, ҳатто, туман пахтакорларининг йиғилишларида оқилона қилган маърузалари кўпчиликнинг ёдиди. «Ернинг жони, тили бор, чанқаганда лаблари оқариб ёрилади, оч қолганда бўзариб юзини гувалакдай-гувалакдай яра (кесак) босади. Сув қўйсангиз кечаси оқизинг, ер ҳансирамайди, экин мириқиб ичади», — дейди уста деҳқон Рўзибой Ҳайдаров.

Иш деб, топшириқни бажариш деб, қолаверса, болачам деб, оиласи, деб умр ўтганини билмай қолар экан инсон. Лекин Рўзибой ота ўтган умридан афсусланмайди. Рўзибой ота 14 ёшида отасига эргашиб меҳнат қучогига отилган бўлса, бугун нафақада бўлишига қарамай, маҳаллада фаоллик кўрсатади, ҳамиша одамлар орасида, катталарга ҳамсуҳбат, кичикларга ширин сўз, мураббий. У Ҳанифа опа билан кечирган 54 йиллик тотув турмуши мобайнида 16 нафар фарзанд кўрди. Ҳозирги кунда тўрт ўғил — тўрт келин, уч қиз — уч күёв, 31 невара, 5 чеварага эга.

— Мен бахти эканман, — деб қувончини яширмайди Рўзибой ота, — отам орзу қилган ҳаж сафари менга насиб этди, ўзим орзу қилган озод ватанда, оила, фарзандларим билан меҳрибон ҳамюртларим даврасида тинчгина кексалик гаштини суриб яшамоқдаман.

Рўзибой отага саломатлик, узоқ умр тилаб, ҳикоямизга нуқта қўяшимиз, ҳаёт давом этади, бизнинг ҳам яна дегулигимиз бордир...

САХОВАТПЕШАЛАР СУЛОЛАСИ

Кексаларнинг гувоҳлик беришича, Мулла Тўрақул ўтган асрнинг ўрталарида яшаб дехқончилик билан шуғулланган, унинг катта ўғли Мулла Ҳамдам ҳожи ўзига ишонган, зуваласи пишиқ, сахий, анча зукко бўлган. Унинг кенжা ўғли Тўрахон Ҳамдамов 1929 йили тузилган жамоа хўжалигига аъзо бўлиб, роса ўн йил давомида кетмончилик қиласди.

Сўнг ўттиз йил давомида аввал пахтачилик бригадаси бошлифи, сўнг ҳосилот кенгашининг раиси бўлиб ишлади. Маҳалланинг миришкор дехқонларидан пахтачилик илмини чукур эгаллади ва ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиб, ҳукуматнинг қатор мукофотларини олишга эришади.

Тўрахон Ҳамдамов миришкор пахтакор бўлиш билан бирга оилапарвар, одамохун инсон сифатида қишлоқ аҳолисининг диққат-эътиборини ўзига тортади. Ҳонадонидаги ўн фарзандни тарбиялашни ҳам, қатағон даврида сургун қилинган акаси Халилжон Ҳамдамовнинг оиласидан хабар олишни ҳам сира унутмайди. Уруш Йилларининг энг оғир кунларидан тортиб, урушдан кейинги қийинчилик даврларида ҳам қариндошчилик, маҳалла-кўйчилик ипларини яна маҳкамроқ боғлайди ва болаларини ҳам ана шу руҳда тарбиялашга ҳаракат қиласди.

Тўрахон ака 1959 йили тўсатдан вафот этади. Оиланинг бутун ташвиши катта ўғли Отахоннинг зиммасига тушади. 1955 йилда Тошкент ҳалқ хўжалиги институтининг молия-иқтисод куллиётини тамомлаб келган Отахон ота ўрнини босиш учун ҳаракат қиласди. Отахон аввал тумандаги колхозларда бош бухгалтер бўлиб ишлади, сўнгра вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаларида раҳбарлик лавозимларида ҳалол меҳнат қиласди. 1995 йили меҳнат пенсиясига чиқади. Отахон Тўрахоновнинг энг катта фазилатларидан



бири шуки, у барча укалари ва сингилларига чинакамига оталик қилди.

Унинг укаси Эркинжон Тўрахонов савдо мутахассиси сифатида кўпчиликнинг оғзига тушди. У шаҳарда ўтказила-диган барча тадбирлар, тўй ва маросимларга етакчилик қила-ди. Шунинг учун ҳам унга «Ўзбекистон савдо аълочиси» нишони берилган.

Эрматжон эса олий маълумотли қурувчи, укаси Рустамжон савдо соҳасидаги хизматлари учун икки марта «Савдо аълочиси» нишони билан мукофотланган. У 1998 йилдан Қорасув шаҳар «Белбоғли кураш» федерациясининг раиси. Тўлқинжон ҳам акалари қатори муносиб савдо ходими бўлиб этишди.

Эндиликда Ҳамдам ҳожи зурриётидан ўнга яқин киши-лар боболарининг улуғ номини ардоқлаб келмоқдалар.

ЕЛКАСИГА ЮРТ ЮКИН ОРТИБ...

(Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган нахтакор
Боқижон Ҳамрақулов
хотирасига бағишиланади)



1

Карвонсарой экан бу дунё,
Қисматга бой экан бу дунё,
Кимдир келиб изсиз кетадир,
Кимдир мангутарих битадир.
Елкасига юрт юкин ортиб,
Шу юрт учун азоблар тортиб,
Этик ечмай сув кечганлар бор,
Ширин жонин айлаб хокисор.
Умр сувдай оқадир, бироқ,
Эл қалбига ёқилган чироқ,
Ўчмас асло, ёнар машъалдай,
Боқийдир у, боқий Башардай.

2

Ҳамрахоннинг эри Ҳамракул,
Ўйлар эди фарзандни нуқул.
Кечалари термилиб ойга,
Ёлворарди ёлғиз Худога:
Ўғил кўриб ота-ю, она,
Атрофика бўлди парвона.
Исмин анинг кўйди Боқижон,

3

Бўлар бола бошидан экан,
 Бино тамал тошидан экан.
 Ўқиши сари тушди йўллари,
 Ҳар юмушга тайёр қўллари,
 Андижонда билим олди у.
 Ер, Сув сирин билиб олди у.
 Туманда ёш агроном энди,
 Ота-она кўнгли ҳам тинди.
 Бироқ шунда бошланди Уруш.

4

Қишлоқ хароб, эл эди юпун,
 Очлик олиб кетганди кўпин.
 Туну кунлаб ишлар аёллар,
 Етим, есир, бева-ю, чоллар.
 Раҳбарларга муҳтоҷ эдилар.
 Боқижонга «Бўл бош» дедилар.
 Пиллакорлар сардори бўлди.
 Уч йил улар мадори бўлди.
 МТСда роса олти йил.
 Агрономлик ишини қойил,
 Олий мақом қилиб дўндириди.
 Парвоз қушин кўлга қўндириди.
 Эллик тўртдан олти йил яна,
 «Кўрғонтепа» раиси эрди.
 Минг тўққиз юз олтмиш бир сана,
 Баландроқقا қулочин керди.
 Навоийнинг номи берилган,
 Колхоз эрди йирик жамоа,
 Пешонага мунчоқ тер инган,
 Юксалишга шерик жамоа.
 Чорак аср ота бағрини,
 Шу қишлоқقا тутиб бердилар.
 Эл корига тўшаб бағрини,
 Мисқол-мисқол ҳурмат тердилар.
 Тўқайзорда яралди боғлар,
 Кетди эски қолоқлик доғлар.

Пахтазорда кўзлар қамаши,
Тушум ўттиз центнердан ошди.
Техниканинг жилови қўлда,
Фан ютуғи-сийлови қўлда.
Одамларнинг жўшди файрати,
Кўрганларнинг ошди ҳайрати.
Қўйлар туға бошлади эгиз,
Эл бойиши эмасди бежиз.
Тоза сувда фаввора ўйнар,
Юзлаб ўтди янги уй тўйлар.
Ош дамланур газли ўчоқда,
Кеча-кундуз каби чироқда.
Жаннатмакон дала шийпонлар,
Мактаб, боғча-тўла имконлар...

5

Юздан ошиқ деҳқон, чорвадор,
Ё зиёли, ёки пиллакор.
Нишон тақди кўкракка олий,
Ҳалол меҳнат рамзи-тимсоли.
Эл қатори Боқиҷон сардор,
Тақдирланди такрор ва такрор:
Ўз даврининг юксак сийлови,
Битта эмас орден учови.
Қанча медаль, унвонлар... лекин,
Энг муҳими — халқнинг ихлоси.
Шон-шуҳратнинг ўзи келмаган,
Бунда қанча жасорат ётур.
Ўз жонини кўзга илмаган,
Раис эрди Боқиҷон ботир.
Олишларда тунаб қоларди,
Миробларни ёнига олиб.
Тракторга қулоқ соларди,
Ворохларнинг чангидаги қолиб.
Қорайгандир қуёш тафтидан,
Ажин босган юзда доғлари.
Ҳоргинлигин сезмас афтидан,
меҳмон йўқлаб келган чоғлари.

Бир оз қийшиқ бошда дүпписи,
Тер шўридан оқарган жияк.
Азон айтмай масжид сўфиси,
Чорва сари чопмоғи керак. .
Етим, муҳтоҷ келар сўроқлаб,
Ҳаммаси ҳам ейди, кияди
Омборини, киссасин чоғлаб,
Ўзгани деб, ўзин тияди.
Оғир эди раҳбар бўлишлиқ,
Талаб бошқа, имкон бошқадир,
Мажбур эди план тўлишлик,
Бюроларда жангдай бош қотур.
Арслон келбат Боқижоннинг ҳам,
Кенг елкаси дол бўлиб қолди.
Ҳайҳот! Дунё эканда бир кам,
Қисмат қисиқ бағрига олди.
Кейин унга Арофатхон ҳам,
Бўлай деди жаннатда ҳамдам...

6

Яхшидан боғ қолур дейдилар,
Шул боғ ичра яйрайди диллар.
Дараҳт ўсиб, мева берғуси,
Ота учун фарзанд келгуси.
Қобил фарзанд ота чироғи,
Кул босмагай иссиқ ўчоғи.
Собитқадам Собитжоннинг
Қадамида унинг изи бор.
Орифжону Обиджоннинг,
Бўйларида ота иси бор.
Салимахон, Раҳимахонлар,
Ҳожирахон, Тожиматжонлар,
Ота ўғил-она қизлардир,
Тиллога ҳам бергусизлардир.
Алар жўшиб мудом соғинчи,
Саждагоҳи сари юрарлар.
Ота-она қабрини қучиб,
Бошларини эгиб туарлар.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ВАРАҚЛАР ҮФИЛ

Тошкент вилоятининг Оржоникидзе туманида 1902 йили ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган Саид Чилмуҳамедов қобилияти бола бўлиб вояга етди. Ўсмирилигидаги ана шу интилиш уни (1927—1929) Тошкентдаги Кооператив техникумiga етаклади. Ўқув йиллари унга ҳаётта теран ёндашишни ўргатди. Шундан бўлса керак (1929—1932) Ўзбекистон коммунистлар университетида билимини чуқурлаштиргди. Шундай қилиб, 32 ёшли Саид Чилмуҳамедовнинг меҳнат фаолияти бошланди. 1932—1935 йиллари Пскент туман партия қўмитасида бўлим мудири, 1935—1937 йиллари «Фаллаорол» совхозида сиёсий бўлим бошлигининг ўринбосари, 1937—1941 йиллари туман партия қўмитасининг котиби, 1941—1943 йиллари Андижон вилояти партия қўмитасининг котиби вазифаларида ишлади. Москва олий партия мактабида таҳсил кўриб келгач, 1943—1946 йилларда Жалақудук туман партия қўмитасининг котиби 1946—1947 йиллар Катта Фарғона каналининг бошлиги вазифаларида ишлади.

Иш фаолиятида катта тажриба орттиргани ва тинимсиз изланиш ҳамда ташкилотчилик маҳоратлари, хуллас, меҳнатлари самараси муносиб баҳоланди. У 1939 йили орден, «Катта Фарғона канали қурилиши» кўкрак нишони, «Фарғоний ёрлиқ» ва «Хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» унвони билан тақдирланди.

1947—1962 йилларда С. Чилмуҳамедов Қўрғонтепа туман ижроия қўмитасининг раиси ва, ниҳоят, пенсия ёшигача туман ижроия қўмитасининг раиси ўринбосари лавозимларида ишлади. У ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Саид ака турмуш ўртоғи Зебихон ая билан узоқ ва сермазмун умр кечирдилар. Эндиликда Фарзандлари — Неъматжон ака,



қыздары Гулчехрахонлар ота чироғини ёқиб, уйларини түлдириб яшамоқдалар.

Неъматжон ака эсдалик-хотира ҳужжатларини йигиштириб, филофларга жойлар экан, намланган күzlаридан отасига бўлган миннатдорчилик туйғуларини кўргандек бўлдик.

*... Мен унинг олдида бош эггум абад.
Ўзгадан топилмас Ундаги тоқат,
Саводим кўзини у очган фақат,
Қалбимга нур берган биргина одам.
Хаёл уммонига ғарқ бўлиб бир дам,
Ўтган, кўрганимни чўтладим бир дам.
Қалбимнинг қатида шу фикр мудом:
Мени одам қилган биргина Отам!*

ҲАЁТ МАЗМУНИ – УМР ҮЛЧОВИ

Деҳқонободда бир ўспирин бўларди. Шўх, ҳазил-мутойиба гапларга уста бўлган бу бола тенг-қурларидан адабиётга, илмги қизиқиши билан ажralиб турарди. Абдулҳаким Чўтбоев 1908 йили дурадгор оиласида дунёга келди. Оила дурадгорчилик билан тирикчилик қиссада, Абдулҳаким ёшлигига ёқ илмли бўлиш энг катта баҳт эканлигини тушуниб етди. Шунинг учун у 1928 йили Андижондаги ўқитувчилар тайёрлаш курсини, кейинчалик эса Андижон педагогика билим юртларини тамомлаб, Маъмуробод қишлоғи ўрамидаги мактабда ўқитувчи ва 1941—1945 йилларда директорлик лавозимларида ишлади.

Абдулҳаким оила қийинчиликлари туфайли ўқишга қатнамаётган хонадон фарзандларини тўплаб, ўқитишини инсоний бурч, савоб деб билди. Бу жараён, айниқса, 1940—1945 йилларда қишлоқ ёшларини мактабга тортиш ва янги (кирилл ёзуви) имло, қолаверса хотин-қизларни ўқитиш, саводсизликни тугатиш халқ маорифининг долзарб соҳалари саналарди.

Ана шу саводхонлик сафарбарлигига Абдулҳаким ака турмуш ўртоғи Одинахон опа билан ишдан ажralмаган ҳолда кечалари қишлоқ аҳлини тўплаб саводини чиқарди. Бугунда ўша йиллар оиласирининг фарзанд ва набиралари бу инсоннинг қатори ибратли хислатларини эслайдилар.

Абдулҳаким аканинг қишлоқ мактаби ҳаётининг муаммоларини чукур билишга, касб ишида эса таълим-тарбиянинг янги йўналиш ва услубларини иш жараёнига жорий қилиб изланиб ишлаши туфайли у ўқитувчиларнинг олий анжумани — Биринчи ўқитувчилар съезди делегати бўлди. У ерда қишлоқ муаллими республикамизнинг биринчи оқсоқоли Й. Охунбобоев ва Марказқўм котиби У. Юсуповлар билан учрашди. 1940 йили вилоятда биринчи бўлиб «Ўзбе-



кистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

А. Чўтбоевнинг номини ҳамқишлоқ, шогирдлари ва тенгкурлари Дилоромхон Қаратоева, Жамолиддин Камолов, Шарофатхон Абдужабборова, Зарифахон Ҳайдарова, Ҳурматхон Ашуррова, Ҳамидjon Маҳкамов, Соняхон Рамазонова ва Фасхиддин Олимовлар ҳурмат билан эслайдилар.

Ҳамқишлоқлари, маҳалла дилида яашаш, шигирдларининг эса эсдалик суратида эмас, юрак сийратида қолиш — бу заҳматкаш таълим фидойиси бизларга ибрат десак арзиди. Абдулҳаким ака Чўтбоевнинг фарзандлари унинг изини босиб, номини юртга ёймоқдалар. Ҳар йили апрель ойида бу инсон хотирасига бағишилаб спорт мусобақаси — «Абдулҳаким Чўтбоев хотира соврини» мусобақалари ўтказилади. Инсон қилган, қолдирган ишлари билан барҳаётлигини Абдулҳаким ака мисолида юрак-юрагингдан ҳис қиласан.

ХАЛҚҚА БАХШИДА УМР

Бутун ҳаётини эл-юртга, халққа бахшида этган инсонларнинг кўпинча жуда қисқа умр кечиришлари дилни хира қилади. Ана шундай умр соҳиблари ҳақида қалам тебратиш эса бундан ҳам қийин.

Қатағон йилларининг зарбаси билан ҳаётда отадан эрта айрилиб, турмушнинг аччиқ-чучугини болаликдан тотиган ва 14

ёшида мактабда ўқиш билан бир қаторда, туман «Пахта учун кураш» газетаси босмахонасида ҳарф терувчига шогирд бўлиб иш бошлаган Имямин Шерматовнинг ҳаёт йўли ҳам оғир кечган.

У бутун ҳаётини босмахона ва газета таҳририяти билан бир умрга боғламоқчи эди. Бироқ 1941 йилда акаси кетидан урушга йўл олган Имяминжон Москва остоналаридан бошлаб Берлингача бўлган жанг майдонларида душманга қарши курашди. Урушдаги жасорати ва мардлиги учун орденлар, бир қанча жанговар медалларга сазовор бўлди. 1945 йилнинг октябрь ойлари бошларида икки ҳафталик таътил олиб, она юрти Қорасувга, «қўз очиб кўрган» азиз иш жойи босмахонага кириб келди. Ўша куни Имяминжоннинг онаси вафот этганлиги, акасидан қора хат келганилиги, укалари эса опаси ва тоғалариникига кетиб қолганилиги ҳақида сўз очилганда, бутун бадани бамисоли музлаб қолди. Ўша пайтда урушгача ўқитувчилик қилган кишилар ҳарбий хизматдан бўшатиш ҳақида ҳукumat қарори қабул қилинди. Ҳарбий хизматдан бўшаган. Имямин Шерматов 1945 йил 16 октябрдан эътиборан район марказидағи А.С. Пушкин номли 5-бошлангич мактабнинг I-синфига ўқитувчи этиб тайинланди. У 1946—1948 йилларда Тошкент олий партия мактабида ўқиб келиб, район «Пахта учун кураш» газетасида муҳаррир бўлиб ишлай бошлади. 1950 йилнинг 1 январида у район партия қўмитасининг



идеология бўйича котиблигиги сайланди. Бир ёш йигитнинг ҳаётида рўй берган бу эзгуликларни кўролмаган айрим ғаламислар унинг қалбига унутилмас ниш уриб, таржимаи ҳолида «ижтимоий келиб чиқишини яширган» деган баҳона билан ишдан олишди.


Ҳақиқат юзага чиққунча, уч ой давомида 1951 йилнинг январидан мартағача у Куйбишев номли 1 ўрта мактабда вақтинча директор бўлиб ишлаб турди. Адолат қарор топгач, уни 1951 йил март ойида район ижроия комитетининг раис ўринбосарлиги вазифасига тайинладилар. Имъминжон бу масъул вазифада 1962 йилнинг октябрь ойигача сидқидилдан фаолият кўрсатди. Бунинг устига 1953—1955 йиллар давомида ушбу вазифага ўриндошлиқ йўли билан район халқ маорифи бўлимни мудири вазифасини ҳам қўшиб ижро этиб турди.

Бироқ айрим район раҳбарлари жон куйдириб ишлаётган бу инсондан халос бўлишнинг янги йўлини ахтариб топдилар ва уни 1962 йилнинг октябррида анча ўтириб қолган, ҳозирги Деҳқончек жамоа хўжалигининг бошқарув раислигига жўнатишади, лекин қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳеч қандай тажрибага эга бўлмаган бу инсон эсанкираб қолмади. Адолат ва ҳақиқат унинг қуроли бўлди. Натижада қарийб тўрт ярим йил давомида ушбу хўжаликни ташкилий-иктисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга эришди. Ундаги бу ижобий ўзгаришлар туман раҳбарларини янада хушёр торттирди ва 1967 йили декабрь ойида уни собиқ Куйбишев номли хўжалик бошқарув раиси вазифасига тавсия этилар.

1968—1971 хўжалик йилларида у жамоа хўжалигини ҳар томонлама кўтариш учун тинмай кураш олиб борди. Сўнгра мактабда ўқитувчи, директор вазифаларида меҳнат қилди.

1981 йилнинг 11 марта куч ва ақлга тўлган инсон 58 ёшида ҳаётдан эрта кўз юмди. Уч ўғил ва уч қизни тарбиялаб вояга етказган бўлишига қарамай, уларнинг орзу-ҳавасларини тўла кўриш баҳтига муюссар бўла олмади. Адолат, ҳақиқат ва мустақиллик қарор топган бугунги қутлуғ кунларга етолмай дунёдан ўтиб кетди.

Шуниси қувонарлики, педагоглар сулоласига асос солған Имяминжон Шерматов хонадонининг вакилларидан бири, ўртсанча ўғиллари Муроджон Шерматов ўн йилдан буён Қорасув шаҳрига ҳокимлик қилиб келяпти ва шаҳар ҳар томонлама гуллаб-яшнаши учун бор билим, куч-кувватини ишга соляпти.



КИЧИК БРИГАДИРНИНГ КАТТА ИШИ

Маъмуробод жамоа хўжалигига бориб Абдураҳмон Юнусовни сўрасангиз ҳар бир учрашган киши: «каттасими, кичигими?» деб савол назари билан сизга қарайди. Исми шарифлари ҳам ўхшаш бу инсонлар узоқ йиллар пахтачилик бригадасини бошқаргандар. Ҳар иккаловининг ерлари бир-бирига туташ бўлган.

Мақсадимизни англаған маҳалла оқсоқолларидан бири Эргашбой aka қўшиниси кичик Абдураҳмон Юнусов ҳақида кўп ижобий фикрларни билдириди. Биз Абдураҳмон aka ва турмуш ўртоғи Иноятхон аяни қизлари Баракатхоннинг янги курилган уйларидаги неварадарли даврасида учратдик. Дастурхон тўкин, суҳбат қизғин...

Абдураҳмон Юнусов 1933 йилда туғилди. Оиладаги 4 ўғил, 3 қизнинг энг каттаси бўлган Абдураҳмон ёшликтан деҳқончиликка ихлос қўйди. Ота касбини давом эттиришга, улуғлашга аҳд қилди.

1958 йилда армия хизматини тугаллаган Абдураҳмон яна она қишлоғига, ўз даласига қайтди. 1961 йилда хўжаликда ер ҳисобчиси, тафтишчи вазифаларида ишлади. Ёш йигитни деҳқончиликка, айниқса, пахтага қўйган меҳрини, одамлар билан тил топиша олиши, ишбилармонлигини сезган хўжалик раҳбарлари пахтачилик бригадасига бошлиқ этиб тайинлашди.

— Дастрлаб ишни бошлаш осон кечмади, — дейди суҳбат давомида Абдураҳмон aka пиёладаги чойни ҳўплар экан, — деҳқончиликда ҳар йилнинг ўз қийинчилклари бўлар экан. Баъзида уруғ танлаш, экиш, кўчат ораларига ишлов беришда хатога йўл қўйган бўлсак, гоҳида табиат инжиқликлари бунга қўшимча бўлар эди. Қийинчиллик енгилмаса кўзланган натижага эришиб бўлмаслигини ҳис этар эдим. Бундай муаммоларнинг ечими фақат меҳнат.

кatta куч, тажриба эди. Менда эса ана шу тажриба етишмасди.

Отам раҳматлик «Устоз кўрмаган шогирд, ҳар мақомга йўргалар», деган нақлни тез-тез тақорлаб тургувчи эди. Пахтачилиқда катта тажриба тўплаган Маҳаммаджон Исмоиловдан кўп нарса ўргандим. Бундан ташқари, адашим, Абдураҳмон Юнусов билан тажриба алмашиб турдик.

Кейинги йилларда техника, ўғит, сувдан фойдаланишда анча омилкор бўлиб қолган эдик. Чигитни квадрат уялаб экишдан қаторлаб экишга ўта бошладик. Тўлиқ гектар яратишга эришдик. Механизатор етишмай қолган вақтларда ўзим трактор билан ишлов ўтказардим.

Натижа ёмон бўлмади. Дастрлаб иш бошлаган йилларда 28–30 центнер ҳосил олган бўлсак, 1971–1981 йилларда ҳар гектардан 35–40 центнердан пахта ҳосили кўтардик. Пахтакорларимиз хўжаликдагина эмас, туманимизда эл оғзига тушди. Менинг меҳнатларим муносаб тақдирланди, 1977 йилда орден, бир неча марта фахрий ёрлик билан тақдирландим.

Абдураҳмон Юсупов эл-юрт ҳурматини қозонди. У 7 фарзанднинг отаси, 15 неваранинг бобосидир. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли кишилар бўлиб, бугунги кунда улар мустақил Ўзбекистоннинг фаровонлиги йўлида турли жабҳаларда меҳнат қилмоқдалар.

Абдураҳмон Юнусов ўтган умридан миннатдор бўлиб, фарзандлари баҳтини кўриш орзусида ҳар тонг қўл очиб дуолар қиласди. Уларни янги кутлуғ ишларга чорлайди.



ҲАЁТ СҮҚМОҚЛАРИДАН БОРИБ

1946 йил февраль ойининг бошлари. Урушда омон қолган қишлоқ ўғлонлари жанггоҳлардан бирин-кетин уйларига қайта бошлаган бир палла эди.

Андижонсой кўпригидан ишхона томон бораётганда рўпарамда келаётган солдат билан қучоқлашиб қувончдан йиғлашганимиз ҳамон эсимда.

Ҳали ўша дамларда кўпчилик хонадонларда қорахат туфайли давом этаётган азалар аримаган пайт эди-да! Бу солдат — синфдош дўстим Мўминжон Юнусов эди.

Мана ўша қувончли кундан буён орадан ярим асрдан ҳам ошиқ вақт ўтиб кетибди. Ҳа, умр оқар дарёга ўхшайди. Бугунги кунда кексалик гаштини суроётган дўстим билан суҳбатлашар эканман, унинг ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидағи ҳаётига оид баъзи тафсилотларни аниқроқ айтиб беришни илтимос қилдим. У аввал оғир хўрсинди. Ўша даҳшатли 30-йилларни кўз олдига келтириди шекилли, «Эссиз отагинам» деб қўйди, сўнг 1932 йили Самарқанд вилоятининг Булунғур совхозига сургун қилиб юборилганлиги ва унга қулоқнинг боласи деган тамға босилиб, 50-йилларгача бу тамғадан халос бўлолмаганини афсус билан эслади. Кейин бутун ҳаёт йўли ба-тафсил ёритилган таржимаи ҳоли битилган варақни қўлимга тутқазди. «Мен, Мўминжон Юнусов 1923 йил 16 августда Қўргонтепа туманига қарашли Қорасув қишлоғида ўртахол деҳқон оиласида таваллуд топганман. 1932 йили отам қулоқ сифатида сургун қилингач, болалар уйида тарбия кўрдим.

1934 йилдан 1936 йилгacha «Савой» совхозининг чорвачилик бўлимида молбоқар, чўчқабоқар бўлиб ишладим. 1936 йили онамни излаб топдим ва унинг тарбиясида Қорасув қишлоғида яшай бошладим.

Кейинги бутун ҳаётим ушбу қишлоқда давом этди. Ўрта мактабда 9-синфгача ўқидим, 1942 йилнинг январидан қишлоқ совети ижроия қўмитасининг бўлиб ишладим. 1942 йил октябрь ойида ҳарбий хизматга чақирилиб, 1946 йилнинг февраль ойигача Иккинчи жаҳон урушида иштирок этдим.

1946 йилнинг февралидан ўша йилнинг октябрь ойигача собиқ Ворошилов район ижроия комитетида умумий бўлим мудири, сўнгра хўжалик банкининг туман пунктида инспектор, Кўрғонтепа район матлубот жамиятининг раиси бўлиб ишладим».

Мўминжон Юнусовнинг таржимаи ҳолида туманидаги йирик жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаган 1971 йилнинг декабридан 1979 йилнинг декабригача бўлган 8 йил энг оғир ва энг қувончли йиллар бўлди деб айтсак, хато бўлмаса керак. Бу йилларда Мўминжон Юнусов ерларни карталаштиришга катта аҳамият берди. Натижада колхознинг бутун ерлари тўлиқ карталаштирилди ва янгидан тут кўчатзорлари бунёдга келтирилди. Бунинг натижасида колхоз бўйича ҳосилдорлик гектар бошига ўттиз центнерга етди, пиллачилик бўйича йиллик кўрсаткич 16 тоннадан 42 тоннага кўтарилди. Ана шундай қилиб, жамоа хўжалиги 4–5 йил ичида туманинг энг илғор хўжаликлари қаторидан ўрин эгаллади. Мўминжон Юнусов Қорасув қишлогини ободронлаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор масалаларни ечишда каттагина ҳисса қўшганлигини кўпчилик яхши билади.

Мўминжон Юнусовнинг урушдаги ва меҳнатдаги фаолияти ўз даврида ҳукumat томонидан муносиб тақдирланганди. Жумладан, орден ва медаллар билан тақдирланган.

Мўминжон Юнусов оиласи ҳаётда ҳам намунали оила бошлиғи сифатида қорасувликларнинг диққат-эътиборида. Ўн уч ўғил-қизнинг отаси, 50 дан ортиқ невара-чевараларнинг бобоси сифатида катта ҳурматга сазовор. Ҳозирги кунда унинг ўғил-қизлари ва неваралари халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида халқимизга муносиб хизмат қилмоқдадар. Катта ўғиллари Зайнобиддин Шароф Рашидов номли ҳўжаликда бўлим бошлиғи, қизларидан Дилоромхон, Ўғилхон ва Зулфияхонлар уй бекаси, Моҳидилхон — ҳамшира, Муқаддамхон, Мукаррамхон, Мақсадаҳонлар ўқитувчи,

Муқаддасхон тарбиячи, кичик ўғиллари Анваржон етук иқтисодчи сифатида «Қорасув» пахта банкининг бошқарувчisi, Адҳамжон ҳайдовчи сифатида эл-юртга хизмат қиляптилар.

Ҳаёт сўқмоқларидан кўплаб жабру жафоларни кўриб, ниҳоят ўз бахтини ва кексалик ҳузур-ҳаловатини топа олган Мўминжон Юнусовнинг ҳаёт йўли ёшлар учун намуна мактаби сифатида кўплаб йиллар хизмат қилишига ишона-миз.

КАСБИ БИЛАН ОБРҮ ТОПГАН

Ўқитувчилик касби энг қадимий касблардан биридир. Тарихдан маълумки, аждодларимиз ўз фарзандларини билимли кишиларга бериб саводхон қилишга, устозлардан одоб, ахлоқ, илмунар бобидан сабоқ ўрганишни истаганлар.

Туманимизда ўз касбини улуғлаб халқнинг ҳурмат эътиборига сазовор бўлганлар кўпчиликни ташкил этади. Ана шулардан бири Жўра Қодиров эди. У 1904 йили Маъмуробод қишлоғида туғилди, ёшлигиданоқ билим олишга ҳаракат қилди. Замонасининг ўқимишли кишиларидан арабча, сўнгра лотинча имлода ўқиш ва ёзишни мукаммал ўрганди. Жўра Қодиров туманимизнинг дастлабки зиёливаридан, педагоглик фаолиятини 1927—1928 йилларда бошлади. У аҳоли ўртасида саводсизликни тугатишда жонбозлик кўрсатди. 1930 йили Андижондаги ўқитувчилар тайёрлаш билим юртини тамомлаб, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлди.

Жўра Қодиров тумандаги Султонобод, Дардоқ, Ойим қишлоқларида мактаб очиш, ёшларни ўқитиш, шогирдлар тайёрлашда фаол иштирок этди. 1950—1955 йилларда ўз қишлоғидаги мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири бўлиб ишлади. Бу даврларда ўқувчиларга чуқур билим бериш, таълим-тарбия, мактаб ободончилиги соҳасида намунали ишларни амалга оширди. Ўқитувчилик касбida узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан Эргашбой aka Жўраев устозини меҳр-муҳаббат билан эслайди.

Туманимизнинг қаерига борманг унинг шогирдларини учратиш мумкин. Иқтисод фанлари номзоди Ҳамидулла Каримов, узоқ йиллар хўжаликка раҳбарлик қилган Акбарали Ҳайдаров, Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмасининг аъзоси, шоир Одил Абдураҳмон, халқ таълими ходимлари «Ну-



роний устоз» кенгаши раиси Жамолиддин ҳожи Камолов, кабилар устоз тарбиясини олганлар. Туман халқ таълими булимидаги хизмат қилаётган Жўра Қодировнинг ўғли Қосимжон Қодиров отаси ҳақида шундай эслайди:

— Ёшлигимда отам мени кўп жойларга ўзи билан бирга олиб борар эди. Қайси жойга бормасин дўстлари, касбдошлари катта ҳурмат билан кутиб оларди. Отамнинг шундай эъзозли, эътиборли одам эканлигидан жуда-жуда курсанд бўлганман. Онам Маърифатхон билан баҳтли яшаши. Оилада 5 ўғил ва 1 қиз эдик. Ҳаммамизни олий маълумотли мутахассис бўлишимизда отамнинг хизматлари жуда катта.

Жўра Қодиров 1978 йили вафот этди. Мустақиллик шарофати билан қишлоқдаги ўрта мактабга унинг номи берилб, хотираси абадийлаштирилди. У оламдан ўтган бўлсада, фарзанд ва набиралари унинг ишини давом эттиришмоқда. Жумладан, неча йиллардан буён туманимизда кўплаб мактаблар қурилишига бош-қош бўлган, ҳозирда эса туман ҳокими муовини лавозимида ишлаётган набираси Мухторжон Қодиров ана шуларнинг биридир. Авлод бор экан, инсон умри боқийдир.

АЁЛЛАР САРДОРИ

Моҳлархон опа ва унинг турмуш ўртоги Нўймонжон акалар тўрт қизни — Шоираю Фолибани, Дилхумору Дилдорани тарбиялаб, ҳаётда ўзларига муносиб йўл топиб бердилар. Бугунги кунда ўзлари жаннатмакон оиласда, фарзандлари эъзозида кексалик гаштини суриб умргузаронлик қилмоқдалар. Лекин бу баҳтга осонлика эришилгани йўқ.

Моҳлархон Қосимова 1938 йилда Дардоқ қишлоғида дунёга келди. Шу ердаги ўрта мактабни тамомлагач, отонаси қизнинг хоҳишини инобатга олишиб Андижонга юбордилар. Ўқишига чанқоқ, бир сўзли, қатъиятли қиз Андижондаги бухгалтерия техникумини 1957 йили битириб, «Савой» совхозига идора ходими бўлиб ишга келди. Кўп ўтмай қувноқлиги, чаққонлиги, ширинсўзлиги уни кўпчиликнинг эътиборига сазовор қилди. Моҳлархоннинг ёшлиги «Савой»нинг урушдан сўнг ўзини тиклаб, барча соҳада юксалиш палласига ўтган даврга тўғри келди. Хўжаликда маданий-маиший ва ободонлаштириш ишлари авж олган, уни кўргани вилояту мамлакатнинг турли даражадаги меҳмонлари кела бошлаган эди. Ўша кезлари меҳмонларни гулдаста-ю нону туз билан кутиб олувчи гулдай очилган, шарқона кийинган қизлар орасида совхозда ташкил этилиб, бутун республикага номи тарқалган «Қирққиз» ансамблининг даврасида Моҳлархон бўларди. Қайноқ ҳаёт қўйнида жавлон урган қиз эсанкираб қолмади, келажакни унутмади. Андижон Пахтачилик институтига кириб, сиртдан унинг агрономлик куллиётини тугаллади. Бу эса унинг раҳбарлик лавозимларда ишлашига йўл очди.

1970—1972 йилларда «Савой» қишлоқ фуқаролар йигинига раис этиб сайланди. 1972—1977 йиллар 3-бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлади. 1977—1981 йиллар мобайнида ҳозирги «Кўштепа» жамоа хўжалигига раис, сўнг туман





М. Қосимовага фахрий ёрлиқ топширилмоқда.

химия бирлашмасига раислик қилди. 1988 йилдан эътиборан меҳнат фахрийси.

Моҳлархон опа ажойиб ташкилотчи, талабчан раҳбар эди.

Бўлим бошлиғи даврида, кечани кеча, кундузни кундуз демади. Халқни оёққа турғазди. Ҳужжатлардан маълумки, «Савой» совхози тарихида 1976 йили пахтачилик тарихи бўйича рекорд ҳосил (36,4 центнер) олинган. Шу йили М. Қосимова раҳбарлик қилган бўлим эса 40 центнерлик маррани эгаллаган. Бу бўлимдаги кўплаб пахтакорларнинг юксак мукофотлар олишига сабаб бўлди, раҳбарнинг ўзи орден билан тақдирланди.

Колхозга раислик қилганда «Савой»да ортирилган тажриба қўл келди. Ҳисоб-китобнинг аниқлиги, тежамкорлик, техникадан унумли фойдаланиш, кадрлар масаласига эътибор кучайтирилди. Ҳўжаликнинг кўпгина соҳаларида хотин-қизлар фаоллиги ошди. Пахта ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги, пилла ҳажми кўпайди. Халқ қад ростлади, қишлоқни ободонлаштиришга имкон яратилди.

Ташкилот раҳбари ва туман Кенгаши депутати сифатида М. Қосимова Кўргонтепа шаҳридаги Гулистон маҳалласи кўчаларига асфальт ётқизиш, ичимлик сув шахобчаларини

таъмирлаш ва кенгайтириш каби ободонлаштириш ишларида фаоллик кўрсатди. Буларни одамлар ҳеч қачон унумтайдилар.

Моҳлархон опа ҳақида сўз юритар эканмиз, у билан сирдош, ҳамкор опахонларимиз беихтиёр кўз олдимизга келади. Мунисхон Эргашева, Ўғилхон Тешаева, Хидохон Исмоилова, Маҳбубаҳон Музаффарова, Зайнабхон Ашуро-ва, Марҳабоҳон Тожибоева, Дилбар Аҳмедова ва шулар каби эл хизматида камарбаста бўлган ва бу фидойиликни давом этказаётган мўътабар аёлларимизнинг сафлари сийраклаш-масин.



ИБРАТЛИ ҲАЁТ

1992 йил 27 сентябр эрта тонгда Қулоғим бирдан зинғиллаб қолди. Кўп ўтмай шум хабар келди: «Эргашхон ака қазо қилди!». Ўша куни бутун Қўрғонтепа мотам либосини кийди. Ҳамма азиз ва мўътабар билган инсонидан ажрагандай, ўзини етимдек ҳис қилди. Болалари Саттихон, Мухлисхон, Мунисхон, Матлубахон, Ўғилхон, Моҳидилхон, Абдушукур, Абдуллажонлар отасиз, Нортожихон опа бева қолдилар, дўст-биродарларнинг сафи сийраклаши.

Эргашхон Қосимов ҳалол ва камтарин меҳнати, мулоҳимлиги, дўстларига садоқатлиги, ҳаёт гўзалликларини севиши орқали кўпчиликнинг қалбидан муносиб жой олган эди. У «Меҳнатни севиш, файрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, зеҳннинг ортиши» деган ривоятни кўп айтарди ва унга ўзи ҳам доимо амал қиласарди. Ортиқча довруқсиз, ҳашамсиз, ютуқлардан мақтанмай, камчиликлардан зорланмай яшашнинг ўrnаги, тимсоли эди. Кўли очиқ, меҳмондўст, муҳтоjlарга меҳрибон, хайриҳоҳ инсон эди.

Э. Қосимовнинг отаси Мирзақосим асли қўшни қишлоқ — ойимлик бўлиб, Андижонсойнинг бўйидаги Бўйдоқ-қишлоқ маҳалласига кўчиб келган. Катта ўғиллари Мирзахаким, Мамасидиклардан урушдан омон қайтиш ўrnига қораҳатлар олгач, кичик ўғли Эргашхон ва қизи Марҳаматхонларни кўз қорачиғидай асрари, ўқитди, элга қўши.

Эргашхон ака ёшлигиданоқ ҳисобчилик касбини ўрганиб, умрининг охиригача шу касбига содиқ қолди, касбни улуғлади, касби эса уни улуғлади, элга танитди. Қўрғонтепа тумани ўрамидаги бир қатор колхоз ва совхозларда бухгалтер, бош бухгалтерлик лавозимларида ишлаб, меҳнат намуналарини кўрсатди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, у туман қишлоқ хўжалик бошқармасида З йил бух-

галтерлар устози, ижтимоий таъминот булимида З йил раҳбар, «Савой» совхозида 1 йил бош бухгалтер бўлиб ишлар экан, ҳар доим хўжалик ҳисоб-китобини юритишнинг юксак маданиятини кўрсатди, меҳнаткаш халқ манфаатини ҳимоя қилди. Хўжалик хазинасининг бойишига, пулни ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш, маориф муассасалари, биноларининг қурилишига сарфланишига эътибор берди. Жумладан, «Савой» совхози базасида техникумнинг ташкил этилишида, бу ўқув юртини зарур ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, жиҳозлаш, янги биноларини қуришда фаоллик кўрсатди. Талабалар билан иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоботлари мавзуларида машғулотлар ўтказди.

Э. Қосимов ишдан бўш пайтларида оиласи ва дўстлари даврасида кўнгилли ҳордик чиқаришни ёқтиради, мatal, ҳазил-мутойибага, мумтоз қўшиқ-куйларга ошиқ эди, маданият ходимларининг қадрига етарди.

Эргашхон аканинг ворислари отасининг чирогини ёқиб, онасининг кўнглига далда бериб, фарзандлик бурчини адо этиб яшамоқдалар.



ТЕХНИКАДА ТОБЛАНГАН ЭДИ

Қариллик пенсиясига чиққунга қадар чойхонага чиқиб дўсту ёрлари билан бир пиёла чой ичиб ўтиришга ва чақчақлашишга фурсат топмаган бу ажойиб инсон бутун умрини қишлоқ хўжалиги машиналарига, хусусан тракторларга бағишлаган эди.

Ўттизинчى йилларда у тракторчилар курсини тамомлагач, район I машина-трактор станция-

сида 1943 йилдан 1970 йилгacha катта механизатор вазифасида ишлади.

Умарали Курбонов 1911 йилда деҳқон оиласида туғилган. Ёшлигидан техникага қизиққан бу йигит қишлоқ хўжалик техникаси билан ролпа-роса қирқ йил тиллашди. Унга иши тушмаган, ундан таълим олмаган бирорта катта ёшдаги механизатор бўлмаса керак.

Бутун вужуди билан техникага берилган Умарали Курбонов 7-синфни битиргач, аввал биринчи тракторчиларга шогирд тушди, сўнг 1932 йили Асакада бойлик тракторчилар курсида ўқиди. Ўткир зеҳнли ёш Умарали бу курсда тракторнинг барча қисмларини пухта билиб, уларнинг бирбири билан боғлиқ ҳолда қандай ҳаракат қилиши ва нима учун ишдан чиқиб қолиш сабабларигача чуқур ўрганди. Ўша пайтларда ўзбек ёшлари орасидан биринчи бўлиб техникага интилган Давронбек Саримсоқов, Комилжон Бобоҷонов, Мўйдинжон Ҳакимов каби ёшларни ёнига олиб, 1933 йилдан бошлаб ёш йигитлар учун МТС қошида тракторчилар курсини ташкил этди. Бу курсни 1938 йилгacha районда яшовчи 100 дан ортиқ ёшлар битириб чиқиб, колхозларда тракторчиллик қила бошладилар. 1938 йилларга келиб, қишлоқ хўжалик техникаси турлари, хусусан, тракторларнинг турлари кўпайиб, тракторчиларни қайта тайёрлов курслари ташкил этилди. Бу курсларнинг асосий ташкилотчиси ва ўқитувчиси Умарали Курбонов бўлган. 1941 йили уруш бошлани-

ши муносабати билан тракторчиларнинг кўпи армияга чақирилиб, тракторчилар яна етишмай қола бошлади. Яна ёш йигит-қизлардан янги тракторчи кадрлар тайёрлаш зарурияти туғилиб, тракторчилар тайёрлаш курси ўз ишини давом эттириди. Бу курснинг асосий етакчиси, ўқитувчisi Умарали Курбонов бўлди. Бу йиллар давомида унинг асосий вазифаси 1-МТСнинг механигиги бўлса, 1943 йилдан бошлаб МТС устахона мудири вазифасини бажарди. Уруш йилларида туман жамоа хўжаликларида барча техника билан боғлиқ оғирчилик унинг зиммасида бўлган. Умарали ака 1951 йилда Тошкентдаги бир йиллик механизаторлар курсини битириб келгач, МТС нинг бош механизатори вазифасига тайинланди. 1953 йилдан бошлаб эса яна устахона мудирилиги вазифасини 1962 йилгача сидқидилдан бажарди.

Ана шу меҳнатдаги хизматлари эвазига Умарали 3 марта Москвага, қишлоқ хўжалик ютуқлари кўргазмасига вакил қилиб юборилган. У кўргазманинг олтин ва кумуш медаллари билан мукофотланган. 1955 йилда меҳнатда эришган катта ютуқлари эвазига эса орден ҳам олди. У умр йўлдопи Соттихон ая билан 60 йил умргузаронлик қилиб, 1994 йилда оламдан ўтди.

Ота изидан борган ёлғиз ўғил Усмонжон Курбонов ҳам қишлоқ хўжалик машиналари муҳандиси сифатида туманимизда катта обрў-эътибор қозонган. Ҳозирги кунда пенсия гаштини сураётган Усмонжон ҳам қарийб ўттиз йилга яқин Кўргонтепа қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш станциясида муҳандис, бошқарувчи, сўнг 1968 йилдан Кўргонтепа район қишлоқ хўжалик бошқармаси бош муҳандиси, 1971 йилдан Андижон вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси механизациялаш бўлими бошлиғи, ўша йилнинг октябридан 1979 йилнинг охиригача эса Кўргонтепа «Узельхозтехника» бирлашма бошқарувчisi ва ниҳоят «Қорасув» жамоа хўжалигига трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш устахонаси бошлиғи вазифаларида ишлаган. Кўпчилик унинг хизматларидан миннатдор бўлганлигини эшигтанмиз. Усмонжон малакали муҳандис бўлибгина қолмай, марҳум отаси Умарали ота каби камтар, камгап, ширинсухан инсон. У етти ўғил-қизларни малакали мутахассислар қилиб эл хизматига кўшди. Ҳозирги кунда унинг

капта қизи Умидахон Қорасув шифохонасида даволовчи-врач сифатида эл дуосини оляпти. Ўғли Бахтиёржон (Андижон пахтачилик институтини битирган) қишлоқ хўжалиги машиналари муҳандиси, қизлари Раънохон, Дилоромхон олий маълумотли савдо ходимлари, кичик қизлари Дилфузахон тикувчи, Зиёдахон иқтисодчи, Зулфияхон савдо ходимаси.

Техникада тобланган Умарали Курбоновнинг авлодлари бугунги кунда боболари удумини маҳкам ушлаб, элга беминнат хизмат қилишни уддасидан чиқиб келмоқдалар.

ИСТИҚБОЛДАН ИҚБОЛ ТОПГАН

Шаҳрихонсойнинг салқин шабадаси мевазор ҳовлини сокин тебратади, сув шалоласи аллалайди. Ток остида ўрнатилган чорпоя (сўри)да қалин кўрпачалар солинган. Бўлиш ака лаганчадаги ўрикдан бир донасини олиб, бизни ҳам ўрикдан еб ўтиришга унданбаб, суҳбатни давом этказди:

— Ҳалқимизнинг орзу-армони бўлиб келган мустақиллик кунларига етиб келдик. Мустақиллик берган имтиёзларни, унинг шарофатини, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигини кўриб дилим яйраб кетади. Бундай кунларга етиб келиш осонликча кечгани йўқ. Бу қанчадан-қанча қилинган меҳнат ва машаққатлар эвазига берилган мукофотдир. Юртимизда истиқлол қуёши нур сочиб турибди. Шу кунлардан баҳра олиб юришлик узоқ йиллар ҳаммамизга насиб этсин.

Ярим асрдан бўён йўлдош бўлган турмуш ўртоғи билан 8 нафар фарзанд ўстириб, уйлаб-жойлаган, 40 дан ортиқ невара-чеварапарнинг қуршовида қарилек гаштини суроётган, бугунги кунидан баҳтиёр эканини қувониб сўзлаётган бу мўйсафид билан хайрлашиб чиқар эканмиз, хаёл яқин ўтмиш хотираларини эсга солди:

«Савой» совхози энди совхоз-техникумга айланди, профсоюз раҳбари сифатида қандай ёрдам бероласиз? — дея сўралганди, — «Буни фақат директор ҳал қиласди. Биз «ҳа» ёки «йўқ» дея оламиз холос. Ҳе, қуруқ амалидан ўргилдим... кечирасиз ука» — деб жавоб берган эди ўшанда Бўлиш ака.

Б. Қўзиев 1928 йили Жалақудуқ туманининг Фозичек қишлоғида туғилган. 7-синфни битиргач колхозда меҳнат қилди. 1946—1949 йилларда дала бригадири, 1949—1954 йилларда туман комсомол комитетида бўлим мудири. Шу орада партия сафига қабул қилинди ва 1963 йилгacha колхоз партия қўмитасининг котиби вазифасида ишлади. Колхоз «Савой» таркибига 7-бўлим бўлиб қўшилгач яна 10 йил бўлим партия



ташкilotини бошқарди, ҳамда агрономлик қилди. Бу вақт ичида Наманган қишлоқ хўжалик техникумida ўқиб агрономлик мутахассислигини олди. 1974 йилда совхоз ишчилари касаба союз комитетининг раислигига сайланди. 1979—1981 йилларда 7-бўлим гидротехники (мироби) бўлиб ишлади. 1988 йилдан бўён нафақада.

Б. Кўзиев қайси соҳада ишламасин ўзига бириткирилган ишга масъулият билан қарар эди. Айниқса, ободонлаштириш, қишлоқларни электрлаштириш, газлаштиришда, ёш кадрларни тарбиялашда, кекса ва ногиронларга мурувват кўрсатишида ўз кучини аямас, бу борада юқори ташкilot раҳбарлари билан «дипломатия» си иш бермаса «ёқалашиб» ҳам кетарди. У халқ учун курашиб, халқ учун яшади.

Кексайганда истиқболдан иқбол топган Бўлиш aka Кўзиевга узок умр, оиласига фаровонлик тилаймиз.

СУВ ЕТАКЛАГАН ЕТАР МУРОДГА

Кундаликда шундай битилган эди: «Отамизнинг юрти асли Қўқон бўлган экан. 1915 йилда Дардоқقا келиб машхур Абдураҳмон бойнинг қўлида хизмат қиласди. 1927 йилда ер ислоҳоти ўтказилганда отамизга ҳам уч таноб ер теккан экан. Ўша кезда отам пахта тозалаш заводига қарашли Дардоқ пахта қабул қилиш пунктида карвонбошилик қиласди, шу сабаб у кишининг деҳқончилик билан шуғулланишга вақтлари бўлмасди.

Баҳор эрта келиб ерлар тез етилди. Экинларни вақтида экиб олиш зарур. Ана шу ўй билан шу қишлоқлик Нишонбой Ашурев деган кимсага ерини чоракорликка берадилар. Ўшанда отамиз бу иши ўз бошига бало бўлишини билмаган эди. Чунки кўп ўтмай шўро тузумининг одамни қора қилиш, ёмонотлиқ қилиш, камситиш, хўрлаш воситаси аталган, ўша даврнинг синалган тамғаси бўлган айб қўйилди — «Киши кучидан фойдаланган! Ери тортиб олиниб, ўзи кулоқ қилинсин!».

Бу отамизга руҳий зарба бўлди чоғи кўп ўтмай оғириб ётиб қолди ва орадан бир йил ўтказиб, 1931 йилда вафот этди. Мен ёлғиз онам билан қолдим. Онамнинг ҳам мендан бошқа ҳеч кими йўқ эди».

Отадан ўн икки ёшида етим қолган Райимжонни тақдир ана шундай «сийлади». Хонадон паноҳсиз, ерсиз, ишсиз қолган она-бола колхозга ишга киришди. Бир-бирига суюнчиқ бўлишди, бир-бирига елкадош бўлишди. Орадан яна йиллар ўтди. Райимжоннинг бўйи чўзилди. Энди унчамунча оғир ишларни онасининг кўмагисиз ўзи бажариб қўя қоладиган бўлди. Мактабда ўқиди, саводини чиқарди. Балофатга етгач сув хўжалиги соҳасидаги маҳсус курсда таҳсил кўрди. Уни ҳаёт чархлади. У сув илмини ўрганди. Айниқса вилоятнинг шимолий тоголди ҳудуди саналган Ойим, Дардоқ каби қадим заминларда сув билан «ишламоқ», баъзи баъзизида, хусусан баҳор кезлари олишмоқقا ҳам тўғри келарди. Чунки тез-тез тошқинлар бўлиб турарди, асов тўлқинлар дуч келган жойдан ўзан солар, асов от сингари тизгин чилвирини қўлга маҳкам олмасант, тўғри келган томонга уриб кетарди. Ана шунда мироб кўзчил бўлсагина сувни жиловлай олади.

Райимжон кўзчил эди. У қаердан ўзан солиш, қаердан янги ариқ ковлатиш керагу, қай жойдан канал қаздириш зарурлигини яхши биларди. Бугун Ойим, Дардоқ ҳудудларидағи каналлару зовурларнинг кўпини Райимжон Фанижонов бош-қош бўлиб ковлаттирган.

Лекин бу ишларнинг бари аро йўлда қолиб кетди. Уруш бошланди. Ўшанда Райимжон Ойим район сув хўжалиги бошқармасида бошлиқ вазифасида ишларди. Урушга шу ердан кетди ва беш йил фронтда умри ўтди.

Урушдан сўнг Райимжон Фанижонов яна ўз ишини давом эттириди. Ойим район сув хўжалиги бошқармасининг Дардоқ участкасида гидротехник вазифасида ишлади. Бугун қишлоқнинг нуроний кишилари Жакбарали Алимбоев, Обиджон Эргашевларнинг хотирлашларича, Райимжон ака ерларнинг захини қочириш, янги ариқлар чиқаришда катта хизматлар қилган. Хусусан ёпиқ дренажлар шу инсоннинг ақли, ташаббуси билан яратилган. Урушдан кейинги йилларда, ҳатто эллигинчи ва олтмишинчи йилларда ҳам муқаммал техникалар етишмас, деярли барча ишлар қўлда бажариларди. Одамлар кетмону белкураклар билан зовурлар қазишган, янги ерларни ўзлаштирган, тўқайзорлар ўрнида паҳта майдонлари барпо этишган. Албатта, бунингдек бунёдкорлик ишларида Райимжон Фанижоновнинг хизматлари бисёрdir. Бир пайтлар отасининг вафотидан сўнг онаси билан мусоғир юртларда ёлғизланиб қолган бола шу заминда томир отди. Рафиқаси билан биргаликда ўн нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Бугун уларнинг ҳаммаси ота-оналарининг руҳини шод этган ҳолда эл-юрт хизматига камарбаста бўлиб юрибдилар. Зоро, шоирлар ёзганларидек:

*Ўксимасин ҳаёт бу излари қолар,
Дилни ардоқлаган сўзлари қолар.
Улгурмаган ишни адo этгали,
Навқирон ўғилу қизлари қолар.*

ТИНИМ БИЛМАС ИНСОН

Кишин-ёзин яшилликка бурканган боғу-роғлар, гулзорларнинг чаман бўлиб туриши, кенг, равон кўчалар ҳамда хиёбонларнинг озодалиги шаҳарга келаётган беҳисоб меҳмонларни ўзига ром этишда Солижон Меҳмоновнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Солижон Меҳмонов тинибтинчимас, талабчан ва ташаббускор инсон эди. У шаҳар озодалигини, гулзор ва кўкаламзорларни сақлаш учун жон-жаҳди билан курашар, йўл ва хиёбонларга чиқиндиларни ташламасликни, гулларни узмасликни шиор қилди ва уни амалга тадбиқ этиб, одамларни мана шунга ўргатди.

Унинг қўли тегмаган дарахт йўқ бўлиб, бирорта кўчатнинг синганини кўрса, ўз фарзанди шикаст тортганидек юрак-юракдан ачинар эди...

Солижон 1941 йили Украинадан кўчирилган «Трандубитель» заводида ўз иш фаолиятини кўмир ташувчиликдан бошлади. Шу ердан фронтга кетди. Урушдан сўнг яна шу корхонага қайтди. У ўз ҳаётини шу завод ҳаёти билан боғлади. Заводни такомиллаштириш ва ишлаб чиқарилаётган хом-ашёлар сифатини яхшилаш. Ишчиларнинг турмушини яхшилаш чора-тадбирларида қатнашди.

У одил ва ҳалол, ҳамма билан тил топиша оладиган ва айни пайтда ташаббускор инсон бўлган. Солижон Меҳмонов Хонтоғ адири устига насослар ёрдамида сув чиқариб, дарахтлар экдириб, ажойиб дам олиш масканини яратди. Буни хонободликлар жуда яхши билади. 1972 йилда Хонобод қишлоғига шаҳар маҳоми берилиб, Солижон ака шаҳар ижроия комитети раислигига сайланди.

— Ишнинг кўзини биладиган, серғайрат инсон эди, — деб хотирлайди, собиқ раис ўринбосари, ҳозир Хонобод шаҳар касб-хунар коллежининг директори бўлиб ишлаёт-



ган Омаджон Ўринбоев. — Мен Солижон ака билан 18 йил бирга ишладим. Шаҳар бош архитектори вазифасида ишлар эканман ундан кўп инсоний фазилатларни ўргандим. У фидойи инсон эди. У узоқ жойлардан оққайин, Сибир қарагайи кўчатларини, Украинадан қизил рябина дараҳтини, Америка липа дараҳтини ва бошқа ўндан ортиқ доимий яшил бўлиб турадиган дараҳт ва буталарни олдириб келиб Хонобод иқлимига мослаштириди. Академик Маҳмуд Мирзазев билан ҳамкор бўлиб, ботаника илмий текшириш олийгоҳини илмий ходими билан биргаликда олиб келинган дараҳтларни иқлимлаштириди. Узоқ йиллар олиб борган самарали ишлар туфайли бу гўша курорт шаҳарга айланди. Солижон Меҳмонов ҳаётни севган, ҳамиша гўзалликни суввчи инсон эди. Унинг порлоқ хотираси қалбларимиздан ўчмайди.

Муҳтарам китобхон, Сиз авлодларга ўзидан боғ қолдирган инсоннинг меҳнат фаолиятидан бир оз бўлсада хабар топдингиз. Энди бир шингил таржимаи ҳоли:

Солижон Меҳмонов 1924 йилнинг 14 октябрида Хонобод қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган, шу ерда ўқиган.

У 1996 йили 72 ёшида оламдан ўтди. С. Меҳмоновнинг зурриётлари Қаҳрамон, Татьяна, Алишер ва Светланалар ҳаётда ўз йўлларини топиб олганлар. Масалан, Қаҳрамон Меҳмонов ота асос соглан шаҳар бобини янада обод, кўркам қилиш билан банд.

Хонобод шаҳрининг сўлим кўчаларидан бири Солижон Меҳмонов номи билан юритилади.

ТАБИАТ ОШИФИ

Ваҳобжон Эргашев 1935 йили Андижон вилояти Қўрғонтепа туманига қарашли Хонобод қишлоғида таваллуд топди. 1953 йили 10-синфини тугатиб. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлар институтининг гидромелиорациялаш факультетига кириб, 1958 йили инженер-гидротехник деган мутахассисликка эга бўлди.

У меҳнат фаолиятини Андижон вилояти сув хўжалиги бошқармасига қарашли Тешиктош гидроузелининг қурилишидан бошлади. Ёш Ваҳобжон ўзининг меҳнатсеварлиги ва билим салоҳияти билан тез орада кўзга кўриниб қолди. 1958 йили Кампиробод гидроузелига раҳбар этиб тайинланди. У ҳозирга қадар шу лавозимда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ваҳобжон ўзига топширилган вазифани сидқидилдан, бажариши натижасида шу тизим бўйича катта ҳурмат-эътиборга эга бўлди. Унинг меҳнатларини давлат муносиб тақдирлади. 1966 йилда орден, 1977 йили «Ўзбекистон Сув хўжалиги аълочиси» нишони, 1989 йили «Меҳнат ветерани» медали билан мукофотланди. Бу орада сув иншоотларини қуриш ва қайта тъммирлаш ҳамда ободонлаштириш бўйича бир неча борғолиблиқ ўринларини қўлга киритди.

Ваҳобжон устозлари Нўймонжон Абдулазизов, Борис Усмонов, Миркомил Фозибеков, Мамасидик Тошматов, Маматкул бува Нишонов, Ҳабибулло Қаюмовларни чукур ҳурмат билан эста олар экан, улардан касб-сирларини ўрганиш билан бирга, одамийлик, қалби кенглик ва саховатпешалик каби инсоний фазилатларни ҳам ўргангандигини фарҳ билан эслайди. Айни вақтда Исмоилжон Умаров, Жунайдилло Абдуқаюмов каби шогирдлари борлигидан ҳақли равишда фуурланади.

Шогирди Исмоилжон устози ҳақида сўз юритиб, унинг ҳамма вақт одамларга яхшилик қилиш фикри билан умр



ўтказиб келаётганилиги, ўзи билан бирга ишлаб нафақага чиққан ёхуд оламдан ўтган ишчилар, хотирасини ёддан чиқармаслигини, уларнинг оиласига маънавий ва моддий ёрдам бериб, меҳр ва мурувват кўрсатиб келаётганини гапирди.

Агар Ҳонобод шаҳрини хилма-хил дараҳт ва гуллар билан яшил шаҳарга айлантиришда Солижон Меҳмоновнинг меҳнати ётса, Кампиробод сув тақсимлаш иншоотини обод қилишда, яшил ҳудудга айлантиришда Ваҳобжон аканинг меҳнати катта.

— У ўз соҳасини шу қадар эгаллаганки, — деб устози ҳақидаги фикрини якунлади Исмоилжон, — каналдаги сувни ўлчамасдан, неча куб сув оқиб ўтаётганилигини айтиб беради. Буни текшириб кўриш учун сувни маҳсус асбоблар ёрдамида ўлчаганимизда амин бўлганмиз, ҳайратда қолганимиз.

Тополино марказидаги Йўлдош ота Тўхтахўжаев номидаги чойхона биносининг тубдан яхшиланиши Ваҳобжон номи билан боғлиқdir. У беш гектар атрофидаги шағалли яланг ерда 32 хил манзарали дараҳт ва турли хил гуллар экиб кичик бир «Эрам боғи»га айлантириди. Ҳиндистон печаги (илҳом гул) ҳам ластаввал Ваҳобжон боғида гул кўрсатди. Чет мамлакатлардан, жумладан Саудия Арабистони, Франция, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Япония каби қатор давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар бу бўстонга ҳавас билан қарайдилар.

Ҳа Ваҳобжон элининг, юртининг ободлиги йўлида узоқ йиллар умр кўриб меҳнат қилишини ҳамда оиласига баҳтили ҳаёт кечиришини тилаб қоламиз.

АСКИЯМИЗ АКАДЕМИГИ ЭДИ

Қадимий Қорасув қишлоғининг Дунг кўча маҳалласидаги Муҳаммад Юнус Охунжонов хонадонида 1918 йилнинг куз фаслида учинчи ўғил туғилди. Унга яхши ният билан Абдулҳай деб исм кўйдилар.

Бироқ чақалоқ 15 ойлигига дейбонаси Комила опа оламдан ўтиб, катта бувиси Ўғилхон отинбуви ва бобоси Қозоқбой ҳожи қўлида қолди. 16 ёшга қадам қўйганида эса отасидан ҳам ажралди. (Отаси бой-бадавлат хонадон соҳиби сифатида қулоқ қилиниб, Россиянинг совуқ ўлкаларига бадарға қилинган эди. У 1943 йили ўша ёқларда вафот этади.)

Абдулҳай иш фаолиятини 1934—1940 йиллар давомида «Пахтачи» жамоа хўжалигига табелчиликдан бошлайди. Ўша йилларда туман марказида Юсуф қори Солиев раҳбарлигига ташкил топган театрда Абдуллажон Ҳакимов, Насриддин Мамажонов, Мўчан Тошматов, Боймирза Хўжамбердиев, Майрамқиз Муҳаммедова, Тўхтахон Баротова, Пўпашхон Каримова, Озодаҳон Зухриддинова, Саодатхон Сотвoldиева, Назиржон Акбаров, Тоштемир Мирзахоловлар фаолият кўрсатар эдилар. Санъатга иштиёқи баланд бўлган Абдулҳай улар сафига қўшилди. 1939 йилда катта Фарғона канали қурилишида ушбу театр томонидан кўрсатилган томоншаларда фаол иштирок этди. Театрда шоир Адҳам Ҳамдам адабий эмакдош бўлиб ишлай бошлагач, театрнинг ижодий фаолияти янада кучайди.

1942—1945 йиллар Абдулҳай Янгийўл шаҳридаги қанд заводида ишлади. Кейин она юртига қайтиб, яна театрда 1947 йилгача фаолиятини давом эттириди. 1948 йилдан 1959 йилгача қишлоқ кенгашида котиблик вазифасида ишлади. 1-ўрта мактабнинг кечки синфида ўқиб, ўрта маълумотга эга бўлади. Ана шундан кейинги йилларда Абдулҳай маҳ-



сумнинг асқия санъати билан боғланган асосий фаолияти бошланиб кетди.

Абдулҳай маҳсум Қозоқовнинг ўзи эътироф этишича, у 35 йил давомида устозлардан асқия сирларини ўрганган. Ундаги сўзга чечанликни кўрган отаси Абдулҳайни 8 ёшида Қорасувнинг таниқли асқиячиси Ҳошимжон Нормат ўғлига шогирдликка берган эди. Кейин у Юнусохун Бойматов, Юсуфкори Солиев ва қарийб чорак аср давомида эса асосий устози Мамажон ота Мадаминовдан асқиячилик сирларини ўрганган. Улар нутқдонликда, ҳар бир сўзни ўрнига садафдай териб, лутф этишда олдиларига тушадиган одам топилмасди. Абдулҳай маҳсум Қозоқовнинг асқия санъатига қизиқишига Катта Фарғона канали қурилишида Усмон ота Юсуповнинг, кейинчалик эса улуғ инсонлар Шароф Рашидов ва Обид Содиқовларнинг назарига тушиши, кўпгина алломалар, адиблар, олиму-фозилларнинг юбилей кечаларида иштирок этиши катта туртки берди. Расул Муҳаммадиевнинг асқия санъати бўйича диссертация ёқлаши ўзбек асқиячиларига, хусусан Абдулҳай маҳсум Қозоқовга қанот боғлади. Ниҳоят 1967 йили 17 августда Тошкентда ўтказилган республика асқия кечасида ўзбек асқияси санъатнинг чинакам бир тури эканлиги тан олиниб, Қорасувнинг деҳқон боласи ушбу санъатнинг дарғаларидан бири деб эътироф этилди. 1988 йили 31 июл ва биринчи август кунлари Тошкентдаги Пушкин номли боғда бўлиб ўтган «Асқия кечаси» да унинг мартабаси янада ортиб кетди. Қорасув асқия мактабининг дарғасига кечага йиғилган барча кишилар тан бердилар. Ўша унutilmas «Асқия кечаси» дан бошланган овоза республика бўйлаб қанот қоқа бошлади, туманлар, вилоятлар, ҳатто Тошкентда ўтказиладиган барча тантаналар асқиясиз ўтмайдиган бўлиб кетди.

1997 йилнинг 23 августида Қорасув шаҳри марказида вилоят ҳокимининг қарорига кўра ўткир сўз устаси, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» Абдулҳай маҳсум Қозоқовнинг 75 ёши тантанали равишда нишонланди. Ушбу тантанага Фарғона водийсининг барча асқиячилари, асқия шинавандалари, раҳбарлар, адабиёт ва санъат намояндлари ташриф буюрдилар. Юбилей тантанаси шу қадар завқли ўтдики, эрталабдан бошланган байрамона рух ва

шодиёналар кеч оқшомгача давом этди. Абдулҳай махсум Қозоқовга шу кеча «Фахрий ёрлиқ» ҳамда «ТИКО» автомобилининг калити топширилди.

Абдулҳай махсум Қозоқов 1998 йилда вафот этди. Асли узбек миллый асия санъатининг меъмори — академиги бўлган эди. Унинг республикамиз санъатининг олтин фондига киритилган сон саноқсиз асиялари ва унунтасаси пайровлари билан шогирдлари, муҳлислари ва фарзандлари дилида мангу қолди,

Абдулҳай махсум оиласидаги ҳаётда ҳам пиру-бадавлат хонадон соҳиби эди. У тўрт ўғил, тўрт қизни тарбиялаб вояга етказган. Катта ўғиллари Нурмуҳаммад умумий овқатланиш корхонасида ишлаб оламдан ўтди, қолган фарзандлари — Фазилатхон — ўқитувчи, Нурилло — иқтисодчи, Охунжон — савдогар, Нурхон — тарбиячи сифатида эл-юртга хизмат қилмоқдалар.

УМР СУВДЕК ОҚАДИР



Дейдиларки, кишининг кўрки — юз, юзнинг кўрки — кўз, тилнинг кўрки — сўз. Улар ҳаммаси ўзаро бирлашгандагина гўзал инсон қиёфаси вужудга келади. Нур ёғилиб турган инсоннинг юзи ва кўзидан унинг ички дунёсини, сийратини ҳам билиш мумкин. Кўксини безаб турган 17 нишон унинг шижаатидан дарак, умр зарваракларидан ёднома эмасми?!

Маликжон Ашурев (1922—

2002) Наманганнинг Чортогида туғилган. Ота-онаси бутун умрини меҳнатга, бола тарбиясига бахшида этганлар. Ёш Маликжон 30-йилларнинг очлик, йўқсизлик буҳронларидан, иккинчи жаҳон урушининг ажал сиртмоқларидан омон қолиб, сермазмун ҳаётни бошидан кечирди. Тақдир унга Катта Фарғона каналини қазишни, Тошкент Ирригация техникумida ўқиши насиб этган экан. 1943 йил январидан 1946 йил декабргача ҳарбий хизматда бўлди.

М. Ашурев авлодларига ўзининг босиб ўтган ҳаётий йўлини ҳикоя қилиб, эсдалик китоби яратмоқчи бўлгандир, ҳар қалай, архивда сакланётган катта умумий дафтари нинг I саҳифасига қўйидагиларни битган: «Мен, Ашурев Маликжон... баъзи бир эсда қолган воқёаларни бироз эслаб, ушбу эсдаликни ёзишга қарор қилдим. З май 1999 йил».

«Эсдалик дафтари» дан олинган бир неча сатрлар бу заҳматкаш инсоннинг иш фаолиятини, англашга ёрдам беради.

«Украинада жанглар. Бир қудуқ ёнидаги янги этик ҳодисаси.

«Мен противотанковой мина устида ётгандим. Ўрмон ёнидаги пишган буғдойзорларда 30—35 киши кўриниши, бизнемис деб ўқ узганимиз, улар «отманглар» деб бақиришди, қарасак асирга тушган аскарлар қочиб биз томонга келаётган эканлар....»

Минг афсуски, дафтар тугалланмаган.

М. Ашурев Украина, Польша, Германия, Венгрия, Чехославакия йўлларида қон кечиб жанг қилди, ярадор бўлди, ғалаба кунини Прагада нишонлади. Хизматдан қайтгач ўқишини тугатиб Янги Кўргон, Косонсой, Чорток, Қорадарё суғориш шахобчалари бошқармаси, Тўрақўргон сув хўжаликларида турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди.

Катта тажрибага эга бўлган, сув билан тиллаша оладиган М. Ашурев 1964 йили юқори ташкилотларнинг тавсияси билан Қорадарёнинг Фарғона водийсига кираверишида жойлашган Кўргонтепа туманига сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлиб келди ва умрининг охиригича ўз касбини улуғлаб шу ерда яшади, қадр топди.

Хозирда туман қишлоқ ва сув хўжалиги Бошқармаси жойлашган икки қаватли муҳташам бинонинг қад кўтариши, Кампиробод сув омбори-ю, ўнлаб канал, дренаж, тўғон ва бошқа гидромелиорацияга тааллуқли қурилиш шахобчаларининг пайдо бўлишида М. Ашуревнинг муносиб ҳиссаси бор.

Қадрдонлари эслайдилар:

— М. Ашурев сув ишининг профессори эди, — дейди сафдошларидан бири Акбарали Ҳайдаров, — 1 гектар ер майдонига суғориш мавсумида 7 — 8 минг куб сув кетади, шуни ҳисобга олиб иш тутиш керак, — дер эди у. Ҳамма хўжаликларнинг ер майдонларини, мелиоратив ҳолатини кунлик об-ҳаво маълумотларини, тоғдаги сув заҳираларини ҳисобга олиб, дафтарига ёзиб юрарди.

У киши меҳнатдан чарчаган дамларда маданий ҳордиқ чиқаришни ҳам билар эди. Эсимда: сой соҳилида ўтириб «ичак узди» дан ҳосил бўлган кўз ёшларни артди-ю, бирдан шовуллаб оқаётган сувга қараб «Ҳа оғайнилар, ҳаёт яхши-ю, лекин умр мана шу сувдек оқиб кетади», деган эди.

— Дадам шириңсўз, оиласпарвар, болажон инсон эди, — деб хотирлайди туман ҳокимининг муовини Иқболхон Исмоилова, — у киши қайнонам Чиннихон билан тотув оила қуриб 8 нафар фарзанд ўстирганлар ва барчасини ўқитиб ҳаётдан ўзларига муносиб ўрин топишларига шароит яратганлар. Уларнинг ҳаёт йўли биз учун ибратдир.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ



Кўргонтепада Абобакир ҳожи ота Сатторовни билмайдиган одам кам бўлса керак. Бугунги кунда 80 ёшдан ошган отахон эл-юрт корига ярайдиган фарзандлар тарбиялади. Қарилик гаштини сурадиган ёшга етса ҳам ҳали ижтимоий меҳнатдаги фаолиятини давом эттираётган кексалардан ҳисобланади. Чунки у ёшлигига, тўғрироғи болалигидан фаол меҳнат қилишга одатланган кишилардан.

Абобакир Сатторов 1923 йилда Кўргонтепа қишлоғидаги боғбон оиласида таваллуд топди. Унинг болалиги ҳам ўша даврдаги тенгқурлари қатори ўқиш ва меҳнат қилиш билан ўтди. 1930—1933 йилларида мактабда бошланғич таълим олган Абобакир боғбон отасининг ёнига кириб, унга деҳқончилик ишларида ёрдам бера бошлади. Кейинчалик колхоз раҳбарлари уни табелчиликка ўтказиб қўйишиди. Энди у ғўза чопиш, уни сугориш, боғ ишларида отасига қарашиш билан бирга табелчилик ҳам қила бошлади.

1942 йилнинг 9 июнида 19 ёшга тўлган Абобакир урушга кетди. Ҳарбий хизматни Россиянинг Пенза вилоятида ўрмон ҳарбий қисмida бошлади.

«Қамалда бўлган Ленинград учун бўлган жангларнинг бирида, чап қўлимдан жароҳатланиб, госпиталга тушиб қолдим,— деб хотирлайди Абобакир ҳожи ота.— Дастрраб Чеченистоннинг Моздок шаҳрида, кейинчалик Тбилисидаги госпиталга узоқ даволанишлардан кейин мени туманимиз ҳарбий комиссарияти ихтиёрига юборишиди. Бу ердаги қайтақайта текширувлардан кейин мени ногирон сифатида ҳарбий хизматдан озод этишди».

Абобакир колхоз ишларида фаол қатнаша бошлади. 1949 йилгача табелчилик қилди. Ўша йили ўрта мактабга ўқишга бориб, 1951 йилда ўнинчи синфни битирди шундан сўнг жамоа хўжалиги йўлланмаси билан Андижондаги бухгал-

терлар тайёrlаш курсида 8 ой ўқиб келиб, хўжаликда чорвачилик бухгалтери бўлиб ишлай бошлади.

1955 йилда Абобакир ака Сатторовнинг ҳаётида туб бурилиш рўй берди — у савдо соҳасига ишга ўтди. У қишлоқда яшаганилиги боис кундалик эҳтиёж моллари нималар эканлигини яхши билар ва ўзи ишлаган дўконда аҳоли учун зарур бўладиган барча молларни муҳайё қилиб қўйишга эришарди.

Абобакир аканинг савдо ишидаги 32 йиллик фаолиятидан кейинги ўн йилини давлат таъминот омбори мудири бўлиб ишлаган даври ташкил этади. Шу давр ичida у қасалхоналар, болалар боғчалари ва мактаб ошхоналарига озиқовқат маҳсулотлари етказиб бериш тизимининг самарали ва намунали ишлашини таъминлadi.

— Учинчи ўғлим Абдусалом 1987 йили матлубот жамияти раисининг савдо ишлари бўйича ўринбосари лавозимига ишга ўтгач, савдо ишидан кетишга қарор қилдим, — деб ҳикоя қиласиди Абобакир ота. — Тўғри, савдода тажрибам етарли бўлганлиги сабабли кўнгилдагидек ишлашим, ўзимга ҳам, ўғлимга ҳам гард юқтирумаслигим мумкин эди. Бироқ, айрим истиҳолаларга бориб, бу соҳадан кетишга қарор қилганман.

А. Сатторов савдодаги фаолиятини тўхтатгач, ҳозирги Рашидов номли ширкат хўжалиги худудидан 1 гектар ер олиб, Фарғона вилоятининг Куватуманидан анор кўчатлари келтириб боғ яратди. Бугунги кунда унинг 2 гектарга етказилган боғидаги анор, олма, нок, шафтоли каби сархил мевалар ҳосили туманда ўтказиладиган тадбирларда дастурхонга тортилади.

Пири бадавлат отахоннинг етти паҳлавон ўғли халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қиласиди — катта ўғли Абдуқаҳҳор савдонинг хусусий тармоғида, Абдусалом, Абдумалик, Абдуманноблар эса жамоат савдосида ишлайди, Абдужаббор давлат ташкилотларидан бирида бош ҳисобчи, Абдуҳалим «Дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятида таъминотчи, Камолиддин эса туман Давлат солиқ инспекциясида назоратчи бўлиб ишламоқдалар. Уч нафар қизлари эса уй бекалари. Отахон бугунги кунда 44 невара, 33 чеваранинг суюкли бобоси.

ОНА-ЕР ФАРЗАНДИ



ХХ асрга назар ташласак ўлкамиз, хусусан, Андижон вилояти заминида юзлаб, минглаб илм деб, юртим деб ёниб яшаган, жўшиб ишлаган ёки ишлаётган ажойиб инсонларни кўз олдимиизга келтирамиз. Ана, мамлакат минбаридан туриб Пўлат Қаюмов, Мадамин Ҳасанов, Исмоилжон Курбонов, Солижон Мамарасуловлар оташин нутқ сўзламоқдалар... Сўлим соҳилларда лирик лавҳалар ижод этмоқдалар Саида Зуннунова, Хошимжон Раззоқов, Улфатий, Яшин, Турсуной Содиқова... Бобомиз Амир Темурнинг салобатли бўй-бастини тарихий сўзлар билан намойиш этмоқда Бўрибай Аҳмедов. Ана, Ҳалима Носирова, Соибжон Хўжаев, Фуломжон Ҳожикулов, Аббос Бакиров, Шерали Жўраевлар юртини куйлаб, ютуқлардан суюниб юрибдилар...

Юқорида исми шарифлари зикр этилган улуф инсонларнинг айримларининг табаррук излари Қўргонтепамиизда абадий қолган.

Ушбу лавҳада номини тилга олмоқчи бўлган инсон Исмоилжон Курбонов ана шу улуғлар сафининг садафларидан биридир. У 1931 йилда Қўргонтепанинг энг сўлим жойлардан бири бўлмиш Андижон сойи бўйида, деҳқон оиласида дунёга келган. Ҳа, деҳқон эди унинг аждоди, унинг қонида бор эди деҳқончилик, ерга меҳр. Оддий кетмончиликдан Қишлоқ хўжалиги вазири лавозимигача кўтарилиган инсоннинг ҳаётий фаолиятини ифодалаш осон эмас.

Исмоилжоннинг дадаси (уни тенгқурлари Қувонбой деб аташар эди) 1937—1951 йилларда колхозга раис бўлган, онаси Мастон буви колхозда ишлаб суюги қотган. Улар 3 ўғил, 4 қизни вояга етказдилар, тарбия бердилар, яхши одамлар сафига қўшдилар ва камолини кўрдилар.

Оилада Исмоилжон тўнгич эди. У мактаб, техникум, олий таълим даргоҳларида таҳсил кўриб, агрономлик мута-

хассислигига эга бўлди. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий унвонини олди.

Кексалик гаштини суреб умргузаронлик қилаётган И. Курбонов ўзи босиб ўтган ҳаётий йўлни камтарона баён этади:

— 1948 йилда Андижон қишлоқ хўжалиги техникумини битириб, ҳозирги Қорасувда кичик агроном вазифасида иш фаолиятимни бошлаганман.

— 1949—54 йиллари Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида ўқидим. Сўнгра, Қўрғонтепа МТС ва инспекция агрономи, Ёрқишлоқда колхоз раиси, «Ойим» совхози директори, Андижон вилоят партия комитетида қишлоқ хўжалиги бўлим мудири, Хўжаободда биринчи котиб, Андижон вилоят партия комитети котиби, Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг раиси ўринбосари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазири, Андижон дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш Бошқармаси, вилоят Агросаноат бошқармаси раиси лавозимларида ишладим. Икки марта Олий Кенгаш депутатлигига сайланганман... И. Курбонов орден, кўплаб медал ва фахрий ёрлиқларига сазовор бўлган.

У қаерда ва қандай лавозимларда ишламасин вазифасига масъулият билан қаради. Ишнинг кўзини билганлиги, энг муҳими, ташкилотчилиги ва одамлар қалбига йўл топа олиш қобилиятига эга эканлиги ҳалқнинг эъзозига сазовор қилди.

— Исмоилжон акани ўзимнинг деҳқончиликдаги устозим, деб қадрлайман, — дейди бир вақтлар Қўрғонтепа, Хўжаобод туманларига раҳбарлик қилган Деҳқонбой Абдураззоқов.— У ўзига ва қўл остида ишловчиларга ўта талабчан раҳбар бўлган.

— Курбонов давраларга файз киритади, сермаъно гаплари, билимдонлиги билан сұхбатдошларини ўзига жалб этади, — дейди тарихчи Баҳодир Турдиев.

— Акам ота-онамизни жуда ҳурмат қиласди, — дейди И. Курбоновнинг укаси, ҳозирда Қўрғонтепа туман уруғчилик инспекциянинг бошлиғи М. Курбонов. — 1982 йилда отам ҳам, онам ҳам бирин кетин оламдан ўтганларida ўқириб-ўкириб йиғлаганини кўрганман. Ҳозир бизга отадек насиҳатгўй, сингилларига меҳрибон...

Ана шундай ота-онага, ука-сингилларига эътиборли бўлган И. Қурбонов рафиқаси Қимматхон опа билан биргаликда 3 ўғил, 2 қизни ўстириб уларга тарбия бердилар. Муқимжон нафақада; Замирахон шифохона бош врачи; Алишер вилоят дон-уруғчилик бўйими бошлиғи; Улуғбек вилоят божхонасида ишламоқда; кенжা қизи Гулмира — ўқитувчи.

Пиру бадавлат оиласда 15 невара, 2 чевара баҳтли ҳаёт кечирмокда. Баҳтиёр фарзандлари, бирга ишлаган ҳамкаслари, сафдошлари, шогирдлари Исмоилжон отага узоқ умр, саломатлик тилайдилар.

ОЙЗОДАНИНГ ОЙДИН ЙҮЛИ

1928 йил июн ойида Хўжабондининг Қорабулоқ қишлоғида таваллуд топган Ойзода Тўланова оиласи ягона фарзанд бўлган. Отаси оддий колхозчи, онаси эса уй бекаси эди. Ойзодахон ёшлигидан қийинчиликларга бардош беришга, меҳнатдан қочмасликка ўрганди.

Ота-онаси билан Қўрғонтепа туманидаги «Савой» совхозига кўчиб келишган. Қайnotаси Усмон ота чўпон бўлиб, совхознинг қўйларини боқар эди. Ёш келинчак оила муҳитига тезда кўнишиб кетди. Уй ишларидан ортиб, қайnotасига ҳам ёрдам беришга улгурадар эди. 1957 йили Ойзода опа «Савой» совхозининг 6-бўлимидаги қорамолчилик фермасига сут соғувчи бўлиб ишга киради. Ўша пайтда моллар очиқ далада боқилар, соғувчилар саҳарда туриб, узоқ йўл босишиб, далага бориб сигир соғишиб келар эди. Техника хали ривожланмаган, сигирлар қўлда соғиларди. Ўзига бириктирилган 22 бош сигирни Ойзода ўз фарзандидай парвариш қиласи, уларнинг ҳар бирига ном қўйиб, улар билан тиллашар эди.

Ойзода опа «сигирнинг сути тилида» деган иборага амал қилиб, сигирларга меҳр қўйган эди. Тез орада ҳар бир бош қорамолдан йилига 2800 литрдан сут соғиб олишга эришиб, илгорлар сафидан ўрин олади. Давлатга сут топшириш режасини икки беш йилликни бир беш йилликда бажарганликлари учун 1971 йили Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлди. Меҳнатда эришган ютуқлари учун съезд ва қурултойларга делегат этиб сайланганди.

Ойзода опа 1973 йили вилоят кенгаши депутатлигига сайланади. Ва шу билан биргаликда суд маслаҳатчиси бўлиб ҳам фаолият кўрсатади. Унинг ёрдамлари билан «Савой»



хўжалигида болалар боғчаси ва мактаб ишга туширилади. Ойзода опа халқини, элини деб ўз тинчлигидан воз кечган, бағри кенг инсон эди. Жамоат ишларида жуда фаол бўлганлар. Нафақага чиққач ҳам ўн йилдан ортиқ меҳнат қилди.

1992 йили турмуш ўртоғи Мамат ота вафот этди. Болала-ри тарбияси билан шуғулланишни Ойзода опа ўзига шараф деб билди. Фарзандларининг бирлари ўқитувчи, бирлари тадбиркор, бирлари фермер бўлиб бугунги кунда элга хизмат қўймоқдалар.

ЭЛ БИЛАН ҲАМНАФАС ИНСОН

Очиқ юзли одамнинг ички дунёси, қалби, сийрати ҳам гўзал бўлади.

Бундай одамлар бировга яхшилик қилишни ўзларига одат, фарз қилиб оладилар. Ана шундай олижаноб инсонлардан бири Нўймонжон ака Эшбоевдир.

1926 йили у Султонободда деҳқон оиласида дунёга келган. Унинг болалиги шу қишлоқда ўтди.

Уруш даврида қишлоқ халқининг бошига тушган жабру жафоларни у ҳам бошидан кечирди. Меҳнат билан улғайди, қаноат қилди, чидади, билим олишга қизиқди. У биринчилар қатори қишлоқдан шаҳарга — Фарғонага ўқишга борди.

Н. Эшбоев 1950—1954-йилларда Фарғона Педагогика институтининг ўзбек тили адабиёти факультетини ўқиб тамомлади. Шундан сўнг, унинг серқирра, мазмундор, иш фаолияти бошланди. Мана қисқача йилномалар: Кўштепасидаги мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, Мамир-обод қишлоғида ўрта мактаб директори, сўнг, ҳозирги «Кўрғонтепа ҳақиқати» газетасида муҳаррир, туман халқ таълими бўлими мудири, 1960—1984 йиллар давлат органларида фаолият кўрсатди. Кўштепадаги мактабда директорлик лавозимида ишлаб туриб, қариллик нафақасига чиқди. Бироқ, шунда ҳам 1990 йилдан 1996 йилгacha туман фахрийлар кенгашининг раиси вазифасини бажариб юрди.

Юқорида биз санаб ўтган манзилларда, ташкилотларда қандай ишлаганинги, қандай ишларни амалга оширганинги унинг ҳамкаслари, шогирдлари, бирга ишлаган замондошлари жуда яхши биладилар. У ўзининг ишчанлиги, талабчанлиги, айниқса, одамлар қалбига йўл топа билишлиги билан ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди. Шунинг



учун бўлса керакки, умр йўлдоши Шарифахон ая билан фарзанд ва набиралари қуршовида умргузаронлик қилас экан, улар дарвозалари ҳамиша очик, негаки, одамлар унинг суҳбатига, маслаҳатига қулоқ соладилар.

Н.Эшбоев ўзининг босиб ўтган ҳаётий йўлига бир назар ташлар экан, қуйидаги айрим воқеаларни эслаб қўяди: «Ойбек, Ф.Фулом, Тамараҳоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Ш.Рашидовлар билан бўлган мароқли суҳбатлар бир умр ёдимда...», «Айб иш қилиб қўйган болага, айрим одамлар: «Сен одам бўлмайсан!» деб қўядилар, мен эса: «Сендан келажакда яхши одам чиқади, деб ўйловдим, сен яхши инсоннинг боласи эдинг-ку», дер эдим мактабда. Сўздан сўзнинг фарқи бор», «Туманга газ келтиришнинг ўзи бўлмаган, Ижроком раиси ўринбосари сифатида 1969 йилда кўп қийинчиликларга дуч келганман, Шахриҳонсойни қайта қуриш-чи...», «Газетада ишлаганимда битта амалдорни танқид қилиб фельетон чиқарганман, бўлди тўполон — бўлди тўполон...», «Қорасувдаги автобекатни, кўприкни, бозорни қуришдаги қийинчиликларни ва одамларнинг ҳашарга келишлари».

Нўъмонжон аканинг иш фаолиятига назар ташласангиз эсда қоларли кунлар шу қадар кўп эканки, умр бекорга ўтмабди, туманимиз тарихига ва одамлар хотирасига чуқур из солинибди.

Н.Эшбоев санъат ва адабиёт шинавандаси ҳамдир. Китоб унинг жони-дили, араб ва лотин алифбосидагиларни ҳам бемалол ўқийверади, ривоятлар ўқийди, ҳикоятлар, шеърлар тўқийди. Мана унинг ижодидан намуна:

«Мехр уруғини қалбингда ўстир,
Сўзлашган инсонлар қилсинлар ҳузур.
Сўзларинг ҳаммага маъқул бўлса гар,
Ортингдан ҳавас-ла дегайлар: «Бу зўр».

Инсоний фазилатларни улугловчи доно ўгитларни эшишиб катта бўлган фарзандлари: Ҳамидахон, Абдулқудус, Абдуқайс, Умидахон, Абдувайслар ўз камолотларини топганлар. Бу оқил инсонни элга қилган хизматлари эвазига кўксини орденлар безаб турибди.

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида	3
Кўргонтепамсан (К. Илёсов)	5
Кўргонтепа тарихига бир назар	6
Орифона ҳаёт (К. Илёсов)	10
Хайрли иш соҳиби (К. Илёсов)	13
Мард майдонда билинар (Т.Хўжамбердиев)	15
Меҳнатда тобланган ирода (К. Илёсов)	18
Камолот отининг суворийси (К. Илёсов)	21
Адолатдан топилган ҳурмат (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	24
Фидойи ўқитувчи (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	27
Довруғи достон бўлган аёл (Т. Хўжамбердиев)	29
Дилларга ёқилган чироқ (Х. Жалилова)	31
Эҳтиром (Т. Хўжамбердиев)	33
Тақдирлаш ва таҳқирлаш (К. Илёсов)	36
Валиев домла (Х. Жалилова)	38
Қуёш нури (Х. Жалилова)	41
Турғунбой доктор (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	44
Ибратли умр (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	46
Биз сув ичган ариқлар (Х. Жалилова)	48
Кўргонтепанинг биринчи ижроқуми (Т. Хўжамбердиев)	51
Элим деб, юртим деб яшаган ая (Т. Хўжамбердиев)	53
Устозлар устози эди (Т. Хўжамбердиев)	55
Ўзлигин намоёни қилтан аёл (К. Илёсов)	58
Жасур мироббоши (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	61
Биринчи агроном (К. Илёсов)	64
Армои билан ўтган умр (К. Илёсов)	67
Тарихнинг унунтимас онлари (Т. Хўжамбердиев)	70
Турмушнинг билимдони (Т. Хўжамбердиев)	72
Инсон дунёни англайди (К. Илёсов)	75
Қорасувлик асқиячилар сардори (Т. Хўжамбердиев)	77
У шундай аёл эди (Т. Мадумаров)	79
Асрни қувиб утган мўйсафид (К. Илёсов)	81
Маърифат жонкуяри (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	83
Маккажӯхорикорлар дарғаси (К. Илёсов)	86

Маърифат фидойиси эди (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	89
Умр күшиғи (Х. Жалилова)	91
Тош бағрида бустон яратган инсон. (Х. Жалилова)	94
Бекатларда тунаган мелиса. (К. Илёсов)	96
Умрзоқ артель. (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	98
Ушалтан орзу (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	100
Музаффаров академияси (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	102
Хотирадан күчган сатрлар (Т. Мадумаров)	105
Уста пиллакор (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	107
Элига қаймоқ ялаттан қиз (К. Илёсов)	109
Яловбардорлардан бири (К. Илёсов)	111
Рүёбга чиққан ўгитлар (Т. Хўжамбердиев)	114
Муҳандис Мулла Мамажон (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	117
Саховатпеша инсон (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	119
Яхшилик уруғи (Х. Жалилова)	121
Камтаринлик тимсоли (К. Илёсов)	124
Одамийлик мактаби (К. Илёсов)	126
Ҳақиқат йўлидаги событлик (С. Исмоилов)	128
Ўзгалар ташвишида (Х. Жалилова)	131
Унинг номи мангубий яшайди (Т. Хўжамбердиев)	133
Фарзандлар қиёфасида муҳрланган ота (К. Илёсов)	135
Санжаровни билармидингиз? (Х. Жалилова)	138
Ўлкамиз фахри (К. Илёсов)	141
Бу дунё синов майдонидир (К. Илёсов)	144
Бутун умр одамлар орасида (Х. Жалилова)	147
Саломатлик посбони (К. Илёсов)	150
Тарих яратган одамлар (Х. Жалилова)	153
Султонободлик сўз устаси (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	156
Устоз электрик (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	159
Истибдод исканжасида (Х. Жалилова)	161
Қаҳрамон пахтакор (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	164
Ҳаёти ибрат эди (А. Қорабоев)	166
Ҳалқ ўқитувчиси (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	169
Асов дарё жиловдори (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	171
Меҳнатга баҳшида умр (К. Илёсов)	173
Маърифатга баҳшида ҳаёт (Т. Мадумаров)	175
От устида утган умр (Т. Мадумаров)	178
Ўз касбининг фидойиси (Т. Мадумаров)	180
Етимлик нимадир, бизлардан сўра (К. Илёсов)	182
Истеъфодаги подполковник (Т. Хўжамбердиев)	184
Маърифат фидойиси (С. Исмоилов)	186
Эл севган раис (К. Илёсов)	188
Ерни тинглаган деҳқон (К. Илёсов)	191

Саховатпешалар сулоласи (Т. Ҳұжамбердиев)	193
Елқасига юрт юкин ортиб (К. Илесов)	195
Ҳужжатларни варақлар ўғил (Т. Мадумаров)	199
Хаёт мазмуни — умр ўлчови (Т. Мадумаров)	201
Халққа баҳшида умр (Т. Ҳұжамбердиев)	203
Кичик бригадирнинг катта иши (Т. Эгамбердиев)	206
Ҳаёт сұқмоқларидан бориб (Т. Ҳұжамбердиев)	208
Касби билан обрү топган (Т. Эгамбердиев)	211
Аёллар сардори (К. Илесов)	213
Ибратли ҳаёт (К. Илесов)	216
Техникада тобланған эди (Т. Ҳұжамбердиев)	218
Истиқболдан иқбол топған (К. Илесов)	221
Сув етаклаган етар муродга (Ҳ. Жалилова)	223
Тиним билмас инсон (А. Қорабаев)	225
Табиат ошиғи (У. Мамашоипов, Т. Исмонов)	227
Асқиямиз академиги эди (Т. Ҳұжамбердиев)	229
Умр сувдек оқадир (К. Илесов)	232
Яхшидан бօғ қолади (А. Қорабаев)	234
Она-ер фарзанди (К. Илесов)	236
Ойзоданинг ойдин йұли (М. Отаконова)	239
Эл билан ҳамнафас инсон (К. Илесов)	241

УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ

Тошкент — «Ўзбекистон» НМИУ — 2005

Муҳаррир *A. Мадраҳимов*

Бадиий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Мусаҳҳиҳа *Ф. Темирхўжаева*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Босишига рухсат этилди 10.02.2005. Офсет босма усулида босилди.
Коғоз формати 84x1081/32. Шартли босама тобоқ $13,02+0,42$ (вкл.).
Нашр табоги $12,77+0,70$ (вкл.). 2000 нусха. Шартнома № 111-2004.

Буюртма № К-0022. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

65.9(5Y-4-5)

У 51

Умр зарвараклари. /Кўргонтепа туман фидойила-
ри ҳаётидан/ (М. Қосимов ва б., Сўзбоши Маликжон
Қосимовники. Суратчи Равшонбек Фозилов). Т.: «Ўзбе-
кистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. —2005. — 248 б.

БББ 65.9(5Y-4-5)